

ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ

ЛАТОФАТНОМА

(Латойиф ут-тавойиф)

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1996

И (Фурс).
С 34

Фурсчадан
Ҳожи Сотимхон Хожа Инъом Мунаввар
таржимаси-

С $\frac{4702620100-16}{M352(04)-96}$ 28—95

© Ҳожи Сотимхон Хожа Инъом Мунаввар, 1996 й. (Таржимон ва сўзбоши муаллифи).

ISBN 5-635-01134-9

ЎРТА АСРЛАР ЛАТОФАТНОМАСИ

Халқ орасида "Латойиф ут-тавойиф" ва "Латойифуз-заройиф" номи билан машҳур бўлган бу асар XV асрнинг охири — XVI асрнинг бошларида яшаган улкан олим ва адиб Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг қаламига мансубдир. Ҳар бир маданий обида каби бу асарнинг ҳам ўз тақдири, тарихи ва асрлар оша кечган қисмати борким, уларнинг айрим қирралари ўқувчилар учун ҳам қизиқарлидир.

Сафийнинг отаси — Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ўз замонасининг забардаст олими, мислсиз нотинги ва йирик маданият арбобларидан бири эди. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, "Мавлоно Ҳусайн Воиз — "Кошифий" тахаллус қилур, сабзаворликдур. Йигирма йилга яқин борким, шаҳрдадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубтур. Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай. Хусусан ваъз (нотиқлик), иншо ва нуҷумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор". Эронлик машҳур олим Саид Нафисийнинг маълумотларига кўра ҳам Кошифийнинг асарлари 40 тадан ортиқроқдир. Шуниси ҳам характерлики, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ижодий мероси илму фаннинг адабиёт назарияси, тарих, диния, ахлоқ, эстетика, ҳуқуқшунослик, астронумия, фольклористика, бадий ижод каби ўнлаб тармоқларини қамраб олади. Бу асарлар ерасида "Тафсири Ҳусайний", "Анвори Суҳайлий", "Ахлоқи Муҳсний", "Ҳотамнома" каби бир қанчаси Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган.

Фахриддин Али Сафий ана шундай йирик олим ва фозил кишининг фарзандидир.

Ҳусайн Воиз Кошифий ўз замонасининг тенги йўқ арбоблари бўлган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Ҳусайний каби буюк сий-молар билан тенгдош, суҳбатдош ва яқин дўст бўлганлиги туфайли, Фахриддин Али ҳам бу мўътабар зотларнинг муборак суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлган. Ана шундай муҳитда ўсган Сафий, отасининг вафотидан сўнг Ҳирот шаҳрининг забардаст нотикларидан бири сифатида кўзга кўринади ва адиб сифатида ҳам Шарқ халқлари маданияти тарихида сўнмас из қолдиради.

Фахриддин Али йигитлик чоғларидаёқ Алишер Навоийнинг муҳаббатини қозонади ва "Мажолисун-нафоис"га киритилади. Навоийнинг маълумотларига кўра, у "бағоят дарवेशваш ва фоний ва дардаманд-шева йигитдур. Ҳиротдан Самарқандга Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатига мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул шараф этдиб, иршод ва талқин саодатига сарафроз бўлуб, яна Хуро-сонга келди". Алишер Навоий бу йигитнинг шеъриятда ҳам "таъён хуб" эканлигини зикр этади ва бир асаридан қуйидаги матлаъни далил сифатида келтиради:

Бо лаби лаълу хати ғолиягун омадй
Ажаб ораста аз хона бурун омадй.

¹ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Асарлар. Ҳн беш жилдлик, 12-жилд, 123 — 124-бетлар.

² Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. 12-жилд, 132-бет.

Яъни:

Лаъли лабу гул каби қомат ила келдинг,
Уйдан чиқибон зеби жаҳон қад ила келдинг.

Темурийларнинг сунги мустаҳкам қалъаларидан бири бўлган Султон Хусайн Бойқаро салтанати ҳам дарз кетиб, замон алғов-далғов бўлган бир пайтда Фахриддин Али Сафийнинг ҳаётидан ҳам ҳаловат йироқлашади. Айниқса, Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий каби маданият-парвар ҳомийлар олам саҳифасини тарк этиб, абадийлик сари юз тутган бир чоқда, замон маданият ҳомийларидан бирданига хув бўшаб қолган бир пайтда Сафий каби фозилларнинг муътадил ҳаёт кечириши мушкул эди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди. Чунки Фахриддин Али Сафий не сабабдандир зиндонга ташланди. Бир йил зиндон уқубатини чеккан Сафий осудароқ манзил қидириб, Ҳиротни тарк этади ва Ҳирот билан Ғазна ўртасида жойлашган Фуржистон сари йўл олади. Бу айёмларда Фуржистон ўз бошига мустақил бўлиб, Муҳаммад Сайфулмулк подшоҳлик қиларди¹. Султон Муҳаммад уни яхши кутиб олади. Аммо Таҳмоси Сафавийнинг Фуржистонга ҳужуми туфайли Фахриддин Али Сафий Ҳиротга қайтиб келишга мажбур бўлади. Унинг бундан кейинги умри ҳам ана шундай саргардонлик, гурбат ва ташвиш билан ўтади. Фахриддин Али Сафий ҳижрий 939, мелодий 1533 йил шу кўйда вафот этади. Унинг қабри Ҳиротдадир.

Не-не ташвиш, уқубат ва саргардонликларга қарамай, Фахриддин Али Сафий анчагина бой илмий ва бадиий мерос қолдиради. Ҳозирча илм оламида унинг фақатгина бешта йирик асари маълум. Аммо ана шунинг ўзиёқ Сафийнинг юксак адабий ва илмий истеъдоди, теран билими, улкан маҳоратидан инобатли далил бўла олади.

Фахриддин Алининг илмий меросидан бири бўлган "Рашаҳоти айналҳаёт" номли рисола нақшбандийлар силсиласининг тадқиқотига бағишланган бўлиб, тасаввуф ва мусулмон шарқи фалсафий меросини ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга. Шунингдек, бу рисола тарихий манба сифатида ҳам қимматлидур.

Сафийнинг иккинчи бир илмий мероси "Кашф-ул асрор" номли асари бўлиб, бу рисола отаси Хусайн Воиз Кошифийнинг машҳур "Асрори Қосимий" номли асарининг мухтасар баёнидан иборат. Ниҳоят, унинг учинчи илмий мероси "Анис-ул орифин фил — мавоиз" номли асари нотиқлик санъатининг муҳим масалаларига бағишланган. Ўзбек тилига таржима қилганда "Доноларнинг нутқ пайтидаги йўлдоши" деб аталувчи бу асар энг аввал етуқ нотиқларга қўлланма сифатида ёзилган бўлиб, унда сиёсат, ахлоқ, дин, мантиқ ва ҳуқуқшуносликка оид жуда кўп масалалар чуқур илмий асосларда ёритиб берилган. Шунинг айтиш шифо-яки, ўша замон ва кейинги замонларнинг кўпгина забардаст нотиқлари энг қийин пайтларда ўзларининг ана шу анис — йўлдошларига мурожаат этганлар ва Сафийнинг илмий даҳосидан баҳра олиб, чигал масалаларни ечиш учун муносиб калид топа билганлар.

Фахриддин Али Сафийнинг адабий-бадиий меросининг намуналаридан бири унинг "Маҳмуд ва Аёз" номли лирик достони бўлиб, Ғиёсиддин Хондамирнинг маълумотларига қараганда, бу достон Низомий Ганжавийнинг "Лайли ва Мажнун" номли достони вазида ёзилган². Аммо, Фахриддин Али Сафий номини кенг омма орасида муътабар этган асар "Латойиф ут-тавоиф" идир.

¹ Саидов Ҳалим. Ба жои сарсухан. (Қарал. "Мавлоно Фахриддин Али Сафий. Латойиф-ут-тавоиф. Нашриёти "Ирфон". Душанбе. 1968, 8-бет.

² Ғиёсиддин Хондамир. Ҳабибус сийр. Техрон нашри, 3-жилд. 3-жузъ, 341-бет.

Ҳа, "Латойиф" сўзи гарчи латифа сўзининг кўплиги бўлса ҳам, "латойиф" сўзи гарчи латифа мазмунини инкор этмаса ҳам, "латойиф" — бу "латифа" эмас. Латойиф — турли-туман дилкаш, маърифатли, ҳарактерли, худлас, қимматли воқеа ва ҳодисаларнинг латифанинг турли жиҳатдаги баёнидир. Шунинг учун ҳам бу ҳикоятларни латифа деб эмас, балки латофатлар, лутфлар деб аташ мантиққа яқинроқдир. Чунки бу латойифларни ўқиган киши худди латифа ўқигандек ҳам қаҳқаҳ солиб кулади, ҳам чуқур фикрга толади, сидқидилдан юм-юм йирлайди ҳам. Сафийнинг латойифлари орасида, гарчи халқ латифаларига айланиб кетган ҳикоятлар учраб турса ҳам, бу асар энг аввал чиндан ҳам доғ қилувчи латойифлар мажмуасидир. Зотан, муаллиф асарнинг номидек ўзининг ана шу му-родини мужассамлаштира олган. Зеро асарнинг номи "Латойиф ут-тавоийф" бўлиб, турли тонфадаги кишилар ўртасида бўлиб ўтган шовён дилқат латофатлар зикри демакдир. Шунинг учун ҳам бу асар ҳаммабоп, дилкаш ва мароқлидир. Бу асар шоҳу гадога бир хилда эстетик лавазат бағишлай олади. Аммо бидъатчи фанатиклар бундан мустасно. Чунки Сафий узоқ ўтмиш намоёндаси бўлишига қарамай исломни бадном қилувчи бидъат ва фанатизмга қақшатғич зарба беради. Балким шунинг учун-дир, ўтмишдаги ҳар бир саводли киши бу мўътабар асарнинг борлигидан воқиф бўлган, уни кўз қорачиғидек асраган, ардоқлаган. Ана шу халқ меҳри туфайли бу асар асрлар оша етиб келди. "Латойиф ут-тавоийф" ни ўзбек тилига таржима қилиш иштиёқи пайдо бўлиши билан Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номи Шарқшундслик илмий-тектириш институтининг қўлэмалар фонди (ЎзФАШИ фонди), Тожикистон Фанлар Академиясининг қўлэмалар фонди, Озарбайжон Фанлар Академиясининг қўлэмалар фонди дилқат билан кўздан кечирилди. Кўриб чиқилган қўлэмалар ичида, таржимада фойдаланиш учун ЎзФАШИ фондидаги беш мўътабар нуска ажратиб олинди. Улар, Р — 342, Р — 413, Р — 5718, Р — 1559, Р — 7404-инвентар рақамлари билан сақланади. Бу қимматли нускалардан иккитаси — Р — 5718 (таржимони номълум) ва Р — 7404 (Комил Хоразмий таржимаси) эски ўзбек тилида. Таржимага эса, охириги қисмдан бир оз йиртилиб, йўқолиб кетганлигини ҳисобга олганда, анча мукаммал ва қадимий мўътабар нуска бўлган форс тилидаги Р — 342 нусхаси асос қилиб олинди. "Шарқ қўлэмалари тўплами" каталогига ҳам бу нуханинг қиммати алоҳида таъкидланади ва қўлэма XVII асрга тааллуқли бўлса керак, деб тахмин қилинади. Қўлэманинг мазмуни, композицияси, тили ва услубига қараб, бу нухани муаллиф замонига энг яқин, XVII аср эмас, балки XVI асрга тааллуқли деб тахмин қилиш ҳам мумкин. Хуллас, Комил Хоразмийнинг таржимасидан кенг ва ижодий фойдаланган ҳолда, мазкур таржимага Р — 342 нусхаси асос қилиб олинди ва юқориди келтирилган ноидир нускалар ёрдамчи манба сифатида жалб этилди. Айниқса, Р — 342 нусхасида йўқ бўлган охириги қисми таржима қилишда Р — 7404, Р — 5718-нускаларидан унумли фойдаланилди.

Таржима устидаги асосий иш тугалланган пайтда "Латойиф ут-тавоийф"нинг тожик ва эрон нашрлари пайдо бўлди. Тожик наشري, асосан Аҳмад Гулчин Маоний томонидан Эронда нашр этилган нуханинг тожик графикасига табибли эканлигини ҳисобга олганда, бу ихкала нашр орасида принципиал фарқ йўқ, дейиш мумкин. Шуни қайд этиш зарурки, тожик олими Ҳалимжон Саидов "социалистик ахлоқ" принциплари нуқтаи назаридан ёндошиб, эрон нашрини ихтисор этади ва ўзига хос бир мунтахаб тузади. Ҳалимжон Саидов томонидан ёзилган ихчам сўзбоши ва изоҳлар "Латойиф ут-тавоийф"нинг ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилган.

¹ Собрание восточных рукописей АН УзССР, том II, стр.423.

"Латойиф ут-тавойиф"нинг тожик наشري билан бизнинг таржимани муқояса қилганда катта ва принципиал аҳамиятга эга бўлган фарқ борлиги маълум бўлади. Жумладан, латойифнинг тожик (ва эрон) наشري нусхасида воқеликлар ва шахсларни араблаштириш ва эронлаштириш тенденцияси кузатилади. Айтайлик, ҳатто Ҳусайн Бойқаро замонида машҳур бўлган забардаст нотиқ қози Ҷшийнинг номи ҳам Қози Авраш тарзида берилди. Қолбуки, асли Фарғонадан бўлиб, Ҷшда қозилик қилган ва Ҳироту Сиистонга бориб ўз нутқ маҳорати билан ҳаммани мафтун этган нотиқ, тарихий шахс бўлган катта санъаткорнинг номи қатор рисола, лугат, қомус ва таъкирларда Қози Ҷший тарзида зикр этилган. Бундай мисоллардан яна бир қанчасини келтириш мумкин.

Энг муҳими эса, бизнинг нодир ва мўтабар бўлган Р — 342 нусхамадаги ва Р — 7404 нусхадаги кўпгина принципиал аҳамиятга эга бўлган латойифлар тожик (Эрон) наشريда йўқ. Шу боисдан ҳам биз бу нашрдан айрим ҳикоятларни киритиш, айрим ҳикоятларга жузъий аниқликлар киритиш, айрим факт ва атоқли отларни муқояса этишда фойдаланган бўлсак ҳам, принцип жиҳатидан Р — 342 нусхасига содиқ қолдик.

Кўриниб турибдики, "Латойиф ут-тавойиф"нинг турли нусхалари ўртасидаги фарқ анча сезиларли. Шунинг учун ҳам бу қимматбаҳо хазинанинг танқидий мātни яратилмагунча, унинг академик таржимаси ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу мулоҳазаларга кўра, "Латойиф ут-тавойиф"нинг таржимасига биз ҳам анча эркин ёндашдик. Масалан, қолган ҳамма нашр ва қўлёзмаларга хос бўлган ҳамду сано ва айрим шахс ҳамда воқеликлар тавсифига онд риторикалар деярли мутлақо тушириб қолдирилди. Шунингдек, оригиналдаги ўн тўрт бобнинг узундан-узоқ номлари ва ҳар бир бобдаги ўнлаб фасллар номи ихтисор этилди. Унинг ўрнига, мазмун ва моҳиятига кўра ҳар бир ҳикоят ва латойифнинг ўзига ихчам ном қўйилди.

Таржима пайтида ҳозирги кун ахлоқий принциплари талаби нуқтаи назардан ёндошиб, ҳатто тожик наشريда ҳам ўрин олган айрим ҳаёсиз, ибосиз латойифлар тушириб қолдирилди, айримлари эса имкон қадар ниқобли шаклда таржима қилинди. Шунингдек, таржимада асл нусхага хос бўлган услуб сезилиб турилишига эътибор берилди. Натижада жумла қурилишларида, истилоҳларнинг асл ҳолида келтирилиб изоҳланишида асл нусханнинг, муаллиф услубининг ва давр нафасининг айрим зарурий чизгилари қолдирилди. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланганлиги учун илмий аҳамиятга эга бўлган изоҳлар миқдори онгли равишда чекланди ва айримларигина китобнинг охирида илова қилинди. Шундай қилиб, бу таржима оммавий характерга эга бўлиб, ҳеч қандай илмийликка даъво қилинмайди.

Таржима пайтида "Латойиф ут-тавойиф"нинг муҳим бир қисми, яъни Р — 342 да 9-фасли (тожик наشريда 9-бобнинг 7-фасли) мутлақо тушириб қолдирилди. Бу боб "Дар ажоиб саноеъи шуаро ва гароиби бадоеъи фикри" яъни "Шоирларнинг ажоиб санъатлари ва фикрларнинг гаройиб бадийлиги" деб аталади. Фаслнинг номидан ҳам кўриниб турибдики, бу ерда асосан шеърый санъатлар устида гап боради.

Фахриддин Али Сафийнинг ўз таъбири билан айтганда, маълумки, шеърый санъатлар жуда кўп ва фикрни бадий ифода этиш усуллари беҳалду канордир. Сафийнинг отаси Ҳусайн Воиз Кашифий алайҳирраҳма, ўзининг "Бадоеул афкор фи саноеул ашъор" ("Фикрлар бадийлиги ва шеърый санъатлар") номли рисоласида ана шу илмнинг хулосасини мужассамлаштирган. Сафий ўзининг "Латойиф ут-тавойиф"га, отасининг юқоридаги рисоласидан тақсим, табиин, тансиқ,

иғроқ, зилвужуҳ каби йигирмата санъатни олиб киритади. Бу санъатлар адабиётшунослар ва шеърят мухлислари, қолаверса, барча ўқувчилар учун анчагина мароқли эканлигига қарамай, уларни таржима этиш ва ўзбекча эквивалент шеърый мисоллар топиб тушунтириш жуда мушкул иш. Жумладан, *иҳом* *зилвужуҳ* санъатини олиб кўрайлик. Бир гап ёки сўздан икки маъно чиқса иҳом дейилади, бордию уч ва ундан кўп маъно берса *зилвужуҳ* дейилади. Мана, Хусрав Деҳлавийдан бир мисол:

Филтан шоҳиву бисъёр аст борат бар сарир,
3-ин маранж, эй абру бор, ар гўямат: бисъёр бор.

Мазмуни:

Филтан шоҳсену кўпдир тахт узра юкинг,
Шу боисдан "бисъёр бор" десам ранжима, эй абру бор.

Бу ерда "бисъёр бор" сўзлари етти маънода келади: 1) Филтан бўлган учун "бисъёр бор", яъни кўп юк кўтаради. 2) Шоҳ бўлгани учун "бисъёр бор", яъни кўп юк беради. 3) Шоҳ бўлгани учун "бисъёр бор", яъни яхши иш қилувчи, яхшилик қилувчи. 4) Десам ранжима "бисъёр бор", яъни, шоҳ эканлигинини кўп марта қайтарсам ранжима. 5) Сен абри бор (яъни, ёмғирли булут) сан, шунинг учун "кўп ёғувчи" маъносига, "бисъёр бор" десам ранжима. 6) "Бисъёр бор", яъни, кўп ёғабер десам ҳам ранжима. 7) Сен бир боғ бўлиб "бисъёр бор", яъни, кўп мевали десам ҳам ранжима. Кўриниб турибдики, бундай мисолларни таржима қилиш деярли мутлақо мумкин эмас. Санъатни тушунтириш учун эса, илмий-тадқиқот иши зарурдир. Мутаржимнинг ана шу ожизлиги туфайли, шеърый санъатлар мутлақо тушириб қолдирилди. Шунга қарамай, ўқувчиларни бу фаслдан мутлақо бебаҳра қолдирмаслик учун яна икки дилкаш санъат намуна сифатида келтирилади. Аммо шеърлар мутлақо сўзма-сўз таржима қилинади.

Тафсил санъати шундай санъатки, шоир шу санъатни қўллаб шеър айтганда (ёзганда), талаффуз этган чоқда сира лаб лабга тегмайдиган ҳарфлардан тузилган сўзларни ишлатади. Натижада, шеърни бошдан-оёқ ўқиганда ҳам сира лаб лабга тегмайди. Мисол:

РУБОИЙ

Эй дида, рухи нигор дидан хатар аст,
Эй дил, сари ин ришта кашидан хатар аст.
Ҳой, то начаши зи соғари ишқ дигар,
Зинҳор, дило, захр чашидан хатар аст.

Мазмуни:

Эй кўз, нигорнинг руҳини кўрмоқ хатардир,
Эй дил, бу ипнинг бошидан тортмоқ хатардир.
Ҳой, ишқ соғаридан яна татиб кўрмасанг,
Зинҳор, эй дил, захр тоттиш хатардир.

Тавсил санъатида эса шоир фақатгина лаблар билан талаффуз этиладиган ҳарфлардан иборат сўзларни ишлатади. Бундай шеърни ўқиганда

тил сира ҳаракат қилмаслиги ва ҳамма сўзлар фақат лаблар ва жар ҳаракати ёрдамида талаффуз этилиши керак. Хусрав Деҳлавийнинг қуйидаги рубойиси бу санъатнинг яхши мисоли бўла олади.

РУБОЙИЙ

Мўи маҳи мо ба бўи мо бўё беҳ,
Бе ў мўям, мўи ваям маъво беҳ.
Моему маҳеву мо' бо мо беҳ,
Мо бо маҳи мову маҳи мо бо мо беҳ.

Мазмуни:

Бизнинг ойнинг сочлари димоғимизга бўй (ҳид)
берганлиги учун яхши.

Усиз бир қилдекмиз, унинг сочидекмиз, маъво
(бир жой) яхши.

Биз ҳам бир оймизу бизнинг ой биз билан яхши,

Биз ўзимизнинг ой билан, бизнинг ой биз билан яхши.

Кўриниб турибдики, бу санъатларни таржимада сақлаб қолиш ва бирор мазмун чиқариш жуда қийин. Шунини ҳам айтиш жоизки, кўпгина санъатларга (шаклга) бўйсундириш учун асл нускада ҳам мазмун қурбон қилинади ва бу ҳодисанинг "чандон маза надорад", яъни бундай шеърларда "унчалик мазаси бўлмайди" деб Сафийнинг ўзи ҳам таъкидлаб ўтади. Бошқача қилиб айтганда, бу санъатларнинг айримлари мутлақо формалистик характерга эга. Аммо, бу ҳол шеърини санъатлар орасидаги катта маҳорат талаб этувчи аллақанча ижобий ҳодисаларни сира-сира инкор этмайди.

Ўтмиш маданий дурдонасини ҳозирги ва келажак авлодларга етказиб бериш учун қилинган ана шу таржимадан иборат кичкина меҳнатга катта масъулият билан қараган ва ўз маслаҳатлари, амалий ёрдамлари билан кўмаклашган муътабар отахон — олимлар, Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номли Шарқшунослик илмгоҳининг катта илмий ходимлари, филология фанлари доктори Жуманиёз Шариповга, филология фанлари номзооди Суйима Ғаниевага, ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирган нашриёт муҳаррирларига чексиз хурмат ва эҳтиромимизни билдирамиз ва дуойи хайр қиламиз.

Ҳожи Сотимхон Хожа Инъом
Мунаввар

ОЧКЎЗ

Бир куни икки мўътабар киши хурмо ер эдилар. Улардан бири еган хурмоси данакларини олдига тўплар, иккинчиси данакларни шеригининг олдига ташлар эди. Хурмо тамом бўлгандан кейин қарасалар, бирининг олдида бир уюм данак, иккинчисининг олдида эса ҳеч нарса йўқ. Олди бўш киши мутойиба юзасидан шеригига деди:

— Очкўз кишини хурмо еганда синаса бўларкан. Қаранг, шунча хурмони битта ўзингиз еб қўйибсиз-а!

Шериги дарҳол жавоб қайтарди:

— Кўзи тўқ кишилар хурмонинг данагини ажратадилар. Очкўзлар эса хурмони ҳам, данагини ҳам тановул қилаверадилар. Инсоф билан айтинг-чи, қай биримиз очкўзроқ эканмиз?!

КЎЗИДА ОҚИ БОР КИШИ

Бир куни бир хотин бир мўътабар зотнинг олдига келиб, деди:

— Тақсир, эрим сизни чақиряптилар, борармишсиз.

У киши деди:

— Эринг ҳалиги кўзида оқи бор киши эмасми?

Хотин деди:

— Йўқ. Наҳотки менинг эримни танимасангиз. Унинг кўзида оқи йўқ.

— Танийман, — деди ҳалиги киши табассум билан, — лекин кўзида оқи бор. Ахир кўз қорачиғини оқ ўраб олган-ку. Оламда кўзида оқи йўқ киши бўлмайди, келин.

ЖАННАТ САВДОСИ

Бир қари кампир бир мўътабар кишининг қошига келиб, илтижо қилди:

— Ҳазратим, дуо қилинг, зора сизнинг табаррук нафасингиз мадад бериб, жаннатга кирсам.

У киши табассум билан деди:

— Хола, қари кампирлар ҳеч қачон жаннатга кирмайди. Кампир оҳу афғон билан чиқиб кетди. У киши хизматкорларидан бирини кампирнинг орқасидан югуртирди:

— Бориб айт. Қуръонда қари хотинлар аввал ёш жувон бўлиб, кейин жаннатга киради, дейилган. Умидини узмасин.

БИР КЎЗ БИЛАН

Бир кўзи касалга мубтало бўлиб, риёзат чекиб юрган Саҳҳиб Румий исмли хуштабъ киши бир кун мўътабар бир зотнинг қошига келади. Қараса у кишининг олдида бир талай ҳўл ва қуруқ хурмо ётган экан. Ҳеч нарсадан парҳез қилмайдиган Саҳҳиб хурмо емоққа киришади. Шунда мўътабар зот дейди:

— Эй Саҳҳиб, сени-ку, кўзинг оғриқ. Ҳеч бўлмаса парҳез қилсанг-чи.

— Ҳазратим, — деди Саҳҳиб, — ташвишланманг, соғ кўзим билан кўриб еяпман.

Мезбон табассум қилибдилар.

БАРРА КАБОБ

Халифа бир куни битта кўзини кабоб қилиб, энди олдига олиб келган эди ҳамки, бир араб келиб қолди. Халифа уни дастурхонга таклиф этди.

Араб жуда оч эди, шунинг учун ҳам иштаҳа ва ҳирс билан кабоб ейишга киришиб кетди. Халифа ҳазил юзидан деди:

— Нима бўлди, сени бирор марта сузгандек кўзининг гўштини юласан-а?

— Ўзингта нима бўлди, — деди араб, худди бу кўзининг онаси сенга сут бериб қўйгандек олишингни мазаси йўқ.

Бу сўз Халифага хуш келиб, унга минг дирҳам инъом ҳам берди.

ТАДБИР

Бир араб Халифаникига келди. Дастурхон ёзиб, таом келтирдилар. Қараса Халифанинг олдида ёғ кўп-у, унинг олди қуп-қуруқ. Араб бармоғи билан ўзи томонга ариқча чизиб олди ва ёғ у томонга оқиб ўта бошлади. Халифа буни кўриб, Қуръондан:

— "...Наҳотки кемани чўктирмоқ учун тешаётган бўлсанг", — деган оятни ўқиди.

Араб ҳам:

— "...биз ана шу ўлик ерларга жон бағишлаш учун қуруқ ерлар устига сувга тўла булутларни юбордик" — деган оятни ўқиш билан жавоб берди.

"ТАНҚИС" ФЕЪЛ

Бир араб Халифанинг олдига арз билан борди. Халифа бир нарсдан нохуш турган эди, қаттиқ-қуттиқ гаплар айтди. Араб унга қараб деди:

— Эй Халифа, валлоҳки Ҳақ субхона Таоло ҳатто Муҳаммад Расулulloҳи Мустафога бермаган нарсаларни ҳам сенга берган экан.

Халифа:

— Ҳей, малъун, кофир бўлдинг-ку! — деб бақриб юборди.

— Нега? — деди араб хотиржам. — Мен мутлақо ҳақман. Чунки Ҳақ Таоло сенга бадфеъллик берган, аммо Муҳаммад Мустафога бермаган. Демак, Ҳақ Таоло ўзининг маҳбубига ҳам бермаган нарсани сенга берганлиги рост-да.

Халифа бу гапдан таъсирланиб кетди ва унинг илтимосини бажо келтирди.

ЮЛДУЗЛАР

Арабдан сўрадилар:

— Юлдузларни танийсанми?

Деди:

— Ҳолимизга нозирлик қилиб турувчи нуроний қарияларни нега билмас эканман.

ОЧЛИК РАМЗИ

Бир араб рамазон ойининг йигирма еттинчи куни янги чиқиб, нозик букилиб турган ойни кўриб қолди.

Деди:

— Э, тавба, худойим сенинг жисмингни ҳам менинг қорним каби бўшатиб, икки букиб қўйибди-я.

СОВУҚ ШЎРВА

Бир арабдан сўрадилар:

— Арабчасига иссиқ шўрвани нима дейдилар?

— Сахун.

— Совиб қолганини-чи?
— Биз шўрвани бошқа бир ном олгунчалик совутиб ўтирмаймиз, — деди араб.

ХАВФЛИ НАМОЗ

Бир арабдан:

— Нега қишда намоз ўқимайсан? — деб сўрадилар.

У деди:

— Қишнинг лашкари от суриб менинг бошимга кўп хавф солмоқда. Шу хавф туфайли намозга бир дуруст пайт топа олмаяман.

ОДАМ БОЛАСИ

Бир сайидзода билан фуқаро уришиб қолдилар. Сайидзода "Во, Муҳаммадоҳ", — деб фарёд чекди, Фуқаро эса "Во, одамоҳ!" — деб.

Ҳозирлар сўрадилар:

— "Во, одамоҳ" деганингда не маъни?

У деди:

— У ўзининг бобоси Муҳаммад пайгамбарни шафийликка (ёрдамга) чақиряпти. Мен ҳам ўз аجدодимни кўзда тутиб "Во, одамоҳ" дедим. У ҳали Муҳаммад пайгамбар чиндан ҳам бобоси эканлигини исбот этиши керак. Менинг Одам фарзанди эканлигимга эса ҳеч ким шак келтириши мумкин эмас.

САРКАРДА ВА ЎҒРИ

"Қобуснома"и Вашмгирда айтилибдурким:

Искандар Румий ўз душманига қарши урушга борадиган бўлди.

Умаро унга:

— Эй, подшо, ҳозир душман ғафлатда, унга кечаси ҳужум қилайлик, — дедилар.

Искандар деди:

— Мен ўғри эмасман, саркардаман. Ўғрилик билан ғалаба қилиш менга уят.

НАМОЗ ВА ҲАЗИЛ

Бир киши ўрта бўйли, аммо жуда беҳувват эди. Кунлардан бирида ўзининг узун бўйли йўлдоши билан масжидга боради. Намоз ўқиб турган пайтда узун киши ўз

шеригининг кавушини масжиднинг баланд бир тоқчасига олиб қўяди. Буни сезиб қолган йўлдоши аста туриб, шеригининг этагини масжиднинг устунига бостириб қўяди. Намоз тугаши билан ўз кавушини олади-да, бир чеккага чиқиб қараб туради.

Узун бўйли киши намозни тугатиб қарасаки, этагини устун босиб ётибди. Бу намоз пайтидаги одобсизлиги учун Оллоҳнинг жазоси деб минг изтироб билан қарасаки, бир чеккада полвон шериги кулиб турибди. Гапнинг нимада эканлигини тушунган узун киши шеригига ялина бошлайди. Минг товба-тазарруъ қилгач, шериги келиб, унинг этагини қутқаради.

ИККИ УЗУН, БИР КАЛТА

Бир куни мўътабар кишилардан бири ўзининг икки баланд қоматли хизматкорларининг ўртасида борар эди. Хизматкорлардан бири мутойиба юзидан деди:

— Ё ҳазратим, сиз бизнинг ўртамизда "лано" сўзидаги "нун" ҳарфига ўхшайсиз.

— Тўғри, — деди мўътабар зот, — бироқ, агар ўртангизда мен бўлмасам сизлар ҳам йўқ бўласизлар. Чунки, лано сўзида ўртадаги "нун" тушиб қолса "ло" бўлади. Бу эса арабчасига "йўқ" демакдир,

ОНА

Бир куни Ҳазрати Алининг олдига икки хотин битта гўдакни таллашиб келдилар. Иккиси ҳам бу гўдак меники деб даъво қиларди. Шунда мўътабар зот хизматкорларидан бирига буюрди:

— Бориб менинг Зулфиқор қиличимни олиб чиқ, токи бу гўдакни нимта қилай. Ҳар бўлагини даъвогарларнинг бири олади.

Боланинг ҳақиқий онаси титраб-қақшаб, у зотга ялина бошлади:

— Ё амирал мўъминин, шафқат қилинг, мен даъвомдан ўтдим. У менинг болам эмас, ҳақиқатан ўша хотиннинг боласи, болани ўлдирманг, унга топширинг.

Мўътабар зот у хотиннинг ўрнидан турғизиб, деди:

— Бу ўғлон сеникидур, сенга бердик. Сенинг фарзандингга чанг солган даъвогар эса жазога мустаҳқиқдур.

ШАРБАТ

Араб фузалосидан бири Имом Ҳасанга меҳмон бўлади.
Таомдан сўнг меҳмон дейди:

— Менга бир шарбат берсангиз.

Имом Ҳасан деди:

— Қандай шарбат истайсиз?

Меҳмон:

— Агар топилса, барча шарбатларнинг энг яхшиси бўлсин. Бордию топилмаса, шарбатларнинг энг ёмони бўлса ҳам майли. Шунда Имом Ҳасан ўз хизматкорларига қараб деди:

— Меҳмонга сув келтиринг.

Мажлис аҳли таажжуб қилдилар ва мезбоннинг идрокига таҳсин ўқидилар.

ЙИҚИЛГАН БОШҚАЮ...

Бир куни Мавлоно Қутбиддин йўлдан ўтиб борарди. Тасодифан биров томдан йиқилаётган экан, келиб Мавлононинг бошига тушиб, бўйнига лат етди. У кўрпа-тўшак қилиб ётган эди, акобирлардан бир гуруҳ кишилар зиёратга келиб, сўрадилар:

— Аҳвол қалай, Меҳдумо?

— Бундан бадтар бўлмайди, — деди Мавлоно, — қарангки, томдан биров тушиб кетсаю, менинг бўйним синса-я.

БҮЙНИНГИЗ ҲАМ...

Мавлонони кўргани бир тарсо қўшниси ҳам чиқди. Ҳол-аҳвол сураб:

— Хўш, аҳволларингиз қалай? — деди.

— Иситмам чиқяпти, бўйним оғрийди. Аммо шу бувундан иситмамнинг кети узилганга ўхшайди, — деди Мавлоно.

— Парво қилманг, Махдум, — деди тарсо, — худо хоҳласа униси ҳам узилади.

РҶЗА

Мўътабар бир зотдан сўрадилар:

— Тақсир, рўза нечун фарз бўлибдур?

У киши деди:

— Шунинг учунки, токи тўқлар ҳам очлик нималигини билсинлар ва оч-ночорларга раҳм қилсинлар.

САБОҚ

Мўътабар кишилардан бири ҳамроҳлари билан таом еб ўтирган эди. Шунда бир киши салом бермай шошилганча ўтиб қолди. Мўътабар зот таомга таклиф этди. Ҳозирлардан бири деди:

— Ё ҳазратим, нима сабабдан салом-аликсиз, писанд қилмай ўтиб бораётган кишини таомга таклиф этдингиз? У киши деди:

— Кўрмаяпсизларми, мусофирга ўхшайди. Демак, таомилни билмаслиги мумкин. Мен унга сабоқ бердим. Энди, идроки бўлса, бу хатосини қайтармайди.

ИСРОФГАР

Мўътабар кишилардан бири Мутаваккилга меҳмон бўлди. Мутаваккил меҳмоннинг гоят нафис қамашиб турган салласига қараб деди:

— Эй ҳодий (йўл бошловчи), дасторни неча тиллога олдингиз?

Меҳмон деди:

— Бизга инъом этган киши беш юз дирҳамга олган экан.

— Беш юз дирҳамлик дасторни бошингизга ўраб, исроф қилибсиз, — деди Мутаваккил.

Меҳмон деди:

— Эшитишимга кўра, ўзлари бир вақтлар битта чиройли канизакни минг динар зарга олган эканлар, ростми?

— Валлоҳ рост гап, — деди Халифа.

Меҳмон деди:

— Мен беш юз дирҳамлик дасторни барча аъзонинг шарифи ва мўътабари учун олдим. Сиз минг тиллога бир канизакни барча аъзонинг ёмонроғи учун олибсиз. Энди инсоф билан айтингчи, қай биримиз исрофгармиз?

ТУҲМАТ

Мутаваккилга яра чиқиб, кўп азоб бергандан кейин, бир мўътабар зотга киши юбориб, нажот сўради. У зот қўй ёғига олтин қириндисини қориштириб маддага босишни айтди. Мутаваккил юборган хизматкор шу гапни етказиб келганда унинг қошида бир талай жарроҳ ва табиблар бор эдилар. Улар мўътабар зотнинг бу малҳамидан кулдилар. Бу сўз Мутаваккилнинг онасига етиб боргач, у

келиб табибларни уришиб, ўзи ўша малҳамни қилди. Мутаваккил тезда шифо топиб кетди ва шукрона ҳамда хизмат ҳаққи деб, ўн минг динор пулга муҳр босиб, мўътабар зотга юборди. Бу иноятдан хабардор бўлган ҳасадгўйлар ва ҳазратнинг душманлари Мутаваккилга келиб: "Сен иноят қилган киши, ўша пулларни қурол-аслаҳага сарфляпти. Бир куни ўз пулинга келган қилич билан ўз бошингни олади, туну кун шунга тайёрланиб ётибди", — деб иғво қилдилар. Мутаваккил уларнинг гапига ишониб, Сайид Ҳожиб исмли машҳур ўғрини чақириб, деди:

— Ёнингга бир зангини олиб, фалончининг туйнугидан тушасан. Уйда бор нарсасини ахтаргин ва ўзи нима билан шуғулланаётганлигини аниқла.

Сайид Ҳожиб бир неча сафдоши билан ўша мўътабар кишининг уйига тушди. Иттифоқо шу кеча жуда қоронғи эди. Сайид Ҳожиб қайси уйга киришини билмай турган бир пайтда, у зот воқеадан хабардор бўлиб қолди ва ўз хилватхонасидан туриб овоз берди:

— Ҳой, Сайид Ҳожиб, ўша ерда тургин. Ҳозир чироқ юбораман.

— Сайид Ҳожиб бу қолдан қангу манг бўлиб турган пайтда мўътабар зотнинг ходими бир чироқ ва бир даста калид олиб келиб, деди:

— Ҳазратим буюрдиларким, барча уйларни кўриб, қандай қурол-аслаҳа топсанг, у кишининг ёнига олиб борар эмишсан.

Сайид Ҳожиб ҳамма уйларни қидириб, ҳеч нарса топа олмагач, мўътабар зотнинг хилватхонасига кирди. Қарасаки, у киши биттагина бўйра устида мутолаа билан банд. Олдида жойнамоз, бир қилич ва Мутаваккил инъом қилган ўн минг динор пул, муҳр босилганлигича ҳамёнда турибди. У зот деди:

— Бизнинг хилватхонамизда салтанат асбобидан икки нарса бор: Бири қилич ва бири ана у ҳамён. Иккисини ҳам олиб кетгин, токи ҳасадгўйлар ўз кўзлари билан кўрсинлар.

Сайид Ҳожиб қилич билан ҳамёни олиб келиб, ўз хожасига топширди. Мўътабар зотнинг аҳволидан воқиф бўлган ва ўзи инъом этган ҳамёни аввалгидек муҳрлик кўрган Мутаваккил бағоят хижил бўлиб, қилмишидан кўп таассуф еди. Гийбатчиларни жазога тортиб, мўътабар зотга тағин икки минг мисқол зар юбориб, иноят қилди.

ЧЎНТАКЛАРДАГИ ХАЗИНА

Жаъфар Бинни Яҳё бинни Холид Бармақий саҳрода Ҳорун ар-Рашид билан ёнма-ён борарди. Ногоҳ, олтин юкланган туялар карвони дуч келиб қолди:

Ҳорун ар-Рашид сўради:

— Хўш, бу хазина қаердан?

— Хуросондан, — деди карвонлардан бири, — буни Фазл Бинни Яҳёнинг ўрнига тайинланган янги ҳоким Али Бинни Исо сизнинг хазинангизга юборди.

Фазл Бинни Яҳё Ҳорун ар-Рашиднинг ёнида турган Жаъфар бинни Яҳёнинг акаси бўлиб, сал олдинроқ Хуросон ҳокимлигидан олиб ташланган эди.

Ҳорун Жаъфарга бурилиб, деди:

— Хўш, аканг ҳокимлик қилган чоқларда бу моллар қаерда эди?

Жаъфар ҳозиржавоблик билан деди:

— Эгаларининг чўнтақларида, шоҳим.

Ҳорун табассум қилди.

ХОЛИД БАРМАҚИЙ ҲИКМАТИ

Жаъфар Бинни Яҳё Бинни Холид Бармақий бир кишига ҳар куни озгина инъом бериб турарди. У киши бир куни бу инъомлар жуда камлик қиляпти, бир йўла...— деган мазмунда арз қилди.

Бармақий деди:

— Эсингда бўлсинким, бирдан келиб, бирдан кетгувчи инъомдан кўра оз-оздан бўлса ҳам ҳар куни келгувчиси афзалдир.

ЁЛҒОНЧИ ЗОҲИД

Бир зоҳид подшоҳ қошига бориб деди:

— Ўтган кеча пайғамбар алайҳиссаломни тушимда кўрдим. Бориб подшоҳга айтгин, шаробни камроқ ичсин, деб айтдилар.

Подшоҳ деди:

— Валлоҳким, сен ёлғон гапиряпсан.

Зоҳид деди:

— Бу туш ёлғон эканлигини нима билан исбот қиласиз?

Подшоҳ деди:

— Сенинг гапингга қараганда пайғамбар саллиало алайҳи васаллам шаробни озроқ ичсин, дебдилар. Демак, шаробни озроқ ичишга рухсат берибдилар. Ваҳоланки, ҳазрат ҳаромни ичмоққа хоҳ кўп бўлсин ва хоҳ оз бўлсин, рухсат бермайдилар.

Зоҳид айтган сўзидан хижолат қилиб, ҳозирлар подшоҳнинг фаҳми тезлигига офарин дедилар:

ҚАНОАТ ҲАЙВОННИНГ ИШИ

Бир куни Искандарга дедилар:

— Сиз шунча мамлакатларни ўз тасарруфингизга келтирдигиз. Нега энди ҳанузгача қаноат қилмайсиз?

Искандар деди:

— Бир нарсадан қаноат қилмоқ, хурсанд бўлмоқ ва ҳар нарсадан ором олмоқ ҳайвонларнинг иши.

Байт:

Лаъл ва гуҳар аз дили кон металаб
Ҳарчи сони беҳ аз он металаб.

Яъни:

Лаълу гуҳар коннинг қаъридадир,
Яхшироғи ундан ҳам наридадир.

АВВАЛ ЎЗИНГГА БОҚ...

Яъқуб бинни Лайс салтанат эгаси бўлган вақтигача бир фақир ва муҳтож киши эди. У салтанатга ўтириб, Сажистонлик бир кишини таъқиб этаверди ва охири унинг молу мулкини бутунлай тортиб олиб, бир бурда ноғга муҳтож қилиб қўйди. Бир куни жабрдийда унинг олдига келди.

— Хўш, аҳволинг қалай? — деб сўради ундан Яъқуб бинни Лайс.

— Сенинг кечаги кундаги аҳволингдан, — деди у.

— Менинг кеча аҳволим қандай эди? — сўради Яъқуб.

— Менинг бугунги аҳволим каби, — деди жабрдийда.

Яъқуб газабланди, олдинга интилди, аммо ўйлаб туриб инсофга келди ва жабрдийдани бу гаплари учун сийлаб, бутун молу мулкини қайтиб берди.

ЭНГ ЕНГИЛ АЪЗО

Хисрав Парвиз раиятга зулм қилувчи бир амалдорини ҳузурига чақирди. Амалдор гаронжонлик¹ қилиб, ҳадеганда келавермасдан пайсалга солди. Шунда Парвиз шу диёрнинг ҳокимига буйруқ юборди:

— Унинг танаси келиш учун гарон (оғир)лик қилган кўринади. Шунинг учун унинг энг енгил аъзоси, яъни бошини юборган.

ЯЪҚУБ ИБНИ ЛАЙС

Яъқуб ибни Лайс подшоҳ бўлмасдан бурун ўз қабиласи йигитлари билан бир жойда ўтирган эди. Шу аснода қариндош-уруғларидан бир қари киши келиб, унга деди:

— Эй Яъқуб, сен ғоят келишган йигитсан. Рози бўлсанг, қабиладан бирор соҳибжамол қизга совчиликка борайлик.

Яъқуб қиличини ғилофдан чиқариб деди:

Шарқ ва ғарб мамлакатларини хутба² қилдим. Барининг даст паймонаси бу тиғи обдори жавшандадир.

Назм:

Арўси мулки касе дар канор гирад танг,
Ки бўса бар лаби шамшири обдор занад.

яъни:

Қўлдаги шамширин тиғини ўпган
Воз кечар оддий мулк бўлган келиндан.

ҒУРИЛАР³

Садид Авфий "Жавомеул ҳикоёт" номли китобида келтирадики, Султон Масъуд Ғазнавийнинг ўғли бўлмиш Баҳромшоҳ ғурилар вилоятига бир ҳоким тайинлади. Ҳоким ўз ҳукмидаги ғуриларга жуда кўп жабру ситам кўрсатди. Сабр косаси тўлиб-тошган ғурилар у золимдан арз қилиб

¹ Гаронжон — ялқов, бефаросат.

² Хутба — бу ерда, ўзимга қаратиб олишга жазм қилдим, маъносид.

³ Ғурилар — Афғонистоннинг бир вилоятида яшаб, боғдорчилик ва чорвачилик билан шугулланган қабила.

Ғазнага Баҳромшоҳнинг олдига бир кишини юбордилар. Шоҳнинг амри билан ҳокимнинг золимлигини манъ этувчи узун нишон ёзилади. Ғури ўша ёрлиқни олиб келиб, ўз ҳокимига тутқизди. Ҳоким ёрлиқни ўқиб чиққач, йиртиб-йиртиб, йиртилган фармон қоғозини уни кўтариб келган ғурига едирди. Ғури яна арзга борди. Баҳромшоҳ амр қилдики, ҳокимни тартибга чақирувчи бир ёрлиқ ёзсинлар. Мунший қўлига бир узун қоғозни олгач, ғури деди:

— Эй мунший, иложи бўлса нишонни кичикроқ қоғозга ёзгин, токи уни егунча камроқ азоб чекайин.

Ғурининг сўзларидан Баҳромшоҳ кулди.

Ғури деди:

— Агар ўз фармонингни бир еб кўрганингда эди, сира кулмаган бўлардинг.

Баҳромшоҳ бу сўздан таъсирланиб, воқеани сўради. Золимнинг кирдикоридан воқиф бўлгач, деди:

— Эй ғури, рост айтасан, худо ҳақи учун аҳд қилдимки, то у золимдан одиллик интиқомини олмасам, таом емайман ва кўзимга уйқуни қўндирмайман.

У дарҳол туриб, қиличини белига боғлаб, ғурилар диёри томон азм этаркан, деди:

— Овчилар отлансин, Ғури тоғларига бориб сайд қиламиз. Шу баҳона билан Баҳромшоҳ ғурилар диёрига борди. Шоҳнинг келишини эшитган у золим ҳоким туҳфа ва пешкашлар билан йўлга, унинг истиқболига чиқди. Шоҳ кўриниши билан унинг узангисини ўпиш ниятида отдан тушиб, у томонга югурди.

Баҳромшоҳ буюрди:

— Ҳой ғурилар, фармонимни эшитинг. Бу золим сизга зулм ва таҳдид қилди, менинг фармонимни сизларга едирди. Амрим шуки, бу золим таомдан ўзга нарса емоқнинг машаққати нима эканлигини англасин. Унинг томоғига йигирма ботмон кўрғошинни эритиб қуйинглار.

Шундан кейин бир одил кишини ғурилар вилоятига ҳоким қилиб тайинлаб, отдан тушмай, йўлида давом этди.

ҲАЗЗОРЛАРДАН¹ ШИКОЯТ

Узун соқолли бир деҳқон Ғур вилоятдан Мирзо Бобурнинг олдига арзга келди ва сенинг ҳаззорларинг менинг ўн эшакча келадиган ғалламни юз эшак ҳисоблашди, деб шикоят қилди.

¹ Ҳ а з з о р — деҳқонлар ғаллаларига солиқ солувчи ўлпончилар.

— Эй аблақ гурий, — деди Бобур Мирзо, — шу ўн ботмон соқолни менинг олдимга кўтариб келиб ёлғон гапиришга уялмайсанми. Ким ўнни юз дейиши мумкин?!

Деҳқон деди:

— Эй Мирзо, сен битта менинг соқолимни ўн ботмон ҳисоблаганингдан кейин, мен ҳаззорларингта нима ҳам дейишим мумкин?

ИНТИҚОМ

Бир деҳқонга жабр қилган эдилар, подшоҳнинг олдига арзга борди. Подшоҳ унга эътибор ҳам бермай, бошқа иш билан банд бўлди. Деҳқон яна қайтарди. Подшоҳ юзини буриб олди. Учинчи марта қайтарган эди, подшоҳ газабланиб деди:

— Э-э, бош оғриғингни олиб бор!

Деҳқон айтди:

— Шоҳо, бош сенсан, оғриқни қаёққа элтай?

Бу гап подшоҳга таъсир этиб, ситамгардан интиқом олди.

ҲАРБИЙ ЁЗИШМА

Искандар Дорога қарши уруш очганда ўз рақибини чўчитиш муродида Доро унга хат юборди:

"Эсингда бўлсинки, Доро саксон минг мард билан биргадир".

Искандар жавобида ёзди:

"Эсингда бўлсинки, қўйнинг кўплиги қассобга ҳеч қандай хавф туғдирмайди".

РУМ ҚАЙСАРИ МАНТИҚИ

Рум Қайсарининг икки улуғ душмани бор эди. Бир куни уларнинг иккови ўзаро уруш бошлашганини эшитди. Пойтахт муаббирлари (тадбир этувчилари) жам бўлиб, иккала душманнинг диёрига бостириб бориш ва уларни зеру забар қилишнинг айни пайти эканлигини айтдилар. Рум Қайсари деди:

— Сизларнинг бу тадбирларингиз хатодир. Чунки улар бизнинг қасд қилганимиздан хабар топишса, иккови иттифоқ тузиб, бир тарафга юради ва бизни ўртадан кўтаради.

Мен сизларга бир мисол кўрсатай деб, буюрди: — ик-кита овчи ит олиб чиқиб, бир-бири билан уриштиринглар. Итлар урушининг айни қизгин пайтида буюрди:

— Узоқдан бир кийикни кўрсатинг. Хизматкорлар кийикни кўрсатган эдилар, итлар дарҳол урушдан тўхтаб, кийик томон югурдилар.

Муаббирлар Рум Қайсарининг мантиқи ва фаҳмига офарин дедилар.

ТАЪВИЛ САНЪАТИ¹

Бир куни Мутаваккил ўз камончилари билан юрган чоғида бир чумчуқни мўлжаллаб, тир отди. Ўқи хато кетди. Мутаваккил кўпчиликнинг орасида жуда изза бўлди. Шу чоқда ҳозир бўлган надимларидан бири ибни Ҳамдун:

— Офарин сенга, ай халифани олам, — деди.

Мутаваккил унга қараб:

— Тир хато кетган чоқда таҳсин айтиш ва хушомад қилишга не ҳожат, — деди.

Ибни Ҳамдун айтди:

— Менимча, сен ўз марҳаматинг камолидан, ҳатто ана шу чумчуққа ҳам озор бермаслик учун атайлаб хато этдинг.

Мутаваккил уни таъвил учун олқишлади ва эллик минг дирҳам инъом берди.

ТАДБИР

Мавлоно Замахшарий ўзининг "Рабеъул аброр" номли китобида ёзишига қараганда, Умар ибни Хаттоб ҳукумати замонида Ҳармазон исмли бир давлат ҳарифини тутиб келиб, қатлга ҳукм қилдилар. Мадинада уни қатл этмоқчи бўлиб турганларида, ҳариф арз қилди:

— Мен бағоят ташнаман. Арз қилиш менинг учун ҳуқуқи шаърий. Аввал менга сув беринг, сўнгра тиг су-ринг.

Ибни Хаттоб амри билан дарҳол бир коса сув келтириб бердилар. Ҳариф косани қўлида ушлаганича қалтираб ту-рар эди. Унга дедилар:

— Ташнаман дединг, нечун энди сувни ичмаяпсан?

Ҳариф деди:

¹ Таъвил — тушни, сўзни ёки бирор ҳодисани ўз маъносидан бошқа маънога буриш, бошқа ёққа йўйиш.

— Сув ичмасимдан олдин мени ўлдириб қўймасалар деб қўрқяпман.

Ибни Хаттоб деди:

— Ҳозирлар гувоҳ бўлсинларким, сув ичгунингча сенга омонлик бердим.

Ҳариф шу заҳотиёқ косани ерга урди. Ибни Хаттоб деди: Дарҳол уни ўлдилинг.

— Йўқ, — деди ҳариф, — ахир гувоҳлар олдида менга сўз бердинг. Сув ичгунингча омонлик бердим, деб айтдинг. Мен сув ичганимча йўқ ва ичмайман ҳам. Сўнгра, сенинг лафзингга ишонаман.

Ибни Хаттоб деди:

— Мен аҳдимга хилоф иш қилмайман. Тадбирингга қойил, Ҳармазон. Энди сени ўлимдан мутлақо озод қилдим.

АДОЛАТ ВА РАИЯТ

Бир куни Кисро Анушервонга: "Раиятингдан фалон хожа шу қадар бойиб кетдики, сенинг хазинангда у бойликнинг бир қисми ҳам йўқ", — деб ёзиб юбордилар.

Кисро жавоб ёзди:

— Алҳамдулиллоҳки, бизнинг адолатимиз туфайли раиятимиз биздан ҳам бойроқ бўлибдилар.

Шундан сўнг хат ёзган гийбатчиларни жазолашга фармон берди.

ЖАНГОВАР ҲИКМАТ

Ҳабаш подшоҳи Яманнинг ҳокими бўлган Сайфи Зилзани вазифасидан четлатгач, у Анушервондан мадад сўрайди. Анушервон унга уч минг нафар йигит қўшиб беради. Шунда Сайфи Зилзан дейди:

— Эй Кисро, уч минг йигит элик минг йигитга қарши нима ҳам қила оларди?

Кисро дейди:

— Утин қанчалик кўп бўлмасин, уни кулга айлантириш учун озгина олов кифоя.

КИСРО ҲИММАТИ

Кисро базм берганда бир киши битта олтин қадаҳни ўғирлаб қўлтиққа урди. Бунни кўриб қолган Кисро андиша қилиб, индамай қўяқолди. Мажлис тугаши билан соқий ўрнидан туриб:

— Ҳеч ким ташқарига чиқмай турсин. Битта олтин қадаҳ йўқолди, ҳаммани текшириб кўрамиз, — деди.

Кисро буюрди:

— Қўявер, майли, кета берсинлар. Чунки қадаҳни олган киши уни бари бир қайтиб бермайди, унинг олганини кўрган киши эса айтмайди.

Маълум вақтдан кейин Кисро шу кишини кўчада кўриб қолди. У янги либослар, ажойиб этик кийган ва белига шамширли камар боғлаган эди.

Кисро рамзу ишоратлар билан деди:

— Бу янги либослар ўшанданми?

У киши этагини қайириб, деди:

— Мана бу кўйлак, шалвар ва этик ҳам ўшандан.

Кисро кулиб деди:

— Бориб газначидан минг мисқол қизил олтин олгин. У тугаса тагин келавер.

У киши бориб инъом этилган олтинни олди ва шу йўл билан Кисронинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолди.

ҚАРЧИҒАЙ ВА АРИ

Хисрав Парвез олдига бир қарчиғайни келтириб, дедилар:

— Улуғ хоқон, бу жонивор шундай кичиклигига қарамай бургутни ҳам енга олади.

Хисрав деди:

— Дарҳол бошини узиб, саҳрога элтиб ташланг.

Ҳозирлар дедилар:

— Нечун мундоқ қилдингиз?

Хисрав деди:

— Ўзидан каттага ҳамла қилувчи кичикнинг жазоси шу.

Бу тадбир Чингизхон мажлисидаги ари билан тустовуқни ов қилувчи сайёднинг нақлига ўхшайди. Унда ҳам Чингизхон арини ўлдириб, овчини жазога тортган эди.

ЗОЛИМНИНГ ЖАЗОСИ

Подшоҳ бир гуноҳкор тақдири ҳақида амирларининг бирига маслаҳат солди. Амир деди:

— Шоҳим, агар мен сенинг ўрнингда подшоҳ бўлсам эди, бу гуноҳи учун уни қатлга ҳукм этардим.

Шоҳ деди:

— Хайриятким, сен менинг ўрнимда эмассан. Шунинг шукронасига сенинг сўзингни қабул қилмайман.

Шундан кейин гуноҳкорни озод қилди ва амирни иноят назаридан четлаштирди.

ШУМ ҚАДАМ

Жаъфар бинни Умайя деган киши аввал Абдулмалик амирларидан эди. Ундан юз ўгириб, Мусаббитга хизмат қилади. Шу орада Мусаббит ўлиб, у яна Абдулмалик мулозаматига қайтиб келди.

Абдулмалик деди:

— Сен мендан қочиб, душманамга қўшилдинг. Энди нечун яна қайтиб келдинг?

Жаъфар деди:

— Шоҳим, мен бегоналарга шум қадамдирман. Бу маънини бир неча дафъа синаб кўрганман. Мана, бу сафар ҳам бориб, унинг ишини тамом қилиб келдим.

Абдулмалик бу сўзни эшитиб кулди ва уни хизматга қабул қилди.

ДАҲШАТ

Абу Айюб деган киши Мансур халифанинг энг яқин кишиларидан бири эди. Лекин ҳар вақт Мансур уни чақирса, ранги ўчиб, вужудига ларза тушарди.

Бир куни бир маҳрам хилватда ундан сўради:

— Сен-ку, халифанинг энг ишончли суҳбатдоши ва яқинларидансан. Нечун ҳар вақт чақирса қўл-оёғингга ларза тушади?

Абу Айюб деди:

— Э, биродар, ўтга яқинлашсанг куйиш, сувга яқинлашсанг чўкиш хавфи муқаррардур. Яхшиси, сенга бир ҳикоятни нақл қилиб бера қолай:

Қарчиғай хўроздан сўради:

— Сен ёшликдан баний одам уйида бўласан. Улар сенга ўз қўллари билан дон-сув берадилар, сенинг учун уй-жой курадилар. Нима учун ҳар вақт сени ушламоқчи бўлганларида ғавғо қилиб, фарёду афғон билан у уйдан бу уйга, у томдан бу томга қараб қочасан?

Мен эса бир ваҳший қушман, кезиш жойим тоғу саҳро. Шунга қарамай, тутиб келсалар қўлларида юраман. Овга қўйиб юборсалар ҳеч шовқин-суронсиз бориб, яна қайтиб келаман.

Хўроз деди:

— Эй Сор, бирор жойда қарчиғайни сизга тортиб пиширганларини кўрган ёки эшитганмисан?

— Йўқ, — деди қарчиғай.

Хўроз деди:

— Ундай бўлса қулоқ сол: мен бу ерга келганимдан бери юзга яқин хўроз сихга тортилиб, кабоб бўлиб кетди. Мен ана шу шовқин-суроним туфайлигина омон қолдим. Айтгинчи, мен додламай ким додласин?

САХОВАТ

Амири кабир Мир Али ҳамиша фақир-бечораларга Мирзо Шоҳруҳ номидан топган-тутганини улашиб юрарди. Ҳасадгўйлар бу воқеани ёмонга йўйиб, Мирзога етказдилар. Мирзо ғазабнок бўлиб, Мир Алини чақирди ва деди:

— Ажаб ҳол, улуғ амир. Менинг ўлимим сизга нечук керак бўлиб қолди. Халққа мени ёмонлаб, симу зар тарқатиб юрармишсиз.

— Сизга бу хабарни ким етказди? — деди Мир Али.

Мирзо бор гапни айтиб берди.

— Тўғри, — деди Мир Али, — эшитган сўзларингиз бари ҳақ. Фақатгина сизга бўлган суиқасд борасида ҳасадгўйлар андаккина хато қилибдилар. Мен шунинг учун Мирзам номи билан қарз бераманки, токи қарздорлар ҳамиша уни дуо қилсинлар, умрининг узоқлигини тиласинлар.

Бу гаплардан хушнуд бўлган Мирзо Шоҳруҳ амири кабир мартабасини янада кўтарди ва ҳасадгўйларни иноят назаридан четга сурди.

ВОИЗ АҲМАД ФАРАНХУДИЙ

Хожа Аҳмад Фаранхудий доно киши бўлиб, Ҳирот шаҳрида ҳам ваъз айтарди, ҳам девонда ишларди.

Бир куни Мирзо Шоҳруҳ ўзига яқин бўлган Хожа Пир Аҳмадан, Фаранхудий қандай воиз, деб сўраб қолди.

Хожа Пир деди:

— Бу оламда ўз ваъзига амал қилувчи киши Хожа Аҳмад Фаранхудийдир.

АЙБСИЗ ГУНОҲКОР

Бир куни Ҳажжож бинни Юсуф деди:

— Бориб кўринглар, зиндонда бирор фазилатлик киши топилармикан. Бир оз суҳбат қурайлик.

Бориб бир фозил кишини топиб келдилар. Ҳажжож у билан суҳбатлашди.

— Айт-чи, сен не сабадан зиндонга тушдинг?

Фозил деди:

— Амакимнинг бир ўгли бўларди. Ноҳақ бир иш қилиб қўйиб, қочиб кетди. Унинг ўрнига мени тутиб зиндонга солдилар.

— Наҳотки амакингнинг ўгли учун риёзат чекишга рози бўлиб, арз қилмаган бўлсанг?

— Шундай. Амри шоҳ вожиб, деганлар. Бари бир, мен бўлмасам у ётишга мустаҳиқ эди-да.

— Сен дарҳақиқат мард киши экансан, — деди Ҳажжож, — фақат мард кишиларгина бировнинг бадкирдорлиги учун балога гирифтор бўлса ҳам, шу балони бошқага раво кўрмайди.

Ҳажжож мулозимларига деди:

— Қаранг, афсуски худойи таоло ана шундай фозил ва ростгўй кишиларни кам яратади. Амр қиламан: Бундан бўён ҳеч кимни бировнинг гуноҳи учун тутманглар.

Шундан кейин Ҳажжож жабрдийда фозилга икки минг динор иноят қилиб, сарфароз этти.

ҲАЖЖОЖ ВА ҚУЛ

Бу ҳикояни басралик қуллардан бири Товус Яманий нақл қилган.

Унинг гапига қараганда, бир куни Ҳажжож бир қули билан савол-жавоб қилади ва қул ўз подшоҳининг саволларига айна ҳақиқатдан иборат аччиқ-аччиқ жавоблар қайтаради. Шу аснода, Ҳажжож ўз укаси ҳақида суриштирди.

— Эй қул, сенларнинг ҳокиминг бўлмиш Муҳаммад бинни Юсуф ҳақида нима дейсан?

— Кўрган-билганимни, — деди қул, — менимча, у жуда семиз, қўпол ва йилтиллаган одам.

— Мен сендан унинг ташқи кўринишини эмас, балки адлу инсофини сўраяпман.

— Ундай бўлса, — деди қул, — библиб қўйгин, у ўтакетган золим, фосиқ, ҳаёсиз, қонхўр ва жаллод.

— Шундай экан, — деди Ҳажжож, — нега унинг устидан катталарга арз қилмайсан?

— Ундан каттаси ундан минг марта золим ва қонхўрроқ, — деди қул.

— Мени танимайсанми? — сўради шоҳ.

— Танийман, — деди қул, — сен Ҳажжож бинни Юсуф. Муҳаммад эса сенинг уканг бўлади.

— Менинг юзимга шундай аччиқ сўзларни айтгани қўрқмадингми?

— Йўқ, — деди қул, — мен фақат худодан қўрқаман. Худодан қўрққан одам бошқа ҳеч кимдан қўрқмайди ва ҳақгўй одам ботилдан — бузуқидан андиша қилмайди.

Ҳажжож яна сўради:

— Араб қабилаларининг ичида энг яхшиси қайси бири?

— Бани Ҳошим қабиласи, — деди қул, — чунки Муҳаммад пайғамбар шу қабиладан чиққанлар.

— Хўш, энг ёмон қабилачи?

— Бани Сақиф қабиласи, — деди қул, — чунки бу қабиладан сен ва уканг каби қонхўр, золим кишилар чиқди.

Ҳажжож бинни Юсуф қулни ўн минг танга билан сарфароз этиб, мардлиги ва ҳақгўйлиги учун таҳсин ўқиди.

МУБОРАК ЖОЙ

Бир араб Ҳажжожнинг йўлини тўсиб чиқди ва нимадир демоқчи бўлди. Ҳажжож уни ҳайдаб юборди. У бошқа бир жойда Ҳажжожнинг йўлини яна тўсди.

— Эй қайсар тиланчи, — деди Ҳажжож, — ҳали бир жойда йўлимни тўсдинг, ҳайдаб юбордим. Тагин нимага келдинг?

— Э-э, жойлар ҳам ҳар хил бўлади, — деди у киши, — нариги тўсган жойим шум экан, шунинг учун мени ҳайдаб юбординг. Ажаб эмас, бу ер муборак жой бўлса.

Ҳажжож кулиб, унинг тилагини мустажоб этди.

ҲАЖЖОЖ ВА ЧҶПОН

Ҳажжож бинни Юсуф ўз кишилари билан бир чўлдан ўтиб борарди. Йўлда қўй боқиб юрган чўпон — ўз қулини кўриб қолди-да, шерикларини қолдириб, бориб у билан суҳбат қилди.

— Эй қул, — деди. — Ҳажжож бинни Юсуф қандай ҳоқим?

— Минг лаънат унга, — деди чўпон. — Тахтга ундан золимроқ киши чиқмаган бўлса керак. Умидимиз шуки, тезроқ у ўлса-ю, биз қутилсак.

— Мени танийсанми? — деди Ҳажжож.

— Йўқ, — деди у.

— Уша Ҳажжож мен бўламан.

Қулнинг ранги қув ўчиб кетди. Кейин деди.

— Сен ҳам мени биласанми?

— Йўқ, — деди Ҳажжож.

— Менинг отим Вордон, — деди чўпон. — Ҳар ойда уч кун дардим қўзғаб, жинни бўлиб қоламан. Қарагинки, ҳозир жиннилик пайтимга тўғри келиб ўтирибсан.

Ҳажжож кулиб, унга битта халат совға қилди ва йўлида давом этди.

ЎХШАШЛИК БОИСИ

Бир подшоҳга дедилар:

— Шоҳим, шаҳарда бир зариф киши бор, кўриниши сизнинг ўзингиз. Худди бир қориндан тушганга ўхшайди.

Подшоҳ уни ҳозир қилишга буюрди. Қараса, ҳақиқатан ҳам жуда ўхшаш. Кейин, ҳазиллашиб деди:

— Эй киши, мен сенинг онангни танирдим, жуда хуш-фёъл ва чиройли аёл эди. Бизнинг ҳовлимизга ҳам тез-тез келиб турарди.

— Бизнинг ўхшашлигимиз сабаби бошқа жойда, — деди зариф, — менинг онам асти уйдан чиқмасди. Аммо дадам раҳматли дадангизнинг ҳарамларида боғбонлик қиларди.

Бу жавоб полшоҳга хуш келиб, зарифни ўзига надим қилиб олди.

ТАХАЛУС

Аббосий халифалардан бири ўта зулмкор ва ситам етказгич эди. У бир куни хуштаъб надим олдига келиб, деди:

— Менинг табаррук зот халифалардан эканимни биласан. Менга бирорта Мутаваккил билло ёки Муътасим билло каби жарангдор лақабларга хос тахаллус топиб берсанг.

Надим дарҳол деди:

— Наузу билло¹.

БИРИНЧИ АБЛАҲ

Бир подшоҳ надимига деди:

— Шаҳардаги ҳамма аблаҳларни рўйхатга олгин.

— Хўп, — деди надим, — шарти шуки, кимнинг номини ёзсам ҳам ғазаб қилмайсиз.

Подшоҳ кўнди. Надим дарҳол биринчи қилиб подшоҳнинг номини ёзди.

Подшоҳ деди:

¹ Наузу билло — худонинг ўзи асрасин, дегани.

— Ҳозироқ аблаҳлигимни исбот қил, йўқ эса бошингдан айрилсан.

Надим деди:

— Хўб, исбот қилганим бўлсин. Қани айтингчи, бордию шундай вазиятга туғун келсак, яъни бирор вилоятдан юз минг тилло нақдинани олиб келишга одам қидирсангиз. Мен шундай навкарни тошайинки, унинг на уйи, на жойи, на хотин, на бола-чақаси бўлсин. Агар у бориб, ўша нақдни қўлига киритса ва сизнинг ҳукмингиз ўтмайдиган бир вилоятга бориб ватан қилса, сиз шундай вазиятда нима иш қилган бўлардингиз?

Подшоҳ деди:

— Борди-ю, у мендан юз ўғирмай шунча тиллони нақд олиб келса, сен нима дейсан?

Надим деди:

— Агар у олиб келса, аблаҳлик рўйхатидан сизнинг номингизни ўчириб, ўрнига униқини ёзиб қўйган бўлардим.

МАРДОНА ЁДГОРЛИК

Искандар ўз сарҳанглари билан суҳбат қуриб турганида ўзига яқин кишилардан бири деди:

— Ҳақ таоло сенга азим мулк берди ва оламдаги барча султонлардан ғолиб этди. Энди никоҳингдаги хотинлар сонини кўпайтирсанг, кўпроқ фарзанд кўрсанг ва ўзингдан кейин мулкингга эга бўлувчи ворисларни кўпайтирсанг бўларди.

Искандар деди:

— Мард кишининг ёдгорлиги унинг фарзанди эмас, балки арзигулик хислатларидир. Мардлар устидан ғолиб келиб, хотинларни деб мағлуб бўлиш марднинг иши эмас.

САБРУ ҚАРОР

Искандар рақиби Дорога ҳужум қилиш олдидан лашкарини кўрар эди. Ўша куни у бир шамолдек тез, яшиндек тик учадиган отга минган эди.

Шу аснода, навкарларидан бири ориқ ва чўлоқ от миниб олдидан ўтди. Ғазаб билан буюрдики, уни отдан уриб йиқитсинлар. Ҳукмроннинг фармонини эшитган у навкар қаҳ-қаҳ солиб кулди. Искандар таажжубланиб, уни чақирди ва кулгиси сабабини сўради.

— Сенинг қаҳру ғазабингдан кулгим келди, — деди навкар. — Чунки сен қочиш учун чаққон отга мингансан, мен

эса сабру қарор отига минганман, яна менга ғазаб ҳам қиласан.

Искандарга бу гап маъқул тушиб, навкарни ўнбоши этиб тайинлади.

ОРИҚ

Бир куни амири кабир сипоҳ кўрар эди. Қараса лашкарларидан бири ориқ от минибди. Амир қаҳрланиб деди:

— Менинг лашкарларимга ҳақ таолонинг лаънати бўлсинким, шундайин от минсалар. Нима, отга деб ажратилган дирҳамлар билан хотинларини семиртириб, отларини ориқлатиб юрсалар керак-да.

— Эй амир, — деди бу гапни эшитиб турган ҳалиги навкар бамайлихотир, — сен ноҳақсан. Ишонмасанг ўзинг бориб кўргин, валоҳким, хотиним отимдан ҳам озгинроқ.

Бу жавоб амири кабирга хуш келиб, кулиб юборди ва уни қошига чорлади. Минг динор инъом бериб, вазифасини бир даража кўтарди ва деди:

— Мана энди иккисини ҳам семиртириб олгин.

САХОВАТ

Мисрнинг ҳокими Абул Жайш жуда қўли очиқ киши бўлиб, унинг отаси Аҳмад бинни Тўлун ҳам Мисрга ҳоким бўлиб ўтган экан.

Ривоятларга қараганда, Аҳмад ҳар куни эрталаб минг дирҳам қимматга эга бўлган бир халатни кияр эканда, кечқурун уни бирор кимсага ҳадя этаркан.

Ҳокимнинг бу феълини хуш кўрмаган амалдорлари ўйлай-ўйлай ҳийла ишлатишга ўтдилар. Яъни Абул Жайш совға қилган халатни эгасидан арзонроққа қайта сотиб олардилар-да, казинада бир оз муддат сақлаб тургач, тагин унинг ўзига кийдирардилар.

Бу ҳолдан Аҳмад хабардор бўлиб қолди ва халатини совға қилганда сиёҳ билан тамға босиб, белгили қилиб берадиган бўлди. Натижада амалдорларнинг ҳийлалари иш бермади ва Аҳмад ўз саховатлигини давом этдирди.

АДОЛАТ БОИСИ

Аҳмаднинг отаси Тўлун ҳам Миср ҳокими бўлиб, у Хорун ар-Рашиднинг тарбиясида камол топган экан. Тўлуннинг Хорун ар-Рашид тарбиясига велик бўлиши ҳам анча қизиқ:

Фиръавн Мисрни кўкларга кўтариб таърифлайди. Бу ҳол эса Хорунга хуш келмайди ва Мисрнинг ҳокимлигини оламдаги энг бўйи паст, қашшоқ одамга топширишга қарор қилади.

Мингта суворий тўрт ой давомида Хорун мамлакатадаги энг пастак одамни қидирадилар ва охири бир гала итлар орасида юрган, аҳволига қараб бўлмайдиган, сочу соқоли ўсиб кетган Тўлун исмли итбоқарни топиб келадилар. Хоруннинг фармони билан уни ҳаммомда ювинтириб, шоҳона либослар кийдирадилар. Хорун қарасаки, Тўлун ғоят келишган, ҳавас қилса арзигулик бир киши экан. Шундан сўнг иккови суҳбат қуради ва Тўлуннинг зеҳни ўткир, ақли теран киши эканлиги аён бўлади. Хорун уни Мисрга ҳоким қилиб тайинлаш ҳақида фармон беради.

Тўлун ҳоким бўлиб боргач Миср яна ҳам гул-гул яшнаб кетади, адолат ва саховат юз очади ва у Ҳотами замон деб донг таратади. Тўлуннинг ўғли Аҳмад ва невараси Абдул Жайш ҳам, кейинча, ўз ҳокимликлари даврида ота ва боболарининг қоидаларига содиқ қоладилар ва адолатли, сахий, раиятпарвар ҳоким сифатида ном қолдирадилар.

СОҚОЛ ВА АҚЛ

Бир узун соқолли сипоҳ Хорун ар-Рашиддан тилашга ҳам арзимайдиган бир нарсани илтимос қилди.

Хорун деди:

— Соқолингни узунлигини қара-ю, ақл деган нарса йўқ.

Сипоҳ деди:

— Наҳотки эшитмаган бўлсанг, ахир соқол узайган сари ақл кўса бўлади-ку!

Бу гап Хорунга хуш келиб, сўраганидан кўпроқ нарса инъом этди.

ТУҲМАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Сипоҳлардан бири ҳар ҳаммомга кирганда ҳаммомчиларга уним йўқолди, буним йўқолди, деб туҳмат қиларди ва топиб берасан ёки товонини тўлайсан деб туриб оларди. Шу тариқа бўҳтон ва жанжал қилиб, ҳаммомчи, сартарош ва ходимларнинг ҳақини бермасдан кетарди.

Алқисса, ҳамма ҳаммомчилар уни таниб, ҳаммомларига йўлатмайдиган бўлиб қолдилар. Сипоҳ ноилож қолиб, бир ҳаммомчига бориб ялинди. Одамлар орасида бундан буён сира ҳам бўҳтон қилмаслигини айтиб, қасам ичди. Ўтирган гувоҳлар унинг ҳолига ачиниб, ҳаммомга кириши учун изн сўрадилар.

Сипоҳ кириб кеткандан кейин, ҳаммомчи унга бир танбех бериб қўйиш ниятида лунгичига буюрди:

— Унинг камари билан қиличини қолдиргинда, бошқа барча кийимларини яшириб қўй.

Ҳаммомдан чиққан сипоҳ қараса, битта ҳам киядиган либоси қолмабди. Жанжаллашмасликка қасам ичганида ҳозир бўлган жамоат кўз олдида бўлганлиги учун бир нарса дейишга мажоли қолмади. Лунгибардор келиб, белидаги ягона ёпинчиқни ҳам юлиб олди. Сипоҳ онадан янги туғилгандек яланғоч бўлиб қолди. Ночор-ноилож яланғоч белига камар билан қиличини боғлаб ҳаммомчининг қошига келди.

— Мен сизларга бирор нарса дея олмайман, — деди у ниҳоят, — аммо ўзинг инсоф билан айтгин-чи, ҳаммомга шу суратда келганмидим?

Ҳаммомчи ва шу ердагилар кулдилар. Сипоҳга либосларини бериб, роса музтар қилгандан кейин ҳар ҳафта ҳаммомга бепул келиб туришга таклиф қилиб, кузатиб қўйдилар.

РАҲМАТУЛЛО ВА ЛАЪНАТУЛЛО

Бир сипоҳ жанг майдонидан тирақайлаб қочиб қолди. Унга:

— Қаёққа боряпсан, ҳей номард? — деб бақирган эдилар, сипоҳ деди:

— Фалончи урушдан қочмасдан ўлди, раҳматулло дегандан кўра, фалончи қочди-ю қутилди, лаънатулло деган сўзни яхшироқ кўраман.

ТУЯНИНГ ХОҲИШИ

Аскарлардан бири ориқ туя миниб борарди. Уруш унинг жонига теккан, урушдан қандай қутилишини билмай юрган эди, бирдан туяси бир томонга олиб қочди. Сипоҳ ҳам индамай кетаверди. Шунда сўрадилар:

— Ҳой, номард, урушдан юз ўгириб қаерга кетяпсан?

— Туямнинг хоҳиши, қаерга бошласа кетавераман, — деди у.

ҲУР

Бир сипоҳнинг Ҳур отлиқ хотини бор эди. Бир куни уруш пайтида орқасига қарамасдан қочиб қолди. Кишилар унга дедилар:

— Ҳой номард, орқангга қайт, агар кофирни ўлдирсанг ғозий бўласан ва агар кофир сени ўлдирса шаҳид бўласан. Қиёматда ҳурлар билан бирга бўласан.

— Менинг бу дунёда Ҳурим бор. Нариги дунёдаги ҳурни деб ўзимни ўлимга раво кўрмайман.

ТАЛОНЧИ

Бир сипоҳга дедилар:

— Буган талон қилганинг маъқулми ё нариги дунёда жаннатга кирганингми?

Сипоҳ деди:

— Ҳозирча талаганим маъқул. Тонгла машҳар куни Фиръавн билан бирга ўтга кирсам ҳам майли.

НАЗАРДАН ҚОЛГАН КИШИ

Ҳажжожга бир тўда кишилар хуруж қилдилар. Ўша тўдадан бир хотинни ажратиб, Ҳажжожнинг қошига олиб келдилар. У хотинни роса мақтаб, кейин гап сўради. Хотин бошини қуйи экканича жим тура берди. Шунда ҳозирлардан бири деди:

— Ахир сенга гапиряптилар, нега жавоб бермайсан?

— Мен худодан уёламан, — деди хотин, — худои таоло назар қилмаган киши билан гаплашмайман.

Ҳажжож деди:

— Худои таоло менга назар қилмаслигини қаердан билдинг?

Хотин деди:

— Агар худои таоло сенга назари иноят қилса эди, сени шунчалик золим қилиб яратмаган бўларди.

Ҳажжож деди:

— Валлоҳқим, бу хотин рост айтади.

Шундан кейин хотинга минг динор инъом бериб, кузатиб қўйди.

ЛУҚМАДАГИ ҚИЛ

Умрида ҳеч қачон шаҳарни кўрмаган бир араб Бағдодга келди. Бағдод халифаси у билан бир товоқда таом еб турган эди, баногоҳ кўзи меҳмоннинг олдидаги битта қилга тушиб қолиб, деди:

— Эй араб, ана шу қилни олиб ташлагин.

Араб қўлидаги луқмани дастурхонга қўйиб, қўлини артди. Халифа сўради:

— Таомдан олмайсанми?

— Йўқ, — деди араб, — меҳмоннинг луқмасига қараганда қилни ҳам кўрадиган кишининг таомидан еб бўладими!

ИККИНЧИ БАЛО

Мансур халифа бир шомлик арабга деди:

— Мен сизларга ҳоким бўлдим, энди ҳеч кимга тобеъ эмассизлар, нега ҳақ таолога шукур қилмайсизлар?

Араб деди:

— Агар ҳақ таолонинг иродаси билан бўладиган эса, бир балонинг ўрнига иккинчисини юбормаган бўларди. Ҳақ таоло сен ўйлагандан одилроқ.

Мансур бу жавобдан хижил бўлиб, анча вақтгача адоват сақлаб юрди. Охири бир баҳона топиб, уни ўлдирди.

УЧИНЧИ ЙЎЛ

Ҳажжож ов қилиб юриб, лашкаридан айрилиб қолди. У сувсаб, бир тепалик устига чиқиб қараса, бир араб ўтирибди. Унинг атрофида туялари ўтлаб юрибди.

Арабнинг кўзи ҳам Ҳажжожга тушиб қолиб, бамайлихотир деди:

— Ким чўлу биёбонда шунақа ялтироқ кийимлар билан юрса, унга минг лаънат.

Ҳажжож бу гапни эшитмагандай кулиб, деди:

— Ассалому алайкум, вараҳмагуллоҳу ва баракотуху. Бир қултум сув бўладими?

— Отдан тушгин, — деди араб, — камтарлик билан сўрасанг бор. Эсингда тут, мен сенинг ходиминг эмасман.

Ҳажжож отдан тушиб сув ичди, яна отга миниб, деди:

— Ҳой араб, одамларнинг энг яхшиси ким?

— Муҳаммад Расудуллоҳ саллиало алайҳи васаллам, — деди араб, — яъни пайгамбаримиздурлар.

— Хўш, — деди Ҳажжож, — Абдумалик бинни Марвон ҳақида нима дейсан?

— Энг ёмон одам у, — деди араб.

— Нечун?

— Ундан бир бемаъни хатолик ўтди, — деди араб, — бу хатоликнинг азобини бутун шарқ ва ғарб мамлакатлари чекмоқда.

— У қандай хато экан?

Араб деди:

— Унинг хатоси шуки, ўйламай-нетмай бу золим ва фосиқ Ҳажжож деган аблаҳни мусулмонларга ҳоқим қилиб тайинлаган.

Ҳажжож ҳеч нима демади. Шу пайтда ногоҳ бир қуш учиб ўтиб, овоз берди. Араб дарҳол ҳушёр тортиб, Ҳажжожга қаради:

— Ростини айт, кимсан ўзинг?

— Бу саволни беришингни сабаби нима?

— Ҳозир бошимиздан учиб ўтган қушнинг овозини эшитмадингми, — деди араб, — у менга хабар бердики, шу томонга бир жамоа лашкар келмоқда ва унинг сарқору сардори сен эмишсан.

Шу аснода лашкар етиб келиб, Ҳажжожга салом берди. Буни кўриб, арабнинг ранги ўчди. Ҳажжож буюрди:

— Бу арабни ушланг. Туяларини ҳам бирга қайданг.

Шундай қилиб, арабни олиб кетдилар.

Бир кун ўтгач, ҳаммалари тўпланиб таом едилар. Арабни ҳам наҳорига таклиф қилдилар. Араб кириб деди:

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу.

Ҳажжож деди:

— Мен сен гапирган гапни қайтармайман, албатта. Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳу ва баракотуҳу. Марҳамат, таом егин.

— Таом сеники, — деди араб, — рухсат берсанг ейман, албатта.

Ҳажжож ижозат берди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, — деди араб, — ишқилиб таомдан кейинги ишлар ҳам бахайр бўлсин.

— Бир гапни айтайинми, — деди арабнинг тиловатидан кулиб, Ҳажжож ҳозирларга.

— Албатта-да! — дедилар ҳозирлар.

— Биласизларми, ўтган куни мен билан бу араб орамизда қандай гаплар бўлиб ўтди, — деди Ҳажжож.

— Сир сирлигича қолсин-да, — деб унинг гапини бўлди араб, — ўтган кунги иккимизнинг ўртамизда бўлиб ўтган сирни бугун ҳаммага ошкор қилмаганинг маъқул.

— Майли, — деди Ҳажжож, — сенингча ҳам бўлсин. Лекин шарт бор. Мен икки йўлни айтаман, шундан бирини ихтиёр қиласан.

— Қани гапир, — деди араб.

Ҳажжож деди:

— Ё менинг қошимда қоласан ва сени ўзимга мулозим қилиб оламан. Ёки сени Абдумалик бинни Марвонга юво-

раман ва менга айтган гапларингни ҳаммасини унга маълум қиламан.

Араб деди:

— Биласанми, менда яна бир тадбир бор. Яхшиси, учинчи йўлни тутганимиз маъқул.

— Қандай тадбир? — деди Ҳажжож.

— Яхшиси шуки, менга жавоб берсанг-у, омон-эсон диёримга етиб олсам, — деди араб, — бундан сўнг сен мени кўрмагин ва мен сени кўрмайман.

Арабнинг бу гапи Ҳажжожга ҳуш ёқиб кулди. Ҳушнудликдан арабга минг дирҳам бериб, туяларини ҳам ўзига топширди.

ҲОЖИ

Бир араб қозининг олдида бир киши учун гувоҳликка ўтди ва ўзининг покиза, ҳожи эканлигини пеш қилди.

Даъвогар деди:

— Эй қози, бу араб ҳийла ишлатяпти, ҳаргиз ҳаж қилмаган, қандай ҳожи бўлсин. Унинг гувоҳлигини инобатга олманг, унинг бошдан оёғи бўҳтон ва ёлғон.

— Ўзинг ёлғон айтасан, — деди араб, — фалон йили ҳаж қилган эдим.

Қози ундан сўради:

— Сўзинг рост бўлса айтгинчи, замзам қаерда жойлашган?

Араб деди:

— Замзам бир бетавфиқ киши бўлганлиги учун, энг муътабар жой Арофатнинг эшигида туради.

— Эй жоҳил, — деди қози, — замзам одам эмас, балки булоқ-ку. Арофат эса дару деворсиз бир яйдоқ саҳродир.

Араб деди:

— Мен борган йили, ҳануз булоқни қазимаган эканлар. Арофат ҳам дару девори бор бир боғ эди.

ҚИСТОВ ИШ

Бир араб субҳ вақтида масжидга кириб, намозни жамоат билан ўқир эди. Бир қистов иши ҳам бор эди. Имом сураи фотиҳадан кейин сураи Нуҳ (пайғамбар)ни бошлади ва "биз ким худовандурмиз, юбордик Нуҳни..." деган жойда оятнинг давоми эсидан чиқиб қолиб, анча вақт сукут сақлаб ўтирди.

Тоқати тоқ бўлиб кетган араб деди:

— Эй имом, агар Нуҳ бормаса бошқа бировни юборгин, биз қараб ўтирамизми?!

МУЛЛА БИЛГАНИНИ ЎҚИР

Арабни йўлда қароқчилар гуруҳи ғорат қилди. Туя, қўйлар ва бошқа бор-йўғини тортиб олдилар. Шундан кейин ҳар вақт у қуръон тиловат қилса, "ал аъроб ашадду куфран ва нифоқан" (араблар ашаддий кофир ва ўзаро душман) оятига етганда уни бузиб "ал агро..." (гуруҳлар) деб ўқирди. Бир куни эшитувчилар унга маломат қилиб айтдилар:

— Нечун сен ҳар дафъа "ал аъроб" ўрнига "ал агро" деб ўқийсан?

Араб деди:

— Мени маломат қилманглар. Мен ўз бошимдан кечган, ўз ҳасбу ҳолимни ўқийман. Чунки у кофир гуруҳлар менинг бору будимни ўғирлаганда, орасида битта ҳам араб йўқ эди.

БЕҲАЁНИНГ ТАЪЗИРИ

Алҳақ ибни Фарроҳ беҳаё ҳазилкаш киши эди. Бир куни талайгина фозил ва зариф кишилар билан бозор бошида суҳбатлашиб ўтирганида, олдиларидан умрида мутлақо шахарни кўрмаган бир бадавий араб ўтиб қолди. Ўтирганлар ибни Фарроҳни бадавийга гап отишга гиж-гижладилар. Ибни Фарроҳ деди:

— Ҳой бадавий, ҳаргиз кўрмаган нарсага гувоҳлик бера оласанми?

— Бали, — деди Бадавий, — шунга ҳам гувоҳлик бера оламанки, агар сени отанг билан онанг қўшилишмаса, сен ҳам оламга келмаган бўлардинг.

Ибни Фарроҳ бадавийнинг бунчалик беҳаё гапидан жамоат орасида кўп изза бўлди.

ТАНИ БОШҚА ДАРД БИЛМАС

Бир бадавий араб сафарга чиқиб, бор-йўғини харжлаб тамом қилди. Ҳатто егулик бирор нарсаси ҳам қолмади. Бир парча нонга кўзи тўрт бўлиб кетаётган эди, рўпарасидан келаётган бир кишига кўзи тушди. Ниҳоят у етиб ҳам келди. Йўловчи тўхтаб сўради:

— Ё биродар, қайдин бўлурсан?

— Сенинг қабилангдан, — деди бадавий озгина тамадди умидида.

— Яхши, — деди йўловчи, — қани ўтир-чи бўлмаса, биродар, бир ҳол-аҳвол сўрашиб олайлик-чи.

Йўловчи ўтириб, елкасидаги саночини очди. Унинг оғзини ечиб, ичидан нон ва гўшт олиб ер экан, сўради:

— Хўш, бизнинг қабиладан бўлсанг, менинг манзилимдан ўтдингми?

— Ўтдим, — деди бадавий тамшаниб.

— Қалай, тинчликми? — сўради йўловчи, бемалол кавшанар экан.

— Бали, — деди бадавий, — тинчлик. Ҳамма ёқ тўқчилик ва маъмурчилик. Менга ўхшаб очидан тиришиб юрган киши йўқ.

— Мени Бақо отлик итим бор эди, кўрдингми?

— Кўрдим, — деди бадавий, — қўйларингни шундай қўриқлаб юрибдики, бўрини бир йиллик йўлга ҳам яқинлаштирмайди.

— Баракалла, ўзи яхши ит-да. Хўш, ўғлим Холид қалай?

— Холидми? Жуда шўх бола бўлибди-да. Мактабхонада ҳеч кимга кун бермайди, мударриснинг бошига чиқиб олади. Баланд овоз билан қуръон тиловат қилганда одамнинг оғзи очилиб қолади.

— Боракалло, ота ўғил. Хўш, онасини ҳам кўрдингми? Холиднинг онаси қалай?

— Онасими? Шундай очилибдики, ҳусну жамолда ва қадду камолда ундай хотинни икки оламда ҳам топиб бўлмайди.

— Оҳ, оҳ, оҳ, оғзингга шакар. Шунақа бўлган дегин. Ҳа, боракалло. Хўш, менинг обкаш туямни ҳам кўрдингми?

— Э, бўлмаса-чи! Жонвор шунчалик семирибдики, орқасидаги ўркачи ҳам кўринмай кетибди. Кўрган киши уни фил дейди, фил.

— Қасримга ҳам кўзинг тушгандир, албатта.

— Бай, бай, бай. Айвони осмонни ўпай дейди-я. Қани энди, ҳозир ана шундай қасри азим бўлса-ю ўлтириб, тўйгунингча овқатлансанг.

Аммо бу гапларга йўловчи парво ҳам қилмади. У ўзининг хонумони, қасру айвонининг омонлигини билиб олгунча иштаҳа билан нону гўштни кавшаб, тўйиб ҳам олди. Бадавийга ҳатто мулозимат учун ол ҳам демади. Ўзи тўйгач, қолган-қутганларини йиғиб, саночи оғзини боғлади. Бадавий кўрдиким, унга қилган яхшилик ва ху-

шомадларидан ҳеч нарса унмайди. Бағоят хафа бўлди. Йўловчи энди кетаман деб турганда бир ит пайдо бўлди. Йўловчи қўлидаги суякларни унга ташлади-да, энди йўлга тушмоқчи эди, бадавий чуқур хўрсиниб деди:

— Қара, умр экан-да. Сенинг Бақо отлик итинг тирик бўлганда эди, бу суяклар унга насиб қилган бўлармиди.

Йўловчи лол бўлиб қотиб қолди.

— Ҳали Бақо ўлганми?

— Айтмасдан иложим қанча, — деди унинг таъзирини беришга қасд қилган бадавий, — кўз олдимда ўлса-я.

— Наҳот? Нима сабабдан ўлди?

— Очкўзликдан, — деди бадавий, — ҳаммасини бир ўзи емасдан бошқа итларга берса ҳам бўларди-ку. Йўқ, ҳаммасини ейман деб ўйлади шекилли-да.

— Нимани ахир? — бетоқат бўлиб сўради йўловчи.

— Туянинг гўштини-да. Обкаш туянинг гўштини. Ўзиям роса семирган экан жонивор.

— Ё парвардигор, наҳотки обкаш туя ҳам ўлган бўлса?

— Ҳа, бўлмаса сенинг кучугингни деб бирор киши туя сўярмиди?

— Хўш, тушунтиргинчи, туяга қандай жин урибди?

— Ҳеч қандай, — деди бадавий юзига қайғули тус бериб, — раҳматлик Холиднинг онаси таъзияси куни сўйилди.

— Холиднинг онаси ҳам ўлдими?

— Булмасачи, шундай мусибат тушганда ҳар қандай она ҳам ўлиши турган гап.

— Нега ўлади энди?

— Ие! Эсинг борми ўзи? Ажали етгандан кейин ўлади-да. Менимча, унинг мияси лат еган бўлса керак.

— Мияси? Нега мияси лат ейди? Қандай ўлди ахир?

— Қандайлигини билмайман-ку, ҳар қолда бошини Холиднинг қабрига уравериб лат етказган бўлса керак.

— Во ажаб, Холид ҳам ўлдими?

— Начора, бандалик экан, хафа бўлма, — деди унга тасалли берган бўлиб бадавий, — қасринг айвони йиқилиб, деворнинг остида қолиб кетмаганида — ҳар қалай, ҳозир ажойиб йигитча бўлиб қолар эди.

Йўловчининг тоқати тоқ бўлди. Бу мудҳиш хабарларни эшитиб, бошига уриб, юзини юлди. Ердаги саночга ҳам қарамай "Дод, вовайло, во мусибато!" — деб фиғон чекиб, уйига томон равона бўлди. Бадавий эса хотиржамлик билан ердан саночни кўтарди, бир четга олиб чиқиб оғзини очди-да, иштаҳа билан нон ва гўшти ей бошлади.

КАМБАҒАЛНИНГ МУЛКИ

Бир арабдан сўрадилар:

— Юлдузларнинг қай бири қаерда туришини биласанми?

— Қизиқ экансан-ку, — деди араб, — қайси бир киши ўз айвонининг ёғочларини билмайди?

КАМБАҒАЛНИНГ МЕРОСИ

Арабга дедилар:

— Биродаринг ўлипти. Хотинига ундан не мерос қолди?

— Қорнидаги тўрт ойлик боласи-да, — деди араб.

ТОПҚИР ИМОМ

Муса деган араб ариқ бўйида таҳорат қилаётиб, битта олтин топиб олди. Шу пайтда намозга такбир айтдилар. Муса олтинни ўнг қўлида ушлаганча намозга ўтирди. Иттифоқо, имом сураи фотиҳани ўқиб бошқа сурага ўтган эди, унда шундай сўзлар бор экан:

— Ўнг қўлингдаги нимадур ё Муса?

Имомнинг қироатини эшитган Муса дик этиб ўрнидан турди ва деди:

— Валлоҳким, сен имом эмас, фолбин экансан. Бўлмаса менинг ўнг қўлимдаги нарсани қаердан билардинг.

Муса қўлидаги олтинни меҳробга қўйди-да, чиқиб кетди.

...СЕНГА ҲАМ КУЛГУВЧИ БОР

Хорун ар-Рашиднинг вазири бўлган Аҳмад Довуд фалаж касалига мубтало бўлиб қолди. Абу Айно деган киши уни кўргани келди:

— Валлоҳким, бошинга мусибат тушганини эшитиб бу ёққа югурдим. Хўш, не хасталик?

— Фалаж, — деди Аҳмад Довуд, — қўл ва оёқларим ҳаракатдан қолди.

— Тангри таолодан шикоят қилиш ноўрин, — деди Абу Айно, — демак у сени бандга гирифтор қилибди. Бироқ оламнинг ишини кўриб, ақлингни ишлатгин деб кўзингни омон қолдирибди. Ҳа, кўргин ва мушоҳада қилгин.

ОТА МЕҲРИ

Ҳоким бир ота-болани олиб келиб, икковини калтаклашни буюрди. Аввал отасини ётқизиб юз таёқ урдилар. Ғинг деган овоз бермади. Кейин ўглини ётқиздилар. Энди бир таёқ урган эдилар ҳамки, отаси ғигон чекиб юборди. У шундай нола қилдики, болани уришдан тўхтатиб, ҳоким ундан сўради:

— Қани айтчи, сен юз таёқ единг, мардона дош бердинг, ғинг демадинг. Ўғлингни бир таёққина урганларига нечун нола қиласан?

Ота деди:

— Аввал менинг баданимга урган эдинг, мен чидадим. Энди таёқ жигаримга тегди, чидай олмадим.

ҲОЙ, КОФИРЛАР

"Баҳр-ул-ҳақойиқ" номли тафсирнинг соҳиби Шайх Нажмиддин Розий исмли фозил киши Хоразм вилоятидан Румга¹ бориб, Мавлоно Жалолиддин Румий хизматида Шайх Садриддин Кунавий исмли фозил киши билан яқин дўст тутиниб қолди. Бир куни жамоат жам бўлиб намозга ўтирдилар ва ҳурмат юзасидан Шайх Нажмиддинни имом бўлишга таклиф қилдилар. Шайх имомликка ўтди ва икки ракатда ҳам қуръоннинг "қулиё эйюҳал кофируна", яъни "эшитинг, ҳой кофирлар", деб бошланувчи сурасини қироат қилди. Намоз тамом бўлгач уч қадрдон қолганда, мавлоно Жалолиддин Румий Шайх Садриддинга табассум билан деди:

— Биласизми, Мавлоно Садриддин, Шайх Нажмиддин имомликларидан фойдаланиб, бизни кимга ўхшатдилар?

— Йўқ, — деди Мавлоно Садриддин таажжуб билан.

— Кофирга!

— Нечук?

— У киши "Ҳой, кофирлар!" сурасини икки марта қайтардилар. Бир марта мен учун, бир марта сиз учун. Яъни, шундай мўътабар намозгоҳда ҳам сизни ва бизни кофирга йўйдилар.

Бу лутфдан уювлари ҳам хушнуд бўлдилар.

¹ Р у м — ҳозирги Истамбул шаҳри (Туркияда).

ДОНО КҶР

Бир олими солиҳ муҳтожлик ва ночорликдан бир бахили тавонгарнинг эшигига борди.

— Муҳтожларга садақа ато этибсан деб эшитдим, шу тамада келган эдим.

Бахил нима баҳона қилишини билмай, охири деди:

— Тўғри, мен шундай ният қилган эдим. Аммо назру ниёзимни кўрларга бағишлаганман. Сен эса кўр эмассан.

Олим деди:

— Хато қилдинг. Афсуски, кўрман. Ҳа, чинакам кўр эканман. Агар кўр бўлмасам, сенинг эшигингта умид билан келармидим.

Олимнинг бу сўзи бахилга жуда таъсир қилди. У эҳсонини олиб, олимнинг орқасидан югурди, аммо вақт ўтган эди.

ТАДБИРКОР ҚОЗИ

Бир киши саҳродаги дарахтнинг остига минг динор олтин кўмиб қўйди. Бир неча кундан кейин хабар олгани келиб қараса, биров ерни қазиб, олтинни олиб кетибди. У ташвишга тушиб, фиғони фалакка чиққанча дарҳол Шурайҳ исмли машҳур тадбиркор қозининг олдига югурди ва хилватда ҳамма гапни айтиб берди. Қози деди:

— Уч кундан кейин келгин. Шарти шуки, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайсан.

У киши кетгандан кейин қози шаҳарнинг табибини чақириб, хилватда суҳбат қурди.

Қози: — Фалон саҳродаги дарахтда ҳеч хосият борми?

Табиб: — Оре, у дарахтнинг хосияти жуда кўп.

Қози: — Ўша дарахтнинг хосияти қаерда?

Табиб: — Илдизида.

Қози: — Бу яқин орада шу илдиз билан ҳеч кимни муолижа қилдингми?

Табиб: — Бали, бундан бир ой бурун бир бечорага шу дарахтнинг илдизи дори бўлди.

Қози: — Илдиз уйингда бормиди?

Табиб: — Йўқ. Мен беморга дарахтни тайинладим. У бориб илдизни олиб келди. Мен ундан малҳам тайёрлаб бердим, шифо топиб кетди.

Қози табибга рухсат бериб, ўша беморни топтирди. Уни хилватда гапга солиб, кўп панду насиҳатлар қилди, ҳикматли сўзларни айтиб, қуръоннинг инсоф ва адолатга,

показалик ва ҳалолликка оид оятларини ўқиб тушунтириб берди. Қозининг панду насиҳатларидан кўнгли юмшаб кетган у киши минг динор тиллани эгасига қайтиб берди.

МУТТАҲАМ ДАЪВОГАР

Бир куни жанжаллашган икки киши қози Шурайҳнинг олдига келиб, бири иккинчисига катта мол даъво қилди. Униси эса мен бу кишини умримда кўрмаганман, қандай қилиб қарздор бўлишим мумкин, деб, тониб туриб олди. Қози даъвогардан сўради:

— Ўша молни қаерда берган эдинг.

Даъвогар деди:

— Фалон саҳрода, бир дарахтнинг остида.

— Ўша дарахтни топа оласанми?

— Бўлмаса-чи, — деди даъвогар, — чўлнинг ўртасида битта-ю битта дарахт.

— Хўп, — деди қози, — бориб ўша дарахтдан тоза барг олиб келгин. Чунки барглар гапнинг ростини айтади.

Даъвогар барг олиб келгани кетди. Шериги эса қолди. Қози бошқа кишиларнинг арвини эшитишга киришди ва унга эътибор ҳам бермади. Анча вақт ўтгандан кейин, гапнинг ўртасида қози унга луқма ташлаб қўйди:

— Ўша дарахтга етиб бордимикин?

— Ҳали етмаган бўлса керак, — деди нохостдан ҳалиги киши, — у ер анча узоқ.

Қози деди:

— Боракалло. Энди иқрор бўла қолгин. Чунки сен аввал ҳамма нарсадан тондинг. Энди маълум бўлдики, сен у дарахтни билар экансан.

У киши хижил бўлди. Қози тадбир билан унинг кўнглини юмшатиб, олган қарзига иқрор қилди. Шу аснода даъвогар ҳам дарахт баргларини олиб келди.

— Барглар гувоҳликни бериб бўлди, — деди қози даъвогарга. — Мана, олган нарчасини қайтиб беради.

Ҳалиги киши даъвогарни ўз уйига олиб борди, иззат-икром кўрсатиб, молини топширди.

АРҚОН МОЖАРОСИ

Кунларнинг бирида икки хотин ўз топқирлиги ва тадбиркорлиги билан машҳур бўлган қози Аёс маҳкамасига бир ўрам арқонни келтириб талашдилар. Уларнинг ҳар

бири арқон ўзиники эканлигини айтарди. Қози улардан бирига деди:

— Арқонни нимага ўраган эдинг?

— Бир бўлак чўпга, — деди у.

Қози иккинчи хотинга мурожаат қилди.

— Сен нимага ўраган эдинг?

— Бир бўлак бўрга, — деди у.

Қози хизматкорларига буюрди.

— Бориб арқонни очиб кўринглар. Ичидан чўп чиқса бу хотинга, бўр чиқса унисига беринглар. Тўхматчини эса жазосини берурмиз.

САЛЛА ВА КАЛЛА

Султон Ҳусайн Бойқаро замонасининг машҳур қозиларидан бири Низомиддин Ҳиравий валади Ҳожи Муҳаммад Фаррухий бир куни арз сўраб турганда икки киши бир саллани даъво қилиб келдилар. Қози фаросат билан муҳокама юритиб, уларнинг биридан гумонсиради ва буюрди:

— Марҳабо, саллани қандай ўраб юрган бўлсангиз, шундай қилиб бошингизга ўранг.

У киши амрни бажарди. Салладан андаккина ортиб қолди. Қози иккинчисига ҳам шу амрни қилди. У ўраган эди, салла лоппа-лойиқ келди. Қози деди:

— Салла ва калла мувофиқ келди. Демак, салла шу калланики. Бизнинг ҳукмимиз шу. Таҳматчи каззоб товба қилдирилсин.

ХОТИН ТАЛОҚ

Бир киши мажлисда Ҳажжожга мазаммат қилиб қолди:

— Хотиним уч талоқ бўлсинки, Ҳажжож шу Ҳажжож бўладиган бўлса, албатта, дўзахга тушади.

Мажлис аҳли унга маломат қилдилар ва дедиларки, Ҳажжож дўзахга тушадими-йўқми ҳали тайини йўғ-у, сен қасам ичдинг. Мана энди хотинингга талоқ тушди, энди сен унга номаҳрамсан.

У киши бу гаплардан жуда хафа бўлиб, Умар ибни Асад отлик фақиҳнинг олдига бориб, бўлган воқеани гапириб берди.

Ф а қ и ҳ — диний қонун-қоидалар бўйича мутахассис, олим.

— Ҳозирча хотинингни бегона қилма, — деди фақиҳ, — агар худои таоло шунчалик зулми учун Ҳажжожни дўзахга солмаса, бир оғиз гапинг учун сенга ҳам жазо бермайди.

ҲИЙЛАИ ШАРЪИЙ

Бир сарроф¹ фақиҳнинг қошига келиб деди:

— Чиройли хотиним бор. Унга бутун борлигимни бағишлаганман. Лекин у жудаям нозик. Хамир қилиб нон ёпишга ҳам, кир ювишга ҳам, уй супуришга ҳам қуввати етмайди. Хизмат қилгудек бирор канизак олиб берай десам, қўлимда маблағим йўқ. Хизматкорлик қилувчи бирор аёлни хотинликка ола қолай деб қидирган эдим, бахтимга шунақаси ҳам чиқиб қолди. Фақат шуниси борки, унинг қариндошлари хотинини талоқ қилмаса бермаймиз, дейишяпти. Энди илтимосим шуки, менга бирор ҳийла ўргатсанг, токи сих ҳам куймасин, кабоб ҳам, яъни аввалги хотиним ўзим билан қолса-ю, бунисини ҳам тушириб олсам.

Фақиҳ деди:

— Бунинг иложи бор. Аввалги хотинингга айтгин, бориб гўристонда турсин. Шундан кейин агар сенга хотинингни талоқ қил, деб айтсалар, гўристондаги хотинимдан бошқа хотиним бўлса талоқ бўлсин, деб айтасан. Янги хотиннинг қариндошлари аввалги хотини ўлган экан, деб ўйлаб, уйланишингга рози бўладилар.

Сарроф шу ҳийлани ишлатиб, иккинчи хотинни ҳам олди.

ҲАҚҚИГА ЯРАША ДУО

Бадавлат киши бир хуштабъ, ҳазилкаш воизга² кўзи тушиб қолган узук инъом қилиб, одамларнинг орасида, минбардан туриб ҳаққиға дуо қилишни илтимос қилди. Воиз бундай дуо қилди:

— Худоё худовандо, фалончига биҳишдан шундай қаср ато қилгинким, унинг томи бўлмасин.

Воиз минбардан тушгандан кейин, у киши воизнинг қошига бориб деди:

¹ С а р р о ф — кишиларнинг пулини майдалаб бериб, улуш олиб қолиш ҳисобига кун кўрувчи киши.

² В о и з — нотиқ.

— Тақсир, тушунтирсалар, бу қандай дуо бўлди?
— Ҳаққиға яраша, — деди воиз, — агар берилган узук-нинг кўзи бўлганда эди, қасрнинг ҳам томи бўларди.

ЭНГ ЯХШИ ВА ЭНГ ЁМОН

Луқмони Ҳақимни бир киши сотиб олиб, даргоҳида хизмат қилдирадди ва ундаги илми ҳикматни гоҳи-гоҳида синаб кўрадди. Бир куни имтиҳон тарзида буюрди:

— Эй, Луқмон. Менга бир қўйни сўйиб, энг яхши аъзосини олиб келгин.

— Бош устига, — деди Луқмон ва қўйни сўйиб, тили билан юрагини хожасига элтди.

Анча муддат ўтгандан кейин, хожа уни яна чақириб, деди:

— Эй, Луқмон. Бир қўйни сўйгин-да, менга унинг энг ёмон аъзосини олиб келгин.

Луқмон қўйни сўйиб, яна тили билан юрагини кўтариб келди.

Хожа деди:

— Бу нечук асрорки, қўйнинг энг яхши аъзосини сўрасам ҳам, энг ёмонини сўрасам ҳам тил ва юракни кўтариб келдинг?

Луқмон деди:

— Эй Хожа, агар пок бўлса, ҳеч нарса тил ва юракдан яхши эмас. Агар нопок бўлса, ҳеч нарса улардан ёмонроқ эмас.

БАДКИРДОРНИНГ ТАЪЗИРИ

Жоҳил киши ҳақимга деди:

— Нега сенинг оғзингдан ёмон ҳид келади.

— Сенинг айбларингни ичимга кўп ютганлигимдан, — деди Ҳақим.

МЕҲНАТ ВА ТАМА

Ҳақим кумуш конидан майда-майда тошларни олиб келиб, не-не азобу уқубат билан ундан маъданни ажратиб оларди. Бунни кўрган бахил бой деди:

— Эй ҳақим, кун ўтказиш учун ярагулик бундан бошқа ҳам касб-ҳунарлар бор-ку, нечун жонингни жабборга бериб машаққат чекасан?

— Сенинг қўлингдан умидвор бўлгунча, юз чандон машаққат билан зар ундирганим маъқулроқ, — деди ҳақим.

ҚУДУҚ ВА ХАРСАНГТОШ

Бир ҳаким деди:

— Кадхудолик¹ бир чуқур қудуқдурким, ким унга тушса, қутилишининг иложи йўқ.

Ундан сўрадилар:

— Эй, наҳотки қутилишнинг сира иложи бўлмаса?

— Бор, — деди ҳаким, — агар қудуқнинг бошига харсанг тош бостириб қўймасалар, қутилиш мумкин бўлади.

— Эй, ҳаким, — дедилар халқ, — айтгинчи, харсангтошнинг ўзи нима?

— Фарзанд, — деди ҳаким, — ҳар бир туғилган фарзанд кадхудолик қудуғининг устига босилган харсангтошдир.

ТИБ ВА ҚУРЪОН

Бир киши ҳакимдан сўради:

— Эй бебадали замон. Қуръонда айтилганки, ҳамма нарса худонинг амри билан бўлади ва дард бераман деса, ўрмоннинг ҳўл-қуруғи барабар ёнади. Хўш, шундай экан, тиб каломуллонинг қаерида ёзилган?

— Ўша ердаки, — деди ҳаким, — энг, ичинг, аммо исроф қилманг. Яъни кўп еманг, чунки ҳар қандай касалликнинг боши кўп овқат ейишдадир, деган жойда.

ЎСГАН КУНИ

Бир Фақиҳдан сўрадилар:

— Айтингчи, соч-соқол ва тирноқларни қачон олдирган маъқул.

— Ўсиб, олинадиган бўлган куни, — деди у.

ЧЎМИЛИШНИНГ ШАРТИ

Абулмансур Сажастоний деган фақиҳдан сўрадилар:

— Айтинг-чи, чўлда кетаётиб, бир булоқ устидан чиқиб қолдик, дейлик. Унда чўмилиб олмоқчи бўлсак, қайси томонга қараб чўмилганимиз маъқул.

— Кийимларингиз томонга қараб, — деди фақиҳ, — токи ўғри уриб кетмасин.

¹ К а д х у д о — хотини бор, уй-рўзғор иши бошига тушган киши.

БЎШ ХОНА

Ҳақим Аристотилис кетаётган эди, йўлда чиройли бир йигит учраб қолди. Ҳақим унга бир савол берган эди, йигит аблаҳона жавоб қайтарди.

Ҳақим деди:

— Афсус, афсус, агар эгаси ҳам бўлганда, ажойиб хона экан.

СИРКАЛИК ИДИШ

Ҳақим Жолинуc йўлда борарди. Гўзал бир йигит учраб қолди. Ундан бир нарса сўраган эди, қўпол ва бемаъни жавоб олди.

Ҳақим деди:

— Қизиқ, сирка тўлдирилган олтин идишга ўхшайди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

Буқрот ҳақим панду насиҳат сўзларини айтарди. Бир жоҳил эътироз билдириб, деди:

— Кишилар сенинг бу пандларингни қабул ҳам қилмайдилар, амал ҳам.

Ҳақим деди:

— Айтган сўз тўғри ва фойдали бўлса, харидор ўзи топилади. Шунинг учун ҳам мен кишиларга "пандимни қабул қилинг", деб таклиф этмоқчи эмасман.

УЛУҒ ШАХС

Бир ҳақимдан:

— Сенинг учун энг улуғ киши ким? — деб сўрадилар.

— Кимнинг олдида умр бўйи қарздор бўлсам, — деди ҳақим, — ўша киши менинг учун энг улуғ шахс.

НАФС ТАҲСИНИ

Бир ҳақимдан сўрадиларки, қайси бир рост сўзни айтмаган маъқул, деб.

Ҳақим деди:

— Агар нафси учунгина бўлса, киши ўзининг яхшилик сифатларини айтмагани маъқул.

БОЙЛИК ТАШВИШИ

Бир бойвачча ҳақимга деди:

— Юз диноҳ олтиним бор. Шунини сенга бермоқчиман, нима дейсан?

— Агар берсанг ўзинга яхши, бермасанг менга яхши, — деди ҳақим. — Чунки менга берсанг, кейин миннат қилиб юрасан, бермасанг, сенинг миннатингдан қутиламан.

НИКОҲ

Бир ҳақимдан никоҳ ҳақида қандай фикрдасан, деб сўрадилар. У деди:

— Кадхудолик — бир ойлик хурсандлик ва ундан кейин бир умрлик қайғу демакдир. Яна қалин пули-ю ғам-ташвиш дастидан икки букилиб қолиш ҳам...

БЎЙДОҚЛАРГА НАСИҲАТ

Бир ҳақим уйлангандан кейин афсусланиб, деди: — Ё товба, бўйдоқлик пайтимда ҳеч бир кадхудо "ҳой, уйланмагин", деб насиҳат қилмади. Энди ўзим кадхудо бўлиб, насиҳат қилай десам, ҳеч бир бўйдоқ қулоқ солмайди.

ХУШБЎЙ ВА ЛАЗЗАТЛИ ТАОМ

Бир ҳақимдан қайси таом энг хушбўй ва лаззатли, деб сўраб қолдилар.

Ҳақим деди:

— Қорин оч пайтида ейилган таом.

ОЧ ТОПГАНДА, БОЙ ОЧГАНДА

Бир ҳақимдан қай пайтда таом еган маъқулроқ, деб сўрадилар.

Ҳақим деди:

— Камбағал топганида, бой қорни очганида.

ЎЛДИРУВЧИ ОВОЗ

Ҳақим бир ажойиб базмда ўтирган эди, бадовоз хонанда ашула айтиб қолди.

Ҳақим деди:

— Қадимги ҳақимларнинг китобларида бойўғлининг овози кишининг ўлиmidан дарак беради, дейилган. Агар шу гап рост бўлса, бу мутрибнинг овози бойўғлининг ўлиmidан ҳам дарак бўла олади.

ИЧИМЛИК

Бир ҳақим сира май ичмас эди. Бир куни ёру дўстлари ундан сўрадилар:

— Эй, донишманд, нечун май ичмайсан?

Ҳақим деди:

— Менинг ақлимни ичадиган нарсани мен сира ҳам ичмайман.

ЗЎРЛАГАННИНГ ЖАЗОСИ

Подшоҳ ичкиликбозлик кўчасига кирмаган бир ҳақимга шароб ичирди. Ҳақимнинг кайфи ошиб қолиб роса сайради, оғзига келганини қайтармади, бемаъни сўзларни айтди. Ўзига келгандан кейин мажлис аҳли унга маломат қилдилар ва не сўзларни айтмадинг, деб уялтироқчи бўлдилар.

— Мен гапирганим йўқ, — деди ҳақим уларга, — менинг оғзимдан нимаики чиққан бўлса у гапларни менга шароб ичирган киши айтди.

ҚУТАЙҒИЙ МИСРИЙ ТАБОБАТИ

Айтишларича, Розий Қутайғий Мисрий табобат илмида беназир, машҳур кишилардан бўлган. Беморларни даволашда кишининг ақли бовар қилмайдиган усулларни қўллаган ва ўз ҳикматларининг самараси билан ҳаммани ҳайрон қолдирган. Жумладан, чиндан ҳам бўлиб ўтган қуйидаги воқеани ҳикоя қиладилар.

Миср орифларидан¹ бири сакта² касалига гирифтор бўлади ва табиблар уни муолажа этишдан умидларини узиб, қўл тортадилар.

Қариндош-уруғлари уни ўлган ҳисоблаб, ювиб-тараб, кафан тикишга киришадилар. Бу хабарни эшитган мавлоно Қутайғий беморнинг қариндошлари қошига келади.

¹ О р и ф — билувчи, маърифатли, доно киши.

² С а к т а — миёга қон урилиб беҳуш ётиш (апоплексия) касали.

— Беморнинг аҳволини нечук деб ўйлайсизлар? — деди табиб уларга.

— Бандаликни бажо келтирган деб ўйлаймиз, — дедилар улар. — Начора, иложи йўқ шекилли.

— Муолижа қилишга бел боғласам менга рухсат бера-сизларми? — деди Қутайбий. — Фақат шарти шуки, агар ҳаётнинг бирор асари бўлса яхши, мабодо бўлмаса, валлоҳ, мени маломат қилмайсизлар.

— Бизлар ёрдамнингиздан умидвормиз, — дедилар қариндош-уруғлар. — Борди-ю меҳнатингиз зое кетганда ҳам маломат қилмаймиз.

Шундан кейин Қутайбийнинг сўровига кўра қамчи келтирдилар. Бу ҳангомани эшитган Миср табиблари ҳам ҳозир бўлиб, Қутайбийни шаштидан қайтаришга уриндилар ва беморнинг ўлганлигини айтдилар. Қутайбий бу сўзларга қулоқ солмай, беморнинг баданини яланғочлади ва елкасига, кўкрагига ўн қамчи урди. У шундай урдик, беморнинг баданида қамчин теккан жой лахта-лахта қон бўлиб қолди. Кейин унинг томирини ушлаб кўрди. Ҳаёт асари кўринмасди.

Ҳамма ҳозирларни таажжубда қолдириб, Қутайбий яна қамчинни қўлига олди ва беморни тагин ўн қамчин урди. Томирини ушлаб кўрган эди, андак вақт ҳаёт асари кўринди-да, тагин тиниб қолди. Қутайбий қамчинни олиб, яна ўнта туширди ва қошида томошабин бўлиб турган табибларга буюрди.

— Қаранг-чи, ўликнинг томири уряғтими, йўқми?

— Ўликнинг тирилиши маҳол, мавлоно Қутайбий, — деди табиблардан бири ва истар-истамас бориб, беморнинг томирини ушлади. У ҳаяжон билан деди: — Валлоҳким, бу тирик, тирик.

Қутайбий қамчинни олиб яна ишга киришди. Беморнинг орқа-ўнгини айлантириб яна ўн зарб урди. Ҳаммаси бўлиб қирқ қамчин еган ўлик аста қимирлади, кейин кўзини очиб, нола-ю зор қила бошлади.

— Нега нолияпсан, — деди Қутайбий унга.

— Қорним оч, — деди бемор. — Бирор нарса беринг.

Дарҳол унга шарбат бердилар. Бемор ўзини ўнглаб, туриб тўшакнинг устига ўтириб олди ва деди:

— Мавлоно Қутайбий, сиз табиб одамсиз. Негадир биров роса урган каби ҳаммаёғим зирқираб оғрияпти. Нима қилсам бўлади?

Бу дарднинг давоси осон бўлганлиги учун табиблар табассум қилдилар ва мавлоно Қутайбийнинг муолижасига ҳайрон қолиб, офарин дедилар.

ДАРДНИНГ ДАВОСИ

Бир киши табибнинг олдига келиб нолиди:

— Бир иложини қилинг, тақсир. Эрталабдан бери тинмай қорним оғрияпти.

— Эрталаб қандай таом еган эдинг, — деди табиб.

— Бир талай куюк нон.

Табиб хизматкорини чақириб, кўз оғриғи дорисини олиб келишни буюрди:

— Эй, тақсир, менинг қорним оғрияпти-ку, кўз дорисини найлай?

— Ташвишланма, — деди табиб, — кўзинг соғ бўлса эди, куюк нонни емаган бўлардинг.

ЯГОНА ЧОРА

Бир киши табибнинг қошига келиб, арз қилди:

— Кулунж¹ касалига гирифтор бўлибман, бир иложини қил.

— Бугун нима еган эдинг? — сўради табиб.

Бемор деди:

— Эрталаб тузланган сигир гўшти еган эдим. Устидан беш-олтита тухум едим. Кейин сарёғ едим. Меваларга кўзим тушиб, бир талай анор билан олмурут едим.

— Яхши, — деди табиб, — бу дарднинг биттаю-битта давоси бор. Агар бу кеча ўлсанг ўлдинг, агар ўлмасанг, эртага шаҳарнинг минорасига чиқиб ўзингни ташлагин. Ана шундагина сен кулунж дардидан, кулунж дарди сендан қутилади.

АНТИҚА ДАВО

Бир киши табибнинг олдига келиб деди:

— Аё табиб, уч кундан бери беморман, сира иштаҳам йўқ, бир иложини қилмасанг бўлмайди.

Табиб унинг томирини ушлаб кўриб, деди:

— Бугун қандай таом эдинг?

— Уч кеча-кундуздан бери ҳеч нарса емайман ҳисоб, — деди бемор.

Табиб деди:

— Ҳар ҳолда, озми-кўпми нимадир еган бўлсанг ҳам айтгин.

¹ К у л у н ж — қорин оғриғи.

— Еган нарсам оғизга олишга ҳам арзимаиди, — деди у.

— Майли, арзиса-арзимаса иттифоқо нимадир оғзингга тушган бўлса ҳам айтгин.

— Оббо, қўймадинг-да, — деди бемор ва еган овқатини гапирди. — Сенинг ёнингга келаётган эдим, йўлда каллапаз дўкони ёнидан ўтаётиб, ҳиди димоғимга хуш ёқди. Кириб олтига калла олиб едим, сен учта деб ҳисоблайвергин. Кейин тўрт ботмон нон едим, сен икки ботмон фараз қил. Ундан кейин кўнглим ширинликни тусаб қолди, бориб саккиз ботмон бодом ҳолвасидан олиб едим. Сен тўрт ботмон ҳисоблагин. Муздаккина нарсага кўнглим кетган эди, бориб йигирма ботмон амирий узум олиб едим, сен ўн ботмон ҳисоблагин. Кўзим қовунфуруш дўконига тушиб қолди. Хисравий деган қовундан қирқтасини олиб едим, сен йигирмата деб билгин.

Бу сўзларни эшитиб, ҳангу манг қолган табиб деди:

— Ана энди сен ҳисоблагин, мен айтиб берай, сен олти йил сарсом (мия яллиғланиши) касалига гирифтор бўласан, уч йил фараз қилгин. Ундан кейин тўрт йил диқ (сиқилиш, озиш) касалига мубтало бўласан, сен икки йил ҳисоблайвергин. Сўнг икки кўзинг кўр бўлади, сен бир кўзим деб ўйлагин, икки оёғинг шол бўлади, сен бири деб ҳисобла. Ундан кейин ич оғриғи касалига чалиниб, шу касалдан ўласан, қабрга қўйиб, устингга юз эшакка юк бўладиган тупроқ бостирадилар, сен эллик эшак деб фараз қилгин. Бор, сенга жавоб.

КЎЗГА ХИНА

Бир ҳозик (билимдон, моҳир) табибни подшоҳнинг қошига олиб келдилар. Шоҳ кўз оғриғидан шикоят қилди. Табиб ундан касаллик тафсилотларини суриштиргач, оёғига хина боғлаш кераклигини айтди.

Шу ерда сарой аъёнларидан бири ҳозир эди. У кўса эди. Шу аъён табибга эътироз билдириб, гапга аралашди:

— Ҳой, табиб, ахир шоҳимизнинг кўзи оғрийди, сен оёғига хина боғлашни буюрдинг. Кўз билан оёқнинг қандай муносабати бор.

— Муносабати жуда аён, — деди табиб ўйлаб-нетиб ўтирмасдан. — Мана, сен ўзингдан қиёс қилгин. Ёшлигингда сени бичиб қўйганлари учун соқол-мўйлов чиқмади. Демак, икки узоқ аъзонинг ўзаро муносабати бор экан-да.

Шоҳ табибнинг фасоҳатидан мамнун бўлиб, бир от ва халат инъом этди.

ДАРДИ БЕДАВО

Бир киши табибнинг қошига келиб, арз қилиб қолди:
— Эй табиб, бир дардим бор, иложини топгин.
— Қандай дард экан, — деди табиб.
— Бир неча кундан бери сочим оғрийди, — деди бемор.
Табиб ҳайрон бўлиб сўради.
— Бугун қандай таом еган эдинг?
— Нон билан муз, — деди бемор.
— Дарди бедавога йўлиқибсан, — деди табиб унга қараб, — ахир на дардинг дардга ўхшайди, на овқатинг — овқатга.

ШОИРНИНГ ДАВОСИ

Бир шоир табибнинг қошига келиб, арз қилди:
— Эй табиби ҳозиқ, бир нарса юрагимда тугун бўлиб турибди. Шунинг жавридан бутун вужудим азоб чекаётганга ўхшайди. Бир иложи бормикин?

Табиб ҳам зарифгина (нозик фаҳмли, хуштабъ) киши эди, деди:

— Булмасам-чи, оламда дард йўқки, унинг давоси бўлмаса. Хўш, ҳали ҳеч кимга ўқиб бермаган шеъринг борми?

— Бор, — деди шоир.

— Ўшани ўқи.

Шоир шеърини ўқишга киришди. Табиб уни мақтаб, таҳсинлар айтди. Кейин ўша шеърни яна бир марта, яна бир марта ўқишни илтимос қилди. Шоир шеърини уч карра ўқиб бергач, табиб деди.

— Энди бор. Сенга шифо шу. Юрагингда тугун бўлиб турган нарса шу шеъринг эди. Ана, энди ёзилди.

МОЛ ТАБИБИ

Бир киши табиб қошига келиб, фарёдига етгин, деб арз қилди. Табиб деди:

— Бугун нима эдинг?

— Уч ботмон ярми куюк гўжа ичдим, — деди бетоб.

Табиб деди:

— Сен янглишибсан, итор (мол табиби) нинг қошига боргин, мен одамларнинг табибиман.

БЎСАНИНГ МИЖОЗИ

Бир зариф табибдан сўради:

— Эй табиби ҳозиқ, айтгинчи, бўсанинг миждози иссиқми, совуқми?

Табиб деди:

— Унисини аниқ билмадим-ку, лекин унинг кўпи кўнгилни айнитади.

ГУНОҲҚОР ТАБИБ

Бир табиб қачон қабристон ёнидан ўтадиган бўлса ридоси¹ билан юзини пана қилиб оларди. Сабабини сўраган эдилар, табиб деди:

— Бу қабристондаги ўликлардан уяламан, чунки уларнинг кўпчилиги менинг дориларим ва табобатимдан ўлган.

ЎЛИМНИНГ МАВРИДИ

Бир мунажжимни дорга осдилар. Бўйнига арқон солган пайтда ундан сўрадилар:

— Сен мунажжим одамсан. Ўз толеингдаги ана шу мавридни билганмидинг?

— Ҳа, — деди мунажжим, — аммо менинг билишимча, ўлимимнинг мавриди ҳам бошқа эди, дор ҳам пастроқ эди.

КУМУШ ОФТОБА

Бир кун подшоҳ манзилида бир кумуш офтоба йўқолди. Мунажжимни келтирдилар. Мунажжим устурлобини олиб, анча мулоҳаза қилгандан кейин, деди:

— Шоҳим, кумуш офтоба ўзини ўзи ўғирлаган.

Ҳозирлар бу сўздан қулдилар. Мунажжим деди:

— Ҳарамда Физза исмли канизак бор. Физза деб араблар кумушни айтадилар.

— Тўғри, — деди подшоҳ, — ҳарамда Физза деган канизак бор.

— Демак, ўша канизак олган, — деди мунажжим.

Текшириб кўрсалар, мунажжимнинг айтганлари тўғри чиқди. Унинг маҳоратига қойил қолган подшоҳ кумуш офтобани мунажжимга ҳадя этди.

¹ Р и д о — шайхлар елкасига ташлаб оладиган чойшаб каби мато. Рўмолсимон бош кийими.

КИМ ЎҒРИ

Абдул Маъшар Балхий мунажжимларнинг пешвоси ҳисобланарди.

Бир куни подшоҳнинг узуги йўқолиб, жуда хафа бўлиб юрган эди, Абдул Маъшарни олиб келдилар. Шоҳ деди:

— Иложини қил. Агар шу узук йўқолиб кетадиган бўлса, ҳарам аҳлининг ҳаммасини қиличнинг дамидан ўтказаман.

Абул Маъшар тафсилотларни суриштириб, бир оз мулоҳаза юритгач, деди:

— Шоҳим, узукни худои таоло олибди.

Подшоҳ ва аркони давлат бу сўздан таажжубда қолдилар. Айрим жоҳиллар эса кулдилар. Қидира бошлаган эдилар, узук Қуръоннинг ичидан чиқди. Шунда ҳамма ҳозирлар таажжуб бармоғини тишлаб қолдилар. Подшоҳ эса Абдул Маъшарга минг динор тилла ва халат инъом қилиб, сарфароз этди.

СОДИҚ МУНАЖЖИМ

Хисрав Парвез саройида бир мунажжим бор эди. Уни юксак маҳорати учун тоқи офоқ, яъни, оламнинг устунни деб атар эдилар.

Бир куни бир вазир Хисравнинг қошига келиб, деди:

— Эй Хисрав, негадир менинг кўнглим нотинч, бир фалокат рўй берадиганга ўхшайди.

Хисрав дарҳол ўша мунажжимни чақириб, деди:

— Гап мана шу. Сен менга энг яқин кишилардансен, тўғриси айт.

Мунажжим деди:

— Рухсат берсангиз, ўн кунгача сизнинг қасри хосингизда ётсам. Ҳар не бехосиятлик бўлса маълум бўлади.

Хисрав рухсат берди. Мунажжим ўн кеча-кундуз шоҳнинг ўрнида ётди. Унинг куни бир воқеа содир бўлди.

Хисравнинг душманлари, иттифоқо, унинг ётадиган жойини аниқлаган эдилар. Ер остидан қазиб келиб, у ерда мунажжим ётганлигидан беҳабар, ўриннинг ёнидан тешиб чиқдилар. Ётган кишини Хисрав Парвез гумон қилиб, душманлар дарҳол унинг бошини олдилар ва бу воқеадан ҳарамдагилар беҳабар қолдилар.

Эрта тонгда туриб қарасаларки, аҳвол боягидай. Ҳамма мунажжимнинг донишмандлиги, қуввати, илми ва садоқатига қойил қолди.

Шоҳ эса деди:

У бизни деб фидо бўлди. Жасадини бизнинг шоҳона авлод-аждодларимиз мақбарасига қўйинглар.

ҒАЗНАВИЙ ВА БЕРУНИЙ

Шарқнинг машҳур мутафаккир олими Абу Райҳон Беруний Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг қошида мулозим эди.

Бир куни сафардаги Султон Маҳмуд тўрт томонида эшиги бор уйда ўтирар эди. У ҳакимни чақириб деди:

— Қани, ҳукм қил, бу эшикларнинг қайси биридан чиқиб кетаман. Огоҳлантириб қўяй, агар ҳукминг нотўғри бўлса, бошинг кетади.

Ғазнавийнинг бу қадар қаҳру ғазабидан Берунийга ҳам ваҳима тушди. Ночор-ноилож устурлобини олиб, мулоҳаза қилди ва бир нарсаларни ёзиб, эҳтиёткорлик билан Ғазнавийнинг ёстиғи остига тиқиб қўйди.

Маҳмуд Ғазнавий унга эътибор ҳам бермасдан, дарҳол бир муншийни чақириб, шимолий шарқ томондан тешик очишни буюрди. Сўнгра ўша ердан ташқари чиқиб, Берунийнинг ёстиқ остига қўйган қоғозини олиб келишни буюрди. Мулозимлар дарҳол олиб келдилар. Уқисалар, ҳаким бундай деб ёзибди: "Султон ҳеч қайси эшикдан чиқмайдилар. Деворни шимолий шарқ томондан тешиб чиқадилар".

Султон ҳайрон бўлиб қолди. Кейин олимнинг салоҳиятига таҳсин айтиб, шу ернинг ўзидаёқ юз минг дирҳам пул, от ва халатлар бериб, аъёнлари орасида иззатини бажо келтирди.

СЎЗДАН СЎЗНИНГ ФАРҚИ БОР

Бир подшоҳ туш кўрса, тушида ҳамма тишлари тўкилиб кетганмиш. Шоҳ жуда қайғурди ва эрта тонгдаёқ бир муаббирни чақиртириб, кўрган тушини гапириб берди ва таъбирини сўради. Муаббир деди:

— Шоҳим, бу туш шундан далолат берурким, барча қардош-ақраболаринг сенинг ҳузурингда ўладилар.

Бу таъбир подшоҳга қаттиқ тегиб, унинг амри билан муаббирнинг ҳамма тишларини суғуриб, тилини кесдилар.

Шундан кейин подшоҳ бошқа муаббирни тилади. Унга ҳам тушини айтиб бериб, таъбирини сўради. Бу муаббир бағоят доно ва хуштабъ киши эди. Шоҳга қараб деди:

— Эй шаҳаншоҳ, бу туш умрингизнинг узоқлигидан далолатдир. Унинг таъбири шуки, барча авлод-аждодингизникига қараганда сизнинг умрингиз узоқ бўлади.

Бу таъбир подшоҳга хуш келиб, унга от, халат ва минг дирҳам маблағ инъом қилиб, ҳозирларга деди:

— Иккала муаббирнинг таъбири ҳам бир хил. Лекин аввалги муаббир қабиҳ сўзларни ишлатиб, ўзининг бошига фалокат орттириб олди. Сўнггиси эса латиф ишоратлар ишлатиб, давлатини зиёда қилди.

БИР СЎЗНИНГ ДАЛДАСИ

Айтишларича, Искандар билан Доро ўртасидаги уруш айна кескин тус олиб турган пайтида Доро томоннинг қўли баланд эди ва мағлубиятини кўриб, Искандар бағоят қайғуриб юрарди. Ана шу айёмларнинг бирида у не-не дарду алам билан уйқуга кетди. Тушида Доро билан яккама-якка беллашиб, кураш тушаётган эмиш. Ногоҳ Доро Искандарни ерга уриб, чалқанчасига ялпайтириб, чўзилтириб қўйди.

Бу даҳшатли тушдан чўчиб уйғониб кетган Искандар жуда кўп изтироб чекди ва эрта тонгда бир муаббирни тилади. Таъбир илмида замонасининг моҳири бўлган ҳаким Искандарнинг арзини эшитиб бўлгач, деди:

— Шоҳим, кўп ажойиб туш кўрибсан. Унинг таъбири шуки, Дородан кейин ер юзи сенга қолади. Чунки унинг ўзи сенинг орқангни батамом ерга қўйиб, ер юзини сенга берибди.

Бу таъбир Искандарга маъқул тушиб, унинг руҳини кўтарди. Муаббир катта сийловлар билан сарфароз этилди. Унинг сўзидан далда олган Искандар эса янги куч-ғайрат билан юриш бошлаб, бирин-кетин зафарга эриша борди.

ҲАМТОВОҚ

Ривоятларга кўра, Ануширвон туш кўрса, тўнғиз билан бир идишдан сув ичаётган эмиш. Уйғониб, бу сўзни вазирига айтди. Вазир таъбирини билмаган эди, подшоҳ дарғазаб бўлиб, деди:

— Сенга уч кун муҳлат, агар шу муддат ичида бу мушкулни ҳал қилмасанг, каллангни оламан.

Вазир қўрққанидан саргардон бўлиб, барча ҳукамо ва муаббирларни чақириб, сўради. Бироқ ҳеч ким тайинли бирон нарса дея олмади. Бу ожизлик хабари шаҳарга ёйилиб, ҳаммаёқ дув-дув гап бўлиб кетди.

Учинчи кун деганда вазир бир гап эшитиб қолди: шаҳардан икки фарсах наридаги тоғнинг ғорида бир ҳаким

яшар экан. У оламдан этак силкиб, ўша горни макон қилибди.

Вазир дарҳол унинг зиёрати сари азм қилди. Бориб, унга арзи ҳол этти ва маддад тилади. Ҳақимдан ризолик аломати зоҳир бўлгандан кейингина вазир бир оз ўзига келиб, уни подшоҳнинг қошида ҳозир этди.

Подшоҳ тушини гапириб бўлгач, таъбирини айтгин, деб буюрди. Ҳақим деди:

— Шоҳим, бу тушнинг таъбирини раият орасида айтиб бўлмайди.

Подшоҳ ҳаммани четлаштириб, мажлисгоҳни холи этди. Шунда ҳақим деди:

— Шоҳим, бу тушнинг таъбири шуки, сенинг ҳарамингга бегона киши оралаган ва сен тасарруф қилгучи канизакка ўша бегона киши шериклик қилади.

Подшоҳ бу сўздан таажжубда қолиб, деди:

— Эй муаббири ҳақим, сен одамнинг ақли бовар қилмайдиган сўзни айтдинг. Бу воқеани қандай исбот қилса бўлади?

Ҳақим деди:

— Ҳарамдаги барча хотинларни битта-битта яланғоч ҳолда кўз олдиндан ўтказгин. Ана шунда ҳамма нарса сенга аён бўлади.

Подшоҳ ҳақим айтган тадбирни кўрди. Шунда подшоҳнинг энг яхши кўриб, суюб юрган бир чиройлик канизани унинг рўпарасига етиб келганда титраб кетди, кейин қалтираб, йиқилиб тушди. Подшоҳ ўша канизакни қошига чорлаб, сўради:

— Эй ожиза, иқрор бўлким, ким билан яқинлигинг бор?

— Эй шоҳим, — деди канизак журъат этиб, — мен гуноҳимга иқрорман. Фалон кишига ошиқман ва кечалари сендан яширинча ҳарамга кириб, у билан пинҳоний суҳбат тузиб эдим. Адолат қиличи қўлингда. Ҳар неки раво кўрсанг, қил.

Шоҳ ҳақим, канизак ва хиёнаткор ҳамтовоғининг ҳар бирига яраша улушини бериб, кўнгли таскин топди.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗИДАН

Муҳаммад ибни Сарин Басрий ғоят олими тадбиркор, одил ва таъбир илмининг беназири эди.

Бир куни унинг олдига бир киши келиб, арз қилди:

— Эй, мавлоно, тушимда бурнимдан кўп қон кетти. Таъбири недур?

— Қўлингдан кўп мол кетади, — деди ибни Сарин.

У чиқиб кетиши билан яна бир киши келиб, арз қилди:
— Шу кеча тушимда бурнимдан кўп қон келди. Боиси недур?

— Қўлингга кўп мол киради, — деди ибни Сарин.

Бу аснода ҳозир бўлган шогирдлар унга мурожаат этдилар:

— Эй, устод, иккала киши ҳам бир арз билан келди, яъни кўрган тушлари бир хил. Нечун у тушларнинг таъбири ўзаро мутлақо зид?

Ибни Сарин деди:

— Ҳар кимнинг ўзидан жавоб қидириш керак. Жумладан, аввалги киши кириб "қон кетди" деди. Мен ҳам "қўлингдан мол кетади", деб айтдим. Кейингиси "қон келди" деди. Мен ҳам "мол келади", деб айтдим.

СУВСАН

Бир киши ибни Сариннинг олдига келиб, деди:

— Тушимда бир катта сувсанни кўрдим. Таъбирини айтсангиз.

— Сенга бир йил қаттиқлик ва ёмонлик етишади, — деди ибни Сарин.

У киши кетгач, ҳозирлар сўрадилар:

— Тақсир, бу таъбир қандай билинди?

— "Сувсан" деган сўздан, — деди ибни Сарин. — Чунки бу мураккаб калима. Яъни у иккига бўлинса, биринчи бўлаги "Су" — "ёмонлик" дегани ва "сана" йил демақдир. Яъни бу туш бир йиллик ёмонликдан нишонадир.

ТЎҒРИ ВА ЎҒРИ

Бир куни бир киши ибни Сариннинг қошига келиб, деди:

— Мавлоно, тушимда муаззинлик қилаётган эмишман. Бунинг таъбири недур?

— Тавфиқ топиб, яхши одам бўлиб кетасан, — деди ибни Сарин.

У кетиши билан яна бир киши келиб деди:

— Эй муаббир, тушимда муаззинлик қилаётган эмишман.

— Сен ўғрисан, мутгаҳам, — деб унга таҳдид қилди ибни Сарин. — Тавба қил, бу йўлингдан қайт.

У таъбирини еб чиқиб кетгандан кейин, ҳозирлар таажжуб билан сўрадилар.

Ибни Сарин деди:

— Мен буни келувчиларнинг афту ангорига қараб мушоҳада қилдим. Аввалгиси хушсифат, кўнгилчан киши эди. Кейингиси эса бадсифат киши эди.

ЖАБРОИЛ ВА ҚУРЪОН

Бир фақир киши туш кўрса, тушида бир оёғи Жаброил алайҳиссаломнинг қаноти устида турган эмиш. Уйқудан туриб, замон орифларининг бирини олдига бориб, тушини арз қилди ва таъбирини сўради. Ориф табассум қилиб деди:

— Намоз ўқиганингизда каломуллога оёқ қўйманг.

У киши уйига келиб қараса, дарҳақиқат, жойнамози остида Қурон ётган эмиш.

НАСИХАТ ҚИММАТМИ, ПУЛМИ?

Шоир Саълабий Халифа Мансур пойтахтининг безакларидан эди.

У бир куни ажойиб бир қасида айтиб, кўп сийлов ва инъомлар умидида Халифа Мансурнинг қошига борди. Шоир қасидани ўқиган эди, Халифага кўп маъқул тушди ва деди:

— Эй Саълабий, сенга бу қасиданг учун уч минг динор берайми ёки ҳар бири минг динорга арзигулик учта насиҳат қилайми?

Саълабий, Халифанинг ҳурмати учун деди:

— Ҳикмат яхши, тақсир.

— Ундай бўлса қулоқ сол, — деди Халифа. — Биринчи ҳикмат шуки, агар кийиминг эски бўлса, янги этик киймагин, кўзга хунук кўринади.

Саълабий этагига уриб, фиғон чекди:

— Оҳ, вой-дод, минг динорим куйди.

Халифа табассум қилиб, деди:

— Иккинчи ҳикмат шуки, мабодо соқолингга ёғ суртсанг, жағингнинг остигача суртмагин, чунки ёқангни кир қилади.

— Во дари-и-ғ, — деб нола қилди Саълабий, — яна минг диноримни елга совурдингиз-кў.

Халифа табассум қилиб, деди:

— Шоиро, сабр қилгилким, учинчи ҳикмат икковидан ҳам яхшироқ.

Саълабий деди:

— Эй халифа, ҳақ таоло ҳурмати, учинчи ҳикматни ўзингда олиб қўйгин, хазинангда турсин, менга қолган минг диноримни бергин. Менга бу ҳикматларингдан ўша динорлар минг қатла афзалроқ.

Халифа кулиб юборди ва мулозимларига буюрди:

— Беш минг динор зар келтириб, ширинкалом Саълабийни сарфароз этинг.

ПАШШАНИНГ АЙБИ

Айтишларича, Ҳаким Хоқоний Ширвон мамлакатининг подшоҳи Манучеҳрга битта байт ёзиб юборади. Шоир унда подшоҳдан "бир пўстин ва ё фалон" нарсани ҳадя қилсангиз деб илтимос қилади.

Хоқонийнинг бу байтини олган шоҳ ғоят ғазабланади. Бундай ғазабнинг сабабини суруштирганларида, Манучеҳр дейди:

— Бу байти билан шоир мени камситибди, ҳиммати пастга чиқариб қўйибди. Нима учун ё уни бер ва ё буни деб сўрайди. Икковини ҳам талаб қилса бўлмасмиди?

Бу хабар ҳаким Хоқонийга етиб борди. Шунда шоир бир пашшани ушлаб, икки қанотини юлди-да, шоҳга юбориб, деди:

— Мана бу гуноҳкор пашшани шоҳнинг ҳузурига элтинг, токи жазосини берсин. Чунки мен байтимда "пўстин ва ё" деб эмас, балки, "пўстин ва бо", яъни "пўстин билан бирга фалон нарсани" деб сўраган эдим. Бу уятсиз пашша "бо"ни остига ўтириб, битта нуқтасини ошириб қўйибди, шунинг учун ҳам "ё" бўлиб қолибди.

Бу ўткир жавобдан ҳайратда қолган Манучеҳр, ҳаким Хоқонийни катта инъом-эҳсонлар билан сарфароз этди.

ЎҒРИ ШОИР

Айтишларича, Мавлоно Музаффар Ҳиравий қасидагўйликда забардаст бўлган экан. У Ҳирот подшоҳлари хизматида бўлган ва қасида айтишда ҳаким Хоқонийга татабуъ қилган (эргашган). У айниқса, Малик Муиззиддин Ҳусайн мадҳида жуда кўп ажойиб қасидалар айтган.

Бир куни Музаффар Ҳиравий Малик Муиззиддин Ҳусайннинг қошида қасида ўқиётган эди, бир байтга келганда подшоҳ уни тўхтатди ва деди:

— Эй, Мавлоно, ахир худди шу маъни ҳаким Хоқонийнинг қасидасида бор-ку.

Подшоҳ ўша байтни ўқиб берди. Уялганидан ўзини йўқотиб қўйган Мавлоно Музаффар деди:

— Шоҳим, бу маънини Хоқоний мендан ўғирлаган.

— Яъни қандай, — деди Малик Ҳусайн, — ахир Хоқоний сендан неча йиллар олдин ўтиб кетган-ку.

— Эй малик, — деди бу дафъа шоир, — рўзи азалдаёқ ҳамма маънилар бўлиб берилган. Менинг руҳимга келатган маънини Хоқоний бир неча йиллар олдин йўлда ушлаб қолган.

Малик Ҳусайн унинг бу сўзидан кулиб, топқирлиги ва ҳозиржавоблиги учун эҳсон билан сийлади.

АМИР ТЕМУР ВА ҲОФИЗ

Амир Темур форс вилоятларини тобеъ қилиб, Шерозга келди ва у ернинг ҳукмдори бўлган Мансурни ҳам ўлдиргач, Ҳофиз Шерозийни келтиришларини талаб қилди.

Ҳофиз Шерозий ҳамиша ғарибликда, гоят фақирона кун кечирар ва суҳбатдошлари ҳам қашшоқ камбағаллар эди. Уни келтириш учун Амир Темурга энг яқин бўлган шоир, Ҳофиз Шерозийнинг муриди Саййид Зайнул Обиддин Рукнободий борди.

Амир Темур, рўпарасида турган, кўриниши хароб ва қашшоқ Ҳофизга деди:

— Эй Ҳофиз, мен Самарқанд билан Бухорони обод ва маъмур этиш учун қилич зарби билан ер юзини хароб қилдим. Сен бўлсанг, негадир уни биттагина ҳиндий холига тортиқ этибсан.

Байт:

Агар он турки Шерози ба даст орад дили моро.
Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухоро.

яъни:

Агар ул турки Шерозий кўнгулни овлаган они
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Ҳофиз дарҳол жавоб берди:

— Эй қайсари замона, эй фотиҳи олам. Кўриб турибсан-ку, ана шундай хайру эҳсонлар туфайли мана шу қашшоқ аҳволга тушиб ўтирибман.

Бу сўзни эшитган Амир Темур, Ҳофизни хайру эҳсонлар билан сарфароз этди.

ХУДОНИНГ ВАКИЛИ

Бир улуг киши бўлиб, у анча бахил эди. Бир шоир унинг таърифини осмону фалакка кўтариб қасида ёзиб келди ва улугнинг эҳсонига умидвор бўлди. У киши эса ҳар дафъа ҳам шоирнинг бошини силаб, гап билангина қўйинини тўлдириб юбориш йўлини изларди. Шоир қасидани ўқиб бўлгач, у киши деди:

— Ажаб шеър айтибсан, қойилман. Худои таоло сенга қувват ва мадад берсин. Инъом-эҳсон учун менга кўз тутмагин, худонинг ўзи беради.

Шоир дарҳол жавоб берди.

— Тўғри айтасан, ҳар бандага худонинг ўзи меҳрибон. Мана, менга ҳам ғамхўрлик қилиш учун сени вакил қилиб юборган. Худои таолоки менинг яшашим учун сени восита қилиб юборган экан, демак, ўз бурчингни бажаришинг керак.

Шоирнинг бу мантиқи у кишига хуш келиб; қасидага муносиб катта эҳсон марҳамат қилди.

ШОИРНИНГ ИЛИНЖИ

Бир шоир бир бахил Хожа ҳақида жуда дилкаш қасида айтиб келди. Хожа эвазига ҳеч нарса бермади. Шоир бир ҳафтагача кўз тутиб юрди, инъом-эҳсондан бирор асар ҳам зоҳир бўлмади.

Нима бўлдию, шароит тақозо этиб, шоир ўша Хожа ҳақида бир қитъа айтди. Хожа бу дафъа ҳам илтифот кўрсатмади.

Бир ҳафтача кўз тутиб, тагин ноумид қолган шоир унинг тўғрисида ҳажв ёзиб тарқатди. Хожа бунга ҳам парво қилмади.

Иттифоқо бир кун шоир ўша Хожанинг эшиги олдида турган эди, ичкаридан Хожанинг ўзи чиқиб қолди. Хожанинг кўзи шоирга тушиб, деди:

— Эй шоир, қасида айтдинг, ҳеч нарса бермадим, қитъа айтдинг, парво қилмадим, ҳажв тарқатдинг, гинг этмадим. Хўш, яна менинг эшигим олдида нима умид билан ўтирибсан?

— Ўлимингни кутиб, — деди дарҳол шоир, — чунки ўлсанг бирйўла марсияни ҳам ўзим ёзаман.

Шоирнинг ҳозиржавоблигига қойил қолган бахил Хожа унга катта сийлов берди.

СОВАЖИЙ ВА ЗОКОНИЙ

Салмон Соважий ҳажвгўй, ҳазилкаш ва беҳаё шоир эди. Бир куни у Убайд Зоконий шаънига қуйидаги ҳажвни ёзади:

Жаҳаннамию беҳижо Убайд Зокони
Муқаррар аст ба бедавлатию бедини.
Агарчи нест зи Қазвину рустозода,
Вале мешавад андар калом қазвини.

Яъни:

Бединдир, қашшоқдир Убайд Зоконий,
Ҳар ерда шундай деб танирлар они.
Қазвиндан эмас у, бир қишлоқидир,
Валекин барибир, у ҳам Қазвиний.

Шу пайтларда Хуросонда бировни Қазвиний дейиш ҳақорат қилиш билан тенг эди, чунки Қазвиний деганда жоҳил, бефаҳм кишиларни тушунар эдилар.

Салмоннинг бу ҳажви Қазвинга, Убайд Зоконийнинг қулоғига ҳам етиб борди. Зоконий дарҳол йўлга отланди ва Салмоннинг таъзирини бериб қўйиш ниятида Бағдод томон юз тутди. Иттифоқо Дажла дарёсининг соҳилига келганда Салмонга дуч келиб қолди. У шоирлар ва зарифлар орасида виқор билан савлат тўкиб ўтирар эди. Убайд Зоконий бориб унга салом берди. Салмон деди:

— Хўш, кимсан ва қаердан бўласан?

— Мен бир бечора ва мискин кишиман, — деди Убайд Зоконий, — ватаним Қазвин бўлади.

Салмон масхараомуз деди:

— Қазвинийман дегин?

— Ҳа, Қазвинийман.

— Салом Соважийнинг шеърларидан ёд биласанми?

— Биламан, — деди Зоконий ва қуйидаги икки байтни ўқиди:

Ман хароботияму бодапараст,
Дар хароботи муғон ошиқу маст.
Мекашандам чу сабу дўш ба дўш,
Мебарандам чу қадаҳ даст ба даст.

Яъни:

Бир харобдурмен, бодапарастмен,
Майхона ичра ошиқ ва мастмен.
Кўкракдан кўкракка тортарлар мени,
Қадақдек лаб-балабу, дастма-дастмен.

— Офарин, — деди Салмон.

— Фақат бир арзим бор, — деди Убайд Зоконий, —
рухсат берсангиз изҳор қилсам.

— Айт, — деди Салмон.

— Арзим шуки, — деди Убайд Зоконий. — Мен Салмон-
ни бир донишманд ва фозил киши деб ўйлар эдим. Ме-
нимча, мен ўқиган шеър уники бўлмаса керак. Чунки
бундай шеърлар донишманд кишининг шаънига тўғри кел-
майди. Бу шеърдан бузуқ ва шаллақи хотинларнинг ҳиди
келиб турибди. Зероки, фақат ана шундай бемаъни хо-
тинларгина "кўкракдан кўкракка тортарлар мени" ва
"қадақдек лабдан-лабга, қўлдан-қўлга ўтиб юраман", деб
айтиши мумкин. Мабодо бу шеър Салмонники бўлганда
ҳам, аслида у хотини айтган шеърни ўғирлаган бўлиши
керак. Ажаб эмас, Салмоннинг хотини ўз саргузашти ва
қолу аҳволини тасвирлаган бўлса.

Бу сўзларни эшитишга мажбур бўлган Салмон, шуаро
ва зурафонинг орасида шундай изза бўлдики, ер ёрилма-
дики, кириб кетса. Унинг бутун вужуди терлаб кетди.
Ўйлаб-ўйлаб, ақлу фаросат юзасидан деди:

— Азизлар, агар худо бир бўлса, фақатгина Убайд Зоко-
ний шу қадар жасорат кўрсатиши мумкин. Ростини айт, ми-
скин, сен Қазвин шоири Убайд Зоконийсан, тўғрими?

— Бу дафъа донолик қилдинг. Бале, мен ўша сен ҳажв
қилган Убайд Зоконий бўламан. — Лекин шуни менга ту-
шунтиргинчи, Салмон, сен ўзингни доно ва фозил киши
санайсан, мана, ўзингга яраша обрў ва эътиборинг бор.
Умрингда сира кўрмаган киши шаънига ҳажв айтишга
қандай тилинг борди?

— Мени маъзур тутгил, Мавлоно Убайд, — деди Сал-
мон. — Мана, азизлар, ҳозир, мен ўз гуноҳимга иқрорман
ва кўп афсусдаман.

— Ҳозирлар ҳурмати узрингни қабул қилдим, — деди
Зоконий. — Мен сенинг таъзирингни бериш учун Бағдодга
йўл олган эдим. Муродим, подшоҳнинг ҳузурида сазонгни
бериб, шармандаин шармисор қилиш эди. Шукур қил,
толеинг бор экан. Дажла соҳилида қўлимга тушдинг ва
андаккина зарб билан қутилиб қолдинг.

Салмон ўрнидан туриб, Убайд Зоконийга яна узр бил-
дирди. Шундан кейин Убайд Зоконий шаштидан қайтиб,
уни афв этди ва ўтириб суҳбат туздилар.

ШОИР ЎҒРИСИ

Бир куни ҳаким Анварий Балх бозоридан ўтиб борар эди. Қараса, бир жойда халойиқ тўпланиб турибди. Шоир у ерга бориб кўрдикки, бир киши Анварийнинг қасидаларини ўз номидан ўқиб, ҳаммани оғзига қаратиб турарди. Халойиқ унинг шеъриятдаги салоҳияти ва ўқишига офарин дер эдилар. Анварий у кишига мурожаат қилиб, деди:

— Эй, кимнинг шеърларини ўқияпсан?

— Шоир Анварийникини.

— Анварийни танийсанми ўзинг? — деди Анварий.

— Қизиқ экансан-ку, — деди у киши, — Анварий менман-да.

— Ё алҳазар, — деди Анварий ёқасини ушлаб. — Мен шеър ўғрисини эшитган эдим-ку, аммо ҳанузгача шоир ўғрисини кўрмаган эдим.

"БОҒ"НИНГ МЕВАСИ

Шоир Лутфий Бойсунгур Мирзонинг тарбиятида эди. Бир куни Лутфий Мўзаффар Ҳиравийнинг "Боғ" радибли газалига жавоб тарзида газал битиб, Мирзога юборди. Бу газал Мирзога маъқул бўлиб, Ҳиравийнинг "Сарой" радибли газалига ҳам жавоб айтсин деб буюрди.

Лутфий деди:

— Аввал кўрайликчи, боғидан қандай мева унар экан, шунга қараб саройига ҳам қадам кўяйлик.

Мирзо кулди ва унга яхшигина ҳадя юборди.

"УЗРЛИ" САБАБ

Бир киши касал бўлиб ётиб қолди ва ниҳоят, тузалиб ҳам чиқди. Унинг яқин дўсти бўлган шоир эса бу орада сира кўргани келмади. Тузалиб чиққандан кейин бир куни иккиси учрашиб қолди ва бемор гинахонлик қилиб, деди:

— Эй дўстим, мен шунча касал бўлиб ётдим, бир марта ҳам кўргани келмадинг-а.

— Хафа бўлма, биродар, — деди шоир, — бу орада мен марсия ёзиш билан банд эдим.

ИТ. ВА ДИЛБАР

Шайх Камол Хўжандий ўз шеърларида "ит" образини кўп ишлатади. Ҳасан Деҳлавий эса "дилбар" сўзини кўп ишлатади.

Бир шоир бировнинг қўлида Хўжандий ва Деҳлавий девонларини бир муқовада кўтариб юрганини кўриб қолиб, деди:

— Ҳой, биродар, бу икки девонни бир-биридан ажратиб қўй, бўлмаса, Камолнинг итлари Ҳасаннинг дилбарларини еб қўяди-я.

НОЧОР ЎҒРИ

Абдураҳмон Жомийнинг бир латоиф манзумаси борким, ҳеч бир девонида дарж этилмаган. Мана у:

Дуздаке қуфли хонаам бикшод,
То раҳу расми хештан варзад,
Гирди он хона беҳ зи қуфл наёфт
Ҳеч чизе, ки ҳаббае арзад.
Ногаҳон бонге аз дарун бархост,
Қуфлро баргирифтун бардар зад.

Яъни:

Бир ўғри уйимнинг қулфини очди
Ўғрилиқ расмини бажармоқ учун.
Аммо қулфдан афзал ҳеч не топмади
Олиб қўлтиғига яширмоқ учун.
Шу тоб келган эди уйдан бир овоз
Қулфни отиб, қочди жон асрамоқ учун.

ХИЗР ТУПРУГИ

Бир бемаъни шоир Жомийнинг олдига келиб, мақтаниб қолди:

— Мавлоно, — деди у, — шу кеча тушимда Хизр алайҳиссаломни кўрдим. У киши оғизларининг муборак сувини оғзимга солиб кетдилар.

— Хато тушунибсан, — деди Жомий, — Хизр алайҳиссалом сенинг юзингга тупурмоқчи бўлганлар. Шу пайтда сен оғзингни очиб қолгансан. Шунинг учун ҳам Хизрнинг тупруклари оғзингга тушган.

НОИНСОФ

Шоирлардан бири Жомийнинг олдига келиб, деди:

— Камол Хужандий билан Хўжа Ҳофиз Шерозийнинг девонларига ва Амир Алишер Навоийнинг юзта ғазалига жавоб ёздим.

— Ҳой, ноинсоф, — деди Жомий, — худонинг олдида қандай жавоб берасан?

СУВБОП ДЕВОН

Бемаъни бир шоир Жомий олдида мақтанди:

— Каъбага етиб боришим¹ биланоқ табаррук бўлсин деб девонимни ҳажарул асвадга суртиб олдим.

Жомий деди:

— Афсус, агар Замзам булоғига тиқиб олганингда яхшироқ бўларди.

ЖАМОЛИ ИЛОҲИЙ

Мавлоно Саъиддин Қошғарий ва Хожа Шамсиддин Муҳаммад Кўсавий Орифи Жом, яъни Мавлоно Шайх Абдурахмон Жомийнинг муридларидан эдилар. Бир куни уовлари ҳажга сафар қилиб, йўл-йўлакай Бағдодда тўхтадилар.

Шайх Жомийнинг қадам ранжида қилганларидан хабар олган Камол Ироқий бир қанча мурид ва хизматкорлари билан уларни зиёрат этгани келди. Муридлар бошдан оёқ туянинг терисидан кийинган эдилар.

Камол Ироқийнинг муридларидан бири Жомийга эҳтиром билан деди:

— Мавлоно, сизни кўришдан сарфарозмиз. Худди жамоли илоҳийни кўргандек бўлдик.

— Биз ҳам сизларни кўриб жамоли илоҳийни кўргандек бўлдик, — деди Жомий дарҳол, — чунки худонинг шунча туяларини кўрдик.

КОФИРНИНГ БОШИ

Султон Абу Саид замонида Мавлоно Шайх Ҳусайн машҳур муҳтасиблардан² бири эди. Бир куни у бир габрни³ мусулмон қилиб, ўз бошидаги салласини габр бошига ўраб қўйди. Ўз хазинасидан қанчадан-қанча харж қилиб, уни роса ясантирди. Кейин отга миндириб, ногораю дўмбира

¹ Ҳ а ж а р у л а с в а д — Каъбадаги муқаддас қора тош.

² М у ҳ т а с и б — шариатга хилоф ишларни текширувчи шахс.

³ Г а б р — оташпараст, кофир.

билан бозор атрофини айлантирди. Бу маросимдан хабар топган эшоннинг (Абдурахмон Жомийнинг) хизматидагилардан бири ҳовлиқиб келиб, деди:

— Мавлоно, қаранг, Шайх Ҳусайн бир габрни мусулмон қилиб, ўз саллаларини унинг бошига ўраб қўйибдилар.

— Таажжуб қилма, — деди Мавлоно Жомий, — у салла олтмиш йилдан буён ҳам габрнинг бошига ўралар эди.

ИККОВИГА ҲАМ ЛАЪНАТ

Мавлоно Мирзо Бобур замонида Самарқанднинг энг донишманд фақиҳларидан бири, балки яғонаси ҳисобланарди. Шу киши бир дафъа Ҳиротга келди.

Шу орада Мирзо Бобур мажлис ораста қилиб, шу мажлисда Мавлоно Мазид ҳам, Мавлоно Жомий ҳам ҳозир бўлдилар. Мирзо фақиҳдан сўради:

— Язид² лаънати тўғрисида нима дея оласан?

— Бир нарса дейиш менинг учун нораво, — деди Мавлоно Мазид, — чунки мен Язидга қабиладошман.

Мирзо Бобур шу лаҳза эшонга қаради:

— Мавлоно, Мазид нима демоқчи?

Жомий дарҳол жавоб қайтарди:

— Унинг муроди тайин, — деди у, — бир қабиладан эканми, демак, Язидга ҳам юз лаънат, Мазидга ҳам, демоқчи.

ЖОМИЙ ДИЁНАТИ

Бир куни ўз замонасининг машҳур уламоларидан бири Ҳофиз Гиёс Муҳаддис³ касал бўлиб қолди. Мавлоно Жомий уни зиёрат этгани бордилар.

Ҳофиз гап орасида сўфиянинг ҳуқуқ ва урф-одатларидан гап очди. Сўфиянинг истилоҳлари ҳақида гапирди. У мутлақо нотўғри гапирса ҳам, бетоблиги ҳурмати Жомий индамай қўяқолдилар.

Жомий чиқиб кетгандан кейин Ҳофиз Гиёсиддин зиёратга келган ҳамма кишиларга дерди:

¹ Ф а қ и ҳ — диний ҳуқуқлар билимдони, юрист.

² Я з и д — Араб имомларини ўлдирган қотил ҳукмрон тимсоли.

³ М у ҳ а д д и с — ҳадис айтувчи, сўзловчи, ҳикоячи демакдир.

— Мавлоно Абдурахмон Жомий бугун шу ерда эдилар. Сўфиянинг масалаларидан бир нечтасини айтган эдим, жим қулоқ бердилар.

Бу хабар эшонга етишди. У киши дедилар:

— Ҳа, унга қулоқ керак экан, бердим ўша қулоқни.

ИСЛОМ ВА ТАОМ

Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг Султон Ҳусайн Мирзога яқин бўлган кишиларга яқин юрганлигини сезган Ҳирот Шайхулислом¹ Мавлоно Сайфиддин Аҳмад деди:

— Мавлоно эшон фалончиларнинг овқатидан ҳазар қилиш ўрнига тановул қилибдилар. Биз исломдан қўл ювдик.

Бу хабар эшонга етишгач, дедилар:

— Тўғри, Мавлоно Сайфиддин Аҳмад Шайхулислом бўлгандан буён биз ҳам исломдан қўл ювганмиз.

ОТАНГНИНГ БИЛАГИ

Бир куни Самарқанд ақобирларидан узун соқоллик бир киши икки ўғли билан Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг хизматига келди. Унинг ўғиллари ўз диёри узумларини муболага билан мақтаб, дедилар:

— Бизнинг вилоятимизда бир узум бор, ўзи қора, шундай ширадор, шундай ширадорки, отини Риши бобо (чолнинг соқоли) дейдилар. Бундай узумлар сизнинг Хуросонингизда сираям йўқ.

Бундай беҳаёлик иззат нафсига тегиб турган Жомий деди:

— Сизлар ҳали билмас экансизлар. Биз томонда шундай бир узум борки, узунлиги ва йўғонлиги мана шунча келади. Унинг номини отангнинг билаги дейдилар.

ТЎНҒИЗ

Қопқора, семиз, Журда исмлик қабиҳ бир қози ўз юртидан келиб, Ҳиротда кўп муддат туриб қолди. Бир мажлисда жамоат ундан сўради:

— Эй Журда, бу шаҳарда кўп туриб қолдинг, нега ўз юртингга қайтиб кетмайсан?

¹ Ш а й х у л и с л о м — Исламда энг катта диний мансаб, ун-вон.

— Эҳе, бизнинг вилоятимизда нима кўп — тўнғиз кўп, ўшаларнинг ичига бораманми? — деди.

Шу ерда ҳозир бўлган Мавлоно Абдурахмон Жомий деди:

— Сен бу ерга келгандан кейин у ерларда тўнғиз камайган бўлса керак, албатта.

АЛИШЕРНИНГ ҚАБРИ

Алишер Ғавоий ўз жасадини қўйиш учун бир нечта қабр тайёрлайди. Уларнинг бири азизлардан бирининг қабри ёнида, иккинчиси Абдулло Ансорий мазоридида, учинчиси Мавлоно Саъдиддин Қошғарий қабри қошида, тўртинчиси шоирнинг ўзи қурдирган масжиди жомеъ ёнбошида эди.

Абдурахмон Жомийнинг хизматидаги муридлар шу ҳолни айтиб таажжуб қилган эдилар, мавлоно деди:

— Қани, айтингни, Амир Алишернинг ўзи қайси гўрда ётмоқчи?

БЕПУЛ ОВҚАТ

Бир бахил киши ўзини зариф ва шинаванда кўрсатишга уриниб юрарди. Бир куни Жомийнинг олдида ҳазиллашмоқчи бўлиб, деди:

— Уч ақча пулим бор. Ниятим шуки, шу пулга бирор нарса сотиб олсам, ундан тўйгунча есам, қолганини сотсам-у, яна ўз пулимга эга бўлсам.

— Бунинг иложи осон, — деди унинг гапидан гаши келиб турган Мавлоно Жомий, — иложи шуки, ҳозироқ қас-собхонага бориб, уч ақчага битта қорин олгин, ичидаги нарсаларни егин, қоринни олиб бориб сотсанг яна ўша ақчага оладилар, менга ишонавергин.

ОЛИНГ, ОЛАВЕРИНГ

Мавлоно Абдурахмон Жомий Ҳижозга сафар қилиб, Симон шаҳрига етганларида қоровуллар ва тамғачилар уларни тўхтатиб, не-не озорлар билан юкларини текшира бошладилар. Йўловчиларнинг эътирозига жавобан қоровулбоши деди:

— Бизни ким деб ўйлайсизлар? Йўқ, сизлар ўйлаган гўсхўр йўқ бу ерда. Баъзи молларингизни тамгадан қочирган сизлар. Топмагунча қўймаймиз. Иштонларингизни ҳам ахтарамиз.

— Баракалла, — деди Мавлоно Жомий истеҳзо билан, — ахтаринглар, қўлларингизга тушган нарса сизларники.

ХУРОСОН ЭШАКЛАРИНИНГ ТАЪБИ

Мирзо Улуғбек салтанати замонида Мавлоно Жомий бир неча вақт Самарқандда туради.

Уша пайтда Самарқандда гоят чиройлик бир шоир бор эди. Унинг тахаллуси Хокий, яъни, тупроқ (дан) эди.

Кунлардан бирида Мавлоно Жомий бир қанча хуросонлик шуаро ва зурафо билан ўтиб кетаётган эди, йўлда Хокийга дуч келди. У ҳам Самарқанд зураво ва шуароси орасида турган эди. Шунда Хокий Мавлоно Жомийнинг бир таъзирини бериб қўйиш муродида деди:

— Эй, Хуросон эшаклари, қаерга кетяпсизлар?

Мавлоно Жомий шу шаҳзадаёқ деди:

— Хоке¹ (бир тупроқ) қидириб юрибмиз, бир-бир ётиб олайлик.

ШОИР КЎПМИ, ИТМИ?

Мажлисда ўтирган бир киши Самарқанд шуаросидан бўлган иккинчисидан сўради:

— Айтингчи, тақсир, сизнинг шаҳрингизда шоир кўпми?

— Итни урсанг шоирнинг устига йиқилади, — деди у киши, — бизнинг шаҳримизда шоир итдан ҳам кўп.

Гапга Мавлоно Жомий аралашди.

— Бизнинг шаҳримизда эса итлар кўпроқ.

ШУҲРАТ

Бир шоир Мавлоно Жомийнинг олдига бир ғазал келтириб, деди:

— Эй Мавлоно, сиз ҳам маъқул кўрсангиз шу ғазални шаҳар дарвозасига осиб қўйсалар, мен ҳам бир оз шуҳрат таратсам.

— Майли, — деди Жомий шеърни ўқигач, — лекин эҳтиёт бўл, эл бу сенинг шеъринг эканлигини билса, ёнига ўзингни ҳам осиб қўяди.

¹ Хокий тахаллусига ишора.

² Илгари энг яхши шеърларни катта-катта қилиб ёзиб, шаҳар дарвозасига осиб қўйганлар. Бундан мурод шоирни ҳаммага танитиш эди.

ЭШИКНИНГ СУЯНЧИГИ

Мавлоно Соғарий Абдураҳмон Жомий билан ҳазил-мутойиба қилиб турарди.

— Бир куни улар бир иморатда ишлашар, ҳамма ҳаракат қилиб турган пайтда Соғарий янги эшикка суянганча, қаққайиб қолган эди. Шу ердагилардан бири унга деди:

— Эй, Соғарий, ҳамма ишлаб турган пайтда сен нега анқайиб турибсан?

Гапга Жомий аралашди:

— У киши ҳам ишляптилар. Соғарийни эшикка суянчиқ қилиб қўйганмиз.

АДАШУВ

Мавлоно Соғарий анча бахил ва муттаҳам киши эди. Рамазон айёмида шаҳар ҳоқими бир оз ис чиқармоқчи бўлиб, шуаро ва фузало аҳлини таклиф этган эди. То боргунча ҳеч нарса тановул қилмасликларини ҳам илтимос қилди.

Шу куни Соғарий овқат еб қўйгани маълум бўлиб қолди. Буни муридлар келиб Жомийга айтдилар. Улар дедилар:

— Эй устод, Мавлоно Соғарий билмасдан бўлса керак, овқат еб қўйибдилар.

— Тўғри, — деди Мавлоно Жомий, — агар уйдан еган бўлса, билмасдан еб қўйган.

МАЪНО ЎҒРИСИ

Мавлоно Соғарий доим Абдураҳмон Жомийга арз қиларди:

— Биласизми, устод, мен нимаики десам шоирлар ўғирлаб оладилар. Шеърларимдаги маъниларни замон шоирлари талон-тарож қилдилар.

Кунлардан бир куни Абдураҳмон Жомий Соғарийнинг бу шикоятидан кулиб, қўйидаги ҳажвияни ёзди:

Соғарий мегуфт: — Дуздони маони бурдаанд,
Ҳар кужо дар шеъри маняк маънии рангин дидаанд.
Дидам аксар шеърҳояшро, яке маъни надошт,
Рост мегуфт, он ки маъниҳошро дуздидаанд.

Яъни:

Соғарий дерди: маоний ўғриси ҳам бор экан,
Ўғрилар шеърим маонийсини бут элтор экан.
Шеърларин кўрсамки маънидан сира ҳам йўқ нишон,
Рост айтибдурки бари маъниларга зор экан.

Бу назм тезда шаҳарга кенг тарқалиб кетди. Шундан сўнг Соғарий бир куни Абдурахмон Жомийнинг олдига келиб, деди:

— Эй устод, мен хонадонингизнинг қадимий ходимиман. Нега энди мени шу қадар шармандайи шармисор этдингиз. Сиз ёзган ҳажвия бутун шаҳарга тарқалиб, ҳамма ёдлаб олибди. Кимнинг қошига борсам шуни ўқиб берапти. Бу қитъа мени расвои олам қилди-ку.

— Ҳай, ҳай, ҳай, — деди Абдурахмон Жомий, — сен мендан бекорга хафа бўлиб юрибсан. Чунки мен "Соғарий дерди..." деб эмас, балки "Шоире дерди..." деб ёзган эдим. Шаҳарнинг котиб ва зарифлари шўхлик қилиб сенинг номингни қўшиб ёзибдилар. Ҳа, баччағарлар.

БЕҒАРАЗ ЎХШАТИШ

Соғарийнинг юзи кенг ва соқоли кўп эди. Бир куни у Жомийнинг етти яшар ўғли Хожа Зиёвуддин Юсуфни олиб ариқ бўйига чиққан эди, бир киши ариққа тушириб отини юваётган экан. Иттифоқо от орқаси билан турган эди.

Мавлоно Соғарий ҳазиллашиб, Юсуфдан сўради:

— Айтингчи Хожа, шу от нимага ўхшайди?

— Мавлоно Соғарий, — деди Ҳожа Юсуф дарҳол, — отнинг сағриси сизнинг юзингизга, думи соқолингизга ўхшайди.

МАНШУРНОМА¹

Мавлоно Валий деган нодон, содда, лақма киши бор эди. У телба-тескари сўзларни бир-бирига чатиштириб, ўзича шеър ёздим деб ўйлар ва уларни ҳар кимга ўқиб бериб, тажанг қиларди. Кишилар эса унинг устидан кулиб юрар эдилар.

¹ М а н ш у р н о м а — бирор машҳур шоир томонидан бошқа шоирга, унинг етуқлигини тан олганлигидан шаҳодат берувчи ёрлиқ.

Шу киши бир куни Мавлоно Абдурахмон Жомий қошига келиб, менга маншурнома ёзиб берасиз, бутун азиз-авлиёлар ҳақи, сизни дуо қилиб, шуаро ва зурафо орасида фахр билан ўқиб юраман, деб оёғини тираб олди. Шунда, мажлис орасида ўтириб, Жомий қоғоз ва давот тилади ва қуйидаги руқъани ёзиб унга берди:

Хизмати Мавлоно Вали, фақирро, ки
Ба сўҳбати худ мушарраф сохт.
Ва бихонд ашъори диловез
Дилписанд бар худ набохт.
Пояи шеъраш аз он баландтар аст.
Ки дар тағнои вазн гунҷад.
Ё касе тавонад, ки онро
Ба мезони таъ санҷад.

Яъни:

Бизга хизмат қилиб Мавлоно Вали
Сарфароз айлади суҳбатла, бали.
Ўқиди дилрабо шеърятини,
Англаб бўлмайти ҳам ҳеч ниятини.
Шеъри қолипсизу қолипи шеърсиз
Хуш таъ кишилар ҳам тушунмас, эссиз.

ҚОР ТАВСИФИ

Бир кеча Марвда қалин қор ёғди. Шу ерда ҳозир бўлган Султон Санжар уйқусидан туриб қараса, ҳаммаёқ оппоқ қор. Шунда ўзининг хуштаъ шоири Маҳастийга қараб, бу қандоқ бўлди, деб айтди. Шоир дарҳол жавоб берди:

Рубоий

Шоҳо, фалакат аспи саодат зин кард,
В-аз жумлаи хисравон туро таҳсин кард.
То дар ҳаракат саманди зарриннаълат
Бар гил наниҳад пой, замин симин кард.

Яъни:

Саодат отини фалак чоғлади, шоҳим,
Ва барча меҳрини сенга боғлади, шоҳим.

Олтин туёқли учқур отинг юрганда
Тупроқ босмасин, деб ерни оқлади, шоҳим.

Султон таҳсин ўқиб, тўрт қутича гавҳар берди.

ҚИЗИЛ СОҚОЛ

Заҳир Фарёбийнинг соқоли қип-қизил бўлган экан. Бир куни Қизил Арслонхон унга деди:

— Ўз соқолингнинг ранги ҳақида арзигулик бирор бадеҳа айтгин, хотира бўлиб қолсин.

Заҳир дарҳол қуйидагиларни айтди:

Назм

Воизе бар фарози минбар гуфт,
Ки чу пайдо шавад сарои нуҳуфт,
Ришҳои сиёҳ рӯзи умед
Бошад андар паноҳи риши сафед
Боз риши сафедро зи гуноҳ
Бахшад эзид ба ришҳои сиёҳ.
Мардаке сурхриш ҳозир буд,
Даст дар риш зад, чу ин бишнуд.
Гуфт: — Мо дар ин шумор наем,
Дар ду гети ба ҳеч кор наем.
Банда он сурхриши мазлум аст,
Ки зи инъоми шоҳ маҳрум аст.

Яъни:

Воиз туриб баланд минбарда деди,
Пинҳон сарой пайдо бўлганда эди,
Қора соқоллилар бўлгуси, албат
Оқ соқол кетидан, навбатма-навбат.
Аммо оқ соқоллар гуноҳини ҳам,
Қора соқол ҳақи худо кечар-кан
Шунда қизил соқол биров бор эди
Соқолини силаб, у шундоқ деди:
— Демак биз ҳисобда йўқ эканмиз, ҳа,
На бу дунёдаю на у дунёда,
Мен ҳам қизил соқол битта мазлумман,
Шунга, инъомингдан доим маҳрумман.

Бу шеър хуш келиб, Қизил Арслонхон унга катта инъом берди.

ЖАҲОН МУЛКИНИНГ ТИЛАГИ

Шоҳ Шужоънинг Манучеҳр отли ўғли Шерознинг энг келишган ва ажойиб йигитларидан бири эди.

Бир куни Манучеҳр чавгон ўйинида ўттиз минг қизил олтинга баҳоланган ажойиб бир отни миниб ўртага тушди. Отаси шоҳ Шужоъ ва онаси Жаҳонмулк томоша қилиб турдилар. Шу пайт, тўсатдан от тойиб кетди-да, шаҳзода йиқилиб тушиб, юз-кўзи қонга беланди. Ғазабланган шоҳ отни дарҳол сўйиб ташлашга буюрди. Аммо от шу қадар чақон, нодир ва тенгсиз эдики, ҳамма амиру умаролар типирчилаб қолдилар. Отни сақлаб қолишнинг иложи йўқ эди.

Шу пайт умаронинг фикрларига бир тадбир келиб қолди. Гап шундаки, шоҳнинг хотини Жаҳонмулк Бегим хуш таъб шоира, фозила ва олийжаноб аёл эди. Умаро ундан отнинг жонини сақлаб қолишни илтимос қилдилар. Шунда Жаҳонмулк эри шоҳ Шужоъга мурожаат қилди:

Рубоий

Шоҳо, адабе кун фалаки бадхўро,
К-ў чашм расонид, рухи некўро
Гар гўй ғалат рафт, ба чавгонаш зан
В-ар асп хато кард, ба ман бахш ўро.

Яъни:

Шоҳим, бадхў фалак таъзирини бер,
Кўз тегиб лочинга, у тишлади ер.
Гўй хато кетибди, ур чавгонига
Шу отни кечиргин, умрин менга бер.

Бу рубоий шоҳга хуш келиб, отнинг жонига омонлик берди.

ВИДОЪ СЎЗИ

Улуғларнинг гапларига қараганда оламда ҳеч қачон Низомулмулк Мозий каби вазирликка муносиб киши ўтмаган. У Султон Жалолиддин Моликшоҳ Салжуқий ҳукмронлиги айёмида вазирлик қилган ва тўқсон олти ёшида оламдан ўтган.

Низомулмулкнинг ўлими олдидан Султон Салжуқийга юборган бир қитъаси бор бўлиб, бу қитъанинг ёзилиш тарихи бундай бўлган экан:

Низомулмулкнинг умри охирлашиб қолган чоқларда сарой аҳли Султонга уни ёмон кўрсатиб қўядилар. Шунда Султон уни вазирликдан четлатиб, бор-йўғини мусодара қилади ва Наҳованд деган жойга қувғин қилади. Унинг ўрнига катта хотини Туркон хотуннинг тарбиясида етишган Абулғаноим Тожулмулк Форсийни вазир қилиб тайинлайди. Истеъдодсиз Абулғаноим вазирлик қилган бир йилу тўрт ой ичида Низомулмулк не жафолар кўрмади.

Бир куни Наҳованд диёрида Амир Низомулмулкни бир тўда жоҳиллар пичоқлаб кетадилар ва Амир шу захмдан шаҳид бўлади. Аммо жон бериши олдидан бадеҳа тарзида қуйидаги қитъани айтади ва султонга юборади:

Чил сол ба иқболи ту, эй шоҳи жавонбахт,
Занги ситам аз чеҳраи айём сутурдам.
Туғрои накўномиву тавқеи саодат
Пеши маликуларш ба алтофи ту бурдам.
Чун шуд зи қазо муддати умрам наваду шаш,
Дар ҳадди Наҳованд ба як захм бимурдам.
Бигзоштам он хизмати дерина ба фарзанд,
Ўро ба худову ба худованд супурдам.

Яъни:

Қирқ йил олам юзидан зангни супурдим,
Сенинг иқболингни дея эй, соҳиби бахт.
Номингни улуғловчи неча фармон сурдим,
Бахтинг йўлида иш қилдим мен, ҳар вақт,
Ёшим, мана, бордию тўқсон олтига,
Наҳованд уза бир захм жонимга қилур қасд.
Қолдирдим энди эски амални ўғулга,
Ўғлимни сенга, сени худога — шу сўнги аҳд.

Султон бу хатни олиб, қилмишидан кўп пушаймон бўлди, афсус-надомат қилди, ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

КУЛОҲ ВА БАНД

Саид Шарафиддин Ризо Сабзаворийнинг шеърятда таъби баланд эди. Унинг отаси Сабзавордаги сарбадорлар ҳукмронлигида вазирлик қилган, бобоси Мирзо Шоҳруҳ замонида Сабзаворнинг машҳур арбобларидан бўлган. Ундан олдинги бобокалони Пир Аҳмад Хавофий эса Мирзо

Шохруҳ замонидаги энг одил вазирлардан бири бўлиб, қирқ йил давомида шу амалда турган.

Нима бўладию, бир гуруҳ фосиқлар тухмати туфайли ана шундай муътабар зот — Саид банди қилинади ва Сабзавордан Ҳиротга келтирилиб, ҳибсга солинади.

Шу пайтларда Ҳиротда етмишларга бориб қолган, ўтакетган хунук бир қария бўлган экан. Ҳиротликлар уни азбаройи совуқлигидан Мирвайс Садр дер эканлар. Шу одам хунуклиги устига янаям хунукроқ қилиб, оқ кигиздан кулоҳ кияр экан.

Бир куни Хожа Пир Аҳмад Саидни оёқларидаги оғир банд, кишанлари билан девонга чорлайди. Иттифоқо, шу мажлисда Мирвайс Садр ўша кулоҳини кийиб ўтирган экан. Хожа Саидга деди:

Эшитишимча, яхшигина шеър айтар эмишсан ва таъбинг равон экан. Қани, мана шу Мирвайснинг туриши ва унинг кулоҳи ҳақида бир нарса дегинчи.

Саид дарҳол деди:

Рубоий

Эй Ӯсафи Жам, мартабаи кайвонқадр,
Монанди ҳилол ҳалқа дар гўши ту бадр.
Бисёр хунук шудаёт дар шаҳри Ҳирот
Занжири ману кулоҳи наврўзии Садр.

Яъни:

Мартабаси юлдуздек юксак эй шоҳим,
Ҳилол безак бўлсин сенга илоҳим.
Аммо кўп хунукдир Ҳирот шаҳрида
Менинг занжириму Садр кулоҳи.

Бу рубоий Хожага хуш келиб, уни банддан озод этди ва катта инъомлар билан эъзозлади. Сўнг ҳурмат-эътиборига муносиб равишда эҳтиром билан Сабзаворга кузатиб қўйдилар.

УСТОД ИЗИДАН

Қози Шамсиддин Табасий хуштаъбгина шоир ва катта олиму фозил эди. У Садрушшаръия Бухорийнинг илм ва шеърятдаги фазлу камолини эшитиши билан суҳбатидан

баҳраманд бўлиш учун Хурӯсондан Бухоро сари йўл олди. Табасий йўлданоқ тўғри Бухорий дарс бераётган мадрасага кирди. Садрушшаръия кеча-кечаси ёзиб келган қасидасини ўқиётган экан. Мана шу қасиданинг матлаи:

Бархез, ки шамъ асту шароб асту мову ту
Овози хурӯси саҳари хост зи ҳар сў.

Яъни:

Турғилким шам бору шаробу бормиз мену сен
Қичқирур саҳархез хўрозлар ҳар томондин.

Қасида ҳақида толиби илмлар баҳс юритиб турган пайтда, ўзига умид билан термулиб турган Қози Табасийга кўзи тушиб қолиб, деди:

— Эй, ғариб, шеърдан ҳеч бир хабаринг борми?

— Бор, — деди Қози, — дурустни нодурустдан ажрата оламан.

— Бўлмаса айт-чи, бу шеър қалай?

— Дуруст, — деди Қози.

Талабалар, нима учун юқори баҳо бермадинг, деб тўполон қилиб юбордилар. Шунда:

— Агар мен бадиҳа тарзида бундан яхши шеър айтсам нима дейсизлар? — деди Қози.

— Сенинг камолотингни тан оламиз ва илло сенга озор бермаймиз.

Қози қоғоз ва давот тилади. Бирпаснинг ўзида шу қасидага элик байт жавоб айтди. Мана, ўша жавобнинг матлаи:

Аз рўи ту чун кард сабо турра ба як сў,
Фаръед баровард шаби ғолиягесў.

Яъни:

Олганда сабо сочларини лола юзингдан
Фаръед кўтардию тун қон тўкди кўзидан.

Садрушшаръия унинг таъби нафислигини англагач, эҳтиром билан кимлигини сўради ва Қозининг муродидан хабардор бўлгач, уйга олиб кетиб, неча муддат устодлик қилиб, суҳбат қурди.

ВАТВОТ ВА СОБИР

Рашид Ватвот билан Адиб Собир жуда қалин дўст бўлган ва ораларида кўп ҳазил-мутойибалар бўлиб турган.

Адиб Собир асли бухоролик бўлиб, Султон Санжар замонда кенг шуҳрат таратган забардаст шоир, катта олим ва фозил кишидир. Адиб Собирни шоир Анварий шеъриятда тан олган бўлса, Амир Хоқоний унга катта ихлос билан қараб, Рашид Ватвотни адиб сифатида писанд қилмасди.

Бир куни қалин қор ёғиб, изгирин бўлиб турган пайтда, Рашид Ватвот уйда ўтириб зерикади-да, улфати Адиб Собирни кига томон йўл олади. Бориб эшикни қоқса, бир канизак чиқиб, хожам уйда йўқлар, дейди. Шунда Рашид бадиҳа тарзида дейди:

Байт

Он кас ки бурун равад дар ин рўз
Ғарзантар аз ў каси дигар нест.

Яъни:

Шундай кунда ҳам ким уйда турмаса,
Рости, ўтакетган занғар кишидир.

Буни Адиб эшитиб қоладию, болохона дарчасидан бошини чиқариб, дейди:

Байт

Ман худ ба ҳарамсаройи хешам,
Пайдост, ки дар буруни дар кист?

Яъни:

Мен-ку, мана, ўз уйимда ман,
Аммо ташқарида турган ким ўзи?

НОСИР ВА САЛМОН

Носир Бухорий жуда фозил шоирлардан бўлса ҳам, умрининг кўпини саёҳатда ўтказувчи дарвишсифат бир киши эди. Мана, унинг машҳур байтларидан бири:

Дарвешро ки мулки қаноат мусаллам аст,
Дарвеш ном дораду султони олам аст.

Яъни:

Дарвишки, қаноат мулки анга мусалламдур,
Номи дарвиш бўлса ҳам ўзи шоҳи оламдур.

Ривоятларга қараганда, у Ҳажга кетаётиб Бағдод шаҳрига етганда, Дажла дарёсининг соҳилида шуаро ва фузало орасида ўтирган Салмон Соважийни учратади. Бориб салом беради. Иттифоқо шу пайт баҳор фасли бўлиб, Дажла тўлиб-тошиб оқарди. Салмон деди:

— Қандай кишисан?

— Бир шоирман, — деди Носир.

— Бадиҳа айта оласанми?

— Айтаман, — деди у.

Шу пайт Салмон бадиҳа тарзида қуйидаги мисрани ўқиди:

Дажларо имсол рафторе ажаб мастона аст.

Яъни:

Дажланинг бу йил юришлари ажаб мастонадир.

Носир дарҳол деди:

Пой дар занжиру каф бар лаб, магар девона аст?

Яъни:

Кафти лабда, оёғида занжир, магар девонадир?

Салмон ва бошқа ҳозирлар таажжубда қолдилар.
Салмон деди:

— Қаердансан?

— Бухородан.

— Тагин Носир бўлмагин? — деди Салмон.

— Бали, Носирман.

Салмон дарҳол ўрнидан туриб, уни оғушига тортди ва ёнига ўтқизди. Кейин уйига олиб кетиб, то Бағдодни тарк этгунгича хизматини қилди.

МАВЛОНО ҲАСАНШОҲ БАДИҲАҒҲЙ

Мавлоно Ҳасаншоҳ Бадиҳағӣ бу фанда ўз замонасининг беназири эди. Бир куни у Ҳиротнинг Хиёбон деган жойидан шаҳарга борарди. Йўлда Мирзо Манучеҳрни учратиб қолди. Мирзо жуда келишган, хуштабъ бир йигит бўлиб, Амир Темур авлодидан эди. У шаҳардан Хиёбонга қараб кетаётган экан. Улар Малик дарвозаси олдидаги кўприк устида учрашиб қолдилар. Шунда Мирзо Манучеҳр кўзини чирт юмиб, деди:

— То битта бадиҳа айтмагунингизча кўприкдан ҳам ўтказмайман, кўзимни ҳам очмайман.

Мавлоно Ҳасаншоҳ дарҳол деди:

Байт

Аз он чашм пўшида шоҳ аз гадо
Ки пўшидани чашм дорем мо.

Яъни:

Гадодан кўз юмган бу шоҳимиздан
Кўзимиз юмамиз охири биз ҳам.

Мирзо кулди ва кўзини очиб, қимматбаҳо инъом берди.

БИР ТўРТЛИК ҚУДРАТИ

Кунлардан бир кун Султон Маҳмуд Ғазнавий маст бўлиб, кечаси ўз маҳбубасининг тимқора сочларини кесиб ташлади. Эртасига ўзига келиб қарасаки, жонидан ҳам афзал кўрувчи севгилисини бир ҳуснидан маҳрум этибди ва ранжитибди. Шундан кейин Султон Маҳмуд ўша қора сочлар мотами учун қора кийинди, айшу ишратдан мутлақо воз кечди, ёнига ҳеч кимни яқин йўлатмади. Надимларга ҳам, умаро ва вузарога ҳам рўйхуш бермади. Бу аҳволдан батанг келган барча сарой аъёнлари, Султон Маҳмуд Ғазнавий пойтахти шоирларининг саромади ва катта шуҳрат эгаси бўлган Абулқосим Ҳасан бинни Аҳмад Унсурийга мурожаат қилдилар. Улар дедилар:

— Эй, шоири фасиҳкалом, бу ишнинг уддасидан чиқадиган биттагина сенсан. Агар орага тушиб, биз фақир кулларнинг раҳмимиз учун бирор бадиҳа ёки латифа айтиб, Султоннинг кўнглини очсанг, сендан ўла-ўлгунча миннатдор бўламиз ва юз минг дирҳам нақд тилла ҳам инъом этамиз.

Унсурий уч кундан кейин ҳарам саҳнига чиқиб, узоқдан ўзини Султонга кўрсатди. Султон уни чақириб, деди:

— Эй Унсурий, мастликда биздан содир бўлган хатони эшитгандирсан, албатта. Шу ҳақда бирор шеър айта оласанми?

Унсурий ер ўпиб шу заҳотиёқ, бадиҳа тарзида қуйидаги рубойни ўқиди:

Имрўз, ки зулфи ёр дар костан аст,
Чи жои бо ғам нишастану хостан аст.
Ҳангоми нишоту вақти май хостан аст.
К-оростани суруд зи пиростан аст.

Яъни:

Қирқилгани учун бугун ёр зулфи,
Қайғу алам босди, бўлди хор кулки.
Айшу ишрат вақти етишди, туринг,
Қўшиқ ва базмнинг очилсин қулфи.

Бу рубой Султонга хуш келиб, чеҳраси очилди ва хизматкорларига буюрди:

— Дарҳол бориб гавҳар келтиринг ва шоирнинг оғзини уч марта тўлдириб, инъом этинг.

Умаро ва вузаролар ҳам ваъда қилинган юз минг дирҳамни топширдилар.

Султон дарҳол мажлис ораста қилишга фармон берди. Созанда, хонанда, гўянда ва ҳофизлар жамъ бўлиб, қирқ кеча-кундуз базм қилдилар. Мавлоно Унсурийни кўкларга кўтариб мадҳ этдилар ва шу биттагина рубой эвазига жаҳл занжири парчаланиб, омон-омон бошланди.

МАЛИКУШШУАРО¹ БАДИҲАСИ

Айтишларича, асли нишопурлик Муиззий забардаст шоир ва фозил киши бўлган.

Аmmo фалакнинг гардиши билан ҳарбий хизматга ўтиб қолиб, сипоҳийлик қилиб юрган. Бир неча муддатдан кейин у Султон Жалолиддин Моликшоҳ хизматига ўтади ва унинг даргоҳида маликушшуароликка кўтарилиб қолишининг сабаби бор эди. Бу бир тасодифий ҳол бўлиб, шундай юз берган эди.

Кунлардан бирида, рамазон ҳайити айёмида, оқшом пайти Султон Моликшоҳ ўзининг бир қанча аъёнлари ва надимлари билан биргаликда ҳилолни кўргани қаср устига чиқадилар. Ҳарчанд уринса ҳам ҳилолни ҳеч ким топа олмайди. Нима бўлади-ю, шу аснода Султоннинг кўзи Мавлоно Муиззийга тушиб қолади. У дейди:

— Эй Муиззий, ҳилол бизга чап бераяпти, шу ҳақда бир бадиҳа айтсанг.

Муиззий ер ўпиб, дарҳол қуйидаги рубоийни ўқиди:

Эй моҳ, камони шаҳриёр, гўй!

Дар гўши сипеҳр гўшворй, гўй!

Наъле зада аз зари иёрй гўй!

Ё абрўй он турфа нигорй гўй!

Яъни:

Шаҳриёр, камони эй заррин ой, айтгин!

Фалак қулоғига исирғадек чирой, айтгин!

Сараланган олтиндексан ҳойнаҳой, айтгин!

Нигор жамолидек турфа ҳуснга бой, айтгин!

Бу рубоий Султонга маъқул тушиб, Муиззийни маликушшуаро қилиб мартабасини кўтарди ва рубоийни қайсари Румга юборди. Айтишларига кўра, рубоий унга ҳам маъқул тушиб, қирқ туяда инъом-эҳсон юборди ва фасиҳ калом шоирнинг ҳурматини бажо келтирди.

ШЕЪР ВА АЖАЛ

Рашид Ватвотнинг асли оти Муҳаммад бинни Абдулмалик бўлиб, тили аччиқ, ўткир бўлганлиги учун ҳам

¹ Маликушшуаро — шоирлар подшоҳи, сардори демакдир. Илгари сарой шоирларини уюштириб турувчи шундай мансаб бўлган ва бу ўринга энг етук шоир тайинланган.

унга Ватвот (хаёли паришон, шошқалоқ) деб тахаллус берганлар.

Унинг асли балхлик бўлиб, 97 йил умр кўрган. Ана шу узоқ умр давомида у Султон Жалолиддин Моликшоҳ, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Отсиз каби подшоҳларни ва уларнинг фарзанду невараларини кўрган.

Фалакнинг гардиши билан Салжуқийлар давлати иккига бўлингач, у Хоразмшоҳийлар даргоҳини ихтиёр этади. Марвда эса, "буюк салжуқийлар" давлатининг сўнгги ҳукмдори Султон Санжар давлат бошида қолади.

Султон Санжарнинг қўлига ўтиб қолган лашкарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Марвдан қочадилар ва Хоразм ҳукуматига келиб хизматга кирадилар. Ана шу ҳодисанинг шоҳиди бўлган Рашид Ватвот Султон Санжар шаънига ҳақорат келтирувчи, қочиб келган лашкарларни олқишловчи қасида ёзади. Мана ўша қасидадан бир байт:

Отсизи ғозий ба тахти мулк баромад,
Давлати Салжуқу оли ў ба сар омад.

Яъни:

Отсиз ғозий мулк тахтига чиқди,
Бу Салжуқ давлатини бузди, йиқитди.

Бу асар Султон Санжарнинг қўлига ҳам етиб боради ва уни ўлгудек ғазаблантиради. Аммо Султон Санжар ўз дардини ичига ютишга мажбур бўлади, чунки қасос олишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Шу орада Султон Санжар жуда катта лашкар билан Марвдан чиқиб, Хоразмга юриш бошлайди. Ҳаким Анварий унинг хизматида эди ва у ҳам хоқони билан бир сафда юришга чиқади. Шу маҳалда Ҳазорасп қалъасида Ансорий деган киши ҳоким эди ва у қалъани жуда пухта мустаҳкамлаган эди. Хоразм хоқони Султон Санжарнинг йўлини шу қалъада тўсади. У ҳам ҳарбий юришга ўзи билан бирга Рашид Ватвотни олиб келган эди.

Орада қанча уруш бўлиб, ҳеч қандай натижа бермади. Шунда Султон Санжар Анварийга мурожаат қилиб, деди:
— Шоир, дарҳол битта бадиҳа айтгин, ўққа боғлаб, қалъага қараб отамиз.

Анварий дарҳол қуйидаги рубоийни айтди:

Эй шоҳ, ҳама мулки жаҳон хасб турост,
В-аз давлату иқболи жаҳон касб турост.

Имрӯз ба як ҳамла Ҳазорасп бигир,
Фардо Хоразму сад Ҳазорасп¹ турост.

Яъни:

Аё шоҳим, бутун жаҳон сенинг касбингдир,
Жаҳонга бахт келтирмоқлик сенинг касбингдир.
Бугун олсанг бир уришда бу Ҳазораспни,
Эртагаёқ юз Ҳазорасп сенга таслимдир.

Бу рубойни ўққа боғлаб, қалъа томон отдилар. Халқ уни ўз султонларига элтган эдилар, у дарҳол Рашид Ватвотни чақириб, деди:

— Сен ҳам дарҳол бир бадиҳа айтгин, ўққа боғлаб Султон Санжар лашкари томонга отамиз.

Рашид шу заҳотиёқ қуйидаги рубойни айтди:

Эй, шаҳ, ки ба жомат маи софест, на дурд,
Аъзои туро аз ғусса хун бояд хўрд.
Ғар хасми ту, эй шоҳ, бувад Рустами гурд,
Як хар зи Ҳазораспи ту натовонад бурд.

Яъни:

Эй шоҳ, жомингда мусаффо майдир,
Ёвларинг қон ютар, тиним билмайдир.
Душманинг Рустами гурд бўлганда ҳам,
Бир эшак, минг отча ҳеч бўлолмайдир.

Бу рубойни ўққа боғлаб қалъадан ташқарига отган эдилар, уни ўқиган Султон Санжар рубойнинг Рашид Ватвотники эканлигини пайқади. Бир дарди ўн бўлиб, ҳаммага буюрди:

— Агар Рашид Ватвот қўлимга тушса, албатта етти пора (бўлак) қиламан.

Шундан кейин барча кучларини бирданига ҳужумга ташлади ва жуда қаттиқ уруш қилди. Бундай зарбага дош бера олмаган қалъа аҳли кечаси шаҳарни ташлаб қочиб кетдилар. Рашид Ватвот эса бир харобага яширинганча, қалъа ичида қолиб кетди.

¹ Ҳазорасп дегани шаҳарнинг номи бўлиб, таржима қилинса минг от демақдир. Шоир бу ерда "Сад Ҳазорасп"ни ишлатиб сўз ўйини билан лутф кўрсатган. Чунки бу сўзларни "юзта Ҳазорасп шаҳри" деб тушуниш ҳам мумкин, "юз мингта от" деб ҳам.

Султон Санжар Рашид Ватвотни тириклай ушлаб келишни буюрди. Уни келтирган эдилар, Султон буюрди:

— Уни ўрда бозорига олиб чиқиб эл орасида сазойи қилинг ва ундан кейин етти пора қилинг.

Ҳукми ижро этиш учун Рашидни судрадилар. Султоннинг олдидан чиққандан кейин, Рашид соқчиларга ялина бошлади:

— Эй мусулмонлар, ўлим олдидан биттагина тилагим бор. Мени ўлдиришдан олдин муншийга элтинглар. Унга икки оғизгина арзим бор. Жон, азизлар, ўтинчимни қайтарманглар.

Соқчилар уни мунший қошига олиб бордилар. Девон муншийси Хожа Мунтахабиддин Бадиъ деган киши бўлиб, Султон олдида эътиборлик ва унинг надими эди. Рашид унга арз қилди:

— Эй бебадали замона, сизга арзим шуки, Султонга менинг илтижоларимни етказсангиз. Кўриб турибсизки, бир муштдеккина ҳақир қушчаман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Султон мени етти пора қилишга ҳукм қилди. Ахир муштдаккина нарсани етти пора қилса бир бурдадан бўлиб кетмайдими? Ялинаман, айтинг, Султон мени икки пора қилишга ҳукм қилсин. Агар Султон шундай иноят кўрсатса, унинг ҳақиға у дунёю бу дунё дуо қиламан.

Мунший Хожа Бадиъ Рашиднинг арзини эшитиб, табассум қилди ва уни Султонга етказди. Султон бу илтимосдан завқ қилиб, деди:

— Эй Мунший, у икки пора қилишга ҳам кичкиналик қилади. Айт, бир қошиқ қонини ўзига тортиқ этдим. Энди қаерни ихтиёр этса бориб яшайверсин.

Рашид Муҳаммад Отсиз мулозиматиға боришни ихтиёр этди.

Рашид Ватвот унинг салтанати замонида обрўй-эътибор билан яшади. Муҳаммад Отсиз ўлиб, тахту тож унинг вориси Эл-Арслонга қолади. Рашид Эл-Арслон салтанатида ҳам яшайди. Ундан кейин Эл-Арслоннинг ўгли Султоншоҳ отаси ўрнига валиаҳд бўлади. Бу пайтда Рашид жуда қариб қолган бўлади ва саройдан узоқлашади. Аммо Султоншоҳ ҳам гоҳи-гоҳида Рашид Ватвотни ўз суҳбатига таклиф этиб туради.

Кунлардан бирида Султоншоҳ кекса шоирни олиб келиш учун тахтиравон юборади. Хизматкорлар уни олиб келадилар. Бу айёмда Рашид Ватвотнинг қадди ёйдек букилган, юришга мажоли етишмас эди. Шунда кекса сухандоннинг салоҳиятини имтиҳон қилиш муродида Султоншоҳ унга деди:

— Эй беназири даврон. Сен менинг ўтмишимдаги неча пуштимни танийсан. Агар қурбинг етса шундай бир назм айтсангки, унда бобом ва отам Эл-Арслоннинг сифати муҳайё бўлсин.

Рашид Ватвот шу лаҳзадаёқ, бадиҳа тарзида қуйидаги рубойни айтди:

Жаддат варақи замона аз зулм бишуст,
Адли падарат шикастаҳо кард дуруст.
Эй, бар ту қабои салтанат омада жуст,
Ҳон, то чй куни, ки навбати давлати туст.

Яъни:

Бобонг замона сатҳидан зулмни ювди,
Отанг яхшилиқ ўрнатиб ёмонни қувди.
Сенга салтанат либоси муносиб ўлди,
Олгин, сенгадир, билган ҳукмингни сургин.

Султоншоҳ бу рубойи учун шоирга қирқ минг диноринъом бағишлади.

ТАСАЛЛИ

Ривоятларга қараганда, Султон Санжар Мовароуннаҳр мамлакатига юриш қилганда барча хонлар иттифоқ бўлиб, Насаф саҳросида унга ҳужум қиладилар. Бу жангда Султон шикаст еб, Жайҳун соҳилига келиб тушади.

Султон лашкарлари орасида Анварийнинг шогирдларидан бўлган шоир Мавлоно Фарид ҳам бор эди. Ўз мағлубиятидан ғоятда қайғуриб юрган Султон Санжар, Мавлоно Фаридни чақириб, деди:

— Эй, Фарид, бошимга тушган мусибатни ўз кўзинг билан кўрдинг. Шу ҳақда бирор бадиҳа айтиб, кўнглимни кўтарсанг.

Фарид дарҳол қуйидаги рубойни айтди:

Шоҳо, зи синони ту жаҳоне шуд рост,
Теги ту чиҳил сол зи аъдо кин хост.
Гар чашми баде расид, он ҳам зи қафост,
К-он кас ки ба як ҳол бимондаст, худост.

Яъни:

Қирқ йилдир қиличинг қасд этар ёвга,
Жаҳонда тўғрилиқ сендандир совға,
Ёмон кўз теккандир, бу кун ҳам ортда,
Мангулик хос эрур фақат худога.

ТЕМИР ҲАЛҚАСИ

Симон қозизодаларидан бири бўлган Руқн Сиёмин исмли шоир анчагина фозил киши эди. Тағой Темирхон замонида тарбият топиб, имомлик мансабига эришди. Бир куни у гуноҳ иш қилиб қўйди. Темирхон уни бандга буюради.

Бир неча ойдан сўнг, фурсат топиб, оёғидаги банди билан подшоҳ йўлини кесиб чиқди ва арзу дод қилди. Шунда шоҳ деди:

— Мана шу ҳолинг ва шу вазият ҳақида бир банд бадиҳа айтсанг гуноҳингдан ўтаман.

Руки Сиёмин дарҳол деди:

Дар ҳазрати шоҳ чун қавй шуд раъям,
Гуфтам ки рикобро зар фармоям.
Оҳан чу шунид ин сухан аз даҳанам,
Дар тоб фитоду ҳалқа зад бар поям.

Яъни:

Шоҳимиз даврида чиниқди раъйим,
Узангини олтин қилай деб айтдим.
Бу сўзни эшитган темир қайрилиб,
Оёққа ёпишди, шу менинг айбим.

ЁМОН ОДАТ

Бир подшоҳнинг ажойиб надими бор эди. Надим ўта донишманд, ҳозиржавоб, фозил киши эди-ю, аммо доим соқолини юлиб, бураб ўтириш одати бор эди. Бу одат подшоҳга хуш келмасди, шунинг учун бор дафъа деди:

— Эй надим, сенинг фазлу камолингга таҳсин айтамин, аммо шу ёмон одатингни ташла. Агар бундан кейин соқолингдан бирор толасини юлсанг ёки уни бураб ўйнасанг, қатлга ҳукм этамин.

Амри шоҳ вожиб. Надим бу одатдан ўзини зўрлик билан тийиб туришга мажбур эди. Шунинг учун ҳам мажлисларда жонини ҳовучлаб ўтирарди.

Бир куни мажлисда жуда дилкаш латифалар айтиб ва зарофатлар қилиб, шөҳни беҳад мамнун этди. Шунда подшоҳ деди:

— Бугунги кўрсатган маҳоратинг ҳар қанча таҳсин ва тақдирга арзийди. Тила тилагингни. Нимаики айтсанг, албатта, бажо келтирамиз.

— Эй подшоҳи олам, — деди надим, — мен сизнинг олий ҳимматлигингизни билардим. Рухсат беринг, бундан буён соқолимнинг инон-ихтиёри менда бўлсин.

ИҒВОГАРНИНГ ХУДОСИ

Бир куни икки иғвогар Фиръавн қошига келиб, бир мўминдан шикоят қилдилар. Фиръавн деди:

— Унинг гуноҳи нима?

— Сенинг худо эканлигингни тан олмаяпти, — деди улар.

Фиръавн дарҳол у мўминни топиб келтиришни буюрди. Мўмин келгач, Фиръавн иғвогарлардан сўради:

— Қани айтингчи, сизларнинг парвардигорингиз ким?

— Парвадигоримиз сенсан, — деди иккала иғвогар.

— Сенинг парвардигоринг ким? — деб сўради Фиръавн мўминдан.

У деди:

— Мана шу иғвогарларнинг парвардигори менинг ҳам парвардигорим.

— Чиндан ҳам сенлар иғвогарсанлар, — деди Фиръавн даъвогарларга, — бу мўмин сенларнинг парвардигоринг унинг ҳам парвардигори эканлигини тан оляпти-ку.

Шундан кейин Фиръавн иғвогарларга сиёсат қилиб, мўминга иноят кўрсатди.

ДЕҲҚОНЧА ИСБОТ

Бир куни деҳқонлар Маъмун-ар-Рашид қошига келиб, бир ҳокимдан арзу дод қилдилар. Маъмун деди:

— Сизлар унга туҳмат қилманглар. Чунки ростгўйлик ва адолатда ундан дурустроқ киши топилмайди. Унинг бошдан оёғигача ҳар бир томири адлу инсоф билан тўла. Деҳқонлар ичидан бир зариф киши туриб деди:

— Эй халифа, агар шунақа бўлса унинг ҳар бир томирини ажратиб бошқа-бошқа вилоятларга юборгин, токи ҳамма ерда ундан баҳраманд бўлсинлар ва ҳамма деҳқонлар фароғатда яшасин.

Бу сўз Маъмунга хуш келиб, ҳокимни жазога тортди ва ўша зариф деҳқонга шоҳона инъомлар бериб, сарфароз этди.

ЗИНДИҚ¹

Бир куни бир кишини зиндиқликда айблаб, халифанинг олдига олиб келдилар. Халифа деди:

— Айт, зиндиқмисан?

— Йўқ, — деди у киши, — аксинча, мен бир мўминини намозхон, рўзадор ва парҳезкорман.

— Сен бизни чалғитма, — деди халифа, — ҳозир то зиндиқлигингга иқрор бўлгунча қамчилатаман.

— Ё алҳазар, — деди у киши, — бу оламнинг қизиқлигини қаранглар-а. Муҳаммад пайғамбар ҳаммани мусулмон қиламан деб қиличдан ўтказди. Сен бўлсанг мендай бир мусулмон одамни кофирликни бўйнимга олгунимча урдирмоқчисан. Тайининг борми ўзи?

ШУМ ҚАДАМ

Подшоҳ эрта тонгда овга кетаётган эди, бир жойда олдидан усти-боши хароб, кўриниши хунук бир одам чиқиб қолди. Подшоҳ йўлдан шунақа одам чиққанини овининг барор олмаслиги нишонаси деб фол кўрди-да, у кишини ўлгудек савалаттирди.

Иттифоқо шу куни шоҳнинг иши ўнгидан келиб, ови барор топди. Жуда кўп ўлжа билан, шоду хуррам қайтиб келаётиб, эрталаб жазо берган жойига етганда ўша киши эсига тушиб қолиб, деди:

— Эй аёнлар, эрталабки бечора деҳқонни бесабаб кўп урдим. Топсангиз, кўнглидан чиқарсам.

Уни топиб келдилар. Подшоҳ узр сўраб, унга тўн ва минг дирҳам пул инъом қилди. Шунда жабрдийда деди:

— Эй подшоҳ, мен сендан тўн ҳам, пул ҳам тама қилганим йўқ эди, олмайман ҳам. Фақатгина рухсат берсанг бир оғизгина гапим бор, айтиб олсам.

Подшоҳ рози бўлди. У киши деди:

— Эй шоҳ, эрталаб тасодифан биз учрашиб қолдик. Мени кўрганинг туфайли, қарагин, овинг барор топиб,

¹ З и н д и қ — худога ишонмайдиган киши.

ўйнаб-кулиб қайтдинг. Мен сени кўрганим туфайли эса не-не балоларга гирифтор бўлмадим. Энди ўзинг инсоф билан айтгинчи, иккимиздан қайсимиз шум қадамроқмиз?

Подшоҳ деҳқоннинг шижоати ва саволига қойил қолиб кулди ва яна узр сўраб, ўн минг дирҳам эҳсон берди.

БАДОВОЗ ҚИССАХОН

Саид Жанобадий фозил ва хуштабъ киши эди. Унинг ҳикоя қилишига қараганда:

Мирзо Улуғбекнинг мажлисларида кўп маҳаллар Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си ўқиларди ва Мирзо унинг мазмуни, бадий хусусиятлари устида мажлис аҳли билан баҳслашарди.

Бир куни овози жуда нохуш бир самарқандлик ана шундай анжуманда "Шоҳнома"ни бадоянган бир тусда ўқирди. Асарнинг:

Зафар боз кард аждаҳое далер,

Яъни:

Аждаҳо мардона зафар кўзлади,

деган мисрасига келганда, Мирзо мендан:

— "Зафар" қаернинг лафзи? — деб сўраб қолди.

— Хуросонники, — дедим мен.

Самарқандлик эътироз билдирмоқчи бўлиб:

— Хуросонликлар бу сўзни қай маҳалда ишлатадилар, — деди.

Мен дедим:

— Масалан, овози ёмон киши бир нарса ўқиётганда:

Дар мақоми зафаршикан мехонад,

Яъни:

Зафарни барбод этувчи тусда ўқийди,

деб айтадилар.

Бу гап Мирзога жуда хуш келди ва менга хос либослар бериб, бадовоз қайта менинг олдимда "Шоҳнома" ўқимасин, деб буюрди.

ҒОВИЙ

Бир куни шоирлардан қанчаси қасида ёзиб, ўқиб бериш учун подшоҳнинг мулозиматига борар эдилар. Уларнинг муродлари шоҳдан инъом олиш эди.

Шоирликдан сира хабари йўқ бир зариф киши уларнинг орасига қўшилиб олиб, кетаверди. Шоирлар ўз қасидаларини шоҳга кўрсатиб, тегишли инъомларини олиб кетдилар. Охирида навбат зарифга келган эди, подшоҳ деди:

— Қани, қасиданг бўлса ўқи.

— Мен шоир эмасман, — деди зариф.

— Шоир бўлмасанг шоирлар орасида нима қилиб юрибсан? — деди шоҳ.

— Мен ғовийлар табақасиданман, — деди зариф.

— Ғовий нима дегани?

— Шоирларнинг мухлиси, — деди у.

— Бундай табақадаги кишилар нима иш қилади? — сўради подшоҳ.

— Қуръонда "ашшуаро ятта биухум ғовун" деб ёзилган, яъни бизнинг табақага оид кишилар шоирлар ёзган ҳажвияларни мажлис аҳли орасида ўқиб, ҳажв қилинганларга изза беради.

Подшоҳ кулиб, унга ҳам инъом берди.

ЁЛҒОН ҚАЙҒУ

Умар Абдулазиз ўлган пайтда ўгли Абдумалик қараса, бир киши қабр устида йиғлаб нутқ сўзлаётганида ҳадеб чап қўлини силтар эди.

Абдумалик унга деди:

— Эй одам, гапираётганингда чап қўл билан эмас, ўнг қўл билан ишора қилгин.

У киши деди:

— Э, товба. Шундай азиз одам ўлган пайтда ҳам ўнг қўл билан чап қўлнинг фарқига борадиган кишини умримда кўрмаган эдим.

УЧИНЧИ ТЕШИК

Бир зариф киши гуноҳ қилиб қўйиб, уни подшоҳнинг олдига судраб келдилар. Гуноҳини бўйнига қўйгандан кейин подшоҳ буюрди:

— Унинг бу гуноҳи учун бурни тешилсин.

— Эй ҳазрати шоҳим, — деди зариф арз қилиб, — бурнимнинг иккита тешиги бор, учинчисига эҳтиёжим йўқ.

Подшоҳ кулиб, унинг гуноҳидан кечди.

МАРДЛИК

Бир куни Талхак¹ катта бир гуноҳ қилиб қўйиб, Султон Маҳмуд Ғазнавий буюрди:

— Менинг кўз олдимда бўйни узилсин.

Жаллодлар уни ўртага олиб, атрофида қилич яланғочлаб юрар эдилар. Талхак бўлса қилич остида жуда хафақон ва бўшашганча турарди. Султонга илтижо билан қараса, сираям омон берадиганга ўхшамасди. Буни кўриб бадтар аҳволга тушди. Шу пайтда надимлардан бири деди:

— Эй Талхак, бу қандай юраксизлик, намуноча титрайсан? Сен ҳам бундай мард бўлгин. Мардлар бир келиб, бир кетадилар.

— Талхак деди:

— Э биродар, агар мард бўлсанг менинг ўрнимга келиб тургинчи, мен мардлик қанақа бўлишини бир кўриб қўяй. Султон Маҳмуд кулиб, унинг гуноҳидан ўтди.

ПОДШОҲ ҲАМ ОДАММИ?

Ёз кунларининг бирида Султон Маҳмуд ўтирган эди, пашша талайвериб жонига теккандан, деди:

— Эй, сира пашша бўлмайдиган жой ҳам бормикин?

— Бор, — деди Талхак.

— Хўш, қаерда пашша бўлмайди?

— Қаерда сира одам бўлмаса, ўша ерда пашша ҳам бўлмайди.

— Бунақа бўлиши мумкин эмас, — деди Султон.

Талхак эса ўзиникини маъқуллади. У деса, бу деди, ишқилиб Султонни ҳоли-жонига қўймади. Шунда тажанг бўлган Султон деди:

— Хўп, сеники маъқул дейлик. Бордию шунақа жойда ҳам пашша бўлса, сени нима қилай?

— Бир қошиқ қоним Султонга қурбон, — деди Талхак.

Шу шарт билан Султон ўз яқинларини йиғиб, саҳрога қараб юз бурди. Анча юриб, сира одам қадами етмаган бир чўлга чиқди. У ерда Султон ўзининг барча амир ва аъёнларини қатор қилиб қўйди. Иттифоқо сафда пашшалар учиб қолди. Султон Талхакка деди:

¹ Т а л х а к — аччиққина дегани. Султон Маҳмуднинг надим мас-харабози.

— Мана, муродинга эришдинг. Бу ерда сира одам бўлмагани ҳолда, мана, пашша бор-ку.

— Мени кечирасиз, — деди Талхак ундан баландроқ келиб, — сизлар ҳаммангиз одам бўлмасангиз бордир, лекин мен одамман.

Султон кулиб юборди ва унга минг дирҳам инъом берди.

ФАРЗАНДНИНГ ЖИНСИ

Талхак фарзанд кўриб, Султон Маҳмуднинг хизматига келган эди, подшоҳ ундан сўради:

— Фарзандинг қизми, ўғилми?

— Фақир кишиники нима бўларди, — деди Талхак, — ё қиз ёки ўғил бўлади-да.

— Улуғларники нима бўлади бўлмасам?

Талхак Султонга деди:

— Ё қабиҳ, ё бадфеъл, ё золим бўлади.

ТАЛХАКНИНГ ТАКЛИФИ

Бир куни Султон Маҳмуд Талхакдан хафа бўлди ва уни калтаклатмоқчи бўлиб, қулларига деди:

— Боққа кириб, арғувоннинг хивичларидан беш-олтита олиб келинг, бир буни таъзирини бериб қўяйлик.

Қуллар хивич излаб кетдилар. Шунда Талхак Султоннинг олдига келиб, елкасини ўгирганича тиз чўкди-да, деди:

— Майли, бекор ўтирмасдан, то хивичлар келгунча қўл билан уриб туринглар.

Султон кулиб юборди ва унинг гуноҳидан ўтди.

НОМУВОФИҚ ЖОЙ

Бир куни Султон Маҳмуд қаттиқ ғазабланиб, ҳеч кимни яқин йўлатмади. Шунда амирлар Талхакга ялиниб қолдилар:

— Агар бизнинг дардимизга малҳам бўлиб, Султонни қаҳридан туширсанг, минг динар пул йиғиб берамиз.

Талхак рози бўлди. Айланиб подшоҳнинг олдига борган эди. Султон боғдаги ерни текислаттирётган экан. Талхак деди:

— Бу ерга нима экдирмоқчисиз?

— Нима ишинг бор, — деди ғазабланиб турган Султон, — хоҳласам сабзи экдираман.

— Ҳай, ҳай, ҳай, — деди Талхак, — бу ерга унақа нарса экиб бўлмайди. Сал боши кўриниши билан канизакларингиз талашиб еб қўядилар.

Бу гапдан Султоннинг қаҳри лутфга мубаддал бўлиб, Талхакга минг динор эҳсон тортиқ қилди.

Амирлар ҳам ваъдаларига вафо қилдилар.

ЁЛҒОН СЎЗ

Абдул Ғиё билан Мир ибни Мисрий зариф кишилар эдилар. Бир куни ҳокимнинг мажлисида ёнма-ён ўтириб, бир-бирларининг қулоқларига шивирлашган эдилар, кўзи тушиб қолган ҳоким деди:

— Хўш, ўзаро қанақа ёлғон гапларни гапиряпсизлар? Улар жавоб қайтардилар:

— Тақсир, сизнинг мадҳингизни қиялпмиз.

КИМ МАСХАРАБОЗ?

Бир куни Биноий шоир Алишер Навоийнинг даргоҳига келган эди, Мир Алишер ичкаридан туриб овоз берди.

— Ким? — деди Навоий.

— Биноийман.

— Яхши келибсан, — деди Навоий унга, — ким билан масхаравозлик қилиб, вақтимни чоғ этишни билмай турган эдим.

Биноий деди:

— Мен ҳам шу ниятда, масхаравоз қидириб келган эдим.

БУЗҒУНЧИЛАР

Хожа Маҳмуд Шаҳобиддин Амир Темурнинг вазири эди. Темур вафотидан кейин маҳалласида бузилиб ётган масжидни тузатмоқчи бўлиб одам айтди. Кишилар масжиднинг нураган деворларини йиқитиб, чанг-тўзон кўтариб ишлаб турган бир пайтда шу маҳаллада турадиган бир зариф киши ўтиб қолди. Чанг-тўполонни кўриб, сўради:

— Ҳой муслмонлар, бу не ташвиш?

Халқ Шаҳоб Маҳмуднинг масжид деворини вайрон қилиш ҳақидаги фармонини арз қилдилар.

Зариф деди:

— Амир Темур тирик эканлигида муслмонларнинг уйини вайрон қиларди. Амир ўлиб, Шаҳоб Маҳмудга кун қолганда, энди худонинг уйига навбат келибди-да.

ЯРИМ КУНЛИК РЎЗА

Бир зариф бир олимдан эшитдики, ҳар ким арафа куни рўза тутса бир йиллик гуноҳи кетар экан. Зариф шу гапдан кейин арафа куни рўза тутди.

Иттифоқо, ҳаво жуда иссиқ кунлар эди, зариф жуда қийналди. Очлик ва ташналик азобига дош беролмай, куннинг ярмида рўзасини очди. Одамлар нега рўзангни очдинг, деб уни уриша кетдилар.

Зариф деди:

— Бир кунлик рўза бир йиллик гуноҳни ювар экан. Мен ярим кун рўза тутдим. Худои таоло олти ойлик гуноҳимни кечиши керак. Менга ҳозирча шуниси ҳам кифоя.

ҚОЗИНИНГ МУЛКИ

Бир куни бир қози зарифлардан бирини суҳбатга чақирди ва уни энгиш мақсадида деди:

— Эй зариф, сендан бир масалани сўрасам жавоб бера оласанми?

— Билганча жавоб бераман, — деди зариф, — камига қози жанобларининг ўзлари қарашиб юборадилар-да.

— Хўп, майли, — деди қози, — қани, эшит бўлмаса. Айтайлик, ит бир томдан иккинчи томга сакраб ўтаётганда, бир марта "вак" этди. Шу қайси ҳовлининг ҳаққи бўлади?

Зариф деди:

— Ит қайси томга яқин жойда шунақа қилган бўлса, ўша ҳовлига тааллуқли.

— Томларнинг ўртасида бўлсачи?

— Бундай тақдирда ярми бир томга, ярми иккинчисига тааллуқли бўлади.

— Бордию, ўша томлар худонинг қудрати билан ғойиб бўлиб қолсачи?

Зариф деди:

— Тақсир, у тақдирда "байтул мол" бўлади, яъни, ғойибнинг моли қози жанобларининг ўзларига қолади.

ЛАЪНАТ

Бир ҳазилкаш муқаллид — тақлидчи мажлисларда шаҳар қозисига тақлид қилар ва уни хотин қилиб кўрсатиб, ҳаммани кулдиради эди. Бу воқеани қозига етказдилар. Қози дарғазаб бўлиб, муқаллидни чақирди.

— Бу нима қилиқ, — деди қози унга ўшқириб, — ҳамма ерда менга тақлид қилиб ўртага чиқарар экансан.

Муқаллид деди:

— Ўша сизни чиқарган кишининг падарига лаънат.

ЛЎЛИНИНГ ГУВОҲИ

Бир киши лўлини қозининг олдига судраб келиб, анча пул даъво қилди. Лўли инкор этди. Қози даъвогардан гувоҳ талаб қилди. У гувоҳи йўқлигини арз қилди. Қози деди:

— Кимнинг гувоҳи бўлса, даъво ўшанинг фойдасига ҳал бўлади.

Кейин у лўлига қараб деди:

— Сенинг гувоҳинг борми?

— Эй мусулмонларнинг қозиси, — деб илтижо қилди лўли, — бу шаҳарда сиздан мўътабар кишини қидириб топишим қийин. Илтимос, мен томондан сиз гувоҳ бўлиб қасам ичинг, шу даъвогарнинг кўнгли ўрнига тушсин.

НАЖОТ

Бир киши қози олдига арз билан келиб, бировга даъво қилди. Қози ундан гувоҳ талаб қилди. Даъвогар бир ҳазилкаш кишини гувоҳликка олиб келди. Қози гувоҳдан сўради:

— Ҳеч масала биласанми?

— Жуда кўп биламан.

— Қуръондан ёд биласанми?

— Ўн қироат билан ёд биламан.

— Ўлик ювишни биласанми?

— Ҳа, мурдашўйлик авлод-авлодимдан мерос қолган касб.

— Хўш, ундай бўлса, ўликни ювиб, кафанга ўраб, тобутга қўйганда нима дейсан?

Ҳаззол деди:

— Эй бандаи мўмин, дейман. Сен кўп яхши одам эдинг. Сен ўлиб яхши иш қилдинг, чунки жонингни эсон-омон қутқариб кетдинг, дейман. Қутқарганинг шуки, дейман, сени энди қозига ҳам чақирмайдилар, гувоҳликка ҳам ўтмайсан.

БОЛА НАМОЗ ЎҚИМАЙДИ

Бир тарсо мусулмон бўлди. Муҳтасиб унинг кўнглини кўтариб, деди:

— Мана, энди сен онадан янги туғилгандек покизасан.

Орадан олти ой ўтгандан кейин қабила аҳли уни муҳтасибнинг қошига судраб келиб, ҳали тоза мусулмон эмаслигини арз қилдилар.

— Тоза мусулмон эмаслигига қандай далилингиз бор? — деб сўради муҳтасиб.

— Далилимиз шуки, унинг мусулмон бўлганлигига олти ой ўтган бўлса ҳам, ҳанузгача сира намоз ўқимайди.

— Хўш, нега намоз ўқимайман? — деб унга мурожаат этди муҳтасиб.

У деди:

— Эй муҳтасиб, мен мусулмон бўлган вақтимда ўзинг онадан янги туғулгандексан, дединг. Орадан бор-йўғи олти ойгина вақт ўтди. Энди ўзинг инсоф билан айтгинчи, олти ойлик гўдак ҳам намоз ўқийдими?

ОЙНИНГ ХУРСАНДЛИГИ

Бир зоҳид мажлисда туриб, деди:

— Қани, айтингчи, рамазон ойи биздан хурсанд бўлиб кетдими, йўқми?

— Хурсанд бўлиб кетди, — деди бир зариф киши.

Зоҳид деди:

— Қаердан биласан?

— Шундан биламанки, — деди зариф, — агар хафа бўлиб кетганда эди, келаси йил келмаган бўларди.

ЗАРИФНИНГ НАМОЗИ

Бир куни бир зариф масжид эшиги олдидан ўтиб кетаётган эди, ҳозирлар уни намозга таклиф этдилар. У ҳам кириб қаторга ўтирди ва имомга иқтидо қилди.

Имом намозни жуда тез ўқийдиган киши эди, сал ўтмай намозни тугатиб, икки ёнига салом берди. Ҳеч нарса ўқишга улгурмаган зариф деди:

— Эй имом, сен намозда бирор нарса ўқийсанми ўзи, йўқми. Ахир мен ҳали ҳеч нарса ўқиганим йўқ-ку.

АҚЛЛИ БОЛА

Бир бола ҳурматлик киши олдида одобсизлик қилиб қўйди. У киши бориб, бу ҳолни боланинг отасига арз қилди.

Бола уйга келган эди, отаси унга танбиҳ бериб қўймоқчи бўлди. Шунда бола деди:

— Эй отажон, мен-ку, гуноҳни билмасдан, ақлсизликдан қилиб қўйдим. Ахир сенинг ақлинг жойида-ку, мени ранжитиб нима қиласан.

Отаси кулиб, унинг гуноҳидан ўтди.

КЕКСА ЗАРИФ

Бир зариф киши жуда қариб, ҳассасиз юра олмайдиган бўлиб қолди. Бир кўни кўчада кетаётган эди, бир йигитга дуч келиб қолди. Йигит мункиллаб қолган зарифни энгмоқчи бўлиб деди:

— Эй зариф, ёшинг бир жойга етиб, бир оёғинг ерда, бири гўрда бўлиб қолди. Сен одамлар бошига битган бало бўлдинг-ку, уйингда тинч ўтиравермайсанми.

— Тўғри, — деди зариф дарҳол, — кўп ташвишланма, худо хоҳласа сен менинг ёшимга ҳам етмайсан, одамларнинг бошига бало ҳам бўлмайсан.

ДУОНИНГ КАСРИ

Бир зариф киши янги тўн билан янги этик кийиб бир жойга кетаётган эди, йўлда катта бир сойга дуч келиб қолди. Қараса, ўтиш учун кўприк йўқ. Нима қилишини билмай ўйланиб турган эди, иттифоқо яна бир зариф киши келиб қолди. Биринчи зариф ялиниб деди:

— Эй, азиз биродар, бир ҳиммат кўрсатиб, мени шу сувдан кўтариб ўтказиб қўйсанг. Бир жойга кетаётган эдим, либосларимни ҳўл қилмайин.

Иккинчи зариф рози бўлди ва уни елкасига кўтарди. Биринчи зариф минаётиб, ҳазиллашиб отга минаётганда ўқийдиган дуони ўқий бошлади. Кўтарувчи индамай сувга кирди. Соининг ўртасига борганда кўтариб бораётган киши отдан тушаётганда ўқийдиган дуони ўқиди-да, устидаги шеригини сувга ташлаб юборди. Ўқиган дуосига яраша жавоб олган биринчи зариф ноилож тақдирга тан берди ва ҳеч нарса дея олмай қолди.

МЕҲМОН

Бир зариф бошқа бир зарифнинг уйига меҳмон бўлиб бориб, уч кун ўша ерда қолиб кетди ва мезбонларни кўп тажанг қилди. Шунда мезбон хотинига шикоят қилган эди, хотини деди:

— Ҳозир мен кириб бир шаъма қиламан, кейин сен кирсанг фотиҳа сўраб, кетади.

Шундан кейин хотини меҳмоннинг ёнига бориб, деди:

— Эй азиз меҳмон, уч кундан бери ризқингни бизни-кидан берган меҳрибон парвардигор эртага бошқа жойдан ҳам берар. Эрим менга кўп жафо қиляпти, шунга кетар олдидан бир насиҳат қилиб қўйсанг.

Зариф ризолик бериб турган эди, шу пайт хотиннинг эри кириб қолди. Зариф деди:

— Эй ёри азиз, худои таоло шу тўрт кунлик ризқимни сенинг даргоҳингга сочган экан, хотинингни менинг боримда хафа қилмагин. То хотинингни рози қилмагунингча кетолмайман энди. Кўнглимни тинчитиб, қаноат ҳосил қилиб кетаман.

КАМЧИЛИК

Бир ўзига тўқ хожа ўзи учун мақбара солдирди. Усталар бир йилча ишлаб битирганларида хожа уларнинг қошига бориб сўради:

— Хўш, уста, бирор камчилиги борми, мақбарангизга яна нима керак?

Усталардан бир зариф киши деди:

— Камчилик бор тақсир, сизнинг вужудингиз керак.

ҲАСИБ

Бир киши эътиборли мавлонони меҳмонга таклиф этиб, турли-туман таомларни тортди. Сўнгра бир товоқ ҳасиб олиб келиб, уни тўграб туриб, деди:

— Атайлаб сиз учун ўз қўлим билан пиширдим, қани, марҳамат.

Ҳасиб кесилганда бир қўланса ҳид таралиб, Мавлоно ундан сира ея олмади. Мезбон деди:

— Эй Мавлоно, нега ҳасибдан олмаяпсиз, уни ёмон тўлдирибманми?

— Йўқ, — деди меҳмон, — уни яхши тўлдиргансиз-ку, аммо ёмон бўшатгансиз.

ҚИРОАТНИНГ ДАВОМИ

Бир зариф киши хожанинг уйига борган эди, эшикнинг тирқишидан қараса, хожа иштаҳа билан анжир еб ўтирган экан. Зариф эшикни қоқди. Хожа анжирни идиши билан

салласининг остига яшириб, эшикни очди. Зариф уни кўриб турган эди. У кириб ўтирди. Гапдан гап чиқиб, хожа кимсан ва нима ҳунаринг бор, деб сўраб қолди.

— Ҳофиз ва қориман, — деди зариф, — Қуръони мажидни ўн қироат билан ўқийман.

— Қани, бўлмаса бир сурани ўқигин-чи, — деди хожа.

Зариф рози бўлиб, бир сурани камоли иштиёқ билан тиловат қила бошлади ва ярмига келганда таққа тўхтади.

— Охири қани? — деди хожа.

Зариф деди:

— Тақсир, айбга буюрмайсиз, қолгани салланнинг тагига кириб кетди.

ВАЛИНЕЪМАТ

Бир талай зарифлар маслаҳатлашиб, атайлаб бир бахил хожанинг эшигига бордилар. Уларни кўриб қолган хожа дарҳол ўғлини пишитиб, йўлакка чиқарди. Ўғли зарифларни кутиб олиб, деди:

— Бошимизга катта мусибат тушди. Отам эрталаб қазо қилдилар.

Ҳийлани англаган зарифлардан бири деди:

— Эй болам, отанг бизнинг валинеъматимиз эдилар. Бизга кўп хизматлари ўтган. Шуларни қайтармасак арвоқлари биздан рози бўлмайди. Ҳеч бўлмаса ўз қўлимиз билан ювиб, жанозасини ўқиб, кўмиб келайлик. Қани, ичкарига бошла, болам.

ҚУШЛАРНИНГ УМРИ

Бир зариф киши бир бахилга меҳмон бўлди. Бахил дастурхонга бир неча қушларни қовуриб торгди. Зариф қўлини фотиҳага очиб, деди:

— Омин, бу қушларнинг умри ҳаётдан ҳам узоқроқ бўлсин.

БИР БУРДА НОН

Бир зариф бахилникига меҳмонга борган эди, бахил ўз канизига яхши сараланган асалдан келтиришни буюрди.

— Ундай асалдан қолмади, — деди афтидан хожаси феълини билган канизак.

— Ҳа майли, тоза асал қолмаган бўлса, атласу кимхоблардан қилинган тоза кўрпа-тўшаклардан жой қилиб бергин, меҳмон бир мириқиб ётсин.

Зариф гапга аралашди:

— Эй, атласу кимхоб тўшакларнинг орасига бир бурда нон қўйишни ҳам унутма. Ҳозир менга ундан азизроқ нарса йўқ.

БОШСИЗ СЎЗЛАМАЙДИ

Бир сартарош хожанинг сочини олаётган эди, ногоҳ қўли қалтираб, хожанинг бошини кесиб олди. "Сартарош бошимни кесиб олди", деб хожа доду фарёд кўтарди. Сартарош унга деди:

— Ҳой хожа, нафасингни ўчир, билмайсанми, кесилган бош гапирмайди.

ҚОВУРМА САВДОСИ

Айтишларича, Машад Шерозий исмли бир зариф киши қовурмапазлик қилар эди. Бир куни ориқ эчки гўшtidан қовурма қилган эди, хом ва бемазалигидан ҳеч ким қиё боқмади. Машад Шерозий нима қиларини билмай, ўлик ювувчиларнинг каттаси, бош мурдашўйнинг ҳузурига бориб, деди:

— Эй хожа, мен бир фақир ва мискин кишиман. Ма-боло ўлиб қолсам мени ювмасдан кўмишларидан қўрқаман. Бир ғариб кишининг ҳолини ким ҳам сўрарди, дейсиз. Бугун бир семиз эчки гўштини қовурган эдим, ўшани сизга берсам-ку, ўлган вақтимда мени ювиб, кўмсангиз.

Бу гап мурдашўйга маъқул тушиб, қовурмани олиб қолди.

Шу гапдан бир ҳафта ўтгач Машад сафар либосини кийиб келиб, мурдашўйнинг эшигини қоқди.

— Марҳабо, не хизматинг бор? — деди мурдашўй Машадга.

— Э-э, биродар, — деди Машад оҳ чекиб, — бошимизга бир кулфат тушиб, Дамашқ шаҳрига кетадиган бўлиб қолдим. У ерда қариндошларимдан бири вафот этибди. Ундан жуда кўп молу мулк мерос қолган. Мендан бошқа бирор меросхўри ҳам йўқ. Энди ўша ерга боришга мажбур бўлиб қолдим. Шерикларим йўлда қараб турибдилар, дарров кириб кийиниб чиққин, сени ҳам ўзим билан олиб кетаман.

— Йўқ, мен бормайман, — деди мурдашўй.

— Э-э, нега бормас экансан? — таҳдид қилди Машад.

— Нима учун бораман ахир? — деди ҳайратда қолган мурдашўй.

— Шунинг учунки, — деди Машад унга тушунтириб, — мен қаерда ўлишимни билмайман. Сен мен билан йўлдош бўлиб юрасан, қаердаки қазом етиб, бандаликни бажо келтирсам, ўша ерда ювасан. Ахир ҳаққини олдиндан тўлаб қўйганман-ку.

Мурдашўй нима дейишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Кейин кетишга эътироз билдирди. Машад, агар бормаса қовурманинг ҳаққини бериши кераклигини айтди. Икки ўртада уруш-ғовға кўтарилиб, кишилар тўпланди. Халойиқ мазамматидан уялган мурдашўй қовурманинг баҳосини икки баравар тўлаб, Машаднинг қўлидан қутулиб қолди.

ШИКОЯТ

Бир зариф киши дўстига хат ёзар эди. Бошида бир гаронжон¹ тикилиб, нимаики ёзса ўқиб турар эди. Зариф хатига: "Дўстим, ёзган хатимни бошимдаги фалон падарқусур гаронжон ўқиб турмаганда эди кўнглимдаги ас-рорларимни битган бўлардим" деб ёзди.

Бу сўзларни ўқиган гаронжон деди:

— Хўш, нега энди мендан шикоят қиласан, сенинг хатингга ким қарабди?

— Менинг хатимга қарамаган бўлсанг, — деди зариф, — сендан шикоят қилганлигимни қаердан билдинг?

ЗИЁРАТ

Бир талай гаронжонлар тўпланиб, бемор ётган бир азиз кишини кўргани бордилар, беморнинг бошида ўтириб олиб, уни роса тажанг килдилар. Кетар олдида гаронжонлардан бири беморга мурожаат этди:

— Эй бузург, бизга қиладиган насиҳатингиз бўлса айтсангиз,

У киши деди:

— Насиҳатим шуки, агар бирор беморни зиёрат қилгани борсангиз, унинг бошида кўп ўтирманг ва азоб берманг.

ВАСИЯТ

Бир гаронжон беморни кўргани бориб, касалинг нима деб сўраб қолди.

— Чипқон чиқибди, — деди бемор.

¹ Г а р о н ж о н — безамиз, бафаросат киши.

— Бай-бай-бай, васият қилиб олгин, — деди гаронжон ташвиш билан, — менинг отам билан акам шу касалдан ўлган. Бу касалга гирифтор бўлган кишининг омон қолиши қийин. Васиятнинг қилиб олгин.

Бемор фарзандларини чақириб, васият қилди:

— Болаларим, шу гаронжон қайта келадиган бўлса зинҳор менинг ёнимга яқинлаштирманглар.

НОПОК НАРСА

Бир бемор ўлар ҳолатда ётган эди, бир гаронжон кўргани келиб қолди. Гаронжоннинг оғзи ўлгудай сассиқ эди. Шунга қарамай у оғзини беморнинг оғзига яқинлаштириб, тинмасдан сайрар эди. Бемор бурнини тўсди — бўлмади, юзини ўгирди — бўлмади, охири жону ҳолига теккандан кийин деди:

— Эй азизим, мени покизагина ва бемалол ўлгани кўясанми-йўқми? Наҳотки, менинг ўлигимни жаҳондаги энг нопок нарсага булғаб, ҳаром қилмоқчи бўлсанг?

ТУПУК

Бир гаронжон ўта беодоблик қилаётган эди, бир азиз киши насиҳат қилдилар.

— Эй Мавлоно, — деди унга жавобан гаронжон, — мен нима ҳам қилишим мумкин, худонинг ўзи мени шундай одам қилиб яратиб қўйган.

— Тўғри, — дедилар азиз, — худойим сенинг нусхангни одамга ўхшатиб қўйган-у, аммо миянг ўрнига тупугини тўлдириб қўйган.

ЮЗ РАТЛ¹ ҚОР

Мавлоно Замахшарий "Рабиъул аброр" номли асаарида қуйидаги воқеани ҳикоя қилади.

Бир куни Ҳасан ибни Ваҳҳоб билан Абдул Ғиё ўн ратл қор топишдан баҳс бойлашиб, Ҳасан шартни бажо келтирди. Абдул Ғиё ўн ратл қор қидириб кўчага чиқди. Бозорларни роса ахтарди — ҳеч жойдан қор топа олмади. Нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб турган эди, ногоҳ кўзи Бакр бинни Иноб исмлиқ бир кишига тушиб қолди.

¹ Р а т л — бир литрча ҳажмдаги нарса. Бир коса деса ҳам бўлади.

Бакр — совуқ сўзлик ва совуқ табиатликда ном чиқарган кишилардан бири эди. Абул Ғиё уни чақириб, деди:

Эй Бакр бинни Итоб, жуда пайтида келдинг, қачондан бери ўзим ҳам сени қидириб юрган эдим.

Шундан кейин Бакрни Ваҳҳоб эшигига олиб келиб, уни ташқарида қолдирди-да, ўзи уйга кириб, деди:

— Эй Ваҳҳоб, сен мендан ўн ратл қор сўраган эдинг, мен сенга юз ратл қор олиб келдим.

Абул Ғиё Бакр бинни Итобни ичкарига таклиф этди. Ҳасан ибни Ваҳҳобнинг кўзи Бакрга тушиши билан Абул Ғиёга қараб, деди:

— Сен ютдинг. Ҳақ субҳона ва таоло ёрлақасин сени, валлоҳким олиб келган қоринг юз ратлдан ҳам кўпроқ ва совуқроқ.

ЎЗИ КЕЛСИН

Шайх Бору ўзининг гаронжон муридлари билан бир хожанинг ёнига бориб, деди:

— Эй хожа, шу кеча туш кўрсам, раҳматли падари бузрукворингиз тушимга кирибдилар. Улар ҳадеб полуда¹ сўраяптилар, денг.

Хожа полуда пишириб берди. Шайх муридлари билан еб кетди. Бир ҳафта ўтгач у яна келиб, "отангни тушимда кўрдим, фалон таомни сўраяпти", деб айтган эди, хожа яна пишириб берди. Шайх муридлари билан ҳузур қилиб еди.

Бир ҳафтадан кейин у яна келиб деди:

— Эй хожа, отангни туш кўрдим, у киши қўй гўштидан қовурдоқ билан ҳолва сўраяптилар.

— Бориб отамизга айтинг, — деди хожа унга бу дафъа, — энди ўзлари келсинлар, боримизни бирга баҳам кўрамиз.

ҲАМСАФАР

Хуросонлик бир зариф йигит билан бир гаронжон ҳажга қараб бирга йўл олдилар. Бағдодга етганда хуросонлик касал бўлиб, ётиб қолди. Гаронжон уни ташлаб, йўлга чиқмоқчи бўлиб турган эди, бемор деди:

— Эй биродар, мени шу ҳолда ташлаб кетаётибсан, қайтиб борганда дўстларим ва қариндошларим сўрасалар нима дейсан?

¹ П о л у д а — лаззатли таом.

— Менми? — деди гаронжон, — хў-ўш, агар сўрасалар, қариндошингиз бетоб бўлиб қолди дейман. Кейин иситма чиқарди, кейин безгакка йўлиқди, кейин сариқ касал бўлди, кейин жигари шишиб кетди, кейин бошини йиринг босиб кетди, кейин ошқозони ишдан чиқди, кейин ундан баттар бўлиб, охиратга кетди дейман.

Хуросонлик деди:

— Эй биродар, озгинаю созгина бўлсин деганлар. Гапни мунча чўзиб ўтирасанми. Менинг ҳолимни сўрасалар, энг яхшиси, қисқагина қилиб, охиратга кетди-ю, гаронжоннинг суҳбатидан қутулди, деб қўяқол.

НАСИХАТ

Бир қабиҳ табиатли киши бундай деб тиловат қилар эди:

— Эй худое, сендан биттаю битта тилагим менга ҳам беҳиштни раво кўрсангу дўзах ўтидан ўз паноҳингда ас-расанг.

Бу сўзларни эшитиб қолган бир зариф унга насиҳат қилиб қолди:

— Эй одам, бахилликнинг нима кераги бор, шундай ёмон юзни дўзах ўтидан бебаҳра қолдирасанми!

ДУОЙИ ХАЙР

Бир қабиҳ табиатли киши зариф кишининг соқолига илашиб қолган чўпни олиб ташлади. Зариф индамади. Қабиҳ манзиратталаблик тамасида деди:

— Нечун тарки суннат қилдинг, яъни менга дуойи хайр қилмадинг.

Зариф деди:

— Қўлингни оч, сенга боп битта дуо қилиб қўяй. Омин, илоҳи худои таоло сенинг юзингни қаро қилсин, сени ва сендек ёмонларни кишилардан узоқ қилсин. Сендек юзсиз кишиларни расвойи жаҳон қилсин. Илоҳим сенинг ҳақингдаги бу дуолар мустажо бўлсин.

ЭНГ ЁМОН АЪЗО

Бир ҳижозлик киши Мутаваккилнинг энг яқин надимларидан бири эди. Ҳижозлик ғоятда қабиҳ табиатлик киши эди. Нима бўлдию бир-икки кун у Мутаваккилнинг мулозаматига келолмай қолди. Бир кун келиб ундан узр сўради:

— Эй Мутаваккил, мени маъзур тутинг, баданимдаги энг ёмон аъзомга яра чиққан эди, шунинг учун бир-икки кун даргоҳингизга келолмадим.

Мутаваккил унинг юзига ишорат қилиб, деди:

— Ёлғон гапирма, қара, аъзоларингни энг ёмонроғи бўлган юзингда ҳеч қандай яранинг изи йўқ-ку.

БОЛАЛАР ДУОСИ

Бир тўда кишилар ҳақ таолодан ёмғир тилагани мактабдаги болаларни тўплаб бораётган эдилар, йўлда бир зариф учраб қолди.

— Йўл бўлсин? — деди у одамларга.

— Бу болалар бегуноҳ, — дедилар улар, — уларни ёмғир тилаб дуойи хайр қилгани олиб кетяпмиз.

Зариф кўлиб деди:

— Қизиқ экансизлар, агар шу бегуноҳ болаларнинг дуоСИ мустажоб бўлганда эди, ер юзида бирорта ҳам мактабдор қолмаган бўларди.

ҚЎШИЛМАС ТАОМ

Бир табиб ўтиб кетаётган эди, қараса бир зариф мижози сира тўғри келмайдиган икки хил таомни еб ўтирарди.

Табиб деди:

— Эй зариф, бу икки таом бир-бирига қўшилмайди ва ҳазм бўлмайди. Икки ўртада азоб чекканинг қолади.

Зариф унга қулоқ бермай, билганини қилди. Эртасига зариф касал бўлиб, табибнинг олдига келди. Табиб деди:

— Ахир мен кеча айтдим-ку, бу иккала таом бир-бирига қўшилмайди, деб.

Зариф деди:

— Бекорни айтибсан. Ҳозир аксинча бўляпти. Иккиси бирлашиб, мени ўртадан кўтармоқчи улар.

ХОТИННИНГ МУЛКИ

Бир зариф киши ўта қашшоқлашиб кетди. Ҳеч нарсанг қолмадими, деб сўрадилар ундан.

Зариф деди:

— Йўқ, ҳеч нарсам қолмади. Аммо хотинимнинг баъзи нарсалари бор. Жумладан, унинг ўн минг динар олтин ва беш эшакка юк бўладиган мулки бор.

— Ўша мулк қаерда? — деб сўрадилар.

Зариф деди:

— Менинг бўйнимда.

АКСА

Бир бадавлат кишининг путури кетиб, анча қашшоқлашиб қолди. Бир куни кўпчилик ичида ўтириб, у қаттиқ акса урди. Ҳозирлар ундан бод чиқди деб гумон қилиб, таъна ва маломат қилдилар. Шунда у киши кулиб, деди:

— Оламнинг ишига қаранг-а, вожаб. Илгари қўлимда давлатим бор пайтида мабодо бод чиқарсам, кишилар уни аксага йўйиб соғлик тилар эдилар. Энди бўлса, қўлимдан давлат кетганлиги сабаб, акса урсам бод гумон қилиб, таъна қиладилар. Ё алҳазар.

УЗУН ҚУЛОҚ

Айтишларича, бир кишининг қулоғи ҳаддан ташқари узун эди. Узун қулоқ дадасига ҳамиша дерди:

— Дада, мен ҳақимлардан бир гап эшитдим: қулоғи узун кишининг умри ҳам узун бўлар экан. Шундай экан, менинг умрим ҳам узоқ бўлади, албатта.

Иттифоқо, бир тухматга гирифтор бўлган узун қулоқ бу киши ўлимга маҳкум этилди. Уни дор остига элтдилар. Шу пайтда отаси йиғлаб, деди:

— Эй ўғлим, ҳар доим қулоғи узун кишининг умри ҳам узун бўлади, деб айтар эдинг. Энди бўлса, қулоғинг узун бўлса ҳам сени ўлдирадилар.

— Эй отажон, — деди бола, — агар киши ўз ажали билан ўлса, қулоқнинг узунлиги умрнинг узоқлигига далил деб айтган эдим. Мен эса ўз ажалим билан эмас, балки шоҳнинг амри билан ўляпман. Шунинг учун менинг умрим билан қулоғимни дахли йўқ. Ўз ажалимга қўйганларида эди, қулоқнинг умр рамзи эканлигини кўрардик.

Бу сўзларни эшитиб турган шоҳ табассум қилди ва унинг гуноҳини кечди.

ШУКРОНА

Бир куни икки бадавлат ширвонлик ва бир камбағал шерозлик йўлдош бўлиб, ҳажга сафар қилдилар. Ният қилинган манзилга етгач, бир ширвонлик деди:

— Биродарлар, ҳажга етганимиз шукронасига мен фалон хизматкоримни озод қилдим.

— Мен ҳам, — деди иккинчи ширвонлик, — фалон пул зарга харид қилинган фалон канизагимни озод қилдим.

Шерозлик деди:

— Мен шукрона учун озод қилай десам, кўзга кўринарли бирор нарсам йўқ. Начора, куним шунга қолган экан, мен ҳам бу шарофат шукронаси учун хотинимни уч талоқ қўйдим ва бола-чақаларимни ўзимдан озод қилдим.

УҚУВСИЗ ЎҚЧИ

Бир файласуф ҳужрасида ишлаб ўтирган эди. Қараса бир уқувсиз ўқчи унга яқин жойга бир нишонни қўйиб, ҳадеб ўқ узар, узган ўқлари эса сира нишонга яқинлашмай, ҳар томонга ўтиб кетарди. Файласуф мабодо ўқ тегиб кетмасин, деб қўрқди-да, ўзини ҳимоя қилиш ниятида, ўқчи қўйган нишонга бориб турди.

Ўқчи деди:

— Ҳой одам, қоч у ердан, ўқ тегади.

— Отавер, отавер, — деди файласуф, — қарасам сен отган ўқдан фақат шу ер омон қоляпти, холос.

НОВОП ЙЎЛДОШ

Бир зариф киши араб билан йўлдош бўлиб кетаётган эди, ногоҳ сўраб қолди.

— Дўстим, отинг нима?

— Матар, — деди араб, — яъни ёмғир.

— Тахаллусинг нима?

— Абулфайз, — деди араб, — яъни, ёмғирнинг отаси.

— Отангнинг оти нима? — деди зариф.

— Абулайн, яъни булоқнинг отаси.

— Онангнинг оти-чи?

— Уммул наҳр, яъни дарёнинг онаси.

Зариф деди:

— Тўхта биродар, озгина сабр қилиб тургин, биттагина қайиқ ясаб олайин, бўлмаса сен билан юрсам сувга чўкиб ўладиганга ўхшамайман.

СОВУҚ ЙЎЛДОШ

Яна бир кун зариф киши бир араб билан йўлдош бўлиб қолиб, зариф сўради:

— Биродар, отинг нима?

А р а б: — Бард, яъни совуқ.

З а р и ф: — Тахаллусинг-чи?
 А р а б: — Абул Жамд, яъни музнинг отаси.
 З а р и ф: — Дадангни оти нима?
 А р а б: — Абус-салж, яъни, қорнинг отаси.
 З а р и ф: — Онангнинг оти-чи?
 А р а б: — Замҳарир, яъни, қаҳратон.
 З а р и ф: — Унинг тахаллуси нима?
 А р а б: — Уммул шито, яъни, қишнинг онаси.
 З а р и ф: — Ҳунаринг нима?
 А р а б: — Музфурушлик.
 З а р и ф: — Ҳозир қаерга кетяпсан?
 А р а б: — Қор қидириб.

Зариф таққа тўхтаб деди:

— Бирпасгина сабр қил, биродар, мен югуриб бориб пўстинимни кийиб келай, бўлмаса совуқда ўлиб қоламан сен билан.

НОГАҲОНИЙ ТУҲМАТ

Айтишларича, Кўфз шаҳрида Башар исмлик бир зариф бўлган. Бир куни ёру биродарлари билан суҳбат қуриб ўтириб, ниҳоятда оч қолади. Шунда Башарга қараб, дедилар:

— Эй Башар, ташқарига чиқиб егулик бирор нарса топиб келмасанг барчамиз очимиздан ўламиз.

Башар ташқарига чиқиб, нима қиларини билмай турган эди, ногаҳон шаҳар томондан келаётган бир арабга кўзи тушди. У етиб келгач Башар деди:

— Ассалому алайкум, биродар.

— Ва алайкум ассалом ва раҳматулло.

— Йўл бўлсин, дўстим?

— Йўл бўлгай, шаҳардан.

— Шаҳардан келяпсизми?

— Ҳа, бир туям бор эди, шуни фалон пулга сотиб келяпман.

Шу пайт Башарнинг кўзи арабнинг белбоғига тугилган пулга тушиб, бориб уни камаридан маҳкам тутиб сўради:

— Отинг нима?

— Ҳа, отим фалон.

— Жуда яхши, — деди Башар. — Менга қара, фалон, сени анчадан бери қидириб юрган эдим. Қани, дарҳол бўйинидаги ўн тўққиз динор қарзини тўлаб кўйгин-чи.

— Қанақа қарз? — қайрон бўлди араб.

— Бўлди, бўлди, гапни кўп чўзма. Қанчадан бери сени қўлга туширолмасдан юрган эдим.

— Эй одам, мен умримда сени кўрган бўлмасам, бу шаҳарга эса биринчи келишим, сен билан ҳеч нон-қатиқ бўлмаганман, қандай қилиб қарз бўламан, ахир?

— Менга ҳасрат-надоматингни тўкма, қарзингни тўк, яхшиликча.

Хуллас араб "тут" деса, Башар "бет" деди, у қилди, бу қилди, ўртада жанжал кўтарилиб, бирпасда халойиқ йигилди. Араб улардан нажот сўради.

— Мавлоно Башар бир камтарин, хуштабъ, зариф киши, — одамлар, — наҳотки шундай мўътабар киши сенга тухмат қилса. Биз бунга сира ишонмаймиз.

— Бўлмаса, адашиб мени ушлаган, — деди араб. — Балки мени бировга ўхшатаётгандир. Ахир мен бу кишини ҳам, бу шаҳарни ҳам умримда биринчи марта кўришим-ку.

— Нима, мени мияси йўқ, жинни деб ўйляяпсанми, — деди ўдағайлаб Башар. — Мен сени қачонлардан бери қидириб юрамдир. Тезроқ қарзингни тўла, бўлмаса қозихонага олиб бораман.

Улар қозихонага бордилар. Барча тафсилот билан танишиб чиққан қози даъвогарларнинг отини сўради. Кейин Башарга қараб деди:

— Бу араб мусофир экан, сен унга тўққиз динор даъво қилар экансан, бирор гувоҳинг борми?

— Бор, — деди Башар, — менинг гувоҳим оламда ягона Худои таолонинг ўзи.

Масаланинг нимада эканлигига тушунган қози кулиб, ёнидан ўн тўққиз динор чиқариб Башарга берди ва арабни ногаҳоний тухматдан қутқарди. Башар эса арабга узр айтиб, кузатиб қўйди ва бозорга тушиб таом харид қилди-да, ёру дўстлари сари йўл олди.

ТОМНИНГ САЖДАСИ

Бир зариф киши дарвишнинг уйига меҳмон бўлиб борди. Дарвишнинг уйи ожиз ёғочлар билан ёпилган эди, юк босиб, ҳадеб қирсиллайверди. Шунда меҳмон тоқатсизланиб, деди:

— Эй дарвиш, мени бошқа жойга олиб чиққин. Тинмай қирсиллаяпти, тагин босиб қолмасин томинг.

— Қўрқма, — деди дарвиш, — бу товуш ёғочлардан келаётган дуонинг овози.

— Шундан қўрқяпман-да, — деди зариф, — ёғочларнинг дуосини ўқиб-ўқиб, охири саждага бормасин тагин.

ОДАМ ВА АЙИҚ

Бир очкўз киши қараса бир узумзорда каттакон айиқ узум еб юрган экан. Очкўз ҳам узумзорнинг бошқа бир томонидан кирди-да, еябошлади. Шу пайт боғбон хабардор бўлиб қолиб, таёғини кўтариб келди ва очкўзни савалай кетди.

— Ҳой боғбон, — деди очкўз, — узумингни еган битта мен эмас, ана у ерда бир айиқ ҳам еяпти. Узум еганни урсанг айиқни урмайсанми.

— Йўқ, — деди боғбон, — айиқни урмайман. Чунки у узумни еб-еб, қорнини тўйгазиб кетади. Сен бўлсанг қорнинг тўйгач, қўйнингни ҳам тўлгазиб, ўғирлик қиласан.

ФАРЗАНДНИНГ ҲАҚИ

Бир куни бир киши отасини хафа қилаётган эди, кишилар келиб унга танбиҳ бердилар.

— Наҳотки отанг ҳақини унутсанг, уни беҳуда хафа қилсанг?

— Сизлар отанинг ҳақини ўйлайсизлару, фарзанднинг ҳақини сира ўйламас экансизлар-да.

— Ҳўш, фарзанднинг отада қандай ҳаққи бўлиши мумкин?

У деди:

— Ҳар бир ота ўз фарзандини муносиб жойдан уйлантириши шарт. Тўй қилиб бериш ҳам отанинг фарзанд олдидаги қарзидир. Мана, менинг ёшим қирққа борибдики, дадам ҳалигача тўй қилиб бергани йўқ. Шунинг учун ҳам уни хафа қилаётган эдим.

"ПАҲЛАВОН"

Зариф киши айланиб юриб, бир қишлоқдан чиқиб қолди. Қараса Ғур вилоятига қарашли ерлар экан.

Қишлоқнинг шимолида бир баланд тоғ бўлиб, тоза ҳаво йўлини тўсиб турар ва шунинг туфайли қишлоқ аҳли турли касалликларга чалинарди. Зариф ғурлиларни тўплаб деди:

— Эй ғурлилар, бу тоғдан етадиган заҳматларни мен биламан. Шунинг учун ҳам сизларнинг фароғатингизни кўзлаб, шу балони дафъ этиш, яъни тоғни йўқ қилишимиз мумкин. Шарти шуки, бир йилгача хоҳлаган таомимни бериб мени боқасизлар. Тоғни йўқотиб берганимдан сўнг йўл харжи учун минг динор пул ҳам берасизлар.

Гурлилар бу шартларга кўниб, бир йил уни парвариш қилдилар. Муҳлат ўтгандан кейин улар зарифнинг қошига келиб, ваъдага вафо қилиши лозимлигини айтдилар. Зариф буюрди:

— Қани ҳаммангиз бориб, кимнинг ҳовлисида арқонми, ипми, нимаки бўлса йиғиштириб келинглار.

Қишлоқ аҳли эшикма-эшик юриб, бир неча эшакда арқон юклаб келдилар. Зарифнинг буйруғига кўра, ҳамма арқонларни бир-бирига уладилар. Кейин арқон билан тоғни айлантириб ўрадилар. Зариф арқоннинг икки учини ушлаб, орқасини тоққа қўйиб деди:

— Қани, қишлоқнинг эркагу аёл, улугу кичиги ҳаммаси тўплансин.

Ҳамма тўплангандан кейин деди:

— Энди ҳаммангиз тоғнинг атрофини ўраб, остини ўра қилиб кавлайсиз. Кейин бирданига менинг елкамга орқала-тиб қўясиз. Мен уни бирор чўлу саҳрога элтиб ташлайман.

Қишлоқ аҳли эътироз билдирдилар:

— Тентакмисан ўзинг. Шундай катта тоғни биз қандай қилиб сенинг елканга қўйиб берамиз?

— Мен эмас, сизлар тентаксизлар, — деди зариф, — сизлар ўн минг киши бўлиб кўтара олмаган тоғни битта менинг ўзимга ташлаб қўйиб, қараб турмоқчимисизлар?

ЙЎЛ

Бир ҳазилкаш зариф бўлиб, қулогигача қарзга ботиб кетган эди. Тўлаш учун эса ҳеч вақоси йўқ эди. Қарз берганлар тинмай қулоқ-миясини қоқардилар. Нима қиларини билмай, боши берк кўчага кириб қолган зарифга, қарз берганлардан бири хилватда яқинлашиб, деди:

— Эй ҳазилкаш, менга маълумки, ҳаммадан олган қарзингни ўлсанг ҳам уза олмайсан. Шунинг учун агар менадан олган қарзингни тўлашга сўз берсанг, битта ҳийла ўргатаман. Шу йўл билан тамом қарзингдан қутиласан.

Ҳаззол унинг шартини қабул қилиб, деди:

— Қани, энди ҳийлангни ўргат.

— Ҳийла шуки, — деди ҳалиги киши, — ким келиб қарзини талаб қилса, сен унинг юзига қараб туриб итдай ҳургин. Бошқа ҳеч бир ҳаракат қилмагин.

Бу ҳийла ҳаззолга маъқул бўлди. Шу пайт эшикни тақиллатиб бир киши қарзини талаб қилиб келиб қолди. Ҳаззол унинг бетига қараб туриб итдай акиллай берди. Кейин яна бир неча киши қарз сўраб келишди. У ҳаммага

қараб акиллайверди. Улар алдадилар — бўлмади, урушдилар — бўлмади, хуллас, қилмаган ҳунарлари қолмади. Ҳаззол бўлса ўз акиллашини қўймади. Охири қарз сўраб келганлар ҳолдан тойиб, бу бечора қашшоқликдан жинни бўлибди, деб ўйладилар-да, қўлларини ювиб, қўлтиқларига урганча тарқалиб кетдилар.

Ҳамма кетгандан кейин ҳийла ўргатган киши кириб келди.

— Мана, кўрдингми, биродар, — деди у мамнун, — мен ўргатган ҳийла туфайли ҳамма қарзингдан бир йўла қутулдинг. Қани, энди ваъдага мувофиқ мендан олган қарзингни чўзиб қўйгинчи.

— Вов-вов, — деди ҳаззол унинг башарасига қараб.

— Э-э, қўй-э, биродар, ўзим ўргатган ҳийлани ўзимга ишлатасанми?

— Вов-вов, — деди кўзини лўқ қилиб олган ҳаззол.

— Ҳазилни қўй, — деди у киши, — уят керак одамга. Яхшиси мекинг ҳаққимни бергин.

Ҳаззол пинагини бузмасдан акиллайверди. У киши ҳарчанд мулоҳимлик билан алдаб-сулдаб кўрса ҳам, ҳеч натижа чиқмади. Ҳаззол унга нуқул акиллаб берарди. Чору ночор у ҳам чиқиб кетди.

БАЛОЙИ НАФС

Бир дўли дарё соҳилига келиб қараса, бир тўла кўрлар уни кечиб ўтолмасдан ҳайрон бўлиб турибдилар. У деди:

— Эй биродарлар, мен сизларга йўлбошчи бўлиб, дарёдан ўтказиб қўйсам, нима берасизлар?

— Ҳар биримиз ўн динардан берамиз, — деди улардан бири.

Бир қарорга келгач, дўли деди:

— Бўлмаса, энди ҳаммангиз бир-бирларингизнинг этагингиздан маҳкам тутиб, тизилинглар, мен олдиди юриб йўл бошлайман.

Улар турнақагор бўлиб сувга кирдилар. Сувнинг ўртасига борганда, орқадан бир кўр фарёд қилиб қолди.

— Эй бошчи, биродарларимиздан биринчи сув оқизиб кетди.

— Эҳ афсус, — деди дўли, — ўн динарим оқиб кетди. Сал юрмай яна бири фарёд қилиб қолди.

— Ҳой бошчи, тагин биримизни сув олиб кетди.

— Во дарис, — деди дўли, — йигирма динарим куйди.

Кўрлар гавго кўтариб, дедилар:

— Эй жоҳил, бу қандай гап ахир, бу аҳволда битта-битта ҳаммамиз оқиб кетамиз-ку.

— Сизларга нима, — деди лўли, — сизлар оқиб кетсанглар ҳеч гапмас, икки ўртада мен куяман. Ҳар бирингиз оқиб кетганда мен ўн динорга тушяпман. Шунча зиён кўриб мен индамайман-у, сизлар нега шовқин кўтарасизлар?

БЕХАТО ТАЪБИР

Бир лўли деди:

— Мен билан онам жуда моҳир мунажжимлармиз. Бизлар айтган гапда сира хато бўлмайди.

— Бу қандай маъманлик? — деди халойиқ. — Лоф ҳам эви билан-да.

— Ганининг тўғриси ҳам шу, — деди лўли. — Масалан, айттайлик, осмонни булут босса мен ёмғир ёғмайди, дейман. Онам ёмғир ёғади, дейди. Албатта ё менинг айтганим бўлади, ё онамнинг айтгани. Ҳар ҳолда гапимиз тўғри чиқади.

ҲАММАДАН ОЛДИН

Бир лўлидан сўрадилар:

— Сен ҳам одам бўлиб, бирор ишда олдинги сафда бўлганмисан?

— Бўлмаса-чи, — деди лўли, — масжиддан чиқишда ҳамаша ҳаммадан олдинда бўламан.

МАСХАРАБОЗЛИК

Бир ҳаззол масжидда доим масхарабозлик қиларди. Бир зоҳид унга деди:

— Эй ҳаззол, бутун умрингни ҳазил ва масхарабозлик билан ўтказдинг. Бундай қилма, чунки у дунёда сени дўзахга ташлайдилар.

Ҳаззол деди:

— У ҳам бир масхарабозлик бўларди.

ЁМОН ХОТИН

Бир киши Абулғиёга ҳасрат қилиб қолди:

— Э биродар, бир хотиним бор дегин, ўлгудек палид, бадфеъл, тажанг, зиқна, қари, касал, ўсал. Турса ўтиролмайди, ўлтирса туролмайди.

— Унинг ўлимини кутиб юрибсанми? — деди Абулғиё.

— Йўқ, — деди у киши, — валлоҳким унинг ўлишини истамайман.

— Наҳотки шундай палиднинг йўқолишини хоҳламасанг? — деди Абдулғиё.

— Хоҳламайман, — деди у киши, — чунки хотиннинг ўлди деган хабарни эшитсам, шодлигимдан ёрилиб кетаман деб қўрқаман.

ШУМҚАДАМ ХОТИН

Бир зариф киши шумқадам бир хотин олди. Хотин шунгача беш марта эрга тегиб, бешала эри ҳам ўлган эди. Ногоҳ зариф ҳам касал бўлиб қолди. Ниҳоят, аҳволи оғирлашиб, жон берай деб турган пайтида, хотини унинг бошига келиб, йиглаб деди:

— Эр, жон эр, мана дунёдан ўтиб кетяпсан. Ахир мени кимга ташлаб кетмоқчисан?

Эри деди:

— Ташвишланма, хотин, сени еттинчи эрга ташлаб кетяпман.

ТАЪЗИЯ

Бир аёлманд дарвишнинг хотини бошига мусибат тушган қўшнисиникига кетаётган эди, эри чақириб, деди:

— Эй хотин, қаерга кетяпсан?

— Қўшнисиникига, таъзияга.

— Ахир қуруқ борасанми?

— Уйимизда на ун, на туз, на ўтин бўлмагандан кейин нима пиширишим ва нима олиб чиқишим мумкин?

Дарвиш деди:

— Эй хотин, аҳвол шунақа бўлса, таъзия ўз уйимизда экан-ку, бировникига чиқиб нима қиласан?

ОТ

Бир зариф хотин олса, тўрт ойдан кейин ўғил туғиб берди. Хотини сўради:

— Энди ўғлингизга нима деб от қўясиз?

— Э хотин, — деди эри, — тўққиз ойлик йўлни тўрт ойда босиб ўтгучи фақат Жаброилдир¹. Шунинг учун ҳам унга Жаброил деб от қўямиз.

¹ Ж а б р о и л — фаришта.

ЎЛИМ ОЛДИДА

Бир бадфеъл ва ёмон хотин касал бўлиб, оғирлашган чоғида эрига деди:

— Агар мен ўлиб қолсам, менсиз қандай тирикчилик қиласан?

Эри деди:

— Э хотин, худо кўрсатмасин, бордию ўлмасдан қолсанг, қандай тирикчилик қиламан?

КИМГА КЎРИНСИН?

Бир зариф ўлгудек қабиҳ, фитна, суюқ оёқли бир хотинга уйланиб, кўп ташвиш чекиб юраркан. Бир куни хотини деди:

— Ҳой эр, сенинг қариндош-уруғларинг жуда кўп, айтгин, қай бирига кўринайин-у, қай бирига кўринмайин?

Эри деди:

— Умрингдан барака топгин, хотин, фақат менга йўламагин. Мендан бошқа кимга кўринсанг ҳам ихтиёр ўзингда.

ЖАҲОНГАШТА

Бир хотин бир жаҳонгашта сайёҳни ҳазилда енгмоқчи бўлиб, деди:

— Эй сайёҳ, сен жаҳонгашталик қилиб не ҳосил қилдинг ва қандай ҳикматни қўлга киритдинг?

— Ёмон хотинга яқинлашмасликни ўргандим, — деди сайёҳ.

— Не ваядан? — деди аёл.

— Шу ваяданким, — деди сайёҳ, — мен Хитой вилоятида бир наққошнинг дўконини кўрдим. Унинг деворида гоят усталик билан чизилган учта суратга кўзим тушди. Ҳаргиз ундай суратни кўрмаган эдим.

— Қандай суратлар? — сўради аёл.

— Биринчи суратда бошини қуйи солиб, чуқур фикрга шўнғиб кетган киши тасвирланган. Унинг хаёли чексиз кўринади.

Иккинчи суратда тасвирланган одам бирдек соқолини юлади ва қўлидаги тош билан ўзининг ёқавайрон кўксига уради.

Учинчи суратда айшу ишрат қилиб, ўйинга тушаётган киши тасвирланган.

Ҳар бир суратнинг остига қалам аҳли ҳикмат юзасидан ёзиб қўйибдиларки, биринчи суратдаги киши хотин олсамми ёки олмасамми деб хаёл сурмоқда. Иккинчи суратдаги соқолини юлиб, кўксига тош билан ураётган киши эса, хотин олиб пушаймон бўлган. Учинчи суратдаги киши ёмон хотинидан бир бало қилиб қутулиб, шоду хуррам ўйнаб турган пайти экан.

Шуларни кўриб, шундай ҳикматни ўргандим: Ёмон хотиннинг балосига ҳаргиз йўлиқмаслик керак.

ДЕВМИ, ГУЛМИ?

Араб фозилларидан бирининг гоят доно, хуштабъ хотини бор эди. У киши бир куни хотинига деди:

— Сиз хотинларни биз ёр деб қучоқ очиб оламиз-ку, аслида худси тасло тарафидан юборилган девсизлар.

— Аксинча, — деди хотини ширин табассум билан, — хотинлар хушбўй гиёҳдирлар. Эркаклар эса ана шу хушбўй гиёҳ атрларини ҳидлаб баҳраманд бўлиш ниятида юрган орзумавдлардир.

ОРЗУ

Шириннинг завжаси бўлган Хисрав Парвиз деди:

— Подшоҳлик гоят яхши нарса. Қани эди у, доимий бўлса.

— Агар доимий бўлганида, — деди Ширин унга, — сенга подшоҳлик тегмас эди.

ЧОРА

Бир доно фақиҳнинг ўзидан ҳам донороқ хотини бор эди. Бир куни хотини нарвон билан чиқиб кетаётган эди, ярмига борганда эри деди:

— Ҳой хотин, агар шу ердан юқорига чиқсанг ҳам менга уч талоқсан, пастга тушсанг ҳам, шунингдек, ўша ерда туриб қолсанг ҳам.

Хотин бу шартга ҳам дарҳол чора топди: ўша ердан туриб ерга сакраб тушди. Фақиҳ хотинининг фаросатига таҳсин ўқиди.

ДОНО ХОТИН

Бир подшоҳ бўлиб, унинг гўзал хотини бор эди. Хотиннинг ҳусни-жамолига яраша ақлу идроки ҳам бор эди. Шунинг учун подшоҳ уни яхши кўрар, бирор сафарга чиқса асло кўнглини узоқмасди.

Бир куни подшоҳ йўлга чиқмоқчи бўлиб, хотини билан хайрлашгани кирди. Шу пайт хотинининг кўлидаги кўзи тушган узукни кўрди-да, деди:

— Шу узукни берсанг, сендан ёдгор бўлсин, қаердаки фурсат топсам, унга қараб сени эслаб юрарман.

— Асло бунга рози эмасман, — деди хотини, — чунки бу узук олтин бўлганлиги учун арабчасига заҳаб бўлади. Заҳаб дегани, кетиш демакдир. Кўзи йўқ бу узукни олиб кетсанг, у ёқда кўп вақт қолиб кетишинг мумкин. Мен буни хоҳламайман. Яхшиси, мен сенга уд¹ совға қиламан. Чунки уднинг дугавий маъноси қайтмоқдан далолат беради. Умидим шуки, менинг бу нишонамни олиб кетсанг ва тезроқ қайта келсанг.

ПАҲЛАВОН

Бурни катта бир киши уйланмоқчи бўлди-да, ўз-ўзини мақтай бошлади:

— Ростини айтсам, мен оғир юкларни кўтарувчи паҳлавон одамман.

Хотин бўлгучи аёл деди:

— Галянг рост. Агар паҳлавон бўлмаганингда эди, қирқ йилдан буён бундай бурунни кўтариб юра олмас эдинг.

ЖАННАТИЙ

Умар ибни Хаттоб араблар орасида балбашаралик ва совуқликда машҳур эди. Унинг хотини эса гоёт соҳибжамол, хушфеъл ва ҳазилкаш эди. Бир кун у эрига деди:

— Мен аниқ биламанки, сену мен, икковимиз ҳам беҳилликга кирамиз.

— Буни қасрдан биласан? — деди Умар.

— Шундан биламанки, — деди хотин, — сен менинг ҳусну жамолимни кўриб шукр қиласан. мен эса сенинг

¹ У д — чолгу асбоби.

мана шу қабиҳ турқингни кўриб сабр қиламан. Собирлар (сабр этувчилар) ва шокирлар (шукур этувчилар) эса жаннати одамлар бўлади.

ТИЛАК

Қадди эгилган кампирдан сўрадилар:

— Худодан қаддингизни рост қилишини тилайсизми ёки ўзгаларнинг қаддини ҳам сизникидек ҳам қилишиними?

— Тилагим шуки, — деди кампир, — худои таоло бошқа хотинларнинг қаддини ҳам меникидек буксин-у, улар менга қараган кўз билан мен ҳам уларга бир қарайин.

ЖАЗО

Қабиҳ лўли бозор бошида ўтирган эди, бир хотин келди-да, унинг башарасига анча тикилиб турди. Лўли деди:

— Эй хотин, нега менга бунчалик тикилиб қолдинг?

— Кўзим бир гуноҳи азим қилган эди, — деди ҳалиги хотин. — Шунинг учун унга жазо беришим керак эди. Покиза кўзга сенинг қабиҳ юзингга тикилиб туришдан қаттиқроқ жазо топиш қийин. Шунинг учун сенга тикилиб, кўзимга танбеҳ бердим.

ИБЛИСНИНГ СУРАТИ

Бир бадбашара лўли турган эди, бир хотин келиб деди:

— Эй лўли, менга бир хизмат қилиб, қарздор қилиб турсанг.

— Хўп бўлади, — деди лўли, — қандай хизмат экан?

— Бозор бошигача мен билан ҳамроҳ бўлиб борсанг.

Лўли рози бўлди. Улар биргалашиб, бир наққошнинг дўкони олдига борганда, хотин уни ташлади-да, йўлида равона бўлди. Лўли ҳайрон бўлиб турган эди, наққош унга қараб қотиб-қотиб кулди. Шунда лўли ундан сўради:

— Эй наққош, мен ҳеч нарсага тушунмай қолдим. У хотин мени бу ерга нима учун ташлаб кетди-ю, сен нега менга тикилиб олиб куляпсан?

— Сабаби бор, — деди наққош.

— Огоҳ этгил, — лўли сўради.

Наққош деди:

— Бу хотин анчадан бери менга иблиснинг суратини чизиб берасан деб ялиниб юрарди. Катта пул тўлайман

деб айтарди. Мен бўлсам умримда иблисни сира кўрмаганлигимни ва ўз кўзим билан кўрмаган нарсанинг суратини чиза олмаслигимни арз қилардим. Оқибат у хотин мен сенга бир иблиснинг тимсолини кўрсатаман, ўшанга қараб чизасан, деб сўз бериб кетган эди. Шу вайдан сени келтириб менга рўпара қилиб кетди.

Иза бўлган лўли қайтиб кетди.

ОЛАМДА ЭНГ БАҲОДИР

Бир куни бир бахилдан сўрадилар:

— Айтингчи, оламдаги одамларнинг энг баҳодири ким?

— Энг баҳодир, — деди у, — биров овқат еб турганда қараб турсаю оғзидан сўлаги оқмаса, ўша киши.

ЗАРИФ ВА ЗАРФ¹

Абу Асвад Балх шаҳрида машҳур ва маъруф бўлган араб фозилларидан бири эди. Бир куни унга дедилар:

— Эй Абу Асвад, ўзинг хўб билимдон зарифсан-ку, ammo мумсиклигинг ёмон-да.

— Зарф мумсик бўлиши керак, — деди Абу Асвад, — унга нимаики солсалар, бежирим асраб туриши керак. Бунинг ҳеч бир таажжубланидиган ўрни йўқ.

БИРОДАРЛАР

Бир дарвиш бир бахил хожанинг ёнига келиб деди:

— Биласанки, ҳаммамизнинг отамиз Ҳазрати Одам ва онамиз Биби Ҳавводур. Шундай экан, биз ака-укалар, яъни туғишган биродарлармиз. Энди, биродар, ўзинг инсоф қилгин, сенда шунчалик молу бойлик бўлса-ю, мендек биродаринг қашшоқ юрса яхшими? Қани, молу дунёни биродарона тақсим қилайлик-чи!

Бахил унга бир оз "биродарлик" ҳақини берди. Шунда дарвиш деди:

— Эй хожа, нега энди биродарона молларни баравар тақсим қилмадинг?

— Жим бўл, — деди хожа, — агар бу тақсимотдан бошқа биродарларимиз ҳам хабардор бўлиб қолсалар, бир бурдадан ҳам етмайди-я!

¹ З а р ф — кўзача, мунди, сопол идиш.

БАХИЛНИНГ МЕҲМОНДОРЧИЛИГИ

Икки бахил бор эди. Бири куфалик, иккинчиси бағдодлик. Иккови бағоят дўст эдилар. Бир куни бағдодлик Куфага бориб, дўстининг меҳмони бўлди. Куфалик меҳмоннинг олдига бир донагина тухумни пишириб чиқиб, деди:

— Олинг, дўстим. Бу тухум битта товуқ деган гап. У товуқ мингта тухум қилади, албатта. Ҳар бир тухуми биттадан товуқ деган гап. Хуллас, азиз дўстим, мен сени мингта товуқ билан зиёфат қиляпман.

Бағдодлик миннатдорчилик билдириб, тухумни егандан кейин деди:

— Агар сен ҳам Бағдодга боргудек бўлиб қолсанг, бундан ҳам зиёда меҳмон қиламан.

Анча вақтдан кейин куфаликнинг йўли Бағдодга тушиб қолди. У ҳам ўз дўстига меҳмон бўлди.

Бағдодлик меҳмонни самимий кутиб олиб, дастурхон ёзди ва қўчқорнинг олатини пишириб олиб келди. Куфалик таомга қараб қўл ҳам чўзмади. Шунда бағдодлик бахил деди:

— Ол, биродар, еб тургин. Ахир бу ҳам камида юзта қўйнинг уруғи деган гап. Аслида мен сенга юзта қўй сўйиб, меҳмон қилганим бўлади.

СИНОВ

Бир бахил Басра шаҳрида бахилликда гоят ўткир бўлган бошқа бир киши ҳам борлиги ҳақида хабар эшитиб, ўша шаҳарга йўл олди. Муроди ўша бахилнинг шу бобдаги маҳоратини синаб кўриш эди.

Басрадан ўша бахилни суриштириб топган эди, басралик уни шоду хуррамлик билан кутиб олди.

— Эй биродар, мени Куфадан шу ергача бўлган йўлни ўтиб, сўроқлаб келибсан, раҳмат. Мен ҳам сени чеккан риёзатингга яраша меҳмон қилишни ўз бурчим деб биламан. Энди айтгин-чи, биродар, кўнглингга қандай таом хуш ёқади?

— Ўзингни кўп қийнама, — деди куфалик, — анчадан бери кўнглим янги савзи тиларди, шуни топиб келсанг бўлгани.

Басралик бозорга кетди. Савзифуруш дўконига бориб, уйимда азиз меҳмоним бор, янги савзи топиб берсанг, деб илтимос қилди.

— Бош устига, — деди савзифуруш, — сенга шундай тоза савзи берайинки, тэъми қаймоқдан ҳам лаззатли бўлсин.

Басралик, қаймоқ савзидан лаззатли бўлар экан-да, деб ўйлашиб қолди-да, кейин меҳмоннинг кўнгилни айтганидан ҳам зиёдроқ кўтариш ниятида қаймоқ олишга қарор қилди.

— Уйимда азиз меҳмоним бор, — деди у қаймоқфурушнинг дўконига бориб, — қаймоғингизнинг энг яхшисидан берсангиз.

— Яхшиси ҳам гапми, — деди қаймоқфуруш, — мен сизга зайтун ёғидан ҳам яхшироқ қаймоқ бераман.

"Тўхта, — деб ўйлади басралик ўз-ўзича, — демак, зайтун ёғи қаймоқдан тотли бўлар экан-да. Шу ёғдан олганим бўлсин!"

У ёғфуруш дўконига борди.

— Жон биродар, — деди у дўкондорга, — уйимга куфа шаҳридан бир азиз меҳмон келиб қолди, зайтун ёғининг яхшисидан берсанг.

— Яхшиси ҳам гапми, — деди ёғфуруш, — сенга зайтун ёғининг энг сараси бўлган, зилол сувдай жойидан бераман.

"Демак, зилол суз зайтун ёғидан ҳам афзал эканда", — деб ўйлади басралик ва ҳовлиқиб уйига қайтди. Ичкаридан катта шокосани олиб чиқиб, ариқдан зилол сувга тўлдирди ва зиқор билан меҳмоннинг олдига олиб кирди.

— Мана, биродар, — деди у меҳмонга, — Басранинг бозорини ахтариб-ахтариб, бундан яхшироқ нарса топа олмадим.

Куфалик косада сувни кўрди. Басралик эса бу орада бозорда бошидан кечирганларини бирма-бир гапириб берди. Куфалик ўз маслакдошининг қўлини ўпиб, деди:

— Бу фанда мендан ўткирроқ ва донороқ экансан!

ИЛТИМОС

Бахилликда Арабистонда машҳур бўлган Шуммолийнинг олдига бир кўни дарвиш келиб, биттагина илтимоси борлигини айтди.

— Илтимосингни айтмасингдан олдин, менда бир илтимос бор, — деди Шуммолий, — рухсат берсанг, арз қилсам.

— Марҳабо, айтгин, — деди дарвиш.

— Илтимосим шуки, — деди Шуммолий, — мендан бирор нарса талаб илтимос қилмагин.

ИККИДАН БИРИ

Бир тўда кишилар бахилнинг қошига бориб, арз қилдилар:

— Сен бой хонадондансан. Биз ҳаммамиз эса бечора фақирлармиз. Шунинг учун ҳам сенинг карамингга сиғиниб, умид билан оstonангга қадам қўйдик. Албатта ноумид қайтармассан, деб ўйлаймиз.

— Хизмат? — деди бахил.

— Сендан иккитагина илтимосимиз бор.

— Қўлимдан келгунча бажо келтираман. Қани у икки илтимос нималар экан, арз қилинглар.

Улар дедилар:

— Биринчиси шуки, бизга минг динор қарз берсанг. Иккинчиси бир йилга муҳлат берсанг. Биз ҳаммамиз ишлаб, бир йил орасида қарзимизни узамиз.

Бахил хожа деди:

— Эй азизлар, биров иккита илтимос билан келганда бирини бажарса ҳам савоб бўлади. Мен ҳам сизларнинг дуоингизни олишга қарор қилдим. Майли, иккала илтимосингизни бажаришга қодир бўлмасам ҳам, бирини бажариш қўлимдан келади. Иккинчи илтимосингизни қабул қилдим. Сизлар бир йил муҳлат тилаяпсизлар, майли, қабул қилдим. Боринг, ана кўнглингиз қолмасин, ўн йил муҳлат бердим. Энди, азизлар, сизларни ҳурмат қилиб иккинчи илтимосингизни ортиғи билан қабул қилдим, биринчи илтимосингизни қабул қила олмайман. Бир кишининг саховати шунчалик бўлади, биринчи илтимосингизни бошқа даргоҳдан тиланг.

ТУФАЙЛИЙНИНГ ДУОСИ

Бир куни Туфайлийдан сўраб қолдилар:

— Сен қандай итни ёқтирасан?

— Сира овқат емайдиганини, — деди у.

— Қуръоннинг қайси амрини кўпроқ бажарасан?

— Енг ва ичинг деганини.

— Хўш, Қуръоннинг қайси оятини кўпроқ қайтарасан?

Туфайлий деди:

— Эй парвардигорим, менга бир шоҳона таом юборгил осмондин, деган оятини.

БЕШ БАРМОҚ

Бир куни Туфайлий беш бармоғининг ҳаммасини таомга тиқиб овқат еяётган эди, атрофидагилар дедилар:

— Эй Туфайлий, нега беш бармоғинг билан овқат ейсан?
— Шунинг учунки, — деди у, — олтинчи бармоғим йўқ-да.

ОЁҚЛИК ОВҚАТ

Сўфи Туфайлийни бир жойга таклиф этди. Туфайлий муридлари билан кетаётганда йўлда бир деҳқонга дуч келдилар. Деҳқон бир ҳўкизнинг устига икки ботмон бугдой билан бир саноч ёғ ортиб борарди. Буни кўрган Туфайлийнинг муридлари завқ билан ўйинга туша бошладилар.

— Сизларга нима бўлди, — деб сўради сўфи, — ҳаммангиз ўйинга тушиб қолдингиз?

Муридлар дедилар:

— Ўз оёғи билан юриб кетаётган насибамизни кўриб қолдик-да!

ҲУКМ

Бир куни Ҳорун ар-Рашид қози Абу Юсуфдан сўради:

— Сиз яхши-ёмонни ўзига яраша ҳукм этувчи кишисиз. Қани айтингчи, таомлар орасида полуда яхшими, музинами?

— Мен асти гоибона ҳукм қилмайман, — деди қози, — гуноҳкорларни кўз олдимда ҳозир этсинлар.

Ҳорун ар-Рашиднинг фармониغا кўра, иккала таом ҳозир қилинди. Қози унисидан бир луқма, бунисидан бир луқма еб, анчагина ўйланиб қолди. Кейин яна бир луқмадан олди, ундан кейин яна, аммо ҳеч қандай ҳукм чиқармади.

— Нечук бирортасига ҳукм қилмадингиз? — деди Ҳорун ар-Рашид.

— Эй халифа, — деди қози, — умримда бундай тортишувни кўрмаганман. Бирининг яхшилигига ҳукм этай десам, иккинчиси янги ҳужжат келтиради. Шунинг учун иккиланиб, маҳтал бўлиб турибман.

ШЕЪР ВА ТАОМ

Бир куни ҳиротлик машҳур зариф Мир Камандийдан фақир киши сўради:

— Қайси шоирнинг шеърига эътиқодингиз кўпроқ ва қайси шоирнинг шеърларини ёд айтиб юрасиз?

— Менга ҳеч бир шоирнинг шеъри Мавлоно Жалолоиддин Румийнинг асарларидек хуш келмайди, — деди у. — Мана, олтимиш ёшга кирибманки, Мавлононинг ғазал ва маснавийсидан бошқа ғазалларга қарагим ҳам келмайди.

— Хўш, Мавлононинг ғазал ва маснавийларидан неча минг байт ёд биласиз?

Мир Камандий деди:

— Мавлононинг тамоми девонидан бир байт ёд биламан.
Байт:

Кўҳ бувад нолаам, баҳр бувад пиёлаам,
Ҳар ду жаҳон чу луқмаест дар ин даҳони ман.

Яъни:

Тоғдайдир нолишим, денгиз каби пиёлам
Гўё бир луқмадир оғзимда бу ҳар икки олам.

Унинг тамоми маснавийларидан ҳам бир байт ёд биламан.

Байт:

Чун луқма мешавад дар ту гуҳар,
Дам мазан, чандонки битвонӣ бихўр.

Яъни:

Гуҳарки, сен учун луқма бўларкан,
Индамай қанчаки еяолсанг, е.

ТАМАГИР

Қориб у-Сахрот араблар орасида машҳур тамагирлардан эди. Бир куни ундан сўрадилар:

— Умрингда ўзингдан ҳам тамагирроқ кишини кўрганмисан?

Қориб деди:

— Одамзод жинсидан кўрмадим. Аммо ҳайвонотдан кўрдим. Воқеа бундай бўлди: Бир куни йўлда сақич чайнаб кетаётган эдим. Бир ориқ, қари, чўлоқ ит менинг кавшанганим овозини эшитиб, таом еяпти деб гумон қилди шекилли, менга ҳам бирор луқма берар деган умидда изимга тушди. Ўзининг қари, ориқ ва чўлоқлигига қара-

май, беш фарсаҳ йўлгача орқамдан эргашиб келди. Ҳар замонда олдинга ўтиб, оғзимга қараб-қараб қўярди. Мен унинг тамагирлигини ўзимникидан ортиқроқ билдим.

ИШЪОТИ ТОМЕЪ

Ишъоти Томеъ араблар орасида машҳур тамагирлардан эди. Бир куни ундан, сенинг тамагирлигинг қай даража бор, деб сўраб қолдилар. Ишъот деди:

— Менинг тамагирлигим шу даражадаки, қайси уйдан тутун чиқса, менга овқат пиширяпти, деб ўйлайман. Жаноза намозининг овозини эшитсам, ўлган киши молу мулкани менга мерос қолдиришга васият қилган, деб хаёл қиламан. Шу умид билан таъзияхонага бораман. Агар икки киши ўзаро шивирлаб гаплашиб ўтирган бўлса, ўша васият тўғрисида гаплашаётгандек туюлади. Шу умид билан ўликни ювганда сув ташиб хизмат қиламан, уни дафн қилгунларича ўраллашиб юраман, аммо ҳар гал ноумид қайтиб кетаман.

Бозорга борсам кулолчилик расталарини айланаман. Ким товоқ сотиб олса, овқат пишириб менга юбориш учун олди деб ўйлаб, илтижо билан қараб қўяман.

Агар бирор жойда келин тушириш маросимини кўриб қолсам, ҳаммадан олдин келиб, эшигим олдини супуриб, сув сепиб қўяман, шеяд йўлни адаштириб, келинни менинг уйимга олиб келсалар...

ЭНГ БОТИР КИШИ

Бир бахилдан:

— Оламда энг ботир киши ким? — деб сўрадилар.

— Шундай кишики, — деди у, — уйда бир нарса ейилаётганини бир неча кишидан эшитсаю, парвойига келмаса.

ИККИ КАРРА ИККИ...

Бир очкўздан сўрадилар:

— Икки карра икки неча бўлади?

У деди:

— Тўртта нон.

ЭРИДАН ЎТКИР ХОТИН

Бир куни Ишъотдан сўрадилар:

— Умрингда ўзингдан ҳам тамагирроқ кишини кўрганмисан?

— Ҳа, — деди у, — хотиним бу фанда мендан ўткирроқ.
— Исбот қил, — деди халойиқ.

Ишъот деди:

— Баҳор кунларидан бирида эр-хотин томда ўтирган эдик. Ногоҳ узоқда, осмонда Ҳасан-Ҳусан камалаги пайдо бўлиб қолди. Хотиним уни осмондан ерга юборилган чиройли иплар, бир учи ерга тегиб турибди деб гумон қилиб, ҳаммадан олдинроқ бориб эгаллаш ниятида ҳовлиқиб югуриб қолди. Шу югуришда бориб мўридан тушиб кетди ва оёғи синди.

КИМ ЎҒРИ

Ўғри бир ҳовлига тушган эди, қараса, бир бурчакда оппоқ нарса тўкиб қўйилган экан. Уни ун гумон қилди-да, салласини ёзиб, ўша томонга бурилган эди, уйнинг эгаси воқиф бўлиб, унинг салласини ўғирлаб олди. Ўғри қарасаки, ун деб гумон қилгани оҳақ экан. Ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб, салласини олмоқчи эди, қараса у ҳам йўқ. Ноилоҳ, бўшашиб энди чиқиб кетмоқчи эди, уйнинг эгаси ўғрини ушланглар, деб бақириб қолди. Шунда ўғри унга ўгирилиб, деди:

— Ҳой инсон, инсоф деган нарса борми сенда? Қани айтчи, қай биримиз ўғримиз?

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ...

Ўғри бир кишининг тўнини ўғирлаб, бозорга олиб борди ва сотиш учун даллолга берди. Тўнни даллолнинг қўлидан ўғирлаб кетдилар. Ўғри чору ночор икки қўлини бурнига тиқиб қайтган эди, ёру касбдошлари тўнни қанчага сотдинг, деб сўраб қолдилар.

— Олган пулимга, — деди ўғри.

ЎҒРИЛАРНИНГ СУЛТОНИ

Ҳалаб шаҳридаги карвонсаройнинг ўртасида чуқур қудуқ бор эди. Ундан сув олиб, карвонсарой аҳлини таъминлаб турардилар. Карвонсаройнинг шундайгина ёнбошида эса ҳаммом жойлашган эди.

Ҳалаб ўғриларидан бири ҳаммомнинг ўт ёқадиган хонасидан лаҳм қазиб, карвонсаройдаги қудуқнинг ичидан чиқарди ва ярим кечада дўст-ёрлари билан келиб, ўша йўлак орқали карвонсаройга тушди. Кўзига тушган барча молларни шип-шийдам қилиб, бадар кетди.

Эрталаб карвонсаройда гавго кўтарилди, бутун шаҳар оёққа турди. Шаҳарнинг ҳокими ва миршаблари тўпланиб, мулоҳаза қилдилар. Ҳеч бир шубҳали жой топилмади, чунки карвонсаройнинг дарвозаси берк, деворлари мустаҳкам эди. Биттаю-битта йўл, дарвозани очиб олиб чиққан бўлиши мумкин ва бу ўғриликда дарвозабоннинг қўли бор, деб ўйладилар-да, уни фарзандлари билан тутиб, азоб бера бошладилар. Қанчалик азоб бермасинлар, улар бўйнига олмас ва зору тавалло билан бегуноҳ эканликларини арз қилардилар. Шу маросимда ўша ўғри ҳам ҳозир эди. У ўз-ўзича ўйлади: "Ўғирликни-ку, мен қилдим. Аммо мана бу бечораларнинг бегуноҳ азоб чекишига қараб ўтириш яхши эмас. Ҳар қолда гуноҳни мен қилиб, азобини биров тортиши мардликдан эмас". Шу хаёлларни кўнглидан ўтказган ўғри, дадил ўртага тушди.

— Ҳой миршаблар, уларни қўйиб юборинг, бу ишда уларнинг дахли йўқ, молларни мен ўғирлаганман.

Миршаблар рўпараларида баланд бўйлик, хушқомат бир йигитни кўрдилар. Унинг бошида қора пардан тож, белида анвойи ханжари бор эди.

— Ўзинг иқрор бўлганингга қойилмиз, мард экансан, — дедилар миршаблар. — Энди айтгинчи, ўғирлаган молларингни қаерга қўйдинг?

— Карвонсаройдаги қудуқнинг ичига, — деди ўғри. — Ҳаммаси ҳали жойида. Қани, битта арқон олиб келиб, менинг белимга боғланг, олиб чиқай. Молларни эгасига топшириб бўлганимдан кейин, подшоҳлик мени нимага ҳукм қилса ҳам майли, қабул қиламан.

Бу мардона сўзларни эшитган халойиқ унинг шижоатига офарин ўқидилар. Миршаблар эса арқон келтириб бердилар. Йигит арқоннинг бир учини белига боғлаб қудуққа тушди. Арқоннинг иккинчи учини эса бир неча киши ушлаб турдилар. Йигит қудуққа тушди-да, арқонни белидан ечиб, йўлакдан чиқиб кетди.

Миршаблар анчагача кутиб турдилар, йигитдан ҳеч асар зоҳир бўлмагандан кейин, арқонни тортиб қарасалар... Дарҳол иккинчи бир одамни белидан боғлаб қудуққа туширдилар. У киши қудуқнинг остида қандайдир йўлак борлигини арз қилди. Унга ўша йўлакка кириб, қаердан чиқиш мумкинлигини аниқлашни буюрдилар. У киши йўлакка кириб, ҳаммомнинг гўлаххонасидан чиқди-да, айланиб миршабларнинг қошига келди ва бутун тафсилотни гапириб берди.

Ҳамманинг оғзи очилиб қолди. Чунки бу ўғри шундай зўр санъат кўрсатган эдики, унинг натижасида мол ҳам ўғирланди, бегуноҳлар ҳам жазодан қутилди, ўзи ҳам омон кетди.

ТАЪЛИМИ ШАРЪИЙ

Бир дарвиш бир аббосийнинг қошига бориб, арз қилди:
— Менга бир таълим ўргатсанг-у, шу йўл билан қашшоқликдан қутилсам.

Аббосий деди:

— Қоғоздан бир-иккита қўлнинг суратини ясаб, кўкрагингга ёпиштиргин. Кейин қирқ кун яланғоч бўлиб офтобда ётгин. Қуёш ҳароратидан баданинг қоп-қора бўлади. Қоғозни олиб ташласанг, ўрни оқариб қолади. Кейин масжидга кириб, икки-уч кеча ётгин. Бирор кун саҳарда туриб, "Хизир бувам менга назар солдилар ва муборак қўлларини кўкрагимга теккизиб кетдилар", деб шовқин солгин. Одамлар келиб нишонасини кўрсат деб талаб қилсалар, кўкрагингдаги изни кўрсатгин. Уни кўрган халойиқ сенга мурид бўладилар ва топган-тутганларини оёгинг остига тўкадилар.

Дарвиш аббосийнинг айтганларини қилиб, бутун бир қишлоқ аҳлини ўзига мурид қилиб олди ва қашшоқликдан қутилди.

ХУДОНИНГ ВАКИЛИ

Гадой Абдул Малик бинни Марвондан бир нарса тилади.

— Мендан тилагунча худодан тилагин, — деди Абдул Малик.

— Худои таоло сени вакил қилиб юборган. Бер берадиганингни, — деди гадой.

Абдул Малик кулиб, уни хушиуд қилиб юборди.

БИР БУРДА НОН

Дарвиш бир хожанинг эшигига тиланиб келди.

— Эй дарвиш, — деди хожа ичкаридан туриб, — эртага келгин, меҳмон чақирганман, қонингни тўйғизиб юбораман.

— Хўп, — деди дарвиш, — аммо ҳозир бис бурда нон бериб тургин, эртагача етиб олай, ахир.

ОҚИЛ ДАРВИШ

Йиртиқ-ямоқ кийинган бир дарвишга дедилар:

— Эй дарвиш, фалон хожанинг олдига борсанг, раҳм қилиб бирорта либос берса ажаб эмас.

— Э-э, қизик экансизлар, — деди дарвиш, — мен у хожанинг бойлигини ҳам, феълини ҳам биламан. Уникага борсам, терисини ташлаган илондек топ-тоза бўлиб чиқиб кетсам керак.

ЛАҚМА ЗОҲИД

"Калила ва Димна" да ҳикоя қилинурким:

Бир зоҳид қурбонлик қилиш учун қўй етаклаб борарди. Йўлда бир неча айёрлар учраб, зоҳидни лақиллатмоқчи бўлдилар.

— Эй шайх, — деди улардан бири, — бу итни қаёққа олиб бораёсан?

— Итни оёга олиб боради-да, шундай эмасми-а, шайх? — деди иккинчиси.

Учинчиси айтди:

— Э-э, бу одам ташқи кўринишдан зоҳидга ўхшаса ҳам, аслида зоҳид эмас. Зоҳид бўлса итга қўл урармиди. Бу эса итни судраб юрибди.

Зоҳид шубҳаланди. Жодугарлар менга қўй деб, итни сотибдилар-да, деб ташлаб кетди. Айёрлар лақма зоҳиднинг "ҳиммати"дан фойдаланиб, қўйни сўйиб едилар.

КАФАН

Дарвиш бир хожага деди:

— Эй хожа, агар мен сенинг эшигингда ўлсам нима қиласан?

— Кафан қиламан, — деди у.

Дарвиш деди:

— Менга тириклигимда, ҳозир қўйлак қилиб бергин, ўлгандан кейин кафансиз кўмсанг ҳам майли.

Хожа кулиб, унга қўйлак тиктириб берди.

УЙДА ОДАМ ЙЎҚ

Дарвиш бир бахил хожанинг эшигига бориб, "шайъан-лилло, хайри худойи қилинг", деб тиланди. Бахил ичкаридан овоз берди:

— Эй дарвиш, бизни маъзур тутгин, ҳозир уйда ҳеч ким йўқ.

— Мен сендан бир бурда нон сўраяпман, — деди дарвиш, — уйда биров бор-йўқлиги билан нима ишим бор.

ҚАЛТИРОҚ

Бир гадой қалтироқ касалига мубтало бўлган эди. Боши, қўли ва бутун аъзолари бирдай қалтираб турарди.

Шу гадой бир йўл устида жимгина тиланчилик қилиб ўтирган эди, биров унга деди:

— Шу қадар қашшоқ ва фақирсан-у, сира тап тортмайсан-а!

Гадой деди:

— Э биродар, кўрмаяпсанми, тап тортиш шунчалик бўлар-да. Қара, бутун вужудим зор-зор қалтирайди ва лаҳза тиним билмайди.

МАВЛОНО ИРШОД ВОИЗ

Мавлоно Иршод ўз замонасининг забардаст воизларидан эди ва Малик Ҳусайн ҳукмронлиги айёмида яшарди. Унинг ваъзлари гоят қизгин ўтар ва нутқининг охирида тингловчилардан бирор нарса тиларди. Шу боисдан у ўз замонасининг машҳур гадойлари қаторида ҳам ном чиқарган эди.

Бир куни Малик Ҳусайн, Шерозга, шоҳ Шужоънинг қошига бир элчи юборадиган бўлиб, киши қидириб қолди. Давлат аҳли билан маслаҳат қилган эди, бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин бўлган ягона киши Мавлоно Иршод воиз эканлигини айтдилар. Чунки Иршод ўзининг суҳандонлиги ва нафис сўзлиги билан машҳур эди.

Бир қарорга келинган, Малик Ҳусайн Мавлонони чақириб, деди:

— Эй Мавлоно, бир зарур иш билан шоҳ Шужоъга элчи юбормоқчиман. Мулозимлар бу ишга сени муносиб кўрдилар. Лекин сенинг гадойлигинг катта айб. У барча фазлу камолотингни ювиб ташлайди. Энди менга у ерга бориб гадойлик қилмаслик ва мени уялтирмаслик учун аҳд қилсанг. Нимаки муддаонг бўлса хазинадан олиб бераман.

Мавлоно деди:

— Сенинг хотиранг ризоси учун гадолик қилмасликка аҳд қилдим.

Малик Ҳусайн хушнуд бўлиб, хазинадан Мавлонога йигирма минг динор беришга ва йўл харажатлари тарадуди учун тагин беш минг динор ажратишга фармон берди.

Мавлоно Иршод Шерозга бориб, давлат расмий ишларини кўнгилдагидек ҳал этди. Энди қайтмоқчи бўлиб

турган эди, шоҳ Шужоъ, аркони давлат ва мулозимлар ундан битта мажлис қуриб беришни илтимос қилиб қолдилар. Улар дедилар:

— Биз узоқ вақтдан бери халқ оғзидан сизнинг ваъзингиз тавсифини эшитамиз ва ўзингизни кўришга муштоқ эдик. Насиб экан, мана, кўрдик. Энди илтимосимиз шуки, биттагина мажлис қуриб, бизларни ваъзингиздан баҳраманд ва сарфароз этсангиз.

Мавлоно Иршод қабул қилди ва жума куни масжиди жомеъда ваъз айтишга тайёр эканлигини билдирди.

Жума куни масжиди жомеъни одам босиб кетди. Мавлоно Иршод минбарга чиқиб, чунон ваъз айтдики, халойиқ кўз ёшларини сел қилиб, ҳўнг-ҳўнг йиғладилар. Воиз қарадики, нутқининг харидори кўп, ҳамма унга мафтун бўлиб турибди. Шунда Мавлоно ўзини тута олмасдан, бундай деди:

— Эй азизлар, бу диёр сари йўл олганимда, гадойлик қилмаслик учун менга қасам ичириб юбордилар. Мен ҳам гадойлик қилмайман, халойиқдан ҳеч нарса тиламайман деб онт ичиб келганман. Наҳотки, воизга ҳеч нарса бермаймиз, деб сизлар ҳам онт ичган бўлсангиз.

Йиғлаб турган халойиқ бирданига гуриллаб кулиб юбордилар ва топган-тутганларини воизга тутиб, мавлонога хизмат қилдилар.

ВОИЗ ҲОТАМ АСАМ

Шақиқ бинни Иброҳим Балхий вафот этгач, шаҳар воизсиз қолди. Шунда Балх аҳли тўпланиб Шақиқнинг шогирди бўлган Ҳотам Асамнинг ҳузурига келдилар ва шаҳар воизлигини олиб, бизга ваъзу насихат айтасан деб туриб олдилар. Ҳотам деди:

— Эй халойиқ, мен бундай улуғ ишга қодир ҳам эмасман, муносиб ҳам.

Аммо шаҳар аҳли илтижо қилишни қўймадилар. Ноилож қолган Ҳотам деди:

— Бўлмаса, менга бир йил муҳлат беринглар, мутолаа қилсам.

Шаҳар аҳли рози бўлди. Ҳотам йил бўйи ўз ҳужрасидан чиқмай мутолаа риёзатини чекди. Ваъда қилинган муҳлат етгач, шаҳарнинг ақобир ва эшонлари Ҳотамнинг ҳузурига бориб, ваъдага вафо қилиши лозимлигини айтдилар. Ҳотам розилик берди. Аммо аввал уларнинг кўз олдида ўз салоҳиятини имтиҳон қилиб кўриши лозим эканлигини айтди. Ҳамма рози бўлди. Шундан кейин Ҳотам ўз маска-

нидаги бир тул дарахт томон йўл олди ва майин сўз. мулойим ҳаракатлар билан ундаги қушларнинг шовқинини тиндиришга киришди. Аммо қушлар чағир-чуғури пасаймади. Шунда Ҳотам ҳозирларга деди:

— Биродарлар, мен ҳануз ваъз айтиш қобилиятини эгаллай олмабман. Изн берсангиз, тагин бир йил мутолаа қилсам.

Орадан бир йил ўтгач, Ҳотам тагин ўша дарахтга яқинлашди. Бу дафъа қушларни жим қила олди. Аммо уларни ушламоқчи бўлиб қўл чўзган эди, гуриллаб учиб кетишди. Ҳотам гаҳар ақобир ва эшонларга тагин узр айтди:

— Бу йил ҳам ваъз айтишга тайиқ эмасман, тагин бир йил муҳлат берсангиз, мутолаа қилсам.

Яна бир йил умрини мутолаа, муҳокама ва риезат билан ўтказгач, ваъдага вафо қилиши лозимлигини эслаб, келган кишиларни бошлаб, саҳро томон йўл олади. Чўлини уртасида бир тул дарахт турар ва дарахт тўла қушлар эди. Ҳотам Асам бориб мулойимлик билан аздаган эди, чуғурлашиб турган қушлар жим бўлиб қолдилар. Ҳотам дарахтга қўл узатди, қушлардан бирортаси ҳам ҳайиб кетмади. Ҳотам қушларни ушлаб солади ва қўйиб юборди. Кейин ўша ердан тўппа тўғри масжиди жомеъга, минбарга қараб йўл олди ва ўзининг биринчи ваъзини айтди. Шу ваъз орасида, у қўйидаги рубоийни келтирдики, эслатиб ўтиш ҳаят ўринлидир. Чунки Ҳотам Асам унинг маъносини ўз фаолияти билан исбот этди.

Рубоий:

Эй тан, ту зи ҳирсу аз дар тоб мабош,
Пайчақта равон чу тир пуртоб мабош.
Ва зи рафтани ин роҳки дори дар пеш,
Монанди шокир дармонтоб мабош.

Яъни:

Эй тан, сен ҳирсу ҳавасга қул бўлма,
Ўқдек гир-гир учишга машғул бўлма.
Олдинга борар йўлдан тўхтаб, ҳаргиз —
Чўғман-ку, дея, шукур қилиб, кул бўлма.

ВОИЗ ҚОЗИ ЎШИЙ

Қози Ўший ҳам забардаст ва машҳур воизлардан бири эди. Унинг нутқи шу қадар фасоҳатли эдики, ҳар қандай кўнгилнинг қулфини оча оларди.

Назм:

Закои таъбаш гуфгоки "лавҳи маҳфуз" аст,
Ки зарра набвад андар ў нуқсон.
Каломи ў ҳама илм асту хогираш ҳама нур.
Димоғи ў ҳама ақл аст, сӯхани ў ҳама жон.

Яъни:

Дерларки, таъби онинг "лавҳи маҳфуз"
Ва йўқдир заррача ул ерда нуқсон.
Гапи бари илмдур, хогири нур,
Вужуди барча ақлу сӯзлари жон

Қози Ҷший ҳам ажойиб нутқ сўзлар ва нуқси ҳақини олишда ажойиб усулларни ишлатарди.

Бир куни бир баҳсла воизлар ва гадоёлар Сийистон халқининг қаттиққўллиги, ҳеч кимга хайр-саховат қилмаслиги ҳақида арз қиладилар. Шу пайтда Қози Ҷший ўртага чиқиб Сийистон халқини ҳам ўз нутқи билан мафтун этиб, ҳақ ундирга олишини айтди. Шу шарҳ билан у Сийистонга келди.

Бир куни Сийистонда бир мажлис тузиб, ўз маҳорати билан халқнинг ҳушини олди. Шаҳар аҳли унга маҳлиё бўлиб, топган-тулганларини тердилар, аммо воиз пул учун ваъз айтмаслигини айтиб, ҳеч нарса шмади. Бу иш халқнинг эътиқодини янада ошириб юборди.

Бошқа бир куни яна мажлис тузди. Саховатли ва забардаст воизнинг шухрати бутун шаҳарга таралган ва ҳар кимнинг оғзида бўлганлиги учун масжиди жомет халқийққа тўлган эди. Қози Ҷший минбарга чиқиб, шу қадар оташин ваъз айтдики, калонлар даламат тута олмай, кўнграб йиғлашга тушдилар. Мажлис яна қизилган пайт эди, ногоҳ кўринишидан азизнамо бир киши масжид эшигидан кириб келди-да, сўппа-сўғри минбарга қариб юрди. Бориб, ҳамманинг кўз олдига Қози Ҷшийнинг юзига бир тарваки туширди. Белидан бир тавоиб арқон олиб, тортиб тушириш учун қозининг бўйига ташлади. Шунда гарабга келган халойиқ ўша одамга ташландилар. Агар воизнинг ўзи дарҳол ўртага тушмаганда эди, у киши халқнинг оёғи остида сазойи бўлиб кетарди. Бироқ халқ ҳужум бошлаши биланоқ воиз фарёд қилди:

— Ҳой халойиқ, эй аҳли мажлис, сабр қилинг. Ҳар ким ўз жойига ўтарсин ва яқиниси мен билан бу муҳтарам зотнинг ўртамиздаги қиссачи эшитсин.

Сиз азизларга махфий қолмасинким, мен бу кишининг хизматкоридурман. Кўп муддат бўлди, бир илож қилиб қочиб кетганман ва бу киши неча йилдан бери мени қидириб юрган, албатта. Бугун келиб мана бу ерда, сиз азизларнинг кўз олдингизда қўлга тушдим ва шармандайи шармисор бўлдим. Шунинг учун бу мўътабар зот мени урсалар ҳам, ҳақорат қилсалар ҳам маъзур тутасизлар, чунки шундай қилишга ҳақлари бор. Мен шармандаи осий гуноҳимга яраша жазойимни тортишим керак.

Воиз қуйидаги байтни ўқиди ва ўз хожаси олдида бошини мутиъона эгиб турди. Байт:

Гар ба шамшери сиёсат бигудозӣ ҳокими,
Гар ба ташрифи ғуломӣ менавозӣ бандаам.

Яъни:

Гар қилич бирла сиёсат ўтказиб этгил ҳукм,
Гар ғулом айлаб навозиш қил, сенинг измингдаман.

Шунда халойиқ ола-ғовур кўтардилар ва шундай фозил воизни ҳақорат қилишга йўл қўймасликларини изҳор этдилар. Мажлис аҳлини асир этган воиз деди:

— Агар шундай бўлса, бу диёрнинг азизлари карам қилсалар, бу кишининг қўлларидан мени сотиб олишлари мумкин. Мендай фақир ҳақир, бир кишига хизмат қилсам ҳам, сиз азизларнинг ҳаммангизга, бутун Сийистон халқига қуллик қилсам ҳам куним ўтади. Агар қолган умримни ваъзга бағишлаб, сизларнинг хизматингизни қилишга муяссар бўлсам, менга ғоят шафқат ва марҳамат кўрсатган бўлардингизлар.

Воизнинг бундай илтижосини эшитган халойиқ фарёд кўтардилар ва жону дилимиз билан сенга хизмат қиламиз деб фиғон чекдилар. Кейин ҳамма бирданига ҳалиги кишига юз буриб, воизни талаб қилиб, тазарруъ қила бошладилар. Халойиқ воизни сотиб олишга қасд қилган эди. Аммо у киши ҳам бўш келмади. Воизни мана шу мажлис аҳли олдида беш юз дарра уриб, сазойи қилмоқчи эканлигини айтди. Халойиқ бундай қилмаслигини айтиб ялинди. Узоқ тортишувдан кейин, воизни эллик минг динорга сотиб олишга қарор қилдилар. Мажлис аҳли орасидаги бу диёрнинг аён ва арбоблари дарҳол шу миқдордаги маблағни тўплаб, шу ернинг ўзида санаб бердилар. У киши маблағни олиб кетгандан сўнг воиз мажлис аҳлини дуойи хайр билан олқишлади ва минбардан тушиб, манзилига равона бўлди.

Шу орада бирдан воиз ғойиб бўлиб қолди ва шундагина Сийистон аҳли унинг ҳийла ишлатганлигини, келиб зўрлик қилган киши ҳам ўзининг одами эканлигини англаб қолдилар.

Бир неча мuddатдан кейин эса она шахри Фарғонадан туриб, қози Ўший Сийистон халқига шундай мактубни йўллади:

Каримони Сийистонро бақо бод,
Шароби руҳи роҳат бодашон нўш.
Фурури ман хариданд он каримон
Зи роҳи лутф бо он донишу хуш.
Набудам ман ғулому лек будам,
Жаҳони фазлу дониш — Қозии Ўш.

Яъни:

Омон бўлсин сийстонлик сахийлар,
Руҳи роҳат шаробини қилиб нўш.
Нечукким, менга бахш айладилар,
Фурур чексиз — ана луфт, донишу ҳуш...
Эмасдим қулу хизматкор, лек эдим мен,
Билиму фазл жаҳони — Қозии Ўш.

ТУҲМАТ

Бир ғилай кишининг олдида битта хўроз боғлиқ турган эди. Бир киши келиб сўради:

— Биродар, айтинг-чи, ғилай кишилар битта нарсани иккита қилиб кўради дейдилар, шу ростми?

— Ёлғон, — деди ғилай киши, — бу ғилайларнинг шаънига туҳмат. Агар рост бўлганда эди, мен мана бу хўрозларни тўртта қилиб кўрган бўлардим.

БИТТА-БИТТА КИРИНГ

Бир ғилай киши табибнинг олдида бориб арз қилди:

— Эй табиби ҳозиқ, менинг кўзимга бир даво топсанг, нуқул битта нарсани иккита қилиб кўраман.

Бир иш билан шуғулланиб турган табиб оҳиста бошини кўтариб беморга қаради ва деди:

— Нима, тўртовингиз ҳам шу касалга гирифтормисиз? Агар шундай бўлса, битта-битта кириңг.

Бемор ўз-ўзига деди:

— Войвайло, мен бошқа бирор табибни қидирмасам бўлмайди. Мен биттани иккита қилиб кўрсам, бу табиби тушмагун биттани тўртта қилиб кўрар экан-ку!

ИККИ ЁМОН, БИР ЯХШИ

Битта ёйлай билан битта бир кўзлик киши бозорга тушиб мато харид қилмоқчи бўдилар.

Ёйлай деди:

— Эй биродар, менинг кўзим иккита, сеники битта. Демак, мато савдосини мен қилишим керак.

Бир кўзли киши деди:

— Эй биродар, иккита ясама тангадан кўра битта чинакам танга афзал эмасми?

ИНЪОМ

Сайёр Аъмо ўз замонасининг машҳур кўрларидан эди. Бир куни бир бемаъни киши ундан сўради:

— Худои таоло ҳар кимнинг кўзини олса, ўрнига бирор нарса инъом этади. Хўш, сенга нима берди?

Сайёр деди:

— Худои таборак ва таоло менинг кўзимни олиб, сенинг шум юзингни кўрмасликдек бахтни ато қилди.

ҲОРУН ВА СУДОД

Бир куни Ҳорун ар-Рашид Куфага келди. Куфанинг уламо ва фузалосини йиғиб, шаҳарнинг энг мўътабар кишиси ким эканлигини сўради.

— Фозили замон ва мўътабари даврон ибни Судоддир. Аммо у кўр бўлиб қолган ва жуда кўп вақтини масжидда намозхонлик билан ўтказди.

Ҳорун масжидга борди ва Судодни топиб, унинг ёнига ўтирди. Ибни Судод намозни тугатгач, Ҳорун билан кўришди ва деди:

— Мен сени танимайман, аммо қўлинг жабр этувчилар қўлига ўхшайди. Эй, бу нозик қўлларнинг эгаси, жабру зулмни кам қил ва бу қўлларга раҳм этгин. Ҳеч бўлмаса, уларни дўзахнинг оташидан омон қолдиришга урингин.

Ҳорун йиғлаб, ундан насиҳат илтимос қилди. Ибни Судод ҳам кўпгина фойдали маслаҳатлар берди.

Ҳорун ар-Рашид хайру хушлашиб кетгандан кейин, ибни Судодга ким билан суҳбатлашганини маълум қилдилар. Судод деди:

— Кўп афсус. Валлоҳким агар аввалроқ билсам эди у билан кўришмас эдим ҳам, саволига жавоб ҳам бермасдим.

КАМИГА БИР ОДАМ

Бир куни бир киши мажлисда дели:

— Кимнинг кўрар кўзи бўлмаса у ярим одам, ким дарёдан сузиб ўтишни билмаса у ҳам ярим одам, кимнинг уйида чиройли хотини бўлмаса у ҳам ярим одам.

Шу мажлисда хотини ҳам йўқ, сузишни ҳам билмайдиган бир кўр киши бор эди. Нотиқнинг гапларини эшитгач, турган жойидан фиғон чекди.

— Эй азиз нотиқ, қизиқ гап бошладинг-ку. Мени бутунлай одамгарчиликдан чиқариб қўйдинг. Менинг одам бўлишим учун тагин битта одам керак бўлиб қолди-ку!

АБУЛҒИЁ КЎР БЎЛГАЧ

Арабларнинг машҳур зурафосидан бўлган Абдулғиё умрининг схирида кўр бўлиб қолди. Бир куни унга шундай хабар етказдилар:

— Мавлоно Абулғиё, Мутаваккил айтдики, агар сиз кўр бўлмаганингизда, у ўзига надим қилиб олган бўлар экан.

Бу сўзни эшитиб, Абулғиё хафа бўлди ва хабар келтирганга деди:

— Бориб Мутаваккилга айт. Агар мени олиб бориб игнага ип ўтказдирса, узукка ёзилган хатни ўқитса ёки жойга кузатувчи қилиб қўйса, қўлимдан келмайди, албатта. Мабодо мен билан илму фан борасида баҳс қилмоқчи бўлса, ҳали ундан қолишадиган жойим йўқ.

Мутаваккил бу гапни эшитиб, Абулғиёни ҳузурига чорлади ва надими хос қилиб тайинлади.

ҚАЛЬ КЎРЛИГИ

Бир басралик сафар қилиб қишлоққа борди. Бир кеча қоронғуда кетаётган эди, рўпарадан чироқ кўринди. Яқинлашган эди. қараса бир кўр одам бир қўлида чироқ, бир қўлида кўза билан бораётган экан. Басралик таажжуб билан сўради:

— Эй кўр, сен учун-ку кечаю кундуз баробар, хўш, чироқ кўтариб юришда не ҳикмат бор?

— Чироқ кўтаришимнинг ҳикмати шуки, — деди кўр, — сенинг каби бирор қалби кўр келиб кўзамни синдириб қўйишидан қўрқаман.

ЧИРОЙЛИ ХОТИН

Бир кўр киши қабиҳа ва бедаво хунук хотинга уйланди. Кунлардан бирида хотин деди:

— Қани эди, эр, кўзинг очиқ бўлганда мениг ҳусну жамолимни кўриб фароғат қилардинг.

— Э хотин, — деди кўр, — мақтанмай қўяқол. Сенда қитдай ҳусн бўлганда мендай кўрга тегмаган бўлардинг.

КАМПИРНИНГ ДАРДИ...

Бир кишининг оиласидаги ҳамма кар эди. Уй эгаси кўчадан келиб, хотинига деди:

— Қорним жуда оч, бирор егулик нарсанг бўлса олиб келгин.

— Кўйлак? Қанақа кўйлак? — деб сўради кампир, — арғувоний атласданми? Ҳа-ҳа, менга сал арзонроғини олсангиз ҳам бўларди. Майли, арғувоний атлас олибсиз, ишқилиб кўлингиз дард кўрмасин. Бу яхшилигингизни мен билмасам худо билсин. Мен дарров ичкарига кириб қизингизга ҳам айтиб қўяй, сиз ўтириб туринг.

Кампир ҳовлиққанча қизининг олдига кирди:

— Ҳой қизим, тур!

— Эр? Қанақа эр? — деди қизи.

— Даданг олиб келибди. Менга! Арғувоний атлас дегин, бирам яхши-ей. Шуни битта кўйлак қилиб тикиб бергин. Аввал бир кўргин ўзини, шундай ҳавасинг келади.

— Кар бўлса ҳам майли, — деди қизи, — ишқилиб номига эр бўлса бўлгани. Дадамга раҳмат деб қўйинг. Қизингиз рози денг. Сиз тўхтаб туринг, мен канизакка ҳам айтиб қўяй.

Қиз канизакнинг олдига чопди.

— Ҳой, канизак, суюнчини бер. Менга бир бойвачча, баҳодир йигит совчи юборибди. Шу кеча-кундузда никоҳ бўлармиш, суюнчини бер.

— Суюнчи? Жоним билан, бекам. Сиз мени қулликдан озод қиласиз-у, суюнчи бермайманми, — деди канизак. — Менга озодлик берганингиз учун илоҳим нариги дунёда жойингиз биҳишда бўлсин, ота-онангизга дўзахнинг ўти ҳаром бўлсин.

КАР БИЛАН СОҒ

Кар киши эшакка буғдой ортиб тегирмонга кетаётган эди, олдидан катта сой чиқиб қолди. Нима қилишини билмай ўтирган эди, узоқдан бир отлиқ кўринди. Кар

ўзича ўйлади: "Ҳозир отлиқ келиб салом беради, кейин сувнинг чуқурлигини сўрайди, кейин буғдойим қанчалигини сўрайди". Ўтириб, бу саволларга жавоб тайёрлаб қўйди.

Шу аснода отлиқ етиб келиб сўради.

— Сув чуқурми, биродар?

— Ва алайкум ассалом, — деди кар, — тегирмонга кетяпман.

— Жинни бўлиб қолганга ўхшайсан? — деди отлиқ ҳеч нарсага тушунмай.

Кар деди:

— Кўкрагимгача.

Отлиқ гапнинг нимада эканлигини тушунди-да:

— Қўй, унақа дема, жинниликдан худо асрасин, оғзингга тупроқ, — деди.

Кар жавоб берди:

— Юз ботмон.

ЗИЁРАТ

Бир кар битта бемор қадрдонини кўриб келмоқчи бўлди-да, йўлга тушди. Йўл-йўлакай ўртада бўладиган суҳбатни ўзича пишириб борди: Бориб, "аҳволинг қалай" десам, "анча яхши бўлиб қолдим", дейди. Кейин, "нима еяпсан" десам, "берган овқатларини", дейди. Мен "жуда яхши бўлибди-да" деб айтаман. Кейин "табибинг ким" десам, бирор улуғ табибининг номини айтади, мен хурсандчилик изҳор қиламан".

Шу хаёллар билан беморнинг олдига кириб борди. Иттифоқо, бемор бир нарсадан хафа бўлиб турган эди. Кар бориб сўради:

— Аҳволлар қалай, биродар?

— Ёмон. Агар шу тарзда турсам ўлишим яқинга ўхшайди.

— Айни муддао, айни муддао. Хўш нима еяпсан?

— Заҳар ичяпман, — деди жаҳли чиқиб бемор.

— Жуда яхши, биродар, жуда яхши! Қўрқмасдан ичавергин, тезда қутуласан. Табибинг ким?

— Азроил! — деди бемор.

— О-о, қутлуғ бўлсин. Ана, қутулиб қолибсан ҳисоб. Буёғи кам қолибди, парво қилма.

БАРМОҚ ЯХШИ

Фатҳ бинни Ҳусайн ўз замонасининг улуғ уламоларидан бири эди. Унинг донолиги ёшлик айёмларида ҳам билиниб турарди.

Бир куни Фатҳни жуда ёш пайтида Муътасим мажлисига олиб келиб, имтиҳон қилдилар. Муътасим унга деди:

— Эй Фатҳ, мана шу бармоғимдаги ёқут узукдан яхшироқ нарса ҳам борми?

— Бор, — деди бола иккиланмай.

— Ундан яхшироқ нима экан? — сўради халифа.

— Ундан яхши нарса, — деди бола қатъий, — ўша ёқут узукни ушлаб турган бармоғингиз.

Унинг жавоби халифадан тортиб, бутун мажлис аҳлига маъқул бўлди. Халифа эса болага ҳадя бериб, кейин уни ўз тарбиясига олди.

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ...

Ҳорун ар-Рашиднинг икки хотинидан икки ўғил бор эди. Бири Муҳаммад Амин бинни Ҳорун, иккинчиси Маъмун бинни Ҳорун. Халифа эса Маъмунни яхши кўрар ва бошқалардан устун кўярди.

Бир куни Муҳаммад Аминнинг онаси Ҳоруннинг олдига арзга келди:

— Эй халифам, нечук Маъмунни Муҳаммад Аминдан юқори кўясан. Ахир иккиси ҳам ўз фарзандинг-ку!

Ҳорун деди:

— Икковини ҳам имтиҳон қилиб кўрайлик, кейин ўзинг хулоса чиқарасан.

У бир ходимни чақириб, бир саволни айтди ва бориб шу саволни Муҳаммад Аминга айтишни буюрди. Ходим Муҳаммад Аминнинг олдига бориб сўради:

— Эй Муҳаммад Амин, бордию тожу тахт сенинг кўлингга ўтса, менга қандай иноят кўрсатасан?

— Сенгами? — деди Муҳаммад Амин. — Сенга катта иноят кўрсатаман. Сени ўзимга энг яқин кишилардан қилиб оламан. Фалон шаҳарга ҳоким қилиб тайинлайман.

Ходим келиб, бутун тафсилотни гапириб берди. Ҳорун деди:

— Энди худди шу саволни Маъмунга ҳам бергин.

Ходим борса, Маъмун бинни Ҳорун ар-Рашид хат ёзиб ўтирган экан. Ходим юқоридаги саволни берган эди. Маъмуннинг жаҳли чиқиб кетди, олдидаги олтин сиёҳдонни олиб, ходимнинг бошига отди ва уриб пешонасини қонатди. У фиғони фалакка чиқиб деди:

— Қани айтчи, отамнинг ўлими сенга нима учун керак бўлиб қолди? Мен ҳамма хизматкорларини ҳам унинг фарзанди деб билардим. Сен муттаҳам ҳали унинг ўлимини кутиб юрган экансан-да.

Бошини қонатиб келган ходим воқеани бир бошидан гапириб берди. Сўнгра Ҳорун хотинига қараб деди:

— Мен фарзандларимнинг ҳар қайсисига ўз фаҳми ва феълига қараб муомала қиламан.

ПОДШОҲДАН ПАНОҲ

Бир хожа ўлиб, ундан жуда кўп молу дунё қолди. Меросхўр вориси, битта ёшгина ўғли эди, холос.

Юртнинг подшоси хожанинг молу мулкига кўз олайтириб, тама билан хожанинг ўғлини қақиртирди. Шоҳ деди:

— Эй ўғлим, отангдан нималар қолди?

Бола ёшлигига қарамай зийрак ва доно эди. Подшоҳнинг муродини пайқаб, деди:

— Шоҳим, ҳар не қолса унинг вориси бор. Подшоҳдан паноҳ, гўдак бегуноҳ!

Подшоҳ кулиб, унинг зийраклиги ва ҳизиржавоблигига қойил қолди. Кейин болани ўз тарбиясига олди.

ҲИКМАТ

Бир ҳаким дебди:

— Ёшларни камситманглар. Агар улардан тўғри маслаҳат ёки ақлли гап чиқса, ўша йўлга юриш керак. Унутмаслик лозимки гавҳарни дарёдан ёш бола олиб чиқса ҳам қиммати йўқолмайди.

ОСМОНГА ТУПУРСАНГ...

Бир жойда анча қариялар ўтирган эдилар. Атрофда шовқин-сурон кўтариб, болалар ўйнаб юрган эдилар. Чоллардан бири деди:

— Ҳой баччагарлар, сенларда уят деган нарса борми? Қачонгача шўхлик ва беодоблик қиласизлар?

Болалар ичидан бири ажралиб чиқиб, чолга яқинлашди ва деди:

— Э бобо, биздай пайтингизда сизда ҳам уят бўлганда эди, биз ҳам ҳозир олдингизда уятсизлик қилгани ботинолмаган бўлардик.

ОТАМГА ОЛИБ БОР

Абдулғиё бир куни Абдурахмон бинни Али ар-Рижо деган кишининг ўғлига деди:

— Сендай бир ўғил керак эди менга, болам, дадангга айтаман, сени сотсин.

— Дадам мени яхши кўрадилар, — деди бола, — мени сизга сотмайдилар. Агар менга ўхшаган ўғиллик бўлишни истасангиз, хотинингизни бизникига олиб келиб қўйинг, туғиб берадилар.

ОРИҚ ҚЎЙНИНГ КАЛЛАСИ

Араб зурафосининг машҳур намояндаларидан бири Абул Ғаззон ёшлигиданоқ хуштабъ ва зариф эди.

Бир кун, ёшлигида дадаси уни бозорга пишган калла сотиб олиб келгани юборди. Абул Ғаззон каллани олди-да, йўл-йўлакай бор-йўғини еб, қуруқ суякни нонга ўраб олиб келди. Аҳволни кўриб, дадаси сўради:

— Қўйнинг кўзи қани, ўғлим?

— Кўр экан ўзи, деди.

— Гўшти-чи?

— Жуда озгин экан, эриб кетибди.

— Бу мияси ҳам йўқ-ку!

Абдул Ғаззон деди:

— Мияси бўлса сўйилармиди, дада!

БОЛАНИНГ ТИЛАГИ

Бир лўли касал бўлиб қолиб, эртасига боласини чақириб, деди:

— Болам; кечаси билан ўлиб-тирилдим. Камида ўн марта тургандирман, парвойингга ҳам келмайди.

Бола деди:

— Зарари йўқ, онажон. Худо хоҳласа бу кеча ётсанг сираям турмайсан.

ЁЛҒОН

Бир лўлининг эшигини қоққан эдилар, уйдан ўғилчаси чиқди.

— Даданг борми?

— Ҳа, уйда, — деди бола.

— Нима қиляпти? — деб сўрадилар.

— Худони ёлғончи қиляпти.

— Қандай қилиб.

Бола деди:

— Дадам уйда қўлига ойна олиб, қоп-қора чўтир юзига қараб: "Эй худоё худовандо, шунчалик чирой ато қилганингга шукур", — деяпти.

ЎХШАШ МАНЗИЛ

Бир лўли қизи билан эшиги олдида ўтирган эди, кўчадан ўлик кўтариб ўтиб қолдилар.

— Бу нима? — деди қизча.

— У ўлик, қизим.

— Уни қаерга олиб кетяптилар?

— Шундай жойгаки, у ерда на чироғ бор, на кўрпа, на овқат, на сув бор.

— Ундай бўлса бизникига олиб борар эканлар-да, — деди қиз.

ДОНИШМАНДНИНГ ВАЪЗИ

Мавлоно Пуршамс Ҳирот донишмандларидан эди. Бир куни катта ўғли Муҳаммадга деди:

— Ўғлим, мен шу шаҳарнинг воизларидан кўра донороқ эканлигимга шубҳанг йўқдир, албатта. Ўзимда ваъз айтиш рағбатини сезяпман.

Шундан кейин шаҳарнинг акобир ва уламосига ўзининг ваъз айтмоқчи эканлигини маълум қилди. Жума куни масжиди жомеъда жуда кўп киши тўпланди. Мавлоно Пуршамс минбарга кўтарилди. Аммо кишиларнинг сири босиб, бирор сўз айта олмади. Шунча ўйланиб турса ҳам хаёлига ҳеч нарса келмади. Шунда халойиққа қараб деди:

— Эй азизлар, ўзларингизга маълумки, мен донишманд одамман. Лекин ваъз айтиб ўрганмаганлигим учун минбарга чиққандан кейин ҳамма нарса эсимдан чиқиб қолди. Мени маъзур тутасизлар.

Пастдан туриб ўғли Муҳаммад деди:

— Дада, минбардан тушиш ҳам эсингиздан чиқиб қолдим!

ДОНО ХИЗМАТКОР

Бир куни Хисрав Парвизнинг мажлисидан бир хизматкор овқат кўтариб кириб, Хисравнинг қайбатиغا дош бера олмади-да, қўли қалтираб бир оз тўкиб юборди. Тўкилган овқат шоҳнинг либосига тегди. Шоҳнинг газаби тошиб кетди-да, хизматкорини ўлимга буюрди. Чиқиб кетаётган хизматкор ҳукми эшитгач, шартта орқасига бурилди-да, қўлидаги овқатни Хисравнинг этагига ағдарди. Хисрав деди:

— Бу қилингандан муродинг нима?

— Шоҳим, — деди хизматкор, — озгина овқат тўкилгани учун мени ўлимга ҳукм қилдинг. Бу гуноҳ ўлимга арзигулик эмас. Озгина гуноҳ учун ҳам кишиларни ўлдиришингни халойиқ эшитса, сени золим экан дейишади ва халқнинг ихлоси қайтади. Мен эсам, сени золим деб таъна қилишларини хоҳламаймман. Шунинг учун овқатни атайлаб тўқдим. Энди мана шу одобсизлигим учун ўлимга ҳукм этсанг арзийди ва одил ҳукм бўлади. Ҳеч ким сени золим экан деб таъна қилмайди. Энди ҳукмингни бажаргин, шоҳим!

Бу мантиқ Хисрав Парвизга хуш келиб, хизматкорнинг гуноҳини кечди ва уни ўзига яқин кишилардан қилиб тайинлади.

НОВВОЙ

Бир куни Кисро новвойхона олдидан ўтиб кетаётган эди, қараса терлаб ишлаётган новвой озгина хамирни узди-да, у билан пешона терини артиб, кейин ундан нон ясади. Кисро индамай ўтиб кетди.

Эртасига у ўша новвой хизматкорини чақириб сўради:

— Айтгинчи, новвой, қанақа нон ширинроқ бўлади?

Новвой анча ақлу ҳушлик ва зийрак киши эди. Гапнинг нимада эканлигини сизди-да, жавоб берди.

— Энг лаззатли нон, — деди у, — ёпиб олдингга олиб келмагунча кўзинг тушмагани бўлади.

Бу жавоб Кисрога хуш келиб, новвойнинг гуноҳидан ўтди.

АДОЛАТ

Бир подшоҳ ўғлини чақириб сўради:

— Оламда яшашдан мақсадинг нима?

— Туганмас мулким бўлса, — деди ўгли, — есам, менсам, овга чиқсам, жонон қизлар билан ишрат қилиб, суҳбат қурсам.

Шоҳ бир хизматкорини чақирди:

— Хўш, яшашдан сенинг муродинг не?

— Қўлимдан келгунча ўзимдан ожизларга лутфу марҳамат кўрсатиш, қулларни озод қилиш, — деди хизматкор.

Шундан кейин, подшоҳ ўғлини иноят назариядан четлатиб, хизматкорини тахт вориси қилиб тайинлади.

ЯРМИ ЁЛҒОН, ЯРМИ ЧИН

Бир зариф деди:

— Бир туш кўрдим, ярми ёлғон бўлиб чиқди, ярми чин. Тушимда бир қоп олтинни елкамда кўтариб у ёқдан-бу ёққа юрабергандан елкаларим оғриб кетди. Уйғониб қарасам, олтин йўғ-у, аммо елкам зирқираб оғриётган экан.

ЛҮЛИНИНГ ЭШАГИ

Лўли ўз эшагини қанча уриб судраса ҳам, уйи томонга юрмаётган эди, бу ҳолни кўрганлар сўраб қолдилар:

— Эй лўли, ҳамманинг моли уйи томонга ошиқиб чопади. Нечун сенинг эшагинг бу одатга хилоф равишда оёғини тираб олибди.

— Э-э, қизиқ экансизлар, — деди лўли, — менинг эшагим биладики, борадиган жойида на сув бор, на сомон, на пичан, на ем. Борар жойи шундайлигини билиб туриб қандай ҳам оёғи тортсин.

НАРГИСМОНАНД ХОТИН

Бир зариф уйланди. Эртасига ёру дўстлари, хўш, хотининг қалай, у нимага ўхшайди, деб суриштириб қолдилар.

— Зўр, — деди зариф, — хотиним нарғисга ўхшайди: боши оппоқ, ранги сапсариқ, қомати нимжонгина.

СУВЧИ МАНТИҚИ

Исҳоқ мутававалининг бир сув ташувчи қули бор эди. Бир куни уни тутиб сўради:

— Қани айтгинчи, мешкоб, иккимизнинг ўртамизда ҳеч ўхшашлик борми?

— Бор, — деди хизматкор сувчи, — бу оилада энг бадбахт одам биз иккимиз.

— Қандай далилинг бор?

— Далилим шуки, — деди сувчи, — куни билан сен ҳаммани нон билан таъминлашга уриниб тентирайсан, мен бўлсам сув билан таъминлашга, идишларни тўлдириб қўйишга, бошқалар бўлса мен билан сенинг ғамимизни емайдилар, бизни хизматкорлари деб биладилар. Шунча меҳнатимиз эвазига ҳатто бизга балли ҳам демайдилар,

аксинча, ҳамиша қилдан қийиқ топиб, биздан арз қилдилар. Мен билан сен уларнинг ҳам тирикчилигини, ҳам миннатини кўтарамиз.

Исҳоқ кулиб деди:

— Валлоҳким, гапларингнинг бари ҳақ.

Шундан кейин мешкобни қулликдан озод қилди.

ОРТИҒИ БИЛАН

Бир хожа хизматкорини узум, анжир, хурмо сотиб олиб келиш учун бозорга юборди. Иттифоқо хизматкор жуда узоқ қолиб кетди ва фақат узум олиб келди, холос. Хожа газабланиб, уни роса дўппослади ва деди:

— Бундан буён ишга буюрсам ортиғи билан бажаришни, бир неча ишни бирданига қилишни ва тез қайтишни ўрган.

Орадан кўп ўтмай хожа касал бўлиб қолди ва хизматкорини табибга юборди. Хизматкор ҳаял ўтмай бир талай одамларни бошлаб келди.

— Бу одамлар ким? — деб сўради хожа.

— Эй хоҷам, — деди хизматкор, — бир иш буюргудай бўлсам тез бажариш ва ортиғи билан ўринлатишни буюрган эдингиз, айтганингиздек қилдим.

Табибни сўраган эдингиз, бориб табибни чақирдим. У киши сизни даволаб тузатсалар овора бўлиб юрмайлик деб, базми жамшид қургани мана бу машшоқларни олиб келдим.

Мабодо табобат қор қилмай бандаликни бажо келтирсангиз ювиш учун ғассолни айтиб келдим. Айтиб-айтиб йиғлаш учун навҳагарни, жанозангизга азон чақириб одамларни тўплаш учун муаззинни ҳам айтдим. Гўр қазишга қийналиб юрмайлик деб гўрковни, устингизга тупроқ тортгандан кейин қуръон ўқиш учун хушовоз қорини ҳам бошлаб келдим.

САБР ҚИЛСАНГ...

Маҳмуд Варроқ Муътасим ҳукмронлиги давридаги машҳур бойлардан бири эди. Маҳмуднинг бир гўзал канизаги бўлиб, уни жуда севар ва унга бегона шамолни ҳам раво кўрмасди. Канизакнинг ҳусни-жамоли ҳақидаги миш-миш Муътасимга ҳам етиб бориб, хоқон унга ғойибона ошиқ бўлиб қолди. Унга харидор бўлиб, Маҳмудга оғиз очган эди, Маҳмуд кўнмади. Муътасим

канизакнинг нархини ошира-ошира йигирма минг динорга етказса ҳам Маҳмуд рози бўлмади. Шунда Муътасим но-чор-ноилож қолди ва бирор қўлай пайтни мўлжаллаб, кутиб юраверди.

Иттифоқо Маҳмуд ўлиб, канизак хомталаш бўлиб қолди. Шунда Муътасим минг динор берди-да, канизакни ўзига олди.

Бир куни Муътасим канизакка деди:

— Биласанми, сени минг динорга сотиб олганман-а.

— Андак шошилган экансиз, — деди канизак, — сабр қилсанг гўрадин ҳалво битар, деганлар. Шунча кутишга чидаган тагин бир оз кутсангиз нархим яна арзон бўларди.

Бу жавоб Муътасимга қаттиқ теккан бўлса ҳам, маънодорлиги билан хуш келди. Кейин оқила канизакни ўзига никоҳлатиб, ҳарамига олди.

САДОҚАТ

Мутаваккил замонида Заққоф деган бағдодлик машҳур олим бўлиб, унинг ҳусни-жамолда бемисол бир канизаги бор эди. Заққоф бу канизакни жону дилидан ҳам ортиқ кўрарди.

Гаразгўй фитначилар бу гўзал маҳлиқо ҳақидаги даракни мутаваккилга ҳам етказадилар. Мутаваккил ғойбона маъшук бўлиб, канизакни олиб келишни буюрди.

Эшигига сеvimли канизагини сўраб келган навкарларни кўриб, Заққофнинг ранги ўчди. Аммо хоқоннинг раъйини қайтаришга ожиз эди. Шунда хожасини ҳар нарсадан афзал кўрган канизак деди:

— Эй хожаи ориф, сен кўп қайғурма. Мен қандай қилиб бўлмасин ҳийла ишлатиб, ўзимни сендин жудо қилмайман.

Хожа заруратдан рози бўлди. Навкарлар канизакни Мутаваккилнинг қошига олиб бордилар. Канизакнинг ҳусну жамолини кўрган Мутаваккил ҳангу манг бўлиб қолди. Кейин, ҳусни билан ақлини тарозга солиб кўриш ниётида деди:

— Эй канизак, ҳеч нарса ўқиганмисан?

— Балли, — деди канизак, — жуда кўп нарса ўқиганман.

— Жумладан?

— Жумладан қуръонни ёд биламан, — деди канизак.

— Далолат учун бирор оятни ўқигинчи.

Канизак фурсатдан фойдаланиб, дарҳол бир оятни бошлади. Унда: "Бу киши менинг инимдир. Унинг тўқсон

тўққизта қўйи бор. Менинг эса биттагина қўйим бор", — деган сўзлар бор эди. Мутаваккил шу ерга келганда канизакнинг тиловатини тўхтатди ва унинг муродини тушунди. Оятни ўринли ва оқилона ўқиганлиги учун офарин деб, инъом-эҳсон билан сарди ва Заққоф қошига қайтариб юборди.

ҲАЖАРУЛ АСВАД¹

Улуғлардан бирининг ёнига бир ширин ва тамкина канизакни олиб келдилар. Унинг ўнг юзидаги холи ҳуснига ҳусн бўлиб тушган эди. Чунки бу бағоят анойи ва қизнинг кўзлари каби қора эди.

— Отингиз нима? — деб сўради унинг чиройига маҳлиё бўлган улуғ.

— Менинг отим Макка, — деди қиз.

Тоқати тоқ бўлган улуғ деди:

— Мен ҳажарул асвад бўлсам розимисиз?

ОҚ ТУЯ

Ажам подшоҳзодаларидан бири овга бораётган эди. Шаҳардан чиқишда қалъа устидаги бир лайлакка кўзи тушиб қолди. Хонларидан бирини чақиртирди-да, ўлгунча калтаклатди.

Анча фурсат ўтиб, шаҳзода қаҳридан тушгандан кейин сўрадилар:

— Шаҳзодам, хонни нима сабабдан калтаклатдингиз?

— Кўрмайсизми? — деди шаҳзода, — менинг оқ туянинг бўталоғи қалъанинг девори устида юрибди. Йиқилиб тушса нима бўлади?

Гапнинг замирига эндигина тушунган йўлдошлари, қалъа устидаги бўталоқ эмас, балки лайлак деган қуш эканлигини тушунтирдилар ва аҳмоқ шаҳзодага таскин бердилар.

ҚАРЧИҒАЙ

Баккор бинни Абдумалик бинни Маврон машҳур аҳмоқ хоқонлардан эди. Бир кун унинг қўлидаги қарчиғайи учиб, қочиб кетди. Баккор дарҳол буюрди:

¹ Макка шаҳридаги каъбатуллоҳ бурчагига ўрнатилган қора тош.

— Тезда дарвозабонларга хабар беринглар, шаҳарнинг ҳамма дарвозаси беркитилсин, токи менинг қарчиғайим чопиб чиқиб кетмасин.

ҲАРОМ САДАҚА

Абдумалик бинни Марвон саҳрода сайр қилиб юрган эди, рўпарадан бир фақир одам эшакда анор юклаб ўтиб қолди. Абдумалик ундан ўнта анорни зўрлаб тортиб олди.

Бир жойга борганда, рўпарадан битта дарвиш чиқиб қолди. Абдумалик анорларнинг ҳаммасини унга берди. Шунда, Абдумалик билан йўлдош бўлиб кетаётган бир куфалик деди:

— Эй шаҳриёр, у ердаги зулм ва бу адолатнинг ҳикмати нима?

Абдумалик деди:

— У ерда ўнта анорни зўрлик қилиб олиб, битта гуноҳ орттирдим. Энди бўлса ўнта анорни дарвишга бериб, ўнта савоб орттирдим. Битта гуноҳимни битта савобим ювса, тўққизта савоб ёнимга қолади.

— Эй шаҳриёр, ҳаромдан қилинган садақа савоб келтирмаслигини наҳот билмасангиз?

ЗАЙД ВА УМАР МОЖАРОСИ

Қазвин шаҳрида бир олим ва машҳур қози бор эди. Шу забардаст қозининг биттаю-битта бесавод, аҳмоқ ўғли бор эди. Дадаси ўлгандан кейин унинг ҳурматини қилиб, нодон ўғилни шаҳарга қози қилиб тайинладилар.

Ўғил шундай ишлар қилдики, қариндош-уруғлари ер ёрилмадики, номусдан кириб кетсалар. Охири маслаҳатлашиб, бир забардаст олимни унинг ёнига ҳамроҳ қилиб қўйдилар ва таълим беришни илтимос қилдилар. Бир куни муаллим деди:

— Эй қозизода, энди озгина имло билан ҳам шуғулланайлик. Мана бу мисолни ёзинг: "Зайд Умарни урди".

— Қачон ва нима учун урди? — деди қозизода.

— Бу бир мисол, холос, — деди муаллим.

— Йўқ, сиз гапни чалкаштирманг, — деди қозизода, — Зайд Умарни нима учун урганлигини аниқлаш керак. Гуноҳига яраша жазосини берамиз.

— Ахир бу мисол-ку, — деди фикрини тушунтиролмай, муаллим, — мана шу мисолни ёзиш: ургансангиз, кейин тил қондаларини ўргатаман.

— Сиз менга ўргатманг, — деди қозизода, — менга аввал уларни топиб келинг. Айбини бўйнига қўйишим шарт. Мен қозилик қилиб турган пайтда ҳеч қандай тартибсизлик бўлмаслиги керак.

Муаллим деди:

— Эй қозизода. Бу Зайдни ҳам, Умарни ҳам, худо балки яратмагандир. Улар аслида йўқ кишилар.

— Ҳа, ҳа-а-а. — деди қозизода, — демак, сиз улардан пора олгансиз, домла, шунинг учун яширяпсиз. Мен бундай адолатсизликка сира ҳам йўл қўймайман.

Шундан кейин навкарларга фармон берди:

— Мана бу порахўр муаллимни олиб бориб зиндонга солинг. У бегуноҳ Умарни урган мунофиқ Зайднинг қаердалигини яширганликда айбланади.

Қозизоданинг қариндош-уруғлари бу қиссадан воқиф бўлиб, не-не азоблар билан олимни зиндондан зўрға қутқариб олдилар.

КИМ КАТТА?

Бир кишидан сўрадилар:

— Биродар, сен каттамисан, укамми?

— Мен каттаман, — деди у киши. — аммо бир йилдан кейин укам ҳам мен билан ёши тенг бўлади.

ҲАҚ

Муаллим бир киши билан шерик бўлиб хизматкор олди. Пулини баравар бердилар.

Иттифоқсиз кунларнинг бирида хизматкор гуноҳ қилиб қўйиб, муаллим жазо бермоқчи бўлди. У таёқни олиб эндигина ура бошлаган эди, шериги деди:

— Ҳой, нима қиляпсан?

Муаллим жавоб берди:

— Ўз тегишимни янчаяпман.

ХОЖАНИНГ ХАТОСИ

Бахил хожанинг битта зийрак қули бор эди. Бир кунни хожа деди:

— Овқатни олиб келиб, сарой эшигини бекитиб қўй.

— Эй хожа, — деди қул, — хато гапирдинг. Аслида, эшикни бекитиб, овқатни олиб кел, демоқчи эдинг шекилди.

Хожа деди:

— Раҳмат сенга. Инсоф билан айтганда, мендан кўра сен зийракроқсан.

ҚУРИМАС ҚУДУҚ

Бир хожа қулини сотган эди, олган хожа уни саққо — сув ташувчиликка тайинлади. Бир куни аввалги хўжайини уни кўриб қолиб сўради:

— Хўш, ишлар қалай?

— Ёмон, — деди қул, — сув ташиганим ташиган. На қудуқдаги сув тугайди, на булар сувга қонади.

ҚУДУҚДАГИ АБЛАҲЛАР

Она-бола — икки аблаҳ чўлда кетаётган эдилар, йўлдан бир қудуқ чиқиб қолди. Ўғли бориб қараса, қудуқнинг остида ўзининг акси кўринди. Онасини чақириб, қара, mana бу ерда бир ажина бор экан, деб фарёд қилди. Онаси келиб қараган эди, ўзининг акси ҳам кўринди. Ўғлига бурилиб, деди:

— Қарагин-а, ёнида бир бадбашара алвасти ҳам бор экан.

СЕНГАЯММАС, МЕНГАЯМ...

Бир содда киши Ҳирот шаҳрига келган эди, қарасаки, қаннодлар олди тўла қанду қурсни сотиб ётибди. Индамай бировнинг олдига қўл чўзиб, қандидан олди. Қаннод унинг қўлини ушламоқчи бўлган эди, қандни шартга оғзига солиб, деди:

— Ана бўлмаса, сенгаяммас, менгаям.

АҲМОҚ

Бир аҳмоқ ўғлига деди:

— Болам, намунча аҳмоқсан?

— Э, дада, — деди ўғли, — агар аҳмоқ бўлмаганимда эди, ҳаромдан бўлган бўлардим. Аҳмоқдан бўлган бола аҳмоқ бўлади-да.

ЭСКИ КАФАН

Бир домла ўлиш олдидан деди:

— Эй ёронлар, бир илож қилиб, бирорта эски кафан топинглар.

— Нимага керак бўлади? — сўради ҳозирлар.

Домла деди:

— Мабодо қазо қилсам, ўша эски кафанга ўраб кўмасизлар. Шояд мункар-накирлар эски ўлик гумон қилиб, сўроққа тутмасалар.

БАДОВОЗ МУАЗЗИН

Бир куни саҳрода у ёқдан-бу ёққа югураётган муаззинни кўриб қолдилар. Яқин бориб қарасалар, у бир жойда туриб азон айтарди-да, югуриб бориб, бошқа жойдан қулоқ соларди. Ундан сўрадилар:

— Эй муаззин, бу не савдо?

— Овозимни синаб кўряпман, — деди муаззин, — ҳамма мени бадовозсан, аммо овозинг узоқдан яхши эшитилади, дейди. Шунинг учун, азон чақириб, югуриб бориб, узоқдан овозимни эшитяпман. Билайинчи, элнинг гапи ростми, ёлғонми?

ДОРИ

Бир киши бемор бўлиб, табибнинг олдига келди:

— Эй табиби ҳозиқ, — деди у, — қабз бўлибман, менга сурги дори берсангиз. Дорини аяманг, табиб, бирданига ун марта сурадиганидан беринг.

Табибнинг дорисини ичган бемор аввал шифо топгандек бўлди. Бироқ дори ичини тўхтатмай, юз марта сурди ва беморни ўлдирди.

Марҳумнинг қариндошлари дод деб табибнинг қошига келдилар.

— Сени қозига олиб борамиз, — деди улар, — берган доринг уни юз марта сурди. Охири ўлдирди.

— Айб ўзида, — деди табиб ҳам бўш келмай, — агар ўлмаганда эди икки юз марта суларди.

АРҚОННИНГ ЭНИ

Бир табиб ўғлининг қўлига пул бериб, деди:

— Бозорга бориб қудуқ учун арқон олиб келгин. Узунлиги йигирма газ бўлсин.

— Дада, — деди бола, — арқоннинг эни неча газ бўлсин?

— Эними? — деди фигони фалакка чиққан табиб, — эни, сендек аблаҳ фарзанднинг билагича бўлса бас.

МУЧАЛ

Бир куни бир ярамас киши мунажжимнинг олдига келиб, толеимдан фол очиб берасан, деб туриб олди.

— Мучалинг нима, — деди ноилож мунажжим.

— Буқа, — деди ярамас.

— Бунақа мучал бўлмайди, — деди мунажжим.

Ярамас деди:

— Нега бўлмас экан? Бундан бир неча йил муқаддам бир лўлидан сўраганимда, сенинг мучалинг бузоқ деган эди. Шунча йилдан бери у бузоқ катта бўлгандир, ахир.

ИГНА

Бир киши уйда игнасини йўқотиб қўйиб, кўчани ахтара бошлади. Йўловчилар сўрадилар:

— Кўчада нима излаб юрибсиз, тақсир?

— Игна, — деди у.

— Қаерда йўқолган эди?

— Уйимнинг ичида.

— Уйда йўқолган нарсани кўчадан қидирасизми?

У киши деди:

— Э, ёронлар, нима қилай, чироғим йўқ, уйим қоронғу. Қоронғуда игна топиб бўладими?

АРИ

Бир куни бировнинг бўйнига ари қўнди. Ёнидагилар дарҳол уни елпиб, учуриб юбордилар. Шунда ари қўнган киши ёлвориб деди:

— Жон биродарлар, тузукроқ қаранглар-чи, бўйнимни ари чақмадимикин?

ШОШИЛГАНДА ЛАББАЙ...

Лашкар ичида бир қўрқоқ киши бор эди. Кунлардан бирида кечаси ўша лашкар устига ёвлар ҳужум қилиб қолди.

Олаговурдан чўчиб уйғонган қўрқоқ, апил-тапил ўрнидан турди ва отини жиловлаш учун чопди. Шошилгандан, отнинг боши қолиб, орқасига жилов кийдиришга уринарди. Ҳадеб сигмагач, охири отининг орқасига қараб деди:

— Э, жонивор, юзинг бир кечада семирганига ишонса бўлади, аммо пешонангдаги гажагинг ҳам шу қадар ўсиб кетганими?

УЧ АҲМОҚ

Икки аҳмоқ йўлдош бўлиб қолиб, зерикиб қолмаслик учун йўл-йўлакай ўз орзу-истакларини айтиб беришга қарор қилдилар. Бири гап бошлади:

— Қани эди, худои таоло менга бир сурув қўй берса. Уларни соғиб ичсам, юнгларини сотсам, қўзилатиб кўпайтирсам.

Иккинчиси деди:

— Қани эди, худои таоло менга бир тўда бўри берса-ю, сенинг қўйларинг орасига қўйиб юборсам. Сурувдаги ҳамма қўйларингни тилка-пора қилганини тўйиб томоша қилсам.

— Уятсиз экансан. — деди қўй эгаси, — худодан уялмайсанми? Менинг бола-чақам ризқи-рўзини бўриларингга ем қилдирмоқчимисан?

Хуллас, икки ўртада жанжал кўтарилиб, бир-бирини ўлгудек савалашди. Кейин чарчаб, йўлнинг четига чиқиб ўтиришган эди узоқдан бир қора кўринди. У яқинлашганида қарасалар бир чол эшакка бир саноч асал юклаб келаётган экан. Улар бутун қиссани чолга гапириб бердилар.

— Худо урсин агар, аҳмоқ экансанлар, — деди чол, — аҳмоқ бўлмасанг шу арзимаган нарсага уришиб ўтирасанларми? Худо урсин, қип-қизил аҳмоқ экансанлар! Аҳмоқ бўлмасанглар қоним мана шу асалдек тупроққа тўкилсин, — деди-да, саночга пичоқ солиб, тилиб юборди.

СИПОҲИЙНИНГ МУРОДИ

Бир сипоҳийнинг отини ўғирладилар. Унинг кўнглини кўтаргани келган дўстлари дедилар:

— Ҳеч гап эмас. Агар отинг бу дунёда йўқолган бўлса, нариги дунёга борганда сен турган торози палласидан бош кўтаради.

Сипоҳи деди:

— Шу дунёнинг ўзида менинг охуриمدан бош кўтарганида яхшироқ бўларди.

БЕГУНОҲ ЎҒРИ

Бир сипоҳийнинг отини ўғри урган эди. Бир киши деди:

— Гуноҳ ўзингда, отингга яхши қарамадинг.

Бошқаси:

— Айб отбоқар қулингда, отхонанинг эшигини очиқ қолдирган, — деди.

Сипоҳий бўлса:

— Ҳа, ҳамма айб бизда, — деди, — ўғрининг ҳеч айби йўқ, албатта.

ТОПМОҚ ЛАЗЗАТИ

Бир араб туясини йўқотиб қўйган эди. У кимки туямни топиб берса, иккита туя совға қиламан, деб жар солди.

Унга:

— Ҳайҳот, бу қандай гапки, эшагидан тўқими қимматга тушиб кетяпти, — деб таажжубландилар.

Араб деди:

— Сизлар йўқотганни топгандаги виждон ҳаловатини билмас экансизлар.

Қитъа:

Гумшуда гарчи хақир аст, мағўй,
Ки инон аз талабаш тофта беҳ.
Ҳаст дар қоидаи хурдашинос,
Лаззати ёфтаи аз ёфта беҳ.

Яъни:

Йўқолган буюм гар кичик бўлса ҳам
Изламай қўяқол демагин сира.
Заршунос биларким, нима бўлсаям,
Топмоқлик афзалроқ буюмдан кўра.

ЯРИМ ЭРКАК

Бир хуросонлик карвонда эшагини йўқотиб қўйди. Бошқа бировнинг эшагини тутди-да, юкини ортди. У эшакнинг эгаси келиб, хуросонликнинг юкини ағдариб ташлади.

Икки орадан жанжал кўтарилди. Карвон аҳли дедилар:

— Сенинг эшагинг эркакмиди, урғочимиди?

— Эркак эди, — деди хуросонлик.

— Ахир бу эшак урғочи-ку, — дедилар ҳозирлар.

Хуросонлик деди:

— Рости, менинг эшагим унчалик эркак ҳам эмас эди.

ШУКРОНА

Бир куни бир ғурининг эшагини ўғирлаб кетдилар. Ғури дарҳол ибодат қилишга тушди.

— Ҳозир ибодат вақти эмас-ку, — дедилар унга.

Ғури деди:

— Бу шукрона ибодат. Чунки борди-ю эшагим устида бўлганимда мени ҳам ўғирлаб кетган бўлардилар. Худога шукрки, омон қолдим.

БИР ОҒИЗ СЎЗ

Бир куни бир келишган, яхши кийинган киши қози Абу Юсуфнинг мажлисига келди. Қози унинг ҳурматига таъзим қилди, чунки уни фозил ва комил кишилардан деб ўйлаган эди. Анча ҳурмат юзидан сукут сақлаб ўтирдилар. Сўнгра қози деди:

— Марҳабо, мавлоно, меҳрибон бўлинг, бизга хизмат борми?

— Бор, — деди у киши, — бир масала юзидан келган эдим.

— Бош устига, — деди қози, — баҳоли қудрат, кучимиз етгунча жавоб берамиз.

— Халойиқ рўзани қачон очишлари керак?

— Кун ботгандан кейин, — деди қози таажжуб билан.

— Борди-ю, офтоб ярим кечагача ботмаса-чи?

Қози кулиб деди:

— Таажжуб, бир оғизгина сўз кишининг оқилми, нодонми эканлигини очиб бера олади. Сўзламай турганда эса, сиртига қараб... Шайх Саъдий айтганидек:

— Эй оқил, недур оғзимиз ичра тил,

Ҳунарли киши газнасин очқичи.

Очилмай эшик то на билсун киши,

У гавҳарфурушми ва ё эскичи.

Яна, Носир Хисрав айтмоқчи:

Сўздир инсон ақлин далили,

Сири очилур, сўзлагач тили.

АНИҚ ЖАВОБ

Бир киши пайгамбарлик даъвосини қилди. Уни гуноҳкор сифатида подшоҳнинг олдига судраб бордилар. Подшоҳ деди:

— Мурудинг нима?

— Мен пайгамбарман, — деди даъвогар, — сен ҳам менга тобеъ бўлишинг керак.

— Хўш, — деди подшоҳ, — пайғамбар бўлсанг, мўъжизанг нима?

— Менинг мўъжизам — кишининг кўнглидаги гапни олдиндан айтиб бера оламан.

— Ундай бўлса айт-чи, — деди шоҳ, — ҳозир мен нима ни ўйлаяпман.

Даъвогар деди:

— Сен, муҳтарам шоҳим, мени ёлгон гапиряпти, деб ўйлаяпсан.

АЛДАМЧИНИНГ ЖАЗОСИ

Бир киши шоҳнинг қошига келиб пайғамбарлик даъвосини қилди.

Шоҳ деди:

— Не кароматинг бор?

Даъвогар деди:

— Ўликни тирилтира оламан.

Шоҳ деди:

— Агар сенда бу қудрат зоҳир бўлса мен сенга тобеъ бўламан, билъакс, эсингда тут, қатлга ҳукм қиламан.

Даъвогар бу шартни қабул қилиб, қўлига қилич олиб, деди:

— Шоҳим, изн берсанг, мана шу вазирнинг бошини олиб, дарҳол тирилтирурман.

Шоҳ мақбул ишоратини бериб, "Нима дейсан? — дегандек вазирга қаради. Вазир деди:

— Шоҳим, мени ўлдиришга ҳар қачон улгурасиз. Яхшиси, мен унинг пайғамбарлигини тан олиб, имон келтириб қўяқолай.

Шоҳ кулиб, вазирининг фасиҳ каломлиги учун халат инъом қилиб, даъвогарни дор остига юборди.

ТЕМИРЧИ

Бир киши подшоҳнинг олдига борди:

— Шоҳим, менга имон келтиргин. Мен парвардигори олам томонидан юборилган пайғамбар бўламан.

— Пайғамбар бўлсанг, мўъжизанг нима? — деб сўради шоҳ.

— Мўъжизам шуки, нимаики мушкул иш бўлмасин, ҳаммасини бажара оламан.

Подшоҳ бир очилиши қийин қулфни олди-да, унга берди.

— Гапинг рост бўлса шу қулфни калитсиз очгинчи.
Даъвогар деди:

— Эй шоҳим, мен пайғамбарман дедим сенга, темир-
чиман дедимми?!

КАМБАҒАЛНИНГ БИР ТҶЙҒАНИ

Бағдод халифаси замонида бир киши пайғамбарлик даъвосини қилди. Даъвогарнинг эғни-боши хароб, ранг-рўйи бир аҳволда, ўта қашшоқ эди.

— Пайғамбарлигингдан қандай нишона бор? — деди унга халифа.

— Ҳар уч кунда тушимга ҳасти Жаброил киради.

Унинг аҳволини кўриб, халифанинг раҳми келди-да, мулозимларига буюрди:

— Мана бу даъвогарни менинг ошхонамга хизматга қўйинглар. Яхши-яхши таом бериб тарбия қилинг, бир оз ўзига келсин.

Орадан ўн кунлар чамаси ўтгандан кейин халифа уни чақиртирди:

— Эй дарвиш, аҳволинг қалай?

— Анча яхши, — деди даъвогар.

— Ҳалиям Жаброилни туш кўряпсанми?

— Ҳа, — деди у, — ҳар уч кунда бир мартадан.

— Нима дейди, Жаброил?

Даъвогар деди:

— Эй халифа, Жаброил бундай дейди: "Эй дарвиш, жуда яхши жойни топибсан, асти у ердан чиқмагин. Худои таоло сенга ёруғ дунёда ҳам жаннат ато қилди."

ҲАССА

Бир бағдодлик пайғамбарлик даъвосини қилди. Уни халифанинг ҳузурига олиб келдилар. Халифа сўради:

— Нима муддаонг бор?

— Мен пайғамбар Мусо бинни Умар бўламан. Мана бу менинг ҳассам. Сен ҳам менга итоат қилишинг керак.

Халифа деди:

— Ҳазрати Мусо ҳассасини аждаҳор қила олар эди. Пайғамбар бўлсанг ҳассангни аждаҳор қилгинчи.

— Эй халифа, — деди даъвогар, — Фиръавн мен худоман деб худолик даъво қилганида Мусо ҳассасини аждаҳор қилган эди. Сен ҳам худоликни даъво қилсанг, мен ҳассамни аждаҳор қиламан.

МУҲЛАТ

Бир киши Бағдод халифасининг олдига бориб, ўзининг пайғамбар эканлигини маълум қилди.

— Мўъжизанг нима? — деди халифа.

— Ҳар нима десанг бажара оламан, — деди даъвогар.

— Бўлмаса, мана шу менинг оёғим остига қовун уруғини экиб, дарҳол кўкартириб, ҳосил етиштиргинчи.

— Хўп, — деди даъвогар, — тўрт кунга муҳлат бергин.

— Бермайман, — деди халифа.

Шунда даъвогар деди:

— Эй ноинсоф, қовуннинг пишиши учун худои таоло тўрт ой муҳлат беради-ю, сен тўрт кун ҳам муҳлат бермайсанми?

УЧ ЖИННИ

Бир куни Ҳорун ар-Рашид қабристон ёнидан ўтиб бо-раётган эди, ўзаро суҳбатлашиб ўтирган икки машҳур жинни — Баҳлул билан Улайёни кўриб қолди. Ҳоруннинг уларга ҳазиллашгиси келиб, иккисини чорлатди ва тиз чўктириб қўйиб, деди:

— Қани дарҳол жаллодларни чақиринг-чи!

— Нима гап ўзи? — деди ҳайрон бўлиб Баҳлул.

— Бугун жинниларни ўлдирадиган куним, — деди Ҳорун.

Улайё деди:

— Худога шукур, биз шаҳарда иккита жинни эдик, учинчиси ҳам қўшилди. Аммо, айтгин-чи, сен-ку бизни ўлдирасан, аммо сени ким ўлдиреди?

НАСЯ ДЎСТ

Ҳорун ар-Рашид Баҳлулдан, сенинг энг яқин дўстинг ким, деб сўради.

— Менинг қорнимни тўйдирган киши, — деди Баҳлул.

— Агар қорнингни тўйдирсам мени ҳам дўст деб биласанми?

— Э-э, — деди Баҳлул, — нася дўст бўлмагин-да.

ОЛИМЛАР ВА ДЕВОНАЛАР

Баҳлул Бағдодий Барса шаҳрида турган пайтда ундан сўрадилар:

— Айтгинчи, Басрада қанча девона бор?

— Э-э, — деди Баҳлул, — бу шаҳарда девона-ку, беҳисоб, аммо олимни сўрасанг санокли.

РОСТГУЙ

Бир подшоҳ қабристондан ўтиб кетаётган эди, бир девонага кўзи тушди. Уни чақириб, деди:

— Нечун кўпга қўшилмайсан?

— Ўша сен кўп деган кишилар охири қаерга борадилар?— деди девона.

— Гўристонга,— деди шоҳ.

— Демак, кўп шу ерда экан-да? Мен доим кўпнинг ичида юраман.

— Сўзларинг оқилона, — деди шоҳ, — ҳеч бир истагинг борми, бажарсам?

— Бор, — деди девона, — бир оз думба ёғи бўлса деган эдим.

Подшоҳ аъёнларига бир бўлак турп кесиб беришни буюрди. Девона турпни еб, "уҳ-уҳ-уҳ", деб бошини тебратди ва деди:

— Мен тўғри хулоса чиқарган эканман. Сенки подшо бўлдинг, юртнинг ҳоли хароб бўлишини билардим. Айтганим тўғри чиқди. Сенинг подшолик даврингда думба ёғидан турпнинг таъми келади.

ЯНГИ ҲОКИМ

Шайх Баҳлул деган телба бор эди. Бир куни мажлиси олийда халифанинг бош вазири унга қараб деди:

— Мавлоно Баҳлул, энди суюнчини бергин, халифа сени айиқлар ва чўчқаларга ҳоким қилиб тайинладилар.

— Ундай бўлса, ҳой вазир, — деди Баҳлул, — суюнчини аввал сен тайёрлагин, чунки бундан буён менинг ҳукмимга ўтибсан.

Ҳамма кулиб юборди. Вазир мажлис аҳли олдида ўта мунфаил бўлди.

ҚЎША ЖИННИ

Бир куни халифа Шайх Баҳлулга деди:

— Бир ерда нима қилиб ўтирибсан? Тезроқ вазирнинг олдига чоп. У ҳар бир жинни бошига беш дирҳамдан садақа беряпти.

— Ундай бўлса, олдинроқ сен чопгин, — деди Баҳлул, — чунки сен икки қатла жиннисан, қўша жиннилингинг учун сенга ўн дирҳам беради.

КИМ ЖИННИ?

Миср уламоларидан бири давлат расмий иши билан Румга-Ҳироқул (Геракл) даргоҳига борди. Қараса, бир телбани олтин занжир билан оёғидан тахга боғлаб қўйибдилар. Телба ғалати-ғалати қилиқлар қилиб, ҳаммани кулдириб турарди.

Ҳироқул аёнлари билан маслаҳатлашгани бурилиб, кўзи шамғалат бўлганда, мисрлик жиннига қараб тилини чиқариб қўйди. Жинни дарҳол деди:

— Во ажаб, баъзи жиннини боғлаб қўйсалар, баъзисини эркин қўйиб юборадилар-а!

АЗИЗ КИШИЛАР

Арабларнинг асад деган қабиласидан чиққан Нағдон отлик машҳур телба бор эди. Бир куни у бани таймулло деган авлод яшайдиган маҳалладан ўтиб қолди. Телбани кўрган болалар уни тошбўрон қилдилар. Шу пайт халойиқ йиғилди. Нағдон деди:

— Ё алҳазар, умрида сизлардек табаррук одамни биринчи марта кўришим.

— Табаррук эканлигимизни нима билан исбот қиласан?— деди халойиқ.

— Мени телба деб қўл-оёғимга занжир солиб қўядилар,— деди Нағдон, — сизлар азиз ва табаррук зот бўлганларингиз учун шунча жиннини занжирга ҳам бойламайдилар.

ИНСОННИНГ УММАТИ

Бир тарсо мен мусулмон динига ўтаман, калимаи шаҳодатни ўргатсанг, деб бир муаллимдан илтимос қилиб қолди.

— Йўқ-йўқ, — деди муаллим, — нима, мен билан Исо пайғамбарнинг ўртамизга низо солмоқчимисан? У айтмай-дими, менинг умматимни ўзига қайириб олди деб!

ПАРВАРДИГОР

Бир телбадан сўрадилар:

— Парвардигорингни танийсанми?

— Бўлмаса-чи, — деди телба, — ким ўз парвардигорини танимайди. Мени оч, яланғоч қилиб қўйган, ақлу ҳушимни ғорат этган, танимни эса ёруқ дунёдаги болаларнинг тош бўронига тўғрилаб қўйган парвардигор бўлади-да.

НАМОЗ

Бир телбадан сўрадилар:

— Нега сен намоз ўқймайсан?

— Ерга шунчалик оёқ урганам бас, энди бошимни ҳам урайми?

ПУЛИ КУЙГАН...

Бир куни бир телба хурмони данаги билан еб турган эди, ундан сўрадилар:

— Нега хурмони данаги билан ейсан?

Телба деди:

— Хурмофуруш менга данаги билан сотибди-да.

ДАВО

Бир телба қараса, бир киши ҳадеб тўлғанаётган эмиш. Унинг олдига бориб сўради:

— Нима бўлди, биродар, тўлғанаяпсиз?

— Чаён чақди, — деди азобланувчи.

— Мен унинг антиқа давосини биламан, — деди телба, — бундай давони ҳеч бир табиб билмайди.

— Тезроқ бўл, биродар, у қанақа даво экан?

Телба деди:

— Чаён чаққаннинг энг яхши давоси, оқшомдан токи тонг отгунча нолаю фарёд қилиб чиқишдир.

ХУДОНИНГ РАЪЙИ

Бир телба пўстиннинг тескарисини кийиб олган эди. Халойиқ ундан сўрадилар:

— Нега пўстиннинг юнгини ташқарига қилиб кийиб олдинг?

Телба деди:

— Мен худои таолонинг раъйига қарайман. Агар худои таоло югни ичкарига қилиб кийишни маъқул кўрганда эди, қўйларнинг жунини ичига чиқарган бўларди.

ВИСОЛ ДАРВОЗАСИ

Райҳон исмли телба бутун умрини қабристонда ўтказар эди. Бир куни ундан сўрадилар:

— Эй Райҳон, нега тамоми умрингни қабристонда ўтказасан?

Райҳон деди:

— Висол дарвозаси олдида туриб, интизорлик азобини тортаёпман.

АБУ БАКР ХОРАЗМИЙ

Бир подшоҳ шоирлардан ўлгудек безор бўлиб, буюрди:

— Агар менинг ҳузуримга кириш учун шоир халқи изн сўраса, даргоҳимга йўл берманглар.

Шу фармондан кейин, саройга Абу Бакр Хоразмий келиб қолди. У шеърятда ва қувваи ҳофизада беназири даврон эди. Аммо уни шоҳнинг ҳузурига қўймадилар. Шунда шоир деди:

— Бориб подшоҳга етказинг. Шоир Абу Бакр Хоразмий экан денг. Мен эканлигимни билса рухсат беради.

Посбон бориб воқеани шоҳга арз этди.

— Бирор ўткинчи шоирдир, — деди шоҳ, — бориб мушкул вазифа буюргин, бажаролмай ўзиёқ қайтиб кетсин.

— Қандай вазифа буюрай? — деди посбон.

— Мингта шеърни ёд айтиб берсанг кирармишсан деб айтгин.

Посбон бориб шартни Абу Бакрга айтди. Шоир деди:

— Бориб шоҳга арз қил. Мингта шеър хотинлар ҳақида бўлсинми, эркаклар ҳақидами?

Шоҳ шоирнинг жавобини эшитиб, шу қадар кучли қувваи ҳофизага эга бўлган киши фақатгина Абу Бакр Хоразмий эканлигига ишонч ҳосил қилди ва уни ҳузурига чорлади.

АНВАРИЙ ТАДБИРИ

Бир подшоҳнинг Маликушшуароси бор эди. Маликушшуаронинг ўзи шеърятда нўноқ бўлса ҳам, қувваи ҳофизаси кучли эди. У ҳар қандай шеърни бир эшитишда ёд оларди. Унинг қизи ҳам отаси каби хотираси ўткир бўлиб, ҳар қандай шеърни икки марта эшитишда, Маликушшуаронинг хизматкори эса уч марта эшитишда ёд оларди.

Қоида бўйича, бирор шоир қасида айтиб шоҳга тортиқ этмоқчи бўлса, аввал Маликушшуаронинг имтиҳонидан ўтиши, кейин унинг тавсияси билангина шоҳнинг олдига кириши лозим эди.

Маликушшуаро бўлса, бирор шоир қасида билан келса, уни эшитиш учун қизи ва хизматкорини ҳам чақирарди.

Келган шоир қасидасини ўқиб тугатиши биланоқ ҳаммасини эслаб қолган Маликушшуаро дерди:

— Эй фалоний, бу қасида меники-ку, аллақачон қаердан ўғирлаб олдингиз?

Фикрининг исботи учун Маликушшуаро, ўша шоирнинг кўз олдида ҳозир ўқилган қасидани ёддан айтиб берарди. Анграйиб қолган шоирга таскин бериш ва ўз даъвосини исботлаш учун шу ерда ҳозир бўлган қизига ҳам шу қасидани ўқиб беришни буюради. Шоирнинг ўз оғзидан ва дадасидан эшитиб, икки мартада бошдан-оёқ ёд қилиб олган қасидани қиз ҳам ўқиб берарди. Шунда Маликушшуаро дерди:

— Бу қасидани фақатгина мен билан қизим эмас, ҳатто хизматкорим ҳам ёд билади, — деб, хизматкорига ҳам ёд айттирарди.

Хуллас, тақдирга тан беришдан бошқа иложи қолмаган шоир чиқиб кетишга мажбур бўларди. Маликушшуаро эса шоирнинг қасидасини ўз номидан шоҳга ўқиб берар ва катта иноятларга сазовор бўлиб ётарди. Шоҳ эса бу ҳийладан мутлақо беҳабар эди.

Бир куни шоир Авҳадиддин Анварийнинг хотини ҳаммомга борса, ҳаммомчи уни ичкарига қўймайди. Сабабини суриштирганларида, ҳаммомда Маликушшуаронинг хотини борлиги ва токи у чўмилиб чиқмагунча ҳеч ким киритилмаслигини айтадилар. Хотини ўксиниб келиб, ҳасратини эри Анварийга айтади.

Маълумки, Анварий қасидагўйликнинг ўлмас устоди эди. У подшоҳ шаънига бир ажойиб қасида айтади-да, саройга боради. Уни Маликушшуаро ҳузурига олиб кирадилар. Анварий арзини айтади. Маликушшуаро қасидани ўқишни буюради. Маликушшуаронинг феълени пайқаб қолган Анварий битта паст савияли, ҳақоратомуз қасидани ўқийди. Подшоҳ олдида ўзининг ким эканлигини кўз-кўз қилиш муродида, Маликушшуаро Анварийни шоҳ мажлисига тавсия этади.

Анварий мажлисда шоҳ шаънига аталган ажойиб қасида айтади ва ҳаммани ҳайратда қолдиради. Шоҳ иноят кўрсатиб, Анварийни маликушшуаро этиб тайинлайди. Шундан кейингина аввалги Маликушшуаронинг ҳийласидан воқиф бўлади ва унга ҳам ўзига яраша иноят кўрсатиб, мажлисдан жой беради.

ФАРЁБИЙ МАДҲИ

Заҳир Фарёбий деб тахаллус олган, асли Заҳриддин бинни Муҳаммад Фарёбий жуда фозил ва олим киши бўлиб, шеърятда Рашид Самарқандийнинг шогирди эди.

Заҳирнинг "Меҳру вафо" номли қиссаси ҳам бор. Шеър-
ятда эса, ўз устозидангина эмас, балки ўз замонасидаги
жуда кўп устозлардан ҳам ўзиб кетди. Унинг девони шу
қадар донг таратганки, девон ҳақидаги қўйидаги байт
ҳанузгача машҳур.

Назм:

Девони Заҳири Фарёби,
Дар Макка бидуз агар барёби.

Яъни:

Маккадан бўлса ҳам қўрқмай ўғирла,
Фарёбий девонин кўрсанг тўғрида.

Заҳир Фарёбий Қизил Арслонхоннинг сояи давлатида
тарбият топди ва унга бағишлаб ажойиб қасидалар айтди.
Қўйидаги байт унинг машҳур қасидаларидан келтирилган:

Нуҳ курсии фалак ниҳад андешаи зери пой
То бўса бар рикоби Қизил Арслон диҳад.

Яъни:

Тўққиз фалак курсиси тиз чўкмоққа муҳайё,
Қизил Арслонхоннинг узангисин ўпмоқчун.

ТАРБИЯТ БОИСИ

Амир Шайх Ҳасан Султон Абу Саид Бағдод ва Озар-
байжонга подшоҳ бўлди. Салмон Соважий унинг тарбия-
тида, Султоннинг сояи давлатида камол топди. Салмонни
ўз тарбиятига олишининг боиси бор эди. Воқеа бундай
бўлган эди:

Бир куни Амир Абу Саид ўқ отишни машқ қиларди. Са-
одат деган хизматкор эса амир отган ўқларни бориб, териб
келарди. Шу пайт Салмонга кўзи тушиб қолган Амир деди:

— Менинг тирандозлигим ва Саодатнинг ўқ изидан
югургани ҳақида бир бадиҳа айтгин.

Салмон дарҳол деди:

Шаҳо, тир дар банди тадбири туст,
Саодат давон дар паи тири туст.

Ба аҳдат зи кас нолае барнахост,
Ба ғайр аз камон кас наёлад равост,
Ки дар даври султони соҳибқирон,
Накардаст кас зўри жуз бар камон.

Яъни:

Ўқларнинг тақдири сенга банд, шоҳим,
Саодат чопмоқда ортидан доим.
Ҳукмингдан биров ҳеч чекмади нола,
Камондан ташқари — на эр, на бола.
Султон Соҳибқирон, даврингда фақат,
Зўрлик камонга қилинар, ҳа, от!

ОЛТИН ЛАГАН

Султон Увайс Амир Ҳасан билан Дилшод хотиннинг катта ўғли эди. У жуда чиройли, келишган, хуштабъ, фозил ва олийҳиммат киши эди.

Бир кеча Султон Увайснинг мажлисида ўтириб, вақт алламаҳал бўлиб қолганда Салмон Соважий кетишга отланди. Тун жуда қоронғи бўлганлиги учун Султон уни ёлғиз юборишни раво кўрмади-да, бир фаррошга буюрди:

— Мана бу шамни тагидаги олтин лагани билан қўлингга олгин-да, Мавлоно Салмонни уйларига бирга қўйиб келгин.

Салмон эргалаб хизматга келган эди, элтиб қўйган киши шоирдан кечаги олтин лаганини сўради. Салмон дарҳол бу бадиҳани ўқиди:

Ману шамъем ду дилсўхтаи хонасиёҳ,
Ки шаб ў гирьяду ман аз ғами мурдан сўзам.
Шамъ худ сўхт шаби дўш ба зорй имрўз,
Гар лаганро талабад шаҳ зи ман, ман сўзам.

Яъни:

Ману шам иккимиз ҳамдард, пайваста куйгаймиз,
Шам тундаю, кундузи биз пурдард аста куйгаймиз.
Бугуннинг орзусида шам, етолмай куйдию кетди,
Агар шоҳим лаган сўрса, биз ҳам бир пасда куйгаймиз.

Султон кулиб, лагани шоирга бағишлади.

МАВЛОНО БУРУНДУҚ

Мавлоно Бурундуқ Бухорий Мирзо Бойқаро ибни Умаршайх Ибни Темурхоннинг сояи давлатида камол топган хуштабъ ва надимпеша шоирлардан бири эди. Мавлоно Бурундуқ кўпинча ўзининг ҳамшаҳари бўлган Хожа Исмадулло Бухорий билан мушоира қиларди. Бу ҳақда қуйидаги машҳур байти ҳам бор:

Дар Бухоро Хожа Исмат шўҳрате дорад тамом,
Дар Хуросон Хожа Исмат нест, Биби Исмат аст.

Яъни:

Хожа Исматнинг Бухорода терандур шухрати,
Бул Хуросонда оти Хожа эмас, хола дурур.

Мавлоно Бурундуқ, бир куни Мирзо Бойқаро шаънига ажойиб қасида айтди. Мирзо парвоначи (фармон бажарувчи)га ўзбекча қилиб деди:

Шоирга беш юз олтин сийлов беринг.

Парвоначи бор-йўғи икки юз динор берди. Бурундуқ дарҳол шоҳга ўғирилди ва бадиҳа тарзида шу қитъани ўқиди:

Шоҳи душмангудози дўстнавоз,
Он жаҳонгир, к-ў жаҳондор аст.
"Беш юз олтун" маро намуд инъом,
Лутфи он шоҳ ба банда бисъёр аст.
Сесад аз жумла ғоиб аст акнун,
Дар баротам дусад падидор аст.
Ё магар ман ғалат шунидастам,
Ё ки парвоначй ғалаткор аст.
Ё магар дар иборати туркй,
"Беш юз олтин" дувист динор аст.

Яъни:

Шоҳим душманга ёв, дўстларга ёрдир,
У тенгсиз жаҳонгир ва жаҳондордир.
Бизга инъом этди у "беш юз олтин";
Демак унинг меҳри бизга бисёрдир.
Ҳар ҳолда уч юзи етиб келмади,
Қўлимда икки юз динори бордир.
Бироқ, афтидан мен хато эшитдим,
Ёки парвоначи кўп ғалатқордир.
Ёинки туркича айтганда "беш юз"
Бор-йўғи икки юзгина динордир.

Мирзо воқеани тушуниб, кулиб юборди ва яна бир
минг уч юз динор инъом бериб, шоирни сарафроз этди.

ХОЖА МАНСУР ТУСИЙ

Хожа Мансур Қорабой Тусий хуштабъ ва ҳозиржавоб
шоирлардан эди. Мана бу матлаъ унинг шеърідан олинган:

Эй, чашми хушат балои мардум,
Дар дида туй ба жои мардум.

Яъни:

Шахло кўз ила бало ўзингсан,
Эл қошида бебаҳо ўзингсан.

Хожа Мансур Шоҳруҳ Мирзонинг ўғли Мирзо Алоуд-
давланинг сояи давлатида тарбият топган мулозимлардан
бири эди. Шу даврларда Абдулваҳҳоб Тусий деган бедиё-
нат қози бор эди. У жуда бадкирдор киши эди.

Бир куни Мирзонинг мажлисида ўтириб, Хожа Мансур
унга деди:

— Эй қози, сиз етимларнинг нонини туя қилиб берасиз,
шу ишингиз инсофдан эмас.

— Хато қиласиз, шоир, — деди қози, — мен яланғоч
етимларга бошпана ва илитувчи офтобман.

Хожа Мансур дарҳол деди:

Қозиё, жомаи ятимонй,
Хунашон меҳўрй, магар шаомшй?
Гуфтой: "офтоби шаръ манам,"
Офтоби, вале ятимкушй.

Яъни:

Қозиё, тўндирсан етим-есирга
Бу тўн тўла битдир, қонини сўрар.
Дедингки: — қуёшман, нурман уларга,
Қуёшсан, валекин нуриг ўлдирар.

Бу назми ва ҳажв тиғи учун Мирзо ўн дирҳам инъом берди.

АМИР ШОҲИЙ САБЗАВОРИЙ

Амир Шоҳий Сабзаворийнинг асли оти Оқ малик бинни Малик Жамолиддиндир. У Бойсунғур Мирзонинг тарбияти ва сояи давлатида эди.

Бир куни мажлиси олийда бетамиз улўғзодалардан бири Амир Шоҳийдан юқори ўтирди. Бу рафтор Бойсунғур Мирзога хуш келмай, секин шоирга буюрди:

— Мавлоно Амир, мана шу бетамизнинг ўтиришига бағишлаб бадиҳа айтгин.

Амир Шоҳий дарҳол деди:

Шоҳо, мадори чархи фалак дар ҳазор сол,
Чун ман яғонае нанамояд ба сад ҳунар.
Гар зери дасти ҳар касу нокас нишастаам,
Ин жо латифаест, бидонам ин қадар:
Баҳр аст мажлиси туву дар баҳр беҳилоф
Гавҳар бар зер бошаду хошок бар забар.

Яъни:

Шоҳим, ушбу олам айланиб минг йил,
Мен каби яктони ярата олмас.
Майли паст ўтирай ҳар бир нокасан.
Бу ҳам бир латифа, ўйлаб қарасам.
Мажлисинг денгиздир, ҳеч шубҳасизки,
Хашак юқоридир, пастда гавҳар ҳам.

АМИР ХОҚОНИЙ¹

Бир куни мажлиси олийда бир нодон Амир Хоқонийдан юқори чиқиб ўтирди. Кишилар унга маломат қилиб, уял-

¹ Бу ҳикоят асарнинг форсий нусхаларида учрамади. Афтидан, Комил Хоразмий киритган бўлса керак (таржимон).

тирмоқчи бўлган эдилар, дарҳол Хоқоний орага тушиб,
бадиҳа тарзида бу қитъани ўқиди:

Гар фурутар нишаст Хоқони,
На варо айбу на туро адаб аст.
"Қулҳуваллоҳ" низ дар Қуръон,
Низи "таббат яда Аби Лаҳаб" аст.

Яъни:

Хоқоний қуйироқ ўтирган бўлса,
На унда айб бору на сенда адаб.
Қуръонда ҳам "қулҳуваллоҳ"дан олдин
Жой олган "таббат яда Аби Лаҳаб".

ШАМСИДДИН МУҲАММАД ДЕВОНИЙ

Низомулмулкдан кейин вазирлик ишида энг забардаст кишилардан бири Хожа Шамсиддин Муҳаммад Девоний эди. Шамсиддин Муҳаммад ғоят хуштаъб, олийҳимматлиги билан бирга, тузуқкина шоир ҳам эди. Унинг "Шамсия" номли рисоласи ҳам бор. Бир куни Хожа ўз қабулхонасида ўтирган эди, шоирлардан бири қуйидаги рубойни ёзиб берди:

Дунё чу муҳит асту кафи Хожа нуқат,
Пайваста ба гирди нуқат мегардад хат.
Парвардаи ту кеҳу меҳру дуну васат,
Давлат надихат худой касро ба ғалат.

Яъни:

Олам ҳама сувдир, Хожа бир орол,
Шу оролга келар ҳар томондан йўл,
Барча яхши-ёмон сендан миннатдор,
Худо ҳам билмасдан бермагуси мол.

Шамсиддин Муҳаммад рубойни ўқигач, сира ўйлаб ўтирмай қўлига қалам олди ва қуйидаги руқъа (мактуб)ни ёзиб, муҳр босиб берди:

Сесад барраи сафед чун байзаи бат,
К-онро аз сиёҳи набвад ҳеж нуқат.

Аз галаи хоси мо, на аз жои ғалат,
Чўбон бидихад ба дасти дорандаи хат.

Яъни:

Бу хатни элтувчи кишига чўпон,
Уч юзта қўй берсин, боргани ҳамон.
Ҳар қўйки, тухумдан оппоқроқ бўлсин
Нуқтадек қора хол бўлмасин, тамом.

МУҲАММАД ОҲИН

Хожа Шамсиддин Муҳаммад Девоний Табризининг
Қорабоғ деган жойида, Арғунхон ҳукми билан қатл қили-
нади. Шу алам ва жудолик бобида форс ва Ироқнинг
маликушшуароси, замонининг тенги йўқ фозили Мавлоно
Муҳаммад Оҳин бадеҳа тарзида қуйидаги рубойни айтади:

Дар мотами Шамс аз шафақ хун бичакид,
Маҳ чеҳра биканду зўҳро гесу бибурид.
Шаб жома сиёҳ кард мотами субҳ,
Бар зад нафасе сарду гиребон бидарид.

Яъни:

Шамсиддин мотамида қон тўқди шафақ кўздан,
Зуҳра-чи, юлиб сочин, ой кетди тамом ўздан.
Тун кийди қаро тўнин ўз тонги мотамида,
Кўксин очиб оҳ урди, ҳар оҳи гўё муздан.

Бу бадеҳани эшитган Шайх Саъдий Шерозий кўзга ёш
олди ва Оҳин салоҳиятига офарин деди.

Муҳаммад Оҳиндан аввал ва ундан кейин ўтган шоир-
лар ижодида акобир шаънига ҳаргиз бундан ўткир айтил-
ган марсия рубойиси йўқ. Фақатгина Амир Шоҳий Саб-
заворийнинг Мирзо Ҳусайн Бойқаро вафотига бағишлаган
қуйидаги рубойисини бир оз эътиборга лойиқ деса бўлади.

Рубойи:

Дар мотами ту даҳр басе шеван кард,
Лола ҳама хуни дида дар доман кард.

Гул жайби қабои арғувонӣ бидарид,
Қумрӣ намади сиёҳ дар гардан кард.

Яъни:

Сенинг мотаминг боис олам кўп фиғон этди,
Лоланинг юзи алвон, ўз бағрини қон этди.
Арғувон либосини гуллар ҳам этиб пора,
Қумри қора доғларни кўксига нишон этди.

ШОФУР НИШОПУРИЙ

Ўз замонасининг фозил шоири Шофур Нишопурий Хожа Нуриддин Муншийнинг сояи давлатида яшади. Хожа Нуриддин эса Султон Жалолоддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг энг қобилиятли вазирларидан бири эди.

Шофур Нишопурийнинг вазир давлатидан баҳраманд бўлиши ҳам анча қизиқ. Гап шундаки, Шофур вазир эшигига беш-олти марта бош уриб келади, аммо унинг мажлисига кириш шарафига муяссар бўла олмайди. Охири, мажлис аҳли Хожа Нуриддинга хабар бериб, дарҳақиқат Шофур Ироқ ва Хуросонда машҳур шоирлардан ва мажлисга киритиш жоизлигини айтадилар. Хожа Нуриддин дейди:

— Бориб унга айтинг, аввал бир бадиҳа айтсин, мен кўрай. Агар шеърят салоҳияти бизга муносиб бўлса, мажлисга йўл берамиз.

Шофур, борган кишининг розини эшитгач, қуйидаги рубоийни ёзиб берди:

Фазли туву ин бодапарастӣ бо ҳам,
Монанди баландиву пастӣ бо ҳам.
Ҳоли ту ба чашми моҳрўён монанд,
К-он жост мудом нуру мастӣ бо ҳам.

Яъни:

Сендаги фазлу бодапарастлик,
Гўё бир жойдаги баландлик-пастлик.
Бу ҳолинг шаҳлодек кўзларга ўхшар
Ким, унда доим нур ва доим мастлик.

Бу рубоий Хожа Нуриддинга хуш келиб, шоирни дарҳол ҳузурига чорлади ва ўз паноҳига олди.

ЖАЛОЛИДДИН МУҲАММАД

Жалол Асад номи билан ҳам машҳур бўлган Жалолиддин Муҳаммад Асад Яздий ўз замонасининг фозил шоирларидан эди. У Муҳаммад бинни Музаффарнинг сояи давлатида камол топди ва унга хизмат қилди. Уларнинг биринчи учрашуви ҳам қизиқ бўлган.

Бир куни Муҳаммад бинни Музаффар бир мактабхонага киради. Қараса, ғоятда гўзал бир сайидзода хат машқ қилаётган экан. Муҳаммад бинни Музаффар муаллимни чақириб, бу бола кимнинг фарзанди эканлигини сўради. Муаллим, бола Сайид Асад Яздийнинг фарзанди эканлигини, унинг отини, шу ёшидаёқ кўпгина фазилатларга эга эканлигини айтди. Муаллим, жумладан, ундаги шеър салоҳияти ва ҳуснихати аъло эканлигини таърифлайди.

Муҳаммад бинни Музаффар бу таърифларни эшитгач, деди:

— Қани, болам, бирор бадиҳа айтгинчи.

Бола дарҳол қуйидаги қитъани ўқиди:

Чор чизестки, дар санг агар жам шавад,
Лаълу ёқут шавад санг бад-он хорои.
Покии зийнат, аслии гавҳар ва истеъдод
Тарбият кардани меҳри фалак минойи.
Бандаро ин се сифат ҳаст, вале
Тарбият аз ту, ки хуршеди жаҳон оройи.

Яъни:

Тўрт хислат жам бўлса агар тошда ҳам,
Тош ёқут бўлғуси тошлиги билан.
Насли тозалигу, поклик, истеъдод
Ва тарбият қилмоқ кичик ёшликдан.
Менда бу уч хислат муҳайё, аммо,
Тарбияти сендан, сен қуёшдексан.

Муҳаммад бинни Музаффар болага офарин айтди ва унинг отасини чорлаб, деди:

— Ўғлингни менинг тарбиятимда ўсиши учун розилик сўрамоқчи эдим. Агар тарбият топса ўғлинг нодири замон ва аъжубаи даврон бўлиши турган гап. Аммо соқол-мўйлови чиққунча ўзинг билан турсин, кейин олиб кетаман.

Шундан кейин Муҳаммад боланинг отасига ўн минг динор инъом берди.

Дарҳақиқат, Жалолоддин камолга етган, Муҳаммад бинни Музаффарнинг шаънига жуда кўп қасидалар айтди.

ФИРДАВСИЙ

Фирдавсий Тусий беназири замон эди. Унинг фазлу камолотига "Шоҳнома"си инобатли далил бўла олади. Асли оти Ҳасан бинни Исҳоқ бинни Шариф бўлиб, Фирдавсий деб тахаллус олишининг сабаби бундай:

Тус амалдорларидан бири уларга зулм қилади. Шунда Фирдавсий, амалдор дастидан дод деб, арз қилиш учун мамлакатнинг пойтахти Ғазна шаҳрига томон йўл олди. Муроди бир баҳона билан Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг ҳузурига кириб, арзини етказиш эди. Бунинг бирдан-бир воситасини Фирдавсий ўзидаги шоирлик салоҳиятида кўради.

Бир куни Фирдавсий ўз ниятини амалга ошириш учун калид қидириб юрган чоқда, тасодифан Султоннинг маликушшуароси Унсурий билан тўқнашиб қолади. Маликушшуаро ўзининг Фаррухий ва Асжадий деган шогирдлари билан ўтирган эди. Уларнинг кўзи Фирдавсийга тушиб, Унсурий деди:

— Ғариб кўринасан, кимсан?

— Тусдан келган бир шоирман, — деди Фирдавсий.

— Шоир бўлсанг, кел, биргалашиб бадиҳа айтайлик, — деди Унсурий ва дарҳол қўйидаги мисрани айтди:

Чун талъати ту моҳ набошад равшан.

Яъни:

Ой ҳам талъатингдек эмастир равшан.

Фаррухий деди:

Монанди рухат гул набвад дар гулшан,

Яъни:

Сенингдек гўзал гул тополмас гулшан.

Асжадий деди:

Мижгонат ҳаме гузар кунад аз жавшан,

Яъни:

Кипдуринг тешгуси дуч келса жавшан¹,

Фирдавсий ҳам дарҳол илова этди:

Мижгониди синони Гев дар жанги Пашан².

Яъни:

Гевнинг ўқларидай, чун кўрди Пашан.

Унсурий охирги мисрани эшитиб, Фирдавсийнинг салоҳиятига қойил қолди ва деди:

— Офарин. Бу мисрадан кўриниб туришича, сен фақатгина шеърятда эмас, балки мулуки ажам тарихини билишда ҳам баркамол экансан.

Унсурий бу қисса ва бадиҳани Султон Маҳмудга етказди. Султон Фирдавсийнинг фазлу камолотидан воқиф бўлгач, унга "Шоҳнома" ёзишни буюрди ва суханвар (сўз устаси) унвонини берди.

СОВАЖИЙ ВА ҚАМАРИЙ

Салмон Соважий ва Сирожиддин Қамари Қазвиний ҳокимлар мажлисида фозиллар ва ақобирлар орасида ўтириб, ўзаро мушоира қилар эдилар.

Бир куни, шундай мажлисларнинг бирида Мири мажлис ҳукм этди:

¹ Ж а в ш а н — қадимий, симдан тўқилган совут, зирҳ.

² Афсоналарга кўра, гев отган ўқлар Пашшани тешиб ўтган экан.

— Эй аҳли мажлис, қуйидаги машҳур мисрага муносиб бадиҳа айтиб, таъ ва салоҳиятимизни синаб кўрсак:

Мисра:

Эй боди сабо, ин ҳама овардаи туст,

Яъни:

Эй боди сабо, барини сен қилган-сен,

Аввал Салмон сўз олди ва бадиҳа тарзида дарҳол ўқиди:

Эй оби равон, сарв баровардаи туст,
В-эй сарви чаман, чаман саропардаи туст.
Эй ғунча арўс, боғ парвардаи туст,
Эй боди сабо, ин ҳама овардаи туст.

Яъни:

Эй оби равон, сарвни сарв қилган-сен,
Эй сарви чаман, чаманни шай қилган-сен,
Эй ғунча, бутун боғни чаман қилган-сен,
Эй боди сабо, барини сен қилгансен.

Ундан кейин Сирож Қамарий сўз олиб, ўқиди:

Эй абри баҳор, хор парвардаи туст,
В-эй хор, даруни ғунча хункардаи туст,
Гул-сархушу лола-масту наргис-махмур,
Эй боди сабо, ин ҳама овардаи туст.

Яъни:

Эй ёз булути, тиканни сен қилгансен,
Бешафқат тикан, ғунчани қон қилган-сен,
Гул сархушу лола маст ва наргис сузгун,
Эй боди сабо, барини сен қилган, сен.

Бу сатрлар муаллифи¹ деди:

¹ Яъни Фахриддин Али Сафий.

Эй мардуми чашм, нур дар пардаи туст,
Дил волаву шайдо шуда аз кардаи туст.
Дар дида чу хоки пойи ў бини гўй,
Эй боди сабо, ин ҳама овардаи туст.

Яъни:

Эй кўз қораси, нурни маскан қилган сен,
Дилларни тамоm асиру банд қилган сен,
Дийдам уза гар хоки пойин кўрсанг, айт
Эй боди сабо, барини сен қилгансен.

КАМОЛИДДИН ИСМОИЛ

Ўктай Қоон Исфиҳон шаҳри халқини ёппасига қиличдан ўтказган чоқда Хожа Камолiddин Исмоил ҳам шу орада қатл этилиб, шаҳид бўлди. Унга лашкарлардан бири пичоқ уриб, ярадор қилган эди. Хожа Исмоил ўлим олдида ярасидан оққан қонни сиёҳ қилиб, деворга бадиҳа тарзида шу рубойини ёзиб қолдирди:

Дил хун шуду шарти жон гузори ин аст,
Дар ҳазрати ў камина бози ин аст.
Бо ин ҳама худ намеёрам гуфт,
Шоядки, магар банданавози ин аст.

Яъни:

Қон бўлди кўнгил, жон кетмаги рост бўлди,
Ҳазратга бугун бу бачканалик хос бўлди.
Ҳар неки эса бир сўз демагум ҳаргиз,
Балким бариси банданавозлик бўлди.

ФАРИДИДДИН АТТОР

Мен бу ҳикояни ўз падарим Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий алайҳирраҳмадан эшитганман.

Нишопурда Ҳилокухон лашкарларидан бири шайхни шаҳид этиш таҳдидини қилганда, Шайх Фаридиддин Атор бадиҳа тарзида қуйидаги рубойини айтган:

Дар роҳи русум сарфарози ин аст,
Ушшоқи туро камина бози ин аст.
Бо ин ҳама аз лутф навмид наем,
Шоядки туро банданавози ин аст.

Яъни:

Тартиб ҳақи сарфарозлиқдир бу,
Лашкарларингга майнабозлиқдир бу.
Лутфингдан аммо эмасмиз навмид,
Балки сен учун банданавозлиқдир бу.

ЛУТФУЛЛО НИШОПУРИЙ

Мавлоно Лутфулло Нишопурий қасида усталаридан бири эди. Бир куни у шогирдлари билан бир сувнинг бўйига бориб кир ювдилар. Ҳамма ўз либосини ювиб, офтобга ёйиб қўйган эди, шу пайт кучли шамол туриб, мавлононинг ёйиб қўйган салласини учириб кетди. Салла бутунлай кўздан йўқолиб кетгач, Мавлоно фалакдан шикоят қилиб, бадиҳа билан бу рубойни деди:

Фарёд зи дасти фалак бе сару бан,
К-андар барман на нав гузорад на куҳан.
Бо ин ҳама ҳеж бар наёрам кафан,
Гар з-ин батарам (кунадки) гўядки макан.

Яъни:

Тинмай фарёд дейман фалак дастидан,
Менда қолдирмас у янги, эски ҳам.
Бу ҳолда ўларман охир бекафан,
Шуни тинч қўй деса бўлмасми экан.

МАВЛОНО ЛУТФУЛЛОНИНГ ЎЛИМИ

Мавлоно Лутфулло Нишопурий умрининг охирларида Асфариш деган қишлоққа кўчиб кетган эди. Бир куни ёру дўстлари зиёратга бориб, Мавлоно боғи эшигини берк кўрдилар. Қанча чақирмасинлар, ҳеч ким жавоб қайтармади. Шунда бир киши девордан ошиб тушиб боғ эшигини очди. Қарасалар, ҳужра эшиги ҳам ичкаридан берк экан.

Эшикни қоқиб, анча чақирдилар, бироқ ҳеч ким жавоб қайтармади. Дарҳол бир кишини томга чиқардилар. Туйнукдан қараса, мавлоно жойнамоз устида саждага бош қўйганча қотиб турганмиш. Эшикни очиб ичкарига кирдилар. Қарасаларки, мавлоно шу ҳолда бандаликни бажо келтирган экан. Ёру биродарлар йиғлашиб, шаҳарга хабар бердилар. Мавлоно ўлими дарагини эшитган шаҳар халқи оёққа қалқиб, боғ томон юрдилар. Ҳамма келиб, мавлононинг вазиятини кўргач, уни ётқизиш кераклигини айтдилар. Ётқизган эдилар, жойнамоздан бир қоғоз чиқди. Ўқиб қарасалар, мавлоно ўлими олдидан қуйидаги рубоийни айтган экан:

Дили шаб зи сари сидқи сафои дили ман,
Дар майкада он руҳи фазси дили ман,
Жоме ба ман овардки, бистону бинўш
Гуфтам: — Нахўрам. Гуфт: — Барои дили ман.

Яъни:

Тун ярмида қалбимнинг энг мусаффо ўрни,
Майхонанинг фазосида руҳимни кўрди.
Қадаҳ тутиб қўлларимга, дедиким, ичгил.
Йўқ, — дедим мен. — Мен учун, — деб ёлвориб сўрди.

Шаҳар халқи бу рубоийни кўриб фиғон чекдилар ва барча маросимларни бажо келтириб, мавлонони ўша боққа дафн этдилар.

ИЗОҲЛАР

Аббосийлар — араб ҳокимлари сулоласи. Аббосийлар салтанатининг пойтахти Бағдод шаҳри бўлиб, бу салтанат Атлантик океанидан то Ҳиндистонгача бўлган масофани ўз ичига олган. Аббосийлар сулоласи 749 — 1258 йиллар мобайнида, яъни 400 йилдан кўпроқ муддат давомида ҳукмронлик қилган.

Бармақийлар — Эрднда машҳур бўлган вазирлар сулоласининг номи. Бу авлоднинг асосчиси бўлган Бармақ Балх шаҳридаги Навбаҳор номли катта эҳромнинг коҳини (мажусий) бўлган. Айниқса, VIII асрнинг иккинчи ярмида Бармақийлар муҳим сиёсий роль ўйнаганлар. Ҳорун ар-Рашиднинг фармони билан 803 йилда Бармақийларнинг қарийб барча авлоди қириб ташланган.

Салжуқийлар — XI — XIII асрлар орасида Эрднда ҳукмронлик қилган туркий сулола.

Сомонийлар — IX асрнинг охири ва X асрда (874 — 999 йиллар) Хуросон, Мовароуннаҳр ва Эрднинг баъзи вилоятларида ҳукмронлик қилган ҳокимлар сулоласи. Сомонийлар давлатининг пойтахти Бухоро бўлиб, ўша вақтда шарқнинг машҳур илм-фан ва маданий марказларидан бири эди. Исмоил Сомонийнинг IX асрга тааллуқли мақбараси Бухоро шаҳрида архитектура ёдгорлиги сифатида ханузгача сақланади.

Умавийлар — Бани Умавия ҳам дейилади. Булар тўрт халифадан кейин давлатни қўлга олган (681 — 750 йилларда) халифалар сулоласи.

Хоразмшоҳийлар — пойтахти Хива шаҳри бўлган туркий халқлар ҳукмронлиги сулоласи. Бу сулоланинг асосчиси Муҳаммад Отсиз бўлган. У 1097 йил салжуқийлардан ажратиб олинган бу сулоланинг ҳукмронлигига 1231 йил мўғуллар томонидан зарба берилади.

Қорахонийлар — 609 — 1212 йиллар мобайнида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган туркий сулола.

Ҳошимийлар — Муҳаммад пайгамбарнинг бобоси бўлган Ҳошим ибни Абу Маннофнинг авлоди.

Абу Саид Мирзо — Темурийлар сулоласига мансуб бўлган бу султон 1451 йилдан бошлаб тахтга ўтириб, 43 ёшида, 1469 йил ўлдирилган. Унинг ҳокимияти ўгли Султон Аҳмаднинг (1469 — 1494) қўлига ўтади.

Авфий — Муҳаммад Садид Авфий Бухорий (1172 — 1276) улкан адиблардан бири бўлиб, "Лубобул албоб" номли машҳур таъриҳнинг муаллифидир. Шунингдек, унинг 1232 — 1233 йилларда ёзиб тугатган "Жавомеул ҳикоёт ва лавомеул ривоёт" номли насрий асари катта илмий-бадний қимматга эга.

Азрақий — Абу Бакр Зайниддин ибни Исмоил Варроқ Азрақий Ҳиротий — қасидаҳон шоир бўлиб, салжуқийлар сулоласидан Тўғоншоҳ ибни Алп Арслон ва Амироншоҳ Ибни Қовурдга хизмат қилиб, тахминан 1072 — 1073 йилларда вафот этган.

Анварий — Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад Анварий машҳур шоир, қасида усталаридан биридир. У 1187 йилда, бошқа бир маълумотларга кўра эса 1191 йилда вафот этган.

Алп Арслонхон — 1063 — 1072 йиллар орасида ҳукмронлик қилган салжуқийлар сулоласининг иккинчи намояндаси.

Ануширвон — Нуширвон ҳам дейилади. Хусрав I ҳам шу шахс. У сосонийлар сулоласидан чиққан биринчи подшоҳ. Ануширвон 531 — 579 йиллар орасида Эронда ҳукмронлик қилган ва адабиётда адолат тимсоли сифатида шухрат қозонган.

Аёз — Абу Наҷим Аёз — Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг сеvimли қули, 1057 йилда вафот этган.

Аристотилис — Аристотель. Милоддан аввалги 384 — 322 йиллар орасида яшаган Юнистоннинг буюк олими.

Асжадий — Абу Назар Абдул Азиз ибни Мансур Асжадий Марвий — Ғазнавийларнинг улкан қасидагўй шоиридир. У 1040 йилда вафот этган. Турли таъриҳ ва дугатларда Асжадийнинг бор-йўғи 217 байт шеър и шу кунгача етиб келган.

Ашъаб — Ашъаб бинни Жобир — Арабистондаги Мадина шаҳрининг фуқароси, у 771 йилда вафот этган.

Бармақий — Жаъфар бинни Яҳё бинни Ҳолид Бармақий — Ҳорун ар-Рашиднинг вазири бўлиб, ўз халифасининг фармони билан 803 йилда қатл этилган.

Баҳромшоҳ — Ғазнавийлар сулоласидан чиққан подшоҳ бўлиб, 1118 — 1152 йиллар орасида ҳукмронлик қилган.

Баҳлул — Баҳлул ибни Умар Куфий — олим ва ориф киши, 908 йилда вафот этган.

Биной — Камолиддин Биноий — 1452 — 1512 йиллар орасида яшаган машҳур тожик шоири, Алишер Навоийнинг сафдоши, суҳбатдоши ва дўсти.

Бойқаро — Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро — 1469 — 1506 йиллар давомида Хуросон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган заковатли шоир, маданиятпарвар фозил подшоҳлардан бири.

Бузуржмеҳр — Асли оти Бузуржмеҳр бўлиб, араб тили таъсирида Бузуржмеҳр ва Абузуржмеҳр тарзида талаффуз этилади. Бузуржмеҳр — сосонийлар подшоҳи бўлган Ануширвоннинг вазири (531 — 579).

Бурундук — Мавлоно Баҳовуддин Бурундук бинни Амир Нусратшоҳ Бухорий — 1413 йилда вафот этган. У Умаршайх Мирзонинг надини бўлган. Алишер Навоийнинг маълумотларига кўра, Бурундук сатирик шоир бўлганлигидан атрофдагилар унинг ҳажвийасидан ҳайкиб турганлар ва мавлоно "устоз" деб атаганлар.

Бухорий — Носир Бухорий — 1371 йилда вафот этган газалгўй шоир.

Букрот — Гипократ.

Ватвот — Муҳаммад Абд, жалил Рашидиддин Ватвот — машҳур шоир.

У 97 йил умр кўриб, 1117 йил вафот этган.

Деҳлавий — Амир Хусна Деҳлавий — 1231 — 1250 йилларда Ҳиндистонда яшab, оғоз ва урғу мавлонога ижод этган улкан шоир. Унинг "Панж гулж" номли "ҳазини"ни, "Хувазон ва Дувлоон" номи билан тарихий востонлари ва барнома газаллари мавлоно ва машҳур

Доро — Яроқ шаҳаншоҳларидан бўлиб, милоддан аввал 531 — 480 йиллар давомида ҳукмронлик қилган.

Занёт — Абу Жаббар ибн Абдуллоҳ ибн Жаббар — аббосий халифалардан ал-Муътасимнинг вазир. У 847 — 848 йилларда ўлдирилган.

Замашарий — Абулқосим маъмул бинни Умар аз-Замашарий 1075 — 1144 йиллар орасида яшаган, оғрамлиги забирлиқ олим.

Зоконий — Убайд Зоконий — 1210 — 1370 йиллар орасида яшаб, ижод этган машҳур шоир. Унинг барча газаллари тоғга қатилган, сатираси боса қариндиз ўқиб ва теранлар.

Хирро — Сосонийлар сулоласидан келган Эрондаги икки подшоҳ — Хусрав Ануширван ва Хусна Паршиларни араблар шундай деб атаганлар.

Кодифий — Мавлоно Хусайн Ноиз Кодифий — XV асрнинг машҳур шоир ва олими. У 1405 йил Хиррода вафот этган.

Мансур — Абу Жаббар ал-Мансур 754 — 775 йилларда ҳукмронлик қилган араб шаҳаншоҳларидан бири.

Мардон — Абдуллоҳ Мардон — уммийлар халифаларидан бири бўлиб, 780 — 781 йилларда ҳукмронлик қилган.

Масиҳий — Абу Саҳл ал-Масиҳий — машҳур табиб ва табиатшунос, Берунийнинг замондоши.

Маъмун — Маъмун ар-Рашид бинни Ҳорун — 813 — 833 йилларда ҳукмронлик қилган аббосий халифалардан еттинчиси.

Моликшоҳ — Жалолиддин Моликшоҳ — 1072 — 1092 йилларда ҳукм сурган салжуқийлар сулоласининг учинчи ҳокими.

Муиззий — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибни Абул Малик Муиззий Нишопурий — Моликшоҳ Салжуқий ва Султон Санжар саройларида хизмат қилган. У бақувват шоир ва улкан давлат арбоби — дипломат сифатида танилган. Тахминан 1123 — 27-йилларда вафот этган.

Мутаваккил — 847 — 861 йилларда ҳукмронлик қилган аббосийлар халифаси.

Муътасим — Абу Исҳоқ Муҳаммад ал-Муътасим Биллоҳ — аббосийларнинг саккизинчи халифаси бўлиб, 833 — 842 йилларда ҳукмронлик қилган.

Низомулмулк — Абу Али Ҳасан бинни Али бинни Исоҳқ Тусий Низомулмулк — салжуқийлардан Алп Арслонхон ва Моликшоҳларнинг доно вазири, у 1063 — 1092 йиллар давомида вазирлик қилган ва "Сиеятнома" номли машҳур ва маъруф асарни қолдирган. 1092 йил исмоилийлар томонидан ўлдирилган.

Ос — Яҳё бинни Саид Ос — асли куфалик бўлиб, Бағдодда яшаган ва 811 йилда вафот этган.

Отсиз — Отсиз ибни Муҳаммад Хоразмшоҳ — 1127 — 1136 йилларда ҳукмронлик қилиб, хоразмшоҳийлар давлатига асос солган.

Парвиз — Хисрав Парвиз — 590-628 йилларда ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласининг намояндаси. Бадий алабиётда арман маликаси Шириннинг олақларидан бири.

Румий — Маълум Жалолиддин Румий Мавлавий — 1207 — 1272 йилларда яшаб, ижод этган шоир, олим ва нотиклардан бири. Унинг насли насоби хоразмшоҳийларга келиб уланади. Румийнинг лирик ғазаллари, фалсафий "Машивий"лари ва насрий трактатлари унинг номига жаҳон бадий ва ғамий тасвир кўриниши энг забардаст кишилари қаторига қўшади.

Султон Саважир — 1118 — 1157 йилларда ҳукмронлик қилган салжуқ подшоҳларидан бири.

Саффор — Аб-Саффор (мисгар) — 873 — 903 йилларда Эронда ҳукмронлик қилган ва саффорийлар сулоласига асос солган Яъқуб ибни Лайснинг лақаби. Давлат тепасига келгунча Яъқуб саффорлик (мисгарлик) билан шуғулланган.

Собир — Адиб Шаҳобиддин Собир бинни Исмоил ал-Тирмизий — забардаст шоир, олим ва давлат арбобларидан бири бўлиб, тахминан 1065 — 1070 йиллар орасида туғилган. 1152 йил давлат иши билан Хоразмга юборилган Адиб Собир подшоҳ Отсиз ибни Муҳаммад томонидан жосусликда айбланиб, Амударёга чўктириб ўлдирилган.

Соважий — Жамолиддин Салмон Соважий — 1300 — 1370 йилларда яшаган шоир.

Саълабий — Муҳаммад бинни Абдул Воҳид бинни Абу Ҳошим Ба.додий Саълабий — 875 — 976 йилларда яшаб, ижод этган шоир ва олимдир. Унинг "Наводир" номли асари машҳурдир.

Унсурий — Абдул Қосим Ҳасан ибни Аҳмад Унсурий Балхий — 960 — 1040 йилларда яшаган шоир. У Султон Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуднинг саройида хизмат қилган ҳамда ўзининг ажойиб қасидалари билан донг таратган.

Фарёбий — Заҳридин Абул Фазл Тоҳир Муҳаммад Фарёбий — тахминан 1201 йилда вафот этган ажойиб шоирлардан бири.

Фаррухий — Абул Ҳасан Али ибни Жулуғ Фаррухий — олдий чўпондан чиққан шоир бўлиб, Султон Маҳмуд Ғазнавий саройининг безакларидан бири бўлган. У, айниқса, қасида жанрининг тараққиётига катта ҳисса қўшган ва ажойиб созавада сифатида ҳам донг таратган. У 1037 — 1038 йиллар орасида вафот этган.

Хаттоб — Умар ибни Хаттоб — Муҳаммад пайгамбарнинг (саллалоҳу алайҳа васаллам) иккинчи вориси, чаҳорёрларнинг иккинчиси. У 634 — 644 йилларда ҳукмронлик қилган.

Хоразмшоҳ — Султон Маҳмуд Хоразмшоҳ — 1200 — 1220 йилларда ҳукмронлик қилган.

Хоқоний — Афзалиддин Иброҳим Хоқоний Ширвоний — 1128 — 1198 йилларда яшаган машҳур шоир.

Шерозий — Шамсиддин Муҳаммад Шерозий — 1300 — 1389 йилларда яшаган шоир.

Шохруҳ — Шохруҳ бинни Темур — 1404 — йиллар орасида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган подшоҳ, Улугбекнинг отаси.

Шурайҳ — Қози Шурайҳ бинни Алҳорис — Куфа вилоятининг қозиси, 698 йилда вафот этган.

Яҳё — Яҳё ибни Холид ибни Бармоқ Аббосий вазирлар хонадонидан. Абу Жаъфар ал-Мансурнинг халифалик даври ва ўз отасининг ҳаётлигида Озарбайжон ҳокими бўлиб, халифа ал-Маҳдий замонида вазир бўлган. У 802 — 803 йилларда қамоқхонада ҳалок бўлади.

Қобус — Қобус ибни Вашмгир Шамсул Маоли Кайковус — 1021 — 1022 йилларда туғилиб, 1082 — 1083 йиллар, яъни 63 ёшида жаҳонга машҳур "Қобуснома"сини ёзган подшоҳдир.

Ғазнавий — Султон Маҳмуд Ғазнавий — 997 — 1030 йилларда Афғонистон, Хуросон ва Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган подшоҳ.

Ҳажжож — Ҳажжож бинни Юсуф — умавийлар халифалигига қарашли ҳокимлардан бири бўлиб, золимликда ном чиқарган ва 714 йил вафот этган.

Ҳорун — Ҳорун ар-Рашид — 786 — 809 йилларда ҳукмронлик қилган, аббосийлар сулоласининг бешинчи халифаси.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Адабий-бадиий нашр

Фахриддин Али Сафий

ЛАТОФАТНОМА

Мухарир З. Дўстматов
Рассом Н. Вьенконская
Расмлар муҳаррири А. Бобров
Техн. муҳаррир Т. Смирнова
Мусахҳиҳ Ш. Собирова

ИБ № 4958

Босишга 12.01.96. да рўқсат этилди. Бичими 84x108 1/32 2-нав босмахона қоғози. Адабий гарнитур. Юқори босма 10,08 шарли босма тобоқ 11,2 нашр босма тобоғи. Жами 10000 нуска буюртма. Баҳоси шартнома асосида 14-95 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002 Тошкент, Сағбон кўчаси, 1-берк кўча, 2-уй.

Сафий, Фахриддин Али.

Латофатнома: (Латойиф ут-тавойиф)/(Форсчадан Ҳож Сотимхон Хожа Инъом Мунаввар таржимаси). —Т.: Ғафу; Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 192 (

Фахриддин Али Сафийнинг мазкур китоби ўзбек тилида илк марта тўла чоп этилаётир. Шарқ халқлари ўртасида номи маълум ва машҳур бўлган шоирлар, олимлар, ҳукмдорлар ва шайхлар ҳаётига оид қизиқарли, қисқа ва лўнда ҳикоятлар — латифа оҳангидаги қатралар ўзбек китобхонларига мақбул ва ибрат бўлар, деган умиддамиз.

И(Форс).